

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева



УШБУ СОНДА:

НАСР

Неъмат АРСЛОН

АННАБЕЛ ВА АЗОЗИ



1535 йилда Аннабель ўлимга ҳукм қилинди. Қатлгоҳ томон сувдек оқиб келаётган оломон қизик бир томоша кўриш ва уйда қолган оила аъзолари-ю дўст-ёронларга бу ҳақда ҳикоя қилиб бериш илинжида. Бироқ майдондаги манзарага кўзи тушган кишиларнинг кўпчилигида аввал ўйлаганидан асар ҳам қолмади. Қатл майдончасида шу қадар гўзал бир хилқат турардики, унга бир бор кўзи тушган киши юзидаги ҳаяжон ифодасини яширолмай, тили ҳам калимага келмай ҳайрат мақомида туриб қоларди.

НАЗМ

Муҳаббат САФОЕВА



Жуда гўзал кулардинг, жуда,
Товушларинг капалакмиди?
Қулоғимга илиниб қолган,
Шивирларинг дил тилакмиди?

Жуда гўзал кулардинг, жуда,
Томиримда уйғоқ изтироб.
Такрор, такрор қайтаётирман,
Тушун, бошқа қилмайман сўроқ.

БМР ҲАЗАЛ ШАРҲИ

Манзар АБДУЛҲАЙР

"НАҲДИМ АНДОҚДОР ..."



*Меҳр юз кўрмай ўчашиди пардадин чиққач юзунг,
Олғали қўймас сариг юзин қора ердин уёт.*

Меҳр, яъни қуёш ҳали юзланмай туриб, яъни намоён бўлмасдан парда ортидаги юзунгни кўриши биланок ўчакишди-кўйди. Бу худди қуёш гўё касалманд юзини ердан кўтаролмаётганидан хижолат чекаётган тарзга менгаш эди.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

БАҲАН, ПЛАНИМАЙДИ БИЗНИ, ХИЁБОН

Болам,
Болажоним,
Сен-да билиб қўй,
Дилимда неки кир, елкамдан отдим,
Кўнгил ғашликларин ёқдим, йўқотдим.
Энди ҳар онимда яхшиликдаман.
Мен, бардошман, баркаш қуёшман,
Ҳа, эняпман уфқимга томон,
Эрта қайта отмоқ учун, ботаман!
Мен дунёда энг собир отаман,
Мен дунёда энг бобур отаман!



“ШАРҚ ЮЛДУЗИ” ЖУРНАЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Умид БЕКМУҲАММАД

МАЖИДИЙНИНГ МАШАҚҚАТЛИ УМР ИШИ

Раҳмат Мажидий 1932 йили “Ўзбек шўро адабиёти” (ҳозирги “Шарқ юлдузи”) журнаliga бош муҳаррир қилиб тайинланганда эндигина 26 ёшга кирган йигит эди. 1932–1935 йиллар давомидаги мазкур лавозимда фаолият юритаркан, журнал саҳифалари орқали Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Ғайратий каби ижодкорларнинг янги дoston ва шеърлари илк бор шу журналда дунё юзини кўрган.



ЁШЛАР ДАФТЛАРИ

Азиз НУР

ЮРАГИМГА ЯҚИНЛАШИБ ТУР

Бир куни чинорлар гуллайди вақтли,
Кўкка сингиб кетар адоқсиз туман.
Бугунга айланган эрталар ҳаққи,
Мен унда йиғлашни билмайман.
Худо ёрлақаган йўлларим бордир,
Бир кун парвоз қилар қанотсиз жуссам.
Мени кузакда ҳам топа олмайсан,
Сендан юз бураман азизим, ғусса?!





ШУКРУЛЛО

Меҳрингни ҳамиша ҳис қилганим он

Умрда нималар кечмайди

Умрда нималар кечмайди дўстим,
Одамлар ўзгарар, ўзгарар ҳаво.
Ўз-ўзича чора излайди ҳар ким,
Ўз-ўзича ҳар ким излайди даво.

Умид бу – бугунги экилган кўчат,
Умид бу – тоғларда ҳали ётган қор.
Эртага атрофда гуркирар кўкат,
Дарёлар ҳайқириб келади баҳор.

Тонгда куёш чиқар, аммо, начора,
Оқшомда қолмагай ҳатто зарраси.
Қилма, афсус билан қалбингни пора,
Умидлар қайтадан кўрмоқ чораси.

Дўстим, кўнгил узма, дунёдан бир дам,
Кимлардир қилсалар меҳрингни унут.
Унутмоқ бор жойда, ёмонликни ҳам
Унут бўлишини умид билан кут!

ШУКРУЛЛО – (1921–2020) Ўзбекистон халқ шоири. Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати. Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) битирган. Ижодкорнинг шеърӣй ва насрий тўпламлари нашр этилган.

Ойдин кечалар

Яна келиб баҳор шамоли
Тол баргагин сочдек тарайди.
Кўқдан бокқан ойнинг жамоли,
Ёшлик бўлиб менга қарайди.

Ишқ тунлари ҳали ёдимда,
Ёдимдадир чекканларим оҳ.
Сен ўшанда менинг ёнимда
Бўлар эдинг ҳамиша ҳамроҳ.

Қирғоқларда хаёлга ботиб,
Анҳорларга тўкилсам бир дам.
Гўёки сув париси бўлиб,
Сув тагидан боқардинг сен ҳам.

Ёрим тунда, ёнимга келиб
Меҳр билан тутса юзини.
Сен баргларга бир дам беркиниб,
Яшиардинг биздан юзингни.

Ой, ёшлигим гувоҳи эдинг,
Баҳор бўйи, асло, ботмасдинг.
Сен севгимнинг ҳамроҳи эдинг,
Мен ётмасам, сен ҳам ётмасдинг.

Назаримда, чиқардинг ҳар тун,
У кезлари ботмасдан сира.
У кечалар, ҳамон мен учун
Бўлиб қолган нурли хотира.

Суянчиқ

Хайт, деган туяга мадад дейдилар,
Қувват бўлар дейди, арғамчига қил.
Ёлғиз кезларимда ким далда бўлар,
Ким суянчиқ бўлар сенга, эй кўнгил?

Ёшлик чоғларимда сафарга чиқсам,
Мабодо қайгадир оқшом олсам йўл.
Қўлда чироқ тутиб ҳамиша отам,
Кузатиб қоларди силкитганча қўл.

Унинг далдасида қишлоқдан ўтиб,
Ортимга қайрилиб қараганим чоқ:
Менга мадад бўлиб, суянчиқ бўлиб,
Кўриниб турарди ҳамон у чироқ...

...Мана, ортда қолди ёшлик чоғларим,
Қирнинг ортидаги отам қабридек.
Аммо, юрагимни ёритар бир зум,
Ўша ёнган чироқ отам қалбидек.

Энди қайга бормай, қаерда бўлмай,
Кўз ўнгимдан кетмас ҳамон у чироқ.
Унинг шуъласида кундуз кунидай,
Яркираб кўринар мен ўсган қишлоқ.

Саҳрода адашсам, кўриниб турди,
Мен борман дегандек, чинор ҳам менга.
Денгизларда сузсам маёқдек бўлди,
Тонгда тандирлардан чиққан аланга.

Менга далда бўлиб, қиз қўшиғидек
Овоз бериб турди чулдираб сой ҳам.
Қаерда бўлмайин, отам руҳидек
Тепамда айланиб юарди ой ҳам...

...Қаерда бўлмайин тирик отамдек,
Меҳрингни ҳамиша ҳис қилганим он.
Эй, гўзал диёрим, бир гиёҳингдек,
Бўла олсам дейман, дардингга дармон.

Хазон фасли

Боғларга тўкилмиш қирмизи хазон,
Қошу киприкларга илашур мезон.
Япроқлар шитирлар, ёмғир шивирлар,
Шамол куй куйлаган хазон фасли бу.

Оламлар туғибди қайта дуварак,
Бир афсус чеккандек тебранар терак.
Кимдир ўз умрининг маҳсулидан шод,
Кимдир ўй ўйлаган хазон фасли бу.

Қиз-йигит ўтказар висол тўйини,
Турна куйлаб кетар ҳижрон кўйини.
Ҳижрону висолнинг бир поёни бор,
Боболар сўзлаган хазон фасли бу.

Чинорнинг тўкилди сўнгги япроғи,
Қиссанинг ёпилди гўё варағи.
Чинор мағрур боқар умридан мамнун,
Худди мен ўйлаган хазон фасли бу.

Бургут

Бургут кўкда парвоз қилар,
Чиқармасдан овозин.
Бургутлигин ҳамма билар,
Ҳавас қилар парвозин.

Аммо, хўроз минг қичқирсин,
Ўзин ҳеч ким кўрмайди.
Минг қичқирсин парвозда у,
Асло, бургут бўлмайди.

Мақсад

Нима чора, дўстим, ҳаёт ўзи шу,
Аччиқ-чучук барин бошдан кечирдик.
Дунёда инсофга келиш ҳам борку,
Энди бу ёғига недан чўчирдик.

Ёш бир жойга етди. Энди ёшлардан,
Гина қилмасак ҳам бўлади ахир.
Бизлар кечиргани ўз бошларидан,
Улар кечирганми?
Билмайди тақдир!

Шон-шуҳрат кайфини, мақтов лаззатин,
Ҳа-ҳа, тотиб кўрдик, тўймас экан кўз.
Топиб бўлармикин Навоий қадрин,
Ўзимизни қанча қилмайлик кўз-кўз?

Шон-шуҳрат ҳам топдик, хўш, ундан кейин,
Ундан кейин нелар умид қиламиз?
Бундан тўғри якун чиқармоқ қийин,
Балки, шунданмикин ожизлигимиз!

Нима ҳам дердим

Қўй, менинг дардимни сўрама, дўстим,
Бу дунё ҳақида нима ҳам дердим.
Нима демоқлигим ўзингга аён,
Ҳаққини айтмасдан қочасан қаён.

Аммо, ҳақни айтмоқ осонми, ахир,
Гоҳи келтирар у маломат, таҳқир,
Ҳамма зулмнинг ҳам оқибати бор,
Ёлғон мангу ғолиб бўмагай зинҳор.

Эзгулик қуёшдай барқарор бўлур,
Аммо, булутлар ҳам доим бор бўлур.
Ҳа, менинг дардимни сўрама, дўстим,
Бу дунё ҳақида нима ҳам дердим.

Менинг юлдузим

Сахрода ой ботар, сахро зим-зиё,
Юлдузлар ёпирилар осмонга бирдам.
Юлдуз оқ из солиб учади баъзан –
Биллур жомдан шароб тўкилди гўё.

Кимнинг насибаси тўкилди дейман,
Сўнди экан дейман, кимнинг юлдузи.
Кўкка тикилганча ўйга толаман,
Юлдузларга боқиб узилмас кўзим.

Кумуш камар каби баъзан ялт этиб,
Неча-неча юлдуз сўнади ҳар тун.
Афсоналар олар мени элителиб,
Қай юлдуз меники бўлиши мумкин.

Хаёл билан мудроқ босаркан мени,
Неча юлдуз сўнар, илғамас кўзим.
Булутларни ёриб, ёритиб тунни,
Розиман кўриниб сўнсанг юлдузим.

Кун ва тун

Олмани нуридан баҳраманд қилиб,
Қуёш уфқ ичра ботаркан бутун,
Аланга кетида қолган тутундек,
Гўзал ер жамолин қоплаб олар тун.

Аммо, мангу қолмас зулматда жаҳон,
Яна қуёш чиқар тун бағрин ёриб.
Худди яхшилигу ёмонликсимон
Жаҳонда иккиси юрар айланиб.

Тонг отар,
Кун ботар,
Кунларни санаб,
Умр ўтар экан алданиб.

Новеллалар



Неъмат АРСЛОН

ЁЗУВЧИ УЧУН АТИР

Чекка сочлари оқариб қолган Григоровичнинг қандай атир суртиб юрганлигини билмайман (қадимда атир суртиларди, ҳозирда пижиллатиб сепилади), аммо Бунин тасвирлаган шу ёзувчининг, яъни Григоровичнинг олдида ўтгим келади ва ундан анкиб турган ифорнинг қанақалигини билгим келади. Афсуски энди Бунин ҳам, Григорович ҳам, Жемчужников ҳам йўқ. Шунга қарамай, ўша даврга хос айрим ҳолатлару манзараларни тафаккур ёрдамида тасаввур қилиш мумкин.

Бизнинг болалигимиз ва ўсмирлик пайтимизда “Сирень”, “Ландиш” “Кармен” деган атирлар бўларди, ўсмирлик пайтимда биринчи марта “Қори наво” деган атирдан суртиб кўрганман. Австралияда чайлачи деган бир куш бор. Қанотли бу жонивор урғочисини жалб қилиш учун қарийб одам бўйи келадиган чайла қуради ва ўзи бунёд этган иншоотни турли-туман ялтироқ нарсалар билан безайди-да, чайла атрофидан айланиб қўшиқ куйлайди. Инсонга ҳам хос бундай бачкана ҳолат. Ясан-тусан қилсам унга яхши кўринаман деб ўйлайди севган қизининг олдига бораётган йигит. Садафни узоқдан бўлса ҳам бир кўриш ниятида йўлга тушарканман, икки кун аввал кишлоқ дўконидан сотиб олган атиримдан сепиб олдим. Китоб жавонимнинг орқасида яширин сақлардим уни. Жуда ўткир эди “Қори наво”нинг ҳиди. Атир бўйини шамол олиб кетмасин деб пана-пастқам йўлдан борардим. Кистамда носкашларнинг носқовоғидай дўмпайиб турибди дағал шиша идиш. Унинг сиртида рақс тушаётган аёл сурати бор. Ярим йўлга етгач яна бироз сепиб олсаммикин деган хаёлга бордим. Чўнтакдан учбурчак шаклидаги шишани оларканман, унга ёпиштирилган расмга яна бир қарра қарардим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам рақс тушаётган аёл суврати... аёлларники эмасмикин бу одекалон деган шубҳа оралади кўнглимга. Йўл бўйида кимдир кўринди ва катта ёшли бир

Неъмат АРСЛОН – 1941 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. “Олдинда яна бир тун бор”, “Аёл суратида чизгилар”, “Бигиз” номли китоблари чоп этилган. “Изтироб фарзанди”, “Адам водийси” қиссалари, “Мавҳумот”, “Савти сарвиноз” романлари муаллифи.

киши мен томон келаверди. Девор тагига томон тикилиб бордим. Ёнимдан ўтаётиб бурнини жийирди ҳалиги одам, “Такадай сасибсан.” деди, мендан ҳазар қилгандай ўзини нарироқ олиб. Уялиб кетдим. Аммо атир хидига бўлган ўчлигим босилмади. Бирор нарса ёзишга ўтирсам, ҳозир ҳам албатта юзимга атир пуркайман.

Жонзотларга хид билиш хусусиятини ато этаркан, бу ноёб ҳиссиётнинг бошқа барча сезгилардан ва ҳаттоки кўришдан, таъм билишдан ва эшитишдан ҳам аъло даражада бўлишини таъминлаган табиат. Бошқа ҳар қандай сезги миядаги: таламус, хипоталамус, стреатум каби марказлардан ўтади, аксонлар ва дендритларнинг кўлига тушиб турли ўзгаришларга учрайди, буйруқлар макони бўлган бош мия пўстига етиб боргунга қадар неча марта ўлиб тирилади, Тадқиқотчи олимларнинг айтишича, биз кўз билан кўриб турган нарсалар аслида кўринганидай эмас, бутунлай бошқача эмиш, фақат хид билишгина бундан мустасно, мия пўстлогига тўғридан-тўғри, яъни бевосита, ҳеч қандай ўзгаришга учрамасдан етиб боради.

Атирга ўчлик менинг жиддий нуқсоним. Шундайлигини биламан ва имкони борича атир харид қилмасликка интиламан. Атирга бўлган тийиксиз интилишни жоловлаш учун шундай қиламан. Бахтга қарши йўлда бир қанча атир-упа дўконлари бор. Чилонзордан Фарҳод бозоригача ва бозордан метрогача пиёда бораман. Йўлда бир аёл атир сотиб ўтиради. Яхши хушбўй атирлари бор унинг. “Смокинг”, “Шанель” “Матфикс ман” ва ҳоказо. Ҳар доим унинг ёнидан ўтаркаман, кўк, яшил ёки заъфарон рангли суюқлик тўлдирилган турли шаклдаги шишачаларга қарайман, сўнгра улардан бирини қўлга олиб қопқоқчасидан сал куйироққа, шишачанинг бўйнига бурнимни маҳкам босиб хидлайман. Менинг ҳаракатларимни кузатиб туради албатта сотувчи аёл. “Олинг” дейди. Атир нархи қиммат, хиди менга ёқса-да, пулни ўйлайман. Сирасини айтганда, дўконлардагидан арзон унинг атирлари, йигирма беш мингдан зиёд эмас, худди шундай атир дўкондарда анчагина қиммат туради. Ҳатто юз минг сўмлик, икки юз ва ҳатто уч юз минг сўмлик атирлар ҳам бор. Бир дўстимнинг айтишича, “Клив Христиан № 1” деган атир 2.350 доллар турармиш. Менга “Suave” ҳам бўлаверади. Кўкимтир шишачали, қопқоғи савсани бу атирнинг хиди менга жуда ёқади. Албатта, масалан, “Смокинг” даражасида эмас, шундай бўлса ҳам жуда олгим келарди уни ... Гуё “Қишлоқ” романининг муаллифи Григорович ана шу атирдан суртиб юрадигандай. Дарвоқе, ўз даврида анчайин ном қозонган, ва ҳатто ана шу романи билан Белинскийнинг назарига тушган эди бу ёзувчи. Унинг олдига бориш, унга яқинроқдан қараш ва ундан таралаётган ифдордан хидлаш... узун бўйли, жуда тоза ва ёқимли кийинган кишига ҳадиксираганча қараб турар, мириқиб атир хидларди Бунин, аммо нафас олаётганини, ҳаводан атир хидини ўғирлаётганини Григоровичдан, яъни атир эгасидан пинҳон тутарди. Адабиёт майдонида ҳали ном қозониб улгурмаган, образли қилиб айтганда, эндигина тетапоя бўла бошлаган журъатсиз ва хуркак ёзувчи учун табиий ҳол эди албатта бу. Французча тарбия кўрган Григорович эса парфюмерияга эътиборсиз эмасди. Ва Никольский кўчасида очилган номдор атир-упа магазини олдида вақт-бевақт учратиб қолиш мумкин эди уни. Нафақат Григорович ёки Жемчужников, балки ўзига қараб юрадиган барча эркакларнинг диққатини тортарди бу дўкон. Хусусан, “Шанель №5” одекалонидан суртиб хонимларнинг ёнидан ўтиш олифта эркакларнинг орзуси эди. Брокер кашф этган “Цветочный” деган афсонавий атир ҳам сотиларди бу ерда.

...Ўзимни чалғитишга ва Григорович билан Буниннинг учрашувини бирон

бир машҳур ўзувчининг хонадонида ташкил этишга қай даражада уринмай, кўз олдимда энг қимматбаҳо ифорли атирлар билан савдо қиладиган ўша дўкон ва унинг пештахтаси олдида турган Григорович ва узоқроқдан уни кузатиб турган Бунин кўринаверарди. Афсуски, мутлақо хато эди менинг бу тасаввурим: биринчидан, турли ҳидлар анкиб турган атир-упа дўконининг ичида Григоровичдан таралаётган ифорни пайқамасди, иккинчидан, кўл учида кун кўраётган Бунин қимматбаҳо атирлар билан савдо қиладиган бундай дўконларга беҳудага кирмасди деб ўйлайман. Уларнинг учрашуви ҳақиқатан ҳам Бунин хотини Варвара Пашенкодан ажрашгандан кейин, Москвада рўй берган экан. Аммо Бунин атир билан боғлиқ ҳолатни анча кейинга сурган. “Ой чикди ложувард ой ёнидан” деган мақоласида Григоровичнинг ўлимидан биров олдинги ҳолатни беради. Демак, 1899 йил куз фаслида бўлган эди бу учрашув. Орадан кўп ўтмай, ўша йилнинг 22 декабрида Григорович вафот этди.

...Ана шу манзара бор тиниклиги ва тафсилотлари билан кўз ўнгимни қоплаб оларкан, атир шишасини эҳтиёткорлик билан ушлаб турган ҳолатда, юзимга ёқимли тус бериб сотувчи аёлдан сўрадим:

- Қанча дейсиз?
- Йигирма беш.
- Йигирма бераман.
- Нималар деяпсиз, ахир бу “Suave”!

Яна шишача бўғзини бурнимга тақаб ҳидлайман. Ва қайтариб жойига қўяман.

– Ёқмадимми?

– Менга Григорович суртадиганидан топиб беринг, оламан, – дейман атайлаб, сотувчини гангитиб ташлаш ва шу йўл билан, ҳам ўзимни бу соҳада саводсиз эмаслигимни кўрсатиш, ҳам хасислик қиляётганимни хаспўшлаш мақсадида.

Юзини тескари ўгиради сотувчи ва мен узоқлашаман унинг олдидан. Кистамдаги пул атир олишга етади албатта, аммо ўйловим кўп, рўзгор, дори-дармон ва кутилмаган бошқа харажатлар. Ҳаммасидан кўпроқ ўйловга соладигани коммунал тўловлар, кам эмас, ўн икки хил тўлов...

Қандайдир тетиклик бағишлайди менга хушбўй атир. Кейинги йилларда сотилаётган фаранг одекалонларида атиргул ҳидидан тортиб каппарис спиноза гулининг ҳидигача бор ва улар ниҳоятда дилтортар. Каппарис спиноза оқ гуллайди, лотинча номдаги бу ўсимликни биз оддийгина қилиб ковул деймиз. Бу антиқа ўсимликнинг гули бутун бошли мўъжиза ва унда танноз аёлларга хос нимадир бор. Гулининг ҳиди жуда нафис, жуда ёқимли – қандайдир хаёлчан ва романтик ифор. Албатта, масалан илиқликни эслатувчи ҳидларни ёки карамель ҳидига монанд одекалонларни ёқтирадиган кишиларга ковул гули таратадиган ҳид ёқмаслиги мумкин. Буниннинг ёзишига караганда, Григоровичдан анкиб турадиган атир жуда хушбўй бўлишига шубҳам йўқ. Нега Григорович ёки Жемчужников деган рус ўзувчилари шундай атирлар сепиб юришади-ю, мен бундай қилолмайман, ахир мен ҳам ўзувчиман. “Мавҳумот” деб номланган романимнинг ўзи агар чет тилларга таржима қилинса, долларнинг тагида қолиб кетишимга шубҳам йўқ. Чунки унда эфтоназия тасвирланган. Романнинг учинчи китоби шу ном билан аталади. Агар янглишмасам, ўлим салтанатига хизмат қилувчилар тўғрисида ёзилган биринчи роман бу. Эфтоназия, яъни хузурбахш ўлим деб номланган корхона ҳозирча фақат Недрландияда, Австралиянинг қайсидир бир шимолий минтақасида ва яна бир-

иккитагина давлатда мавжуд. “Адам водийси” ҳам ундан қолишмайди. Аммо мени юксакликка кўтарадигани – новеллаларим. Майли, бу тўғрида гапирадиган бўлсам, мени нотўғри тушунишлари ва мактанчоққа чиқариб қўйишлари турган гап. Лекин Бунин мени тушуниши мумкин эди, чунки иккаламиз ҳам Григоровичнинг ва Жемчужниковнинг атирига мафтунмиз. Мени безовта қилаётган ва атир олишга ундаётган куч Буниннинг бир мақоласи бўлди.

Ёзнинг жазирама кунларидан бирида айвончада ўтириб олиб, қайноқ чой хўшлардим ва “Китоб дунёси” газетасини варақлардим. Ногоҳ атиргга ишқибоз Буниннинг “Ой чикди ложувард ой ёнидан” деган мақоласига кўзим тушди, (юқорида айтиб ўтгандим). Азбаройи Нобель совриндори бўлганлигини ҳисобга олиб мақолага кўз югуртирдим ва мана бу сатрлар эътиборимни тортди: “Бир маҳал шундоққина ёнимдан бурнимга ёқимли одеколон ифори урилди, бошимни кўтарсам, не кўз билан кўрайки, Григорович! Бу учрашув унинг ўлимидан бироз олдинроқ содир бўлганди, анчагина қартайиб қолганди. Лекин худди ўзидан келиб турган ифор каби тоза ва тетик эди”. Атир ҳидидаги тозалик ва тетиклик... албатта жуда қизиқ бу, “ифор” ҳам оддий таъриф эмас. Шу сўзларни ўқидиму, дарҳол ўрнимдан туриб Фарҳод бозори сари йўл олдим. Энди атиргга икки баробар қиммат баҳо қўйса ҳам оламан деган қарор дилимда қатъий. “Олурман икки жаҳон мулкига баҳо қўйсанг” деган мисра майин куйга қоришиб бош чаноғим ичида ковоқ аридай ғунғиллаб айланади. Хаёлимнинг чуқур бир жойида эса “Қори наво”дан сепиб Садафнинг олдида борган ҳолатим.

...Биз учрашдик. Бадавлат оиладан эди қиз. Қайрағоч дарахти тагига қўйилган ёғоч ўриндиқ олдида борарканмиз, атайлаб шамол эсаётган тарафда ўтирдим. Енгилгина шабада “Қори наво”ни менинг қизил алвон қўйлагимдан супуриб олиб қизнинг нозиккина бурунчасига урарди. Бир пайт қарасам, оғзидан нафас оляпти Садаф. Баъзан йўл бўйида ўлиб қолган мушук ёки бошқа бир жонивор олдида ўтаётди мен ҳам анча жойгача оғзимдан нафас олганча, қадамларимни тезлатиб бадбўй хидни шу йўл билан бартараф этардим. Садафга қараб ҳаммасини тушундим. Аммо қиз ҳолатини ошкор этмади, кўп андишали эдилар-да, бизнинг ёшлик давримизнинг қизлари. Хуллас, шундан кейин биз узоқ вақт учрашмадик. Уялиб юрдим. Ўта ноқулай-да бундай ҳолатлар. “Дид тўғрисида баҳслашмайдилар” дейдилар руслар, шундай бўлса ҳам... Тўғрироғи, бу бир тарафлама фикр. Ҳар қандай таёкнинг икки учи бор. Григорович билан Жемчужниковнинг тоза ва тетик атири Бунинга ёқди, балки бошқа бировга ёқмаслиги ҳам мумкин эди, аммо бу ерда бошқа бир жиҳат ҳам бор. Бунин ёзувчи бўлишни орзу қилиб юрган даврларда Григорович ёки Жемчужников каби улуғлар билан учрашиш катта бахт эди ва бундай бахтга мушарраф бўлган тетапоя ёзувчи учун улардан уфириб турган ифор ҳам улуғ эди ва кўп нарсани белгиларди.

...Хуллас, шошқин қадамлар билан Фарҳод бозори томон йўл олдим. “Э, Худо, атир сотувчи бугун ҳам савдога чиққан бўлсин, ўша атирни сотиб юбормаган бўлсин”, деган “дуо”ларни такрорлаганча борардим. Ўз жойида эди сотувчи аёл, мени кўрди, таниди ва юзини четга бўрди. Атирни олдим-да, йигирма беш минг сўм узатдим. Қошларини кериб қаради аёл ва: “Suave”нинг нархи юз минг сўм”, деди жиддий қиёфада. Иккиланмадим, чўнтагимдан бор пулимни олдим ва санаб юз минг узатдим. Узун бўйли, тоза кийинган ва хушбўй ифор анқиб турган Григоровичга ёки тозалигу тетикликда ундан қолишмайдиган шоир Жемчужниковга ўхшашни

жуда истардим шу лаҳзада. Жуда кўп манзаралар, ҳолатлару орзу умидлар, ўтмиш салафларимизнинг ҳаёт тарзини қумсаш ва яна нималардир мужассам эди бу истакда. Ажабланиб қаради аёл ва йигирма беш минг олиб, қолганини қайтарди.

Уйга келишим билан ёзув столига ўтирдим. Шишачани қўлга олдим. Нақ бурнимга қаратиб унинг қорагина қалпоқчасини босдим. Пижиллаган товуш ва зарраларга тўйинган салқин ҳаводан энтикиб-энтикиб нафас олдим, “Suave”нинг дилрабо ифори! Бунин таърифлаганидай тоза ва тетик ифор! Кўзларимни юмиб чуқур нафас олдим, яна “пижиллатдим” ва ушбу новеллани ёзишга жўр’ат этдим. Ёзувчи учун атир қанчалар катта куч эканлигини ҳис этиб турардим. Балки “катта куч” демай бошқачароқ ифодалашим керакдир... Айтмоқчиманки, кишининг тетик юриши ва ўзини яхши ҳис этиши учун ва ҳаттоки ана шундай кайфият таъсирида бадий асарнинг дунёга келиши учун нафақат хушбўй ифор, баъзан оддийгина нарсалар ҳам, айтишлик, ботинкангизнинг ечилиб кетган боғичи ҳам, ёки чўнтагингизда дастрўмолчангизнинг йўқлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бас, шундай экан, Григорович билан Жемчужниковнинг тетиклиги яхши одекалоннинг хизмати эди десам мени маломат қилманг, бу бир лаҳзалик онгостида яшириниб қолган ўйнинг ёки фикр моддасининг хизмати, албатта. Ана шу хизмат, яъни онг остидаги фикр моддаси қутқуси билан ўз-ўзимдан сўрайман: Григорович ва Жемчужниковдан таралган ифори хидлаган Буниннинг улуг ёзувчи бўлиб шаклланиши ва ҳаттоки Нобель мукофотини олишига ўша ифор сабабчи бўлмадимикин? (Ҳеч кимдан жавоб талаб қилмайди бу реторик савол). Бари бир мен ўз фикримга томон ён босаман. Ҳамма нарса, барча разиллик ва барча буюклик, дунёдаги бор кашфиёт миянинг иши. Неки қилсак, ҳиссиётлар таъсирида, уларнинг қутқуси билан қиламиз. Хид билиш эса табиат ардоқлаган энг ноёб ҳиссиёт. Григорович тўғрисида гапираркан: ” Бурнимга ёқимли одекалон ифори урилди”, дейди Бунин. Энг аввало шунга урғу беради. Модомики шундай экан, мenden таралаётган “Suave” ифорини ким пайқаркин, ким бош кўтариб кўраркин мени, балки бош кўтариб эмас, юқоридан пастга томон қараб кўришар, ва ниҳоят, қаерларгача олиб бораркин мени бу ифор?...

АННАБЕЛЬ ВА АЗОЗИЛ

1535 йилда Аннабель ўлимга ҳукм қилинди. Қатлгоҳ томон сувдек оқиб келаётган оломон қизиқ бир томоша кўриш ва уйда қолган оила аъзолари-ю дўст-ёронларга бу ҳақда ҳикоя қилиб бериш илинжида. Бироқ майдондаги манзарага кўзи тушган кишиларнинг кўпчилигида аввал ўйлаганидан асар ҳам қолмади. Қатл майдончасида шу қадар гўзал бир хилқат турардики, унга бир бор кўзи тушган киши юзидаги ҳаяжон ифодасини яширолмай, тили ҳам калимага келмай хайрат мақомида туриб қоларди.

Зийрак кўзлари билан атрофни куршаб олган олақуроқ оломонга қаради Аннабель. Улар орасида қора ридо кийган кишилар ҳам бор. Юз ифодалари ғоят жиддий, басавлат бу одамлар кимнингдир келишини кутиб тараддудланишмоқда. Ниҳоят кутилган киши – черковнинг бош руҳонийси оломон орасини ёриб, майдонга кириб келди. Жамоа уни эҳтиром билан кутиб олиб, алоҳида жой кўрсатди. Бош руҳоний қатлгоҳга бир қараб олиб, ўнг қўлини, юқорига кўтарди. “Тинчланинглар” деган бу ишора ўз ҳукмини ўтказди.

Гала-говур босилди. Хукми ўқийтган кишининг овози томошатаблар шуурида турли хил таъсир ўтказиб оғир бир руҳий вазият зухур этди. Аннабель ҳам ҳушёр тортиб чиройли бўйнини бироз пастга эгиб, узун киприкларини ерга қадамоқчи бўлгандек қотиб турарди. Афтидан у қандайдир даҳшатли ҳодиса юз беришини англади, аммо бу даҳшат нимадан иборатлигини, ва у қай йўсинда зухур этишини тушунмасди.

Хукм ўқийтган кишининг овози тинди. Қўлларида машъала ушлаб турган кишилар бош руҳонийнинг имоси билан қатл майдончасига яқинлашиб келишди ва машъалаларни Аннабелнинг оёқлари остига ташлаб ортга чекинишди. Аланга ичида қолган жонивор жон аччиғида кишнаб юборди. Атрофни қуршаб турган оломонга илтижо билан қараб улар томон талпинди. Аммо ҳеч ким уни қутқозишга шошилмади. Руҳонийлар берган фатво таъсирида эди одамлар. Даҳшатли тиллари билан ўз ўлжасини ямлаб ола бошлади олов. Занжирлар жаранглаб садо берди, тутун ва аланга осмонга ўрлади, Аннабелнинг кўкимтир тани ва баданидаги юлдузлардек чакноқ оқ холлари оловда қовжираб буришаётганини, унинг ёллари олов ҳилида осмонга томон шовуллаб кўтарилаётганини кўриб туришди одамлар. Уларнинг нигоҳларида ўқинч ва даҳшат акс этди, аммо ўша даврда Европа мамлакатларида черковнинг таъсири жуда кучли эди. Ҳеч ким, ҳатто энг инсонпарвар кишилар ҳам француз руҳонийлари томонидан чиқарилган бу ҳукмга қаршилик қилолмади. Одамлардан нажот йўқлигини кўрган Аннабель кишанларини узишга интилиб осмонга сакради, афсуски оёқлари ердан узилмади, оғир ғўлалар занжирбанд қилиб ташланган эди унинг тўпиқларига. Аланга ортидаги кишиларнинг қиёфалари ўзгариб, юзлари ҳар томонга қийшайиб, гавдалари шамолда тебранётган майсадек титраётганини кўрди Аннабель, зеро, ҳали унинг зийрак кўзларини маҳв этишга улгурмаганди олов. Отнинг қора чўғларида қора ридо кийган кишилар ҳам аланга ичида қолган ҳолатда акс этди ва у бутун борлик: одамлар ҳам, ибодатхоналар ҳам, еру осмон ҳам ёнмоқда деб тушунди. Шунда жамики отлар қавмини бундай хавфдан огоҳ этмоқчи бўлди, Аннабель бурун қарраклари керилиб, лаблари каттиқ титраб жон аччиғида сўнгги бор кишнади. Отнинг жарангдор овози гўё бутун рубъи маскун бўйлаб таралди. Бу пайтда унинг самовий рангдаги тани бутунлай ўт ичида қолганди. Унинг танидаги юлдузлар қовжираб қуришиб-буришиб борарди. Оломон оғир сукутда. Фақат бир жаноб ёнидаги хонимга қараб: “Агар Аннабель от бўлиб эмас, аёл бўлиб туғилганда бутун дунё эркакларини тиз чўқтирган бўларди”, деди. Жаноб шундай қайғули вазиятда ҳам фарангларга хос ҳазил қилмоқчи бўлди-ю, улдасидан чиқмади. Унинг оғзидан чиқаётган сўзлар ўқинчли оҳангларга қоришиб кетди.

2

Ичига шайтон кириб олган деб руҳонийлар томонидан Аннабелнинг ўтда қуйдирилиши жанг майдонларида ҳалок бўлган отлар фожиясига ўхшамас ва бу аламли воқеа йиллар ўтган сайин руҳларни безовта қилиб тобора янгилиниб ва қучайиб борарди. Бунинг устига бир шоирнинг:

*Отлар вафо даштидан ўт емади,
Итлар вафо даргоҳидан кетмади...*

деган мисраларни битиши инсонга садоқат билан хизмат қилиб келаётган бу ақлли жониворлар учун ғазабнок чавандознинг қўлидаги қамчи зарбидек аччиқ ботди. Хожасининг изми билан шамолдек елиб жанг майдонига кирган, душман найзасидан, ўқидан, қилич зарбидан ҳалок бўлган отлар наҳотки итчалик қадр топмаса? “Биз сувсиз саҳроларда, чўлу биёбонларда, тоғу тошларда ўз соҳибимизга садоқат кўрсатиб хизматда бўлдик. Кўпкари-ю пойғаларда қанот боғлаб учиб соҳибимизга шон-шуҳрат келтирдик, бу вафодорлик эмасми? Мамлакат тақдирига дахлдор хабарларни яшин тезлигида етказдек, бундай пайтларда жонимиздан ҳам кечдик, лекин хожамиз хизматида бўйин товламадик. Юк ташидик, арава тортдик, жувоз айлантирдик, ҳаттоки ёш соҳибимизнинг севги можароларига шерик бўлдик. Нозанинларнинг нозик бармоқлари ёлларимизни силаганда севишган юракларга омад тиладик”.

Ана шундай аламнок туйғулар билан отлар подшоси Буроққа мурожаат қилган жониворлар ундан ижобий жавоб олдилар ва бир жойда тўпланиб Аннабель фожиасини муҳокама қилишга қарор қилдилар. Ана шу мақсадда қуйидагича рўйхат тузилди:

1. Буроқ – “Меърож” кечаси пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни Арши аълога олиб чиққан от.
2. Контхаке – Будда минган от.
3. Кўкўғлон – Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг оти.
4. Бойчибор – Алпомишнинг оти.
5. Букефал – Жаҳоннинг фотиҳи Александр Македонскийнинг оти.
6. Ксанф – Гомер дostonларидаги машҳур паҳлавон Ахиллиснинг оти.
7. Рахш – Рустами дostonнинг оти.
8. Дилер – улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой минган от.
9. Темпи – Америка ёзувчиси, Нобель мукофоти соҳиби Фолкнернинг оти.
10. Пегас – илҳом парисининг оти.
11. Наххама – дарбадар шоир Сулах ибн Сулайхнинг оти.
12. Дулдул – ҳазрати Алига тортиқ этилган учар от.
13. Ғиркўк – Гўрўғлининг сеvimли оти.
14. Дунан – ўзбек халқ дostonларидаги от.
15. Россинант – ғамгин киёфали рицарь Дон Кихот Ламанчскийнинг оти.
16. Болевар – О. Генре қаҳрамонларининг оти.
17. Яхмум – чавандозлар кушандаси деб ном олган от. У шоҳ Нўъмон ал Мунзирга тегишли бўлган.

Машҳур шахсларга тегишли номдор тулпорлар жуда кўп эди, аммо отлар подшоси Буроқ кенгашиб олиш учун рўйхатда кўрсатилганларнинг ўзи етарли деб ҳисоблади. Мезбонлик қилиш Букефал зиммасига юклатилди. Чунки учрашув манзили учун барча отларга маълум бўлган Юнонистондаги Авгий отхонаси танланган эди. Инсоният тарихида: патрот топган, қаровсиз ва кўримсиз деган маънони англатувчи мазкур отхона Кўкўғлонга ёкмади. Натижада бу борада мунозара бошланиб ҳар ким ўз фикрини айтди. Жумладан, отлар номи билан боғлиқ бўлган Хоразмдаги Ҳазорасп, Қашқадарё вилоятида жойлашган Отяйлов, Аспижаллоб, Аспдухтар деган жой номлари тилга олиниб таъриф ва тавсиф қилинди. Уч бора қуръа ташланди ва ҳар сафар Аспдухтар кишлоғининг номи қайта-қайта чиқаверди. Қанотли тулпорлар ана шу масканга тўпланишга қарор қилдилар.

Аспдухтар. 22 декабрь. Кеч соат 9. Анжуманга чорланган отларнинг асосий қисми белгиланган муддатда мажлисгоҳга етиб келган бўлиб, отлар подшоси Буроқнинг ташрифини кутишар ва жониворлар орасида энг “сўзамоли” бўлган Наххаманинг ривоятларига қулоқ тутиб турардилар. Наххама ўз хожасидан умр бўйи ғазал тинглайвериб, фикрини шеърий усулда баён этишга одатланган, насрни назарига илмас ва бу усулда сўз айтганларга шубҳа билан менсимайроқ қарарди. “Шеър мулкида танҳо эди менинг тўрам” деб бошлади у гапни ва шундай давом этди:

*Илҳом келса унутарди таомни ҳам,
Чавандознинг остидаги тулпор мисол.
Ўйнаб-ўйнаб шеър тўқарди йўрга қалам,
Ҳайё-ҳайт деб чўлу саҳро кезар эдик.
Адам мулки ичра бўлиб собитқадам,
Ўтрик деманг, тан олади буни Пегас,
Биргаликда кавшаганмиз неча бор хас.*

Ўз номини эшитган Пегас яқинроқ келиб Наххамага зеҳн солди. Иккиланиброк бўлса ҳам унинг сўзини маъқуллади. “Ҳа, дунё шоирларининг севгилиси бўлмиш менинг фариштам бу тулпорнинг хожаси билан гоҳ-гоҳ мулоқотда бўларди. Бир сафар Сулах ибн Сулайх Саҳройи Кабирни кезиб юриб бир шеър ўқиганди. Агар янглишмасам, саҳрони Наххаманинг сағрисиға, “Қулқудум” булогини унинг кўзига, Наххаманинг ёлини шамолда тебранаётган саксовулга ўхшатган эди.

– Менинг ҳақимда кўплаб ғазаллару қасидалар битилган, – деди Пегаснинг таърифидан руҳланган Наххама, – отлар таърифини беришда тенгсиз шоир Абу Дуад билан Ал Уманийнинг барча ғазалларида фақат мен тилга олинганга ўхшайман...

Қаттиқ пишқириқдан Наххаманинг сўзи бўлинди. Ҳамма ўтрилиб чавандозлар кушандаси Яхмумга қаради. Унинг вазоҳати Наххамани сескантириб юборди. Яхмум қулоқларини дикрайтириб ёлини силкитди. Думи таралиб кўзлари ола-кула бўлди:

– Бунча лоф урмасанг, Наххама! – гулдиради у ер тепиниб, – ўша мактаган хожанг отга миномас эди. Хаёли фақат туроқ ва қофияда бўлиб сени ҳам унутарди. Оч қолардинг, ўз касби билан рўзгор тебрата олмаган одам отини қандай боқсин!? Унинг ҳатто тайинли макони ҳам бўлмаган. Шунинг учун ҳам юксакликнинг отаси деб ном олган шоир Ал Маарий хожангни дарбадар шоир деб атаган. Тўғриси айтсам, хожанг қоқсуяк бир жонзот бўлганлиги ҳаммага маълум. Менга ўхшаган тулпорларнинг яқинига йўл олмасди. Мен ҳар чавандозларни ерпарчин қилганманки...

– Ўзинг тилга олган ўша улуг шоир сен тўғрингда қандай фикрда бўлган? – аламига чидолмай нидо қилди Наххама. – Агар унутган бўлсанг эшит. Лекин мен

бу гапни назмга ўгиролмайман, чунки уни Абу аъло ал Маарий насрда айтганлар, қисқаси сенинг золим соҳибинг Нуъмон ибн ал Мунзир хотини Мутажарридни рашк қилиб, ўша аёлни севиб қолган Жаъламани сенинг устингга миндирган ва қолган ишни сен бажаргансан.

– Ҳар қандай от ўз хожасининг амрига бўйсунди, – пишқириб қўйди Яхмум.

Айтишувни тинглаб турган отлар бош силкиб қўйишди. “Чавандозлар кушандаси” деб заҳарханда қилишдан ўзини тиёлмади Наххама. Бу пайтда Дулдул, Фирқўк, Дунан ва Бойчибор алоҳида гуруҳ бўлишиб, ўз бошларидан ўтган саргузаштларни эслашарди. Бу даврада Бойчибор кўпроқ тилга олинди. Унинг туёғига ғаюрлар томонидан қоқилган мих азоб беришига қарамасдан алплар пойгасида Алпомишнинг ғолиб бўлгани тўғрисида гап борди. Бекамнинг ҳайда-ё ҳайда тўрамнинг оти деб қилган таваллоси куч берди ўшанда деб маҳзун тортиб қолди Бойчибор.

5

Сухбатнинг бундай тус олиши Букефалга ёқмади. Назарида Наххаманинг соҳибни Сулах ибн Сулайхдек дарбадар бир шоир ҳақида гап-сўз қилиб ўтириш ёки шунча улуғлар турганда шоҳ Нўмонни тилга олиш катта мақсад йўлида уюштирилган йиғиннинг нуфузига тўғри келмасди. Дунёнинг улуғ фотиҳи Александр Македонский турганда... Букефал фикрини давом эттиришдан ўзини аранг тийиб қолди. Ҳатто ҳаёлан бўлса ҳам ўз меҳмонларини камситишни истамасди. Тош йўлда “ширқ- ширқ” этиб битта-битта босилаётган қадам товушлари тортишувга нуқта қўйди. Тўпиғи ингичка, пойчалари узун, сағриси чўккан бир жонзот кўринди. Узун ёғоч найза, эски челақдан бузиб ясалган совут, катта мис чойдишга ўхшаган дубулға юкланган эди унинг устига.

Яхмум қаттиқ кишнаб юборди. Наххама “фирқ-фирқ” этиб ўзича кулди.

Аммо қовурғалари саналиб турган бу жониворни таниган Букефал олдинги оёғини тўпиғидан букиб ерни аста-аста, худди силагандай уриб бош эгиб, узун ва чиройли бўйинини гажак қилганча турарди. Улар тумшукларини бир-бирига теккизганча “ўпишиб” кўришдилар. Меҳмон ўзини таништирди. Европа одати шуни талаб қиларди.

– Мен Россинантман. Ламанчлик ғамгин қиёфади рицарь Дон Кихот ҳазратларининг отиман. Ул ҳазратнинг инсоният бахти йўлида олиб борган жангу жадаллари ҳақида эшитгансиз, албатта.

– Худди шундай. Биз қайси юртда ва қайси замонда яшамайлик, ўз қавмларимиз ва уларнинг соҳиблари тўғрисидаги барча воқеалардан воқифмиз. Марҳамат, ўзингиз учун ажратилган охур олдиға ўтинг, – мулозамат қилди мезбон.

– Оламда бойлик васвасаси! – деган қичкириқдан ҳамма хушёр тортди. – Бу йўлда қотилликлар, талончиликлар беҳисоб. Одам одамни талайди! Қичкираётган америкалик талончиларнинг оти Болевар эди. У дарвоза олдида тўхтаб, ичкарига киришдан аввал қаттиқ силкиниб олди. Атрофга тер томчилари сачради. Жаранг-журинг қилган овозлар эшитилди. Унинг эгари қошига четлари букланган самбреро, бир халта олтин танга, дўли узун қора маузер илинганди. Мезбон уни ҳам тавозе билан қарши олиб, белгиланган охур томон йўналтирди.

“Мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади” бу гапни ким айтган, қандай мақсадда айтган, тасодифан оғиздан чиққанми ёки кузатувлар натижасими бу, нима бўлганда ҳам унда бир заррагина ҳақиқат бор, – ҳаёлидан ўтказди Букефал. Ҳар бир от йиллар давомида ўз соҳибидан нимадир олади ва пировард натижада унга ўхшаб қолади. Соҳибининг хулқ-атвориға кўникади. Нима мақсадда узангига оёк кўяётганини тушунади”.

Ногоҳ гулдурос садолардан ер вужудида титроқлар туриб, отхонанинг деворлари силкиниб, дарвозалар ўз-ўзидан шарақлаб очилиб Кўкўғлон кириб келди. Ложувард шуълалар ўйнади унинг сағрисида. Мажлисгоҳда ҳозир бўлган тулпорлар хушёр тортдилар. Кўкўғлоннинг истикболиға чиққан Букефал уни ўзидан қарийб бир қарич баландлигини кўрди. Сийнаси кенг, ёлини ерга солса бир эмас, етти суворийға тўшак бўлади.

“Рости-русти” деган садо янгради. Буюк Соҳибқироннинг шиори курраи заминни тўлдириб жаранлагандек бўлди. Узоқ бош силкиди Букефал. Ерга чўккаламоқчидек эгилиб тиз букиб, жангу жадалларда, ҳарбу зарбларда чиниққан танини илкис кўтарди ва кейинги икки оёғида турганча қаттиқ кишнаб оғил тўрида ҳамон мунозара қилаётган қавмға буюк соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг тулпори Кўкўғлон ташриф буюрганини билдирди. Йилнинг энг узун тунида анжуманға чорланганларнинг асосий қисми жам бўлди. “Кворум етарли”, хулоса килди Букефал.

6

Йиғилиш кун тартибига қўйилган асосий масала – Аннабель устидан чиқарилган ҳукм муҳокамасига бағишланган эди. Аннабель нима учун ўтда куйдирилди? Руҳонийлар томонидан чиқарилган бундай ҳукм тўғрими? Аннабелнинг ичига ҳақиқатан ҳам шайтон кириб олган эдими? Отлар шоҳи ташриф буюргандан сўнг биринчи бўлиб ана шу масала муҳокама қилиниши керак. Отларнинг қарори шундай. Улар кўп кутмадилар. Буроқнинг яшин каби яшнаб, балки осмон чақинларидан минг чандон тезликда шиддат билан учиб келаётгани маълум бўлди. Аспидухтар отхонасининг шифти қоқ иккига бўлиниб, кўзларни қамаштирувчи ёрқин нур ёғилди. Дарахтлар шоҳи эгилиб ерга тегди. Отлар оғизларидан олов сочганча тиз чўкиб, тумшуқларини ерга тирадилар. Ёрқин нур таъсирида бутун борлиқ титраб турарди. Кейин улар ўринларидан кўтарилиб, узоқ муддат бараварига кишнаб турдилар.

Отлар шоҳи Буроқнинг туёқлари ерга тегди. Бир неча дақиқа давом этган ҳол-аҳвол сўрашувдан кейин муҳокама бошланиб кетди. Шайтон деган жонзот мавжудми ўзи, энг аввало ана шуни аниқлаб олиш керак. Агар шайтон мавжуд бўлмаса, руҳонийлар чиқарган ҳукм ўз-ўзидан бекор бўлади ва “Аннабелнинг ичига шайтон кириб олган эди”, деган даъво асоссиз ҳисобланади, ўз кучини йўқотади.

Умумжамоа ҳукмиға биринчи савол ташланди:

– Шайтон борми ёки бу афсонами? – Бо-ооо-ор! – деган жавоб бўлди савол тугаши билан. Эчкининг маърашиға ўхшаган бу авоздан жамоа хушёр тортди.

– Кимсан? Ўзингни кўрсат? Ва фақат рост сўзлайман деб қасамёд кил! – буюрди Буроқ.

– Мен Азозилман. Бу каминанинг энг қадимги номи. Кейинчалик мени иблис деб атай бошладилар. Лекин кўпроқ шайтон деган атама билан машхурман.

– Машхур бўлмай ўл! – кесатди Ғиркўк эшик олдида турган жонзотга ижирганиб қараб.

Аъзойи бадани кўнғир юнг билан қопланган, бошидаги шохи эчкиникидек дикрайган, туёғи ҳам эчкиникига ўхшаш ғаройиб бир жонзот ўртага чиқди. Унинг ёнида худди ўзига ўхшаган яна бир жонзот турарди.

– Бу набирам, – тушунтирди Азозил. – Ҳали жуда ёш. Шундай бўлса ҳам дунёнинг ишларига кизиқади. Қўлидан етаклаб сайрга олиб чиққандим, йўл бўйида ўтлаб юрган отни кўриб қолиб, унинг нималигини сўради. Бу от, жуда яхши, ақлли жонивор, одамлар уни миниб юришади, – дедим. Яна бироз юрганимиздан кейин сигирга дуч келдик. Набирам унинг ҳам нималигига қизикди. – Бу сигир, сут беради, одамлар унинг сутини ичишади, зарур бўлса сўйиб ейишади, – дедим. Сайрни давом эттирдик. Рўпарамизда бир одам пайдо бўлди.

– Бу нима? – сўради набирам.

– Бу одам, – дедим ва тушунтирдим. – Эҳтиёт бўл, бу жуда ёмон, барча қилғиликларни ўзи қилиб, “Шайтон йўлдан урди”, деб бизга тўнкайди, дедим.

– Бу ерга келишдан мақсаднинг нима? – Кўкўғлоннинг овозидаги шиддат шайтонни чўчитди, шекилли, эшик томон тисарилди.

– Тўхта! – амр қилди Буроқнинг чап ёнидан жой олган Кентхаке. – Қочишни ўйлама. Биласан, мен Будданинг отиман. Бу ерда мендан-да учкур бедовлар турибди. Шундай деб Бойчибор, Ғиркўк, Дўнан турган томонга қараб олди Кентхаке. Ксанф билан Борисфен пишқириб, ер тепинишди. Кўкўғлон Рустами дostonнинг оти Рахшга кўз ташлаб олди.

– Бу нақ қароқчининг ўзи, – шивирлади Болевар ёнида турган Дилернинг қулоғига тумшугини тақаб, – мен уларнинг найранглари кўп кўрганман.

– Билмадим, – жавоб қилди Дилер, – менинг соҳибим ўғрилар тўғрисида кам гапирардилар. Гарчи ўзлари зодагонлар ҳаётини кўпроқ қаламга олган бўлсалар-да, бир умр камбағаллар тарафида турганлар.

– Толстой жаноблари жуда бадавлат граф бўлганлар деб эшитганман, суҳбатга аралашди Темпи. – Менинг соҳибим жаноб Фолкнер жаноб Толстойни ҳурмат билан тилга олардилар. Нобель мукофотини олишга бораётиб ҳам, айтишларича, “Анна Каренина”дек улуғ романнинг муаллифини кўп марта хаёлдан ўтказганлар.

– Ўзларининг бадавлатликларидан жуда хижолат чекканлар дейишади, шу тўғрими? – сўради Россинант.

– Шундай, – тан олди Дилер, – бор мол-мулкларини камбағаллар билан бўлишиб, ўзлари ҳам улар даражасига тушишни истардилар.

– Бу қийин эмас-ку?

– Қийин эмас, лекин ул кишининг раъйларига қарши чиқишлар кўп бўлди. Бекамиз ўз оилаларини, болаларини, оқсуяклар орасида тутган мавқеларини кўпроқ ўйлардилар.

– Ҳа, унда бекангиз улуғ ёзувчини “сал анақарок” деб дўхтурдан қоғоз олмоқчи бўлганлари тўғрисидаги гап рост экан-да...

– Соҳибим ўз бойликларидан ор қилардилар, – деб гапни бошқа томонга

бурди Дилер, – оддий рус мужикларидай кийинардилар. Одмигина бўз кўйлак кийиб, белларини чилвир билан боғлаб юрардилар.

– Демак, ул зот Нақшбандий тарафдори бўлганлар, – изоҳ берди Наххама. – Менинг хожам ҳам, “Хилват дар анжуман”, деган калимани кўп такрорлардилар.

“Сафар дар ватан”, деб ҳам қўярдилар гоҳида.

Букефал қаттиқ кишнаб қавмни тартибга чорлади. Шивир-шивирлар босилди.

– Эй Азозил! – дея гулдурос солди Кўкўғлон, – сенинг отлар шоҳи Бурок хузурида туришнинг ножоиз. Модомики ул улуғ зотнинг хузуларида турган экансан, фақат рост сўзла, акс ҳолда...

– Биламан нима демоқчилигингизни. Агар у киши шу ерда бўлганларида

“Бастану куштан” деб бўйнимни шартга кесиб ташлаган бўлардилар.

– Ундай эмас, менинг тепкимга дучор бўлма, ер қаърига кириб кетасан демоқчиман. Хожам соҳибкироннинг муборак қиличларини сенинг макруҳ конингга бўялишига йўл қўйиб ўтирмасдим.

– Бобо, отлар сиз айтгандай яхши жонивор эмаскан, бу ердан тезроқ кетайлик, – деб Азозилнинг қўлидан торткилади набираси.

– Парпуран! – деди Азозил шайтонлар тилида.

Шайтонча тинчланди. Шу пайтгача сукут сақлаб турган Борисфен ғазаб сочди:

– Сен шайтоний турқинг билан ғазабимни қўзғаяпсан! Дунёдаги энг гўзал от сен туфайли ўтда ёқилди. Агар хожам Октавиан Август ўша замонда яшаганларида бундай қотилликка йўл қўймас, Аннабель омон қоларди.

ЁЗУВЧИГА МАКТУБ

Қадрли устоз Неъмат Арслон!

Мен сизнинг ўзбек миллати адабиётидаги ўрнингизни бошқа миллий адабиётлар парадигмасида кимгадир қийслаш керак бўлса, Рюноске Акутагаванинг япон миллий прозасидаги ўрнига ёйингки, Аргентина адабиётидаги Борхеснинг ўрнига қийслашим мумкин. Мен бу гапларни ҳеч муболағасиз ўзбек адабиётининг бутун маҳобату ҳайбатини ҳис қилган ҳолда Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев, Назар Эшонқул каби ҳикоя усталарининг азимат шавкатини камситмаган ҳолда қўрқмасдан айта оламан. Сизнинг новеллаларингиз улугворлик эстетик категориясининг насрга қўядиган умумий талабларига тўла-тўқис жавоб беради. Ҳеч иккиланмай айтиши мумкинки, сиз ўзбек насрида яратган новеллистика бу бизнинг адабиётимиз учун мутлақо янги ҳодиса, янги шакл ва мазмун муштараклиги, бир сўз билан айтганда бебаҳо дурдоналар шубҳасиз!

Ижтимоий фалсафа кафедрасида аспирантурада диссертация қилган йилларим Ўткир Сапаев исми (шу йил афсус ковиддан вафот этдилар) ниҳоятда билимли, танқидий ва аналитик таҳлилсиз иш кўрмайдиган фалсафа тадқиқотчиси бир кун бизга, “Ўзбек адабиётидаги исталган китобни беринг тавтологияни кўрсатаман”, деди. Биз Пиримқул Қодировнинг “Она лочин видоси” романини бердик. Сапаев домла: “Деди, бўлди, кўрди, узди, тузди” каби “ди” қўшимчаси билан тугаган гаплар қаторларини чиза бошладилар. Деярли бир бетни тўлдириб чиздилар.

– Нима бу тавтология? – дедилар.

Энди Азозилнинг ҳам жаҳли чикди. Севимли набираси олдида паст кетгиси келмай Борисфенга гап қайтарди: (Шайтонлар жаҳллари кўзиганда шеър билан фикр билдиришни маъкул кўрадилар)

*Соҳибингиз волидаси Атия бир тун
Аполлоннинг ҳузурида қилиб ибодат
Уйқусида бир илондан орттирган қулун.
Гўёки ўз эри билан пок бўлай деб чўмиларкан
Нақ яғринида кўриб қолган худди ўша илон сувратин.*

Борисфен: (у ҳам шеърят санъатидан хабардорлигини англатиб қўйиш учун фикрини қофияга солади).

Мен ўзбек адабиётидан бошиқа китоб кўрсата олмасдим, чунки ҳаммасида шу тавтологик истилоҳ бўртиб турарди. Шунда менинг хаёлимда бундай анъанани бузган сизнинг новеллаларингиз келди. Уларда “ди” қўшимчаси билан тугайдиган феъллар йўқ эди. Менда китобингиз йўқ. Аммо новеллаларингиз интернетда бор ва мен айримларини кўрсатдим, тавтология таъхиси йўлида истаганча текиширишларини айтдим. Мен тадқиқотчига юқоридан қарадим. Чунки Неъмат Арслон ўзбек адабиётини бир олим кўзида бу шармандали тавтология балосидан қутқариб қолганди. Билъакс ўзбек адабиёти учун сизнинг новеллаларингиз ҳеч шубҳасиз бизнинг бугунги, кечаги ва эртанги адабиётимизнинг, хусусан насримизнинг юзи бўла олади. Мен буни сизни мақташ учун айтмаяпман – шунчаки бу менинг объектив (балки ким учундир субъектив) ҳулосамдир. Ўз адабиётимиздан танқидчилар ва адабиётшунослар томонидан мақталган, кўкларга кўтарилган, ҳатто классик дея эъзозланган кўплаб ёзувчиларнинг ижодий ишлари билан танишганман. Бинобарин кичик проза жанрларида сизнинг новеллаларингиздан олган ҳузурбахш туйғуни ўша классиклардан очиги тўймаганман.

Биламан, сизда яхши романистика, ҳатто гекзаметрда ёзилган дostonлар ва шеърлар бор, уларнинг ўзи бир дунё. Уларни наир этиш, сақлаб қолиш, келажак авлодларга етказиш ўзбек бадиияти учун ниҳоятда муҳим.

Бир кун келади – Неъмат Арслон номи ўзбек адабиёти дарсликларида миллатнинг энг улуғ ёзувчилари қаторида шубҳасиз, ўрганилади.

Сизга ҳурмат-эҳтиром билан

Шерзод Комил ХАЛИЛ.

Москва, Переделкино

*Сен бу билан қай томонга бурасан гапни
Унутгандай қўринадан адлу адабни!*

Азозил:

Яъни хожанг туғилгандир қора илондан.

Борисфен: (Дарвоқе, Октавиан Августнинг оти бўлмиш Борисфен рўйхатдан тушиб қолган бўлса ҳам Аннабель тақдирига доир йиғин бўлишини эшитиб етиб келганди):

Бу Худонинг фармойиши, қилма маломат.

Азозил:

Сен Худо деб атаганинг кимдир, номин айт.

Шайтоннинг гапни қай томон бураётганини пайқамай қолган Борисфен ғурур билан жавоб қилади:

– Аполлон! Уруш Худоси!

Азозил қаҳ-қаҳ урганча Бурок томонга қаради ва пичинг қилди:

– У Зевснинг ўғли эмиш, онаси Лето.

*У қуёшининг нури эмиш, деҳқонлар пири,
Туғилганмиши ундан Орфей, Асклепий ва яна Лена.*

Бурок:

*Узоқ ўтган замонларнинг хатосини сен,
Такрор этиб бунда алҳол топмассан нажот.
Мақсадингни биз англадик, қўзғамоқ низо,
Бўлсин дейсан олам ичра тўполон гизо.*

Наххама:

*Шеър айтишини бу шайтонга ким қўйган ўзи,
Ғазалхонлик қилар бунда бўзрайиб кўзи.
Менинг хожам Сулайх бўлса роса куларди,
Шеъри билан қўшиб буни кулга буларди.*

Азозил:

*Бу эрмакни одамларга жинлар ўргатган,
Жинлар уни мерос қилиб олишган мендан.
Шундай экан тилинг қичиб бўлмагин тажанг,
Демак, жиндан таълим олган сенинг ҳам хожанг.
Нелар деган шайх Карихга кекса Хайсагур,
Ўқиб берай сабр этиб қулоқ тутиб тур.*

Азозилнинг қўлида Абу Аъло ал Маарийнинг “Афв салтанатидан мактублар” китоби пайдо бўлади. Азозил ўқийди:

“Шайх (Ал Карих) жаннат бедовларидан бирига миниб йўлга тушди. Кўп ўтмай у жаннат боғларига ўхшамайдиган, ёруғ дунё нуридан маҳрум, ўтиб бўлмас ўрмон билан куршалган тангу тор каналлар, нимқоронғи воҳалар устида юксалиб турган тоғли бир воҳага етиб борди. “Бу ерлар кимники?” сўради шайх (ал Карих). Ўша

ерда ҳозир бўлган бир фариштадан. “Бу Муҳаммаднинг динига имон келтирган ифритларнинг жаннати. Уларни худо ёрлақасин. Ифритлар тўғрисида “Ал Ахқаф” ва “ал Жин” сураларида айтилган. Шунин билки, улар беадад кўп. “Бир қарай-чи бу ифритларга, – деди шайх, – албатта бу ерда мўъжизалар кўп бўлиши керак”.

Ксанф:

– Нима керак бизга унинг айтган чўпчаги?

Рахш:

– Дакки берма, бу гаплар Иблисга алоқадор эмас, у бундан минг йиллар аввал яшаган араб шоирининг асаридан парча ўқияпти.

Азозил ўқишда давом этди: “Шайх суҳбатдошининг исмини сўрайди”. “Мен сеҳргар Хайсагурман, вурдалакларданман. Яъни аш Шабсан уруғиданман”. Шу жойга келганди Азозил бироз иккиланиб, ўқишдан тўхтаб қолди. Сўнгра беш-ўн қатор ташлаб давом этди: “Одам Ато фарзандларидан бўлган Ал Марзубани исмли шоир жинлар тўқиган шеърларни йиғиб юрарди, менга ўшандай шеърлардан айтиб бер, балки шу тўғрида бирор нарса ёзарман”, деб сўраганди шайх, кекса жин эътироз билдирди: “Бу гаплар беҳуда сафсатабозлик... Одамлар бор-йўғи ўн беш ўлчамда шеър тўқишни биладилар ва шундан четга чиқолмайдилар. Янгилик қиладиганлар камдан-кам. Биз жинлар эса минглаб ўлчамларни биламиз. Одамларга шеър тўқишни бизнинг шумтака, дилозор болаларимиз ўргатишган. Дарбадар шоирнинг оти Наххама йиғинда ўзидан улуғлар ўтирганини ҳам унутиб Азозилга хезланди ва унинг кўкрагига оғиз солди. Аммо олов тафтидан лаблари қуйиб ортига тисарилди. Лекин Азозил ҳам “чўпчак” айтишдан тўхтаб, истиҳола қилганча теграсига қаради. “Бурданақ” дея шивирлади сўнгра тик турганча ухлаётган набирасини турткилаб..”

8

– Майли, мен кетаман, – деди Азозил эшик томон йўналиб, – айтганингизча бўлсин, шоирларни камситмайман, уларга раҳмим келади. Чунки ёруғ дунёда ўз меҳнати билан оиласини боқолмайдиган, оти ориқ (шундай деб Азозил Наххамага қараб қўйди) бирдан бир қавм шоирлардир. Агар гапимга шубҳа қилсангиз, яна ўша китобдан Маслама ибн ал Маликнинг васиятномасини ёд айтиб бераман. Маслама ўз мулкининг бир қисмини адаб аҳлига васият қилиб қолдирган ва мана бундай деган: “Улар назаримда ҳаммаси бир кунда ва бир вақтнинг ўзида муҳтожлик ва қашшоқлик билан эгизак бўлиб туғилганлар. Баъзи бирлари муваффақиятга эришиб, дурустроқ яшасалар-да, барибир вақти соати келиб бахсизликка юз тутадилар. Беаёв тақдир уларнинг терисини шилиб олади ва кўп ҳолларда улар нафақат бойликларидан, балки бошларидан ҳам жудо бўладилар.”

Наххама бу сафар индамади. Гўё бу фикрга қўшилгандай бошини қуйи солди. Лекин жинларни жинидан ҳам ёмон кўрадиган Россинант чидаб туролмади. Қоқсуяк гавдасини қаттиқ силкитди. Эгар қошига илинган ёғоч найза, совут ва дубулғалар жаранглаб кетди.

– Афсуски, бу ерда Ғамгин киёфали рицарнинг ўзи йўқ, акс ҳолда мана бу найза Иблиснинг кўксини тешиб ўтган бўларди. Менинг хошам Дон Кихот Ламанчский бу қавм билан жуда кўп жанг қилган. Биз бўлсак унинг сўзларига индамай қулоқ тутиб ўтирибмиз.

Россинантнинг сўзи Бойчибор билан Дўнанга маъкул бўлди. Дулдул ва Ғиркўк ҳам бош силкиб, бу фикр тўғрилигини тасдиқлашди ва ўзаро мунозарага киришиб

кетишди. “Азозил бизни шу ерда ҳам чалғитаяпти”, деди Кўкўғлон Буроқ томонга ўгирилиб шивирлади:

– Шоҳим, уни сўроқ қилиш керак. Буни менга топширсангиз, қайси йўл билан бўлмасин, рост сўзлашга мажбур қилардим. Чўпчак айтиб бизни чалғитмасди.

– Фақат зугум қилманг, адолат юзасидан иш кўринг. Агар Иблисни бу ёруғ дунёдан йўқ қилиб ташлаш зарур бўлганда эди, яратган Тангримиз турфатул айн ичида уни маҳв этган бўларди. Модомики у яшаётган экан, демак, ҳали бунинг мавриди эмас. Майли бошланг, Контхаке ва Ксанф сизга ёрдам беришади.

9

Суд ҳайъати ҳамма учун кўринарли бўлган алоҳида саҳн устига чикди. Уларнинг талаби билан Азозил набирасини жўнатиб юбориб, ёлғиз ўзи ҳайъат қаршисида ҳозир бўлди. Суд жараёни бошланди.

– Аннабелни руҳонийлар ўтда куйдиришди. Бунинг сабаби сенга маълумми?

Азозил:

– Маълум. Сабаби – калтабинлик. Шайтонни ёмонотли қилиш.

Контхаке:

– Ҳукм чиқарилганда ва ижро этилаётганда сен қаерда эдинг?

Азозил:

– Бир хонимни бегона эркак билан қовуштириш учун етаклаб кетаётгандим.

Ксанф:

– Буни қандай исботлайсан?

Азозил:

– Бу воқеа катта шов-шувларга сабаб бўлган. Ўша 1535 йилги суд ҳужжатларида бор. Умуман бу менинг кундалик юмушим. Аннабелнинг ўлимига келадиган бўлсак, бунга унинг ўзи айбдор.

Кўкўғлон:

– Аниқроқ айт, бу билан нима демоқчисан?

Азозил:

– Руҳоний Аннабелни кўриш учун унинг олдига кирганда Аннабель кўзларини юмиб туриши керак эди. Кўкўғлон пишқириб ер тепинди. Хона деворлари зириллаб кетди. Кўкўғлон “Отлар ҳеч маҳал олдига инсон яқинлашганда кўзини юммайди. Сен нега масхарабозлик қилаяпсан?!”

Азозил:

– Мен тўғриси айтаяпман, агар кўзини юмиб турганда омон қолган бўларди.

Контхаке:

– Бу жонивор кўр экан деб уни қўйворган бўларди демоқчимисан?

– Йўқ, – деди Азозил бироз ўйга толиб, – Аннабель кўзини юмиб турганда руҳонийнинг гавдаси, узун қора ридоси отнинг нигоҳида акс этмаган бўларди.

Ксанф:

– Батафсилроқ тушунтир!

Азозил:

– Бош руҳонийга қандайдир бир жаноб ранги кўкиш, бадани яркироқ оқ юлдузлар билан тўла, ғоят келишган бир от совға қилади. Бу Аннабель эди. Бош руҳоний отни кўриш учун унинг яқинига боради. Тўғрироғи, отхона эшигини очиб мўралайди. Ва, “Шайтон! Шайтон!” деганча йиқилиб қолади. Бунинг сабаби

оддий. Отларнинг кўзида бутун борлиқ акс этиб туради. Руҳоний нимқоронги отхона эшигини очиб қараганда, ташқаридаги ёруғлик, қия очилган эшик ва қора ридо кийган руҳонийнинг беўхшов шарпаси Аннабелнинг кўзида акс этган. Бор гап шу. Руҳоний уни, яъни ўз аксини шайтон деб ўйлаган.

Кўкўғлон:

– Демак, Аннабелнинг кўзларидаги шарпа шайтон эмас, балки руҳонийнинг ўзи бўлган демоқчимисан?

Азозил:

– Жуда тўғри, худди шундай.

Ксанф:

– Руҳоний ўзини шайтон қиёфасида кўрган демоқчисан-да,-а?

Азозил:

– Худди шундай.

Контхак:

– Бу катта гап.

Кўкўғлон:

– Одамлар орасида шайтонсифатлари ҳам оз эмас...

10

Суд жараёни ана шундай давом этаётганда Зеб Стумп чолнинг қари байтали йўлга чиққанди. Саваннадан ўтаётганда тўлғоқ тутиб қадамлари сусайди, оёқлари чалкашиб кета бошлади. Сахро бўриларига ем бўлмаслик ва “нури дийдаси”ни сақлаб қолиш учун сўнгги кучини тўплаб, сўнгги қадамларини босаётганда унинг нолиши отлар шоҳи Буроқнинг қулоғига етди. Ва Хаёлига бир фикр келиб, аввал Бойчиборга, сўнггра Рахшга қаради. Бу тулпорлар ўзлариға қадалган назарнинг маъносига тушундилар ва дарвозадан чиқиб, Саванна томон ўқдек учдилар. Рабғузий бобомиз айтганларидай зарур бўлганда отлар қанотларини ишга солишади. Сахро томон учган бу икки отнинг таърифини қилиш учун ҳеч бўлмаганда отларни таърифлаш билан шуҳрат қозонган Абу Дуад билан ал Уманий бўлиши керак. Ҳақиқатан ҳам бир даста беда кавшагунча ўтмай ҳавода қанотларнинг шувиллаган овози эшитила бошлади. Бойчибор билан Рахш Зеб Стумп чолнинг қирчанғисини ўртага олганча, учиб келиб ерга қўнишди.

Отлар давра қуриб байтални ўртага олдилар. Байтал дард азобидан қонталаш бўлиб, олайиб кетган кўзлари билан теграсини қуршаб турган номдор тулпорларга жавдираб қаради. Шу билан бирга хотиржам тортди. Дам ўтмай алпон-талпон қилиб ўрнидан турди. Кўкимтир танаси танга-танга оқ холлар билан безалган бу жонивор ғоят хушбичим эди. Ҳали бутунлай қуриб улгурмаган бўлса-да, унинг танида осмоний ранглар жилоланарди.

– Бу Аннабел-ку! – гулдурос солишди отлар.

– Ҳа, Аннабелнинг худди ўзи.

– Демак, Аннабель йиғинимизга етиб келди.

Тойчоққа тикилиб турган тулпорларнинг кўзларида она елинидан сут эмаётган ушоққина хилқат акс этиб турарди. Қайта туғилган эди Аннабел.

Секин ортига тисарилиб далага чиқди ва осмонга парвоз қилди, отларнинг ўзлари билан ўзлари оввора бўлиб қолганидан фойдаланган Шайтон.

БОТМОННИНГ ҚЎШИҒИ

1

“Эй қанотсиз одамзод...”

Ана шундай бошланарди Ботмоннинг қўшиғи. Қанчалар таассуф бор эди унинг сўзларида ва кўзларида. Ҳақиқатан ҳам биз қанотсизмиз, ўз маъносида ҳам, рамзий маънода ҳам тўғри бу таъриф, қўшиқнинг давомида айтилганидек бизда “икки оёқ бор”. Афлотуннинг ёзича аслида одамзод тўрт оёққа эга бўлган ва жуда тез юрган. Ҳамма жониворларникидан зиёд бўлган унинг кучи ҳам. Бу ҳолни кўрган юнон Худолари хавфсираб қолиб, қачондир одамзод бизга хужум қилади деб инсон вужудини иккига бўлган ва шу икки бўлакнинг биридан аёлни, иккинчисидан эракни бунёд этган. Шундан буён аёл билан эрак ўзининг иккинчи бўлагини кидирар эмиш. Ҳеч шубҳасиз, Платонни танимасди Ботмон, унинг бу мавзудаги трактатини ҳам ўқимаганди. Шу боис одамнинг оёғи азалда (ўйлаганидек ва кўриб турганидек) иккита эмас, балки тўртта бўлганини билмасди, табиийки менинг бошпанам йўқлигидан ҳам хабарсиз эди бу қанотли жонивор. Модомики шундай экан, ҳаётим давомида йигирма беш жойга қўчиб, бировларнинг уйида яшаганимни қаердан билсин?! Йигирма беш! Тасодифни қаранг! Майли бу рақам нега мени бу қадар ғазаблантираётганини айтмай қўяқолай.

...Хуллас, сертупроқ кўчадан терлаб-пишиб борарди Одам. Кун ғоятда иссиқ, гарчи бизга нисбатан шимолий минтақада яшаган бўлса-да, Чехов ҳикояларида бор худди шундай жазирама. Бундай жазирамада оёқ остидан кўтарилаётган чанг ҳам ҳавода узоқ тутиб туролмайди: ўзини ва жимгина яна ерга – чатнаб ётган тупроқ устига қўнади. Фақат шилқим ва дилозор пашша-чивинларгина баҳру диллари очилиб парвоз этадилар, одамни қувиб этадилар ва Ботмон айтганидай, беаёв талайдилар уни. Пашша деб ном олган ашаддий космополит бу жонивор тўғрисида Лукиан жанобларининг ёзганлари айтиш ҳақиқат. Ожизлик қилади бундай ҳолатда одам деган ақлли жонзот, қўлларини ҳавода қаттиқ тўлғаб, гоҳ ўзининг юзига, ё бўйнига шапати уриб ҳимояланмоқ ниятида тўлғонади.

...“Эй қанотсиз одамзод!...” деб қуйларди Ботмон. Орадан кўп йиллар ўтиб ўша қанотсиз одам ўзим эканлигимни англаб қолдим. Яна ўтдим ўша йўлдан, узоқ юрдим ўша йўл бўйлаб, кулоқ тутдим. Катталиги бош бармоқдайгина қушча тинимсиз сайрарди. Йўл бўйидаги эскигина бино пештоқида ўтирибди, атрофга қарайди, қорамуғдек кўзларида ниманинг ифодаси борлиги менга қоронғи, аммо овозида ўша азалги оҳанг.

Йўлда давом этарканман, илашимли хаёллардан кутулиш учун бошимни қаттиқ силкиб олиб Танзила тўғрисида ўйладим. Одамзод жинсидан бўлган бу қиз ҳам қанотсиз, аммо осмони ҳафтумда учиб юрган бўлса не ажаб, мени назарга илармикан? Танимасдим аслида, уни, аммо тақдир ипи омонсиз етаклаб борарди мени ўша қиз томон. Қани энди, қанотим бўлса-ю, учиб борсам... Кўп рамзий маънолар бор Ботмоннинг қўшиғида. Қанотсизлик – бу иложсизликдир деган хулосага келдим бир маҳал. Ахир унда ҳали тўғри хулосалар чиқариш қўлимдан келмасди. (Аслида, бу қўлнинг эмас, мианинг иши). Бош чаноғим ичида эса ҳали ўзим танимаган Танзиланинг хаёли ва висоли. Ҳаётда унинг мавжудми ёки йўқлигини билмайман, аммо миямнинг стреатум марказида унинг бор ҳислату фазилятларини кўтарганча кетиб борапман.

...Орадан йиллар ўтиб, биз учрашдик. Далада, гулзорда ёки йўл бўйида эмас, жухутон маҳалласидаги кичкинагина, агар таъбир жоиз бўлса, товук катагидайгина уйчада бўлди бу учрашув. Шу атрофдаги кўчалардан бирида яшайдиган қария аммамнинг уйига кўп марта келганман. Тагичинор кўчасида турардилар аммам. Иккита тоғам бор: бири уйланган, иккинчиси ҳали бўйдоқ. Бўйдоқ тоғам скрепка чаларди. Ва менга қараб агар уйлансанг, тўйингда ана шу куйни чаламан дерди. “Аввал ўзинг уйлан”, дердилар аммам бечора ҳамиша ёшланиб турадиган кўзларини кенг енглари билан артиб ва сукутга ботиб. Менга унчалик ёқмасди бу хилдаги гаплар. Ана шундай ташрифларнинг бирида онам менга ҳамроҳ бўлди, тўғрироғи, мени бошқариб борарди. Аниқ ёдимда, саккизинчи март эди ўшанда, ёмғир аралаш қор ёғиб турарди жухутоннинг тор кўчаларида. Атрофга хавфсираб қарадим ва сўрадим:

– Она, мени қаерга олиб боряпсиз?

Оғир хўрсинди жафокаш онам, сукут килди бир муддат, афтидан айтадиган гапларини тарозига солиб кўрар, менинг айниб қолмаслигим учун жўяли гап қилишни ўйлар яна қандайдир режалар тузарди онагинам. Қадамларим сусайиб тўхташни мулжалладим, тайсалладим десам балки тўғрироқ бўлар... Ортига ўгрилиб қаради онам. Ва сира кутилмаганда шундай деди:

– Агар бормасанг, ўзимни ўлдираман!...

Мен ашаддий меланхолик ва ўта ғамзунук йигит эдим. Шунга қарамай, кулгидан ўзимни тийиб қололмадим. Онам йиғлаб юборди. Шундагина масаланинг ғоят жиддийлигини англадим. Чунки бу гапни иккинчи бор такрорламоқда эди бечорагина онам.

2

Бундан анча аввал ёз кунларининг бирида ишдан кеч қайтдим ва онамни тандирхонанинг остонасида ёлғиз ўтирганларини кўриб ичимдан зил кетди. Тўхтаб, тикилиб қарадим. Ҳа, қоронғида остонада ўтирган менинг онам. Ёнғ оғир дамлардагина шундай ҳолатда ўтиради аёл. Остонада ўтириш беҳосият иш, аммо ночор қолганда шундай қилишдан тоймайди аёл зоти. Нохуш бир нарсани сезди юрагим ва сўрадим:

– Нимага бундай ўтирибсиз, она?!

– Ўзимни ўлдираман!.. – деган нидо келди қоронғи тандирхона оғзидан. Қўрқинчли ва беҳад ғамли эди бу манзара. Узоқ йиллар давомида тутун пуркаган эди тандир деворлару эшиксиз эшик пешонасига. Қуёш эса маҳзун лаҳзалар таъсирини янада кучайтирмоқчи. Бу билан муштипар аёлга кўмак бермоқчи бўлгандек, беомон ботиб борарди.

– Нима учун, она? – сўрадим, гарчи нима мақсадда онамнинг бундай қарорга келганини тушуниб турган бўлсамда талмовсираб. Аслида, сабабини кўп марта эшитгандим, ётиғи билан ройиш қилардилар авваллари онам. Укаларимдан иккитаси уйланган, учинчиси ҳам уйланишга ҳозирлик кўрар, мен, оиланинг тўнғичи бўлатуриб ҳамон бўйдоқлигим қаттиқ ташвишга соларди онамни. Одамлар маломат қилаётганини тушунтирди бир неча бор, аммо тўнғичнинг розилик билдириши қийин кечди. Ана шундай кунларнинг бирида, ёз пайти товукларга катак қуриш учунми, ёки оғил деворининг емрилган жойларини суваш учунми, аниқ эслолмайман, лой қориётганимда уйимизга меҳмон келди. Бири аёл, бири

эркак, ёшлари элликларда бор. Мени ҳам меҳмонлар ўтирган хонага чорлашди. Наридан-бери ювиниб хонага кирдим. Турли ширинликлар ва ичимликлар турарди стол устида. Менга кизиқиш билан қарашди меҳмонлар ва нима сабабдандир бироз унғайсизланишди ҳам. Зиёфат сўнггида менга мурожаат қилдилар онам: “Ўғлим, суратларингдан бўлса бир донасини олиб кел”. Қора қўйлак кийиб ўйчан қиёфада тушган суврат қўлимга илинди. Бепарвогини қарадим сувратга: ариқча бўйида қўлларим билан тиззамни кучганча ўтирибман. Ён томондан олинган сувратда бурним бироз узунроқ кўринади. Сочим қалин ва мумдай қопқора. Меҳмонларнинг аёли суратга узоқроқ тикилиб қолди, эркак меҳмон сувратга қарадими-йўқми билмайман. Онаминг, “Ўтир, ўғлим” деб илтижо қилишларига қарамасдан хонадан чиқиб кетдим. Масаланинг моҳиятига тушунгандай эдим. Эркак ҳам, яъни менинг бўлғуси қайнотам ҳам сувратга қараган, албатта. Чунки ҳар қандай даврада сувратнинг қўлдан-қўлга ўтиши табиий ҳол. Яна лойга уриндим, меҳмонлар ҳовлини тарк этишди... Бахт қуши бошимга қўнишидан анча аввал рўй берган ана шу воқеалар таъсири ханузгача ҳароратини йўқотгани йўқ.

3

...Мана энди биз белгиланган маконга томон боряпмиз. Сувратимни олиб кетишган эди меҳмонлар ўшанда. Қизга, яъни менинг бўлажак хотинимга кўрсатишган, албатта, ўша сувратни, боришимиз билан қиз мени танийди. Саволимга анча кеч жавоб қайтардилар онам, “Совчиликка” дедилар бироз кўзёши қилиб олганларидан кейин. Хуллас, биз учрашган уйда чоғроққина дастурхон безаб қўйилганди. Бурчакда катталиги нари борса ёнма-ён қўйилган иккита китоб ҳажмида телевизор. Хира қор пардаси ортидан кўринарди қандайдир одамлар ва ҳаракатлар. “Фигурная катания” деган спорт тури экан. Иккита қиз биз ўтирган хонага кириб-чиқиб, дастурхон тузашмоқда. Бирининг сочи семиз одамнинг болдиридай йўғон, битта қилиб ўриб орқасига ташлаб қўйилаган. У пайтда қизлар сочларини йиғиштириб, майда ўриб, саранжом-саришта қилиб юришарди. Шўхрок қизлар европалик дугоналарига тақлидан, “Я у мами дурочка” яъни, “Мен онаминг тентакчаси” деган причёска қилишар, табиати оғирроқлари эса “лошадка” билан чекланардилар. Сочни битта қилиб ўриб қўйиш кўпчилик европамижоз қизларга хос эди. Назардан кочирмадим ҳар иккала мезбон қизни ҳам. Буни пайқадилар онам ва “анависи” деб ияклари билан имо қилиб, сочи улоқчанинг думчасидай ўйноқлаб турган қизни кўрсатди.

...Кўп сувлар оқиб ўтди ўшандан буён, гоҳ лойқаланди, гоҳида тиниқ тортди мен айтган сувлар. Мана энди ёшим бир жойга бориб қолган, ўзим ҳам тиниқ тортганман, сочларига оқ оралаган кампирча ўтирибди ёнимда. Ундан ярим ҳазил овозда сўрайман:

– Сен Ботмон деган қушни биласанми?

– Биламан. Боши ва томоғининг таги қора рангда, худди қора рўмол ўраб олгандай. “Чилим-чилим”, деб сайрайди.

– Йўқ, сен айтаётган қуш Потмачумчук, ҳовлиларда ёлғиз ўзи юради, тинимсиз думини силкиб туради, Жуфти билан юрганини ҳеч кўрмаганман. Ботмоннинг жуссаси ундан ҳам кичик, бош бармоқдайгина, аммо кичик бўлса ҳам ҳикматга тўла унинг боши.

– Нима деб сайрайди? Кеча “Хамса”дан Чаковак деган қуш тўғрисида ўкиб берган эдинг, Ботмон деганинг мабодо ўша қуш эмасми, сен ўзингча ном қўяверасан баъзида.

Хуллас, бироз чўзилган мунозаралар сўнггида биз Ботмон яшайдиган ўша ташландиқ уйча томон йўл олдик. Бунинг учун Такия деган қишлоққа боришимиз керак эди. Жуда кўп қишлоқларнинг қиёфаси ўзгарди замоннинг зайли билан, аммо Такия бундан юз йил аввал қандай бўлса шундайлигича қолган. Демакки, биз излаган қушчанинг ини бузилмаган. Қишлоқ кўчасидан борарканмиз, ногоҳ қулоғимга урилган таниш ноладан дилим ҳаприкиб кетди. Ботмоннинг овози! Тупроғи билқиллаб ётган йўл устида тўхтаб атрофга алангладим Ташландиқ уйча пештоқида турган қушчани кўрдим. Унинг сайрашига бир дам қулоқ тутиб турдик биз. Бу сафар Ботмоннинг қўшиғини охиригача эшитмоқчи ва хулоса чиқармоқчи эдим. Сен ҳув анави қайрағоч тагига бориб соялаб тур дедим Танзилага. Зеро ҳаддан зиёд иссиқ эди кун. Ёлғиз ўзим қолиб қулоқ тутдим бу антика жонзотнинг ноласига. Азалдан таниш эди менга Ботмоннинг қўшиғи. Қаерда эшитганман, қайси китобдан ўқиганман эслолмайман буни, аммо, “Эй қанотсиз одамзод” деб бошланадиган ўша шеър ёдимда қолган.

...Кўп антика воқеалар ўтди бошимдан. Турли хулосалар чиқардим бу воқеаларни таҳлил қилиб. Пировардида англаганим шу бўлдики, ҳар қандай бўйук одам ҳам Ботмоннинг қўшиғида айтилган ҳикматдан четда яшамас экан. Қанотсизлик қисмат экан инсонга. Шундан буён иложсиз қолганимда, чорасиз қотганимда, ғамга ботганимда Ботмоннинг қўшиғини айтаман ва таскин топаман:

*Эй, қанотсиз одамзод,
Сенда икки оёқ бор.
Қанча катта бўлсанг-да,
Пашиша чивинга емсан
Мен-чи, кичик бўлсам-да
Пашиша-чивин менга ем...*



**Абдунаби
БОЙҚЎЗИЕВ**

Бугун, танимайди бизни, хиёбон

ТОНГ. ЯНА ҚОР

Баҳор келганига ишонган эдик...

Эх,
Шу мартга ҳам
Қойил қолмадим,
Шакарми элайдир томлар бошига.
Хўй, Март,
Сен ахир баҳорсан, қўкламсан ахир!
Бу нима қилганинг, тушунолмадим!

Не бор,
Гул фаслида изғиринларга?
Март бўлсанг...
Мардона бўлгин-да зоҳир!
Бас етар, ўйнама, сабрим дошига...
Оғочлар гул очган, кўрмаяпмисан?!

Манов
Қаҳратонинг йиғиштириб ол!
Қор фасли тугаган, бас, қишни унут!
Агарчи, шу ишни қила қўймасанг,
Етар, боғларимдан тезроқ куза, кет!

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ – 1954 йилда тузилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ҳамда Санкт-Петербург сиёсатишунослик мактабида таҳсил олган. Ижодкорнинг “Ғуборингни ёзгайман”, “Сени излаб келдим”, “Ўзбекнаво юлдузлари...”, “Жудолиғ дашти”, “Кўзлари дарёйим”, “Дилхирож туйғулар”, “Беш наво”, “Беш сўмлик кеккайиш”, “Чўли ироғим”, “Тешикмозор хангомалари”, “Ай, акам дарё экан...” номли шеърӣ, насрий, ҳажвий-юмористик ҳамда публицистик китоблари чоп этилган.

ҚАЙТИШ...

Дилор,
Хув ўша кунларни эслаюрмисан?
Балки у дамларни ўйламассан ҳам.
Биламан, ҳозир йўқ у букир айвон,
Кекса арғувон ҳам кесилиб кетган.

Бугун, танимайди бизни, хиёбон,
Анҳор, ўша-ўша, сувлари шошқин.
Қирғоқларни ўпиб оқса-да ҳамон...
Шавки рави бошқа. Гиёҳлар бошқа!

Авлодлар
Келади, кетаверади!..
Борда, ҳар даврнинг ўз айтар сўзи.
Хаёл, озиктирар, кетаман дадил,
Қайтишда, синикиб қайтаман, ўзим.

Қайтишда..
Хаёлнинг йўллари узун,
Иккала юзига ажинлар тушган.
Бир кузаки олма, шохида, маҳзун,
Демак олинмаган, вақтида узиб...

Ва...
Мен ҳам қайтапман ҳориқиб, тўзиб!..

ТОКАЙ

Ғаним ёди сени ёдинг ҳар онда, ҳамон, токай?
Мени номим сени ёдинг домонида ёмон, токай?

Сел ашкимдур, равон этдим, дилинг саҳросига ёғсун,
Ажабмаски, баҳор унса, баҳорим йўқ бир он, токай?

Менга бори ғаним борки, дилинг меҳробига қўйдинг,
Мени бечоранинг жойи ҳамон кунжак, домон, токай?

Кўзинг қаҳрулари тўфон – қуюн, доми тилар қурбон,
Олар бўлсанг ол, ай, бу жон, етар баски омон, токай!

Дил эрди ишқ диёри во, Рабъ-ул... саҳроси¹га дўнди,
Наботот, эл-элик бежон, шаҳидданму гумон, токай?

Неча қилдимки дод, етмас, етар шомига майл оним,
Омонлиғ йўқ, висол тоғи ўтиб бўлмас доvon, токай?!

¹Арабистондаги Рабъ-ул-Холи саҳросига ишора.

Аё розик, дуто қадрим, қадим долу камонийдур,
Ки шодлиққа Жонободим, келарму айт авон, токай?!

АЙ ШАМОЛ

Ай, шамол, келтур менга сунбул сочининг бўйини,
Тушса тушсин бошга бир, ҳазрат Алининг ўйини.

Бул ўйиннинг ҳавлини мушрикка-да кўрмам раво,
Тушса қилгай, минг қазову минг қадарнинг ўйини.

Бу қазову бу қадардин зарра ваҳмим йўқ, магар,
Ким топғамиз икки дунё оби ҳайвон суйини.

Оби ҳайвонида сузмак чин фақирлиқ матлабим,
Ким қўйибдур бўйламак бизга ғайнийлик бўйини.

Кўйида бечорамен, минг йиғласам марғуб демас,
Кошки маҳбуб кўрса дил абгорлиғимнинг кўйини.

Чин фақирлик сарвати сабрингдадур, Абдул Наби,
Сабри вофир талъат этсанг, кўрсатур Ҳақ рўйини.

Ай, шамол, келтур менга сунбул сочининг бўйини,
Тушса тушсин бошга бир, ҳазрат Алининг ўйини.

* * *

Йиғларим бор
Шодлиқларимда,
Қувончларим
Кўнглимдай хаста.
Ўҳ, ёлғизлик! Бунча дилкашсан,
Айланайин ғам, қадди барвастам.
Ҳижрон! Бўйинг бунча сарвқад?!.

Бу сирларни қандай ортга отайин,
Ўтмишимга қандай айтийин видо.
Мен синмайман, деганим сайин...
Синовларин шиғаб беряпти Худо,
Невлай, манглайда бу. Демак шу раво!.

Сабрим, энди
Бот-бот йўқлаб тур.
Йўқ-йўқ! Келма!
Мен ҳам бормаин.
Ҳай нечун, дедингми?
Тутгину маъзур,
Келсанг,
Дилинг вайрон бўлиши тайин...

Болам,
Болажоним,
Сен-да билиб қўй,
Дилимда неки кир, елкамдан отдим,
Кўнгил ғашликларин ёқдим, йўқотдим.
Энди ҳар онимда яхшиликдаман.
Мен, бардошман, баркаш қуёшман,
Ҳа, эняпман уфқимга томон,
Эрта қайта отмоқ учун, ботаман!
Мен дунёда энг собир отаман,
Мен дунёда энг бобур отаман!

Ўлим ҳақ, ўларман, аммо ўлсам ҳам,
Сўз бўлиб, шеър бўлиб қайта отаман!

ЁЗ ЧИЛЛАСИ

Дўстим Ҳакимжон Турғуновга

Ёз,
Домчилик...
Тошкентни
Чилла димлайди,
Деразамнинг пардаси... Ўлик...

Ҳар замон
Чорлайди,
Бир келсангчи, дейди,
Олис болаликда...
Дўстим Ҳакимжон,
Шундоқ кўчасида шарқираб ётган
Кадрдон ариқнинг шавқин илиниб...

Кўп ҳам ўйланма,
Шундоқ келавер,
Оқ хўрдам бор,
Биргаликда ичамиз, дейди!

Дўстим,
Билсайдинг, мен кимман?
Битта маҳкумман – пойтахтнишинман!
Эллик йил илгари, ўзимга ўзим,
Ўқиганман шундай хукми.
Ўх,
Дунёйи кўтир,
Умр ўтибдир!..
Гоҳда қорлик, гоҳда ёмғирлик,
Гоҳида ғуборли, гоҳо беғубор...

Ёз, домчилик,
Бошкентни
Чилла димлайди,
Деразам гунг... дарахтлар... Ўлик...
Хайриятки,
Қайдадир, бир қишлоқ тирик!

Хайрият, қайдадир дўстим чорлайди!..

ОШИҚ МАЛОМАТИ

Шамол,
Исинг бунча муаттар,
Ўтдингми ёр ёнидан?
Биз дўстмизку айтавер,
Ким бор эди, ёнида?

Нозлимиди нигоҳи,
Рўмоли ҳам долмиди?
Боқишлари ғамзали,
Ёноқлари олмиди?

Дадилмиди “сўтаги”,
Бийронмиди сўзлари?
Очиқ экан, дедингми,
Ҳовлисининг этаги.

У гапирса, кўкатни
Сийпалаб турди, дегин.
Чиройлигим, деганда,
Қиқирлаб кулди, дегин?!

Етаклаб чиқибдими,
Олапари – итини?
Ириллаб ҳам қўймади,
Турибди, де, ютиниб!

Хай, чиқишга чиқибсан,
Эш қилиб олапарни.
Сўтакни тишлатмасанг,
Итингга бало борми?!

Эҳ,
Бу қандай кўргилик,
Бормиди менда қасдинг?
Ўтиб кетсанг бўларди,
Кўчамизга кирмасдан!

Шамол,
Бўйинг бунча муаттар?!

КАНИКУЛ

Мунавварага мактуб

Энажон,
Бижилдоғим, қайдасан?
Андижон жонингга тегмадими, а?
Соғинч ёмғирлари дилимда муссон,
Ажабмас, ҳадемай қорга айланса!

Гувраниб чиқади тунлар хобхонам,
Маъюсланиб отар уфқларимда тонг.
Бир дардга илвасин бўлмасин, десанг,
Соғинчлардан ўлиб қолмасин, десанг,
Қошимга ошиқиб келақол, болам!

Сабр ҳайкалига айланди Дўда,
Санаб ўткизаяпти кунлар, тунларни.
Хижронга дўндиёв, умрининг ярми,
Ёмон кўриб қолди дарссиз кунларни,
Сенга жуда мазза каникулларни!..

Қалам, дафтарларинг...
Танимас мени.
Ҳатто, деразанинг мижжалари нам,
Ундан тушган нур-да, излайдир сени.
Бу уйлар эсламай қўйдида, мени,
Ҳолимни сўрамай қўйди-да, Энам!

Билмадим
Не тилар, бу қўтир кўнгил...
Қовжираб боряпти сабримнинг боғи.
Ёмон кўриб қолдим, сени, каникул!
Наҳотки, йўқ бўлса... сенинг адоғинг?!

Қайдасан, қайлардасан, бижилдоғим?!..



Шамсинг бўлай, кел, биз томон

Ўктам МИРЗАЁР

Ёруғ сайёра

Умр бир нуқтага етди, ортга қарайман,
Ёруғ сайёрадек чорлар болалик.
Хаёл учоғидан соламан назар,
Пориллар, пориллар, порлар болалик.

Тонглари беғубор, боғлари чаман,
Бўтакўз, чучмўма, лолазор тоғлар.
Қизқўргондан янгроқ садолар келар,
Тулпор туёғидек чақнаган чоғлар.

Айланади велосапид дўнгалаги,
Муҳаббат истаги – ўрташи ёмон.
Бугун жилмаймади, боқмади бир он,
Қарамади нега мен томон?

Айланади чингалак, хаёллар каби,
Тайёрсан кезмокқа дунёи дунни.
Қулоққа кирмайди, бирон сўз, на гап.
Бахтиёр қилмоғинг керак бугунни.

Бир лаҳзага бўлсин, унинг жамолин,
Интизор кутаман деразасидан.
Ана, юрагимдай энтикар парда,
Ана, бир ширин зарда сасидан.

Ўктам МИРЗАЁР – 1956 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Ижодкорнинг “Огоҳ кўнгил”, “Яхши кунлар қувончи”, “Согинч дафтари”, “Сўз ишқи” шеърий тўпламлари, “Тупроқ ҳиди” “Амакимнинг касали” насрий китоблари чоп этилган.

Олам яшнаб кетар, яшнаб кетар қалб,
Боқаман, хаёллар деразасидан.
Жўра-жўра болалик чорлайди ҳамон,
Пок севги – ёруғлик сайёрасидан.

* * *

Гуллар униб чиқар, чечаклар гулгун,
Улар она ернинг табассумидир.
Дарахтлар гуркирар – шарбатга тўлгин,
Улар она ернинг неъматларидир.

Одамзод, кўрсангчи, бу қандай белги,
Барининг илдизи ернинг остида.

Саболардан салом сизга

Қуёш заррин нурин сочди,
Юрагини кимга очди,
Менинг хаёлларим қочди,
Саболардан салом сизга.

Солланади сарвқомат,
Ишқдан кўнглимга маломат,
Юрибсизми соғ-саломат,
Саболардан салом сизга.

Соғинч ҳузур, чорлар ҳамон,
Шамсинг бўлай, кел, биз томон,
Қамар бўлсанг, бўлай осмон,
Саболардан салом сизга.

* * *

Дунё, сенда айб йўқ,
Дунё, сен боқий.
Бизда гуноҳ кўпдир.
Бизлармиз осий.

Тузамиз, бузамиз,
Янгиртаман, деб.
Яралган дунёни,
Яратаман, деб.

Ҳар ким ўз кўзила,
Кўрар, оламини.
Томошалар айланг,
Бани одамини.

Ҳар кимнинг қаричи
Ўзи билан тенг.
Тили ҳам, дили ҳам,
Сўзи билан тенг.

Билмасмиз, тоғларнинг
Пойида гардмиз.
Ўзин англамаган,
Кесак – бедардмиз.

Кибрла юрмагин,
Ерни титратиб.
Керилма тоғлардан
Юксақроқман, деб.

Оёғинг остида
Тупроқлар хордир.
Топтама, эй, одам,
Эгаси бордир.

Унинг қаршисида,
Заррадирсан, бил.
Кимлигинг англаю,
Тезроқ товба, қил.

Чўлок турна

Чўлок турна каби юрибман ҳамон,
Бир қаноти синган муҳаббат билан.
Фақат, тушларимда чопаман равон,
Фақат, тушларимда қанот қоқаман.

Юз ўгирган бахтнинг изи бўлмайди,
Йўллари олисдир, йўллари чағир.
Демишлар, севгининг кўзи бўлмайди,
Севгисиз яшамок, оҳ, бунча оғир.

Муҳаббат, сен шундай покиза туйғу,
Йўлингда тўкилган кўзёшлар мисол.
Сенга етказди изтироб-қайғу,
Сенга етказди беозор хаёл.

* * *

Оҳ, менинг овозим, элчим бўл холис,
Дўстлар даврасига шошилгин илдам.
Айла, юрагимни шуълагар фонус,
Дўстларим даврасин ёритгил бир дам.

Қадрингга етса хўп, етмаса майли,
Дўстларга заррача адоват бўлмас.
Менинг шодонлигим дўстлар туфайли,
Улар даврасида шодлик кулса, бас.

Шамол

Эҳ, сен шамол, давюрак, хушҳол,
Тоғу тошни кезиб юрасан.
Жаҳдинг келса, аямай неки,
Йўлларингда эзиб юрасан.

Муҳаббатла эсганинг ҳамон,
Бўй кизларнинг сочин силайсан.
Ялпизлардан ўпич опқочган,
Эпкинларга омад тилайсан.

Бир пайтлари тинмаган мендек,
Шўх йигитсан – еласан ҳар ён.
Баъзан тоғлар бошига чиқиб,
Ўй сурасан, дилгинанг гирён.

Фарқимиз шу – сен қаримайсан,
Мен ортингдан чопа олмасман.
Қиялатиб очган эшигинг,
Шартта туриб, ёпа олмасман.

* * *

Бу сўқмоқдан юриб бўларми,
Қадамингда мингта изтироб.
Бир зумгина туриб бўларми,
Юраккинанг берармикан тоб.

Бунда ҳорғин тўкилган илинж,
Бунда кўнгли синган қизалоқ.
Бунда қонга беланган севинч,
Оғир бунда юпанч изламоқ.

Жилға орзуси

Милдир-милдир чашма эдим,
Жилғаларга айландим.
Ташналарга ташна эдим,
Қондирмоққа шайландим.
Қучоғингга ола қолгин,
Ола қолгин дарёжон!

Эл бўларман, асов дарё,
Қўшиқ куйлаб оқарман.
Қирғоғингга дунё-дунё,
Ялпиз, райхон тақарман.

Олисларга олиб кетсин,
Тўлқинларинг майлига.
Райҳонларим бўйи тусин,
Олам чиқсин сайлига.
Қучоғингга ола қолгин,
Ола қолгин дарёжон!

Майли, менга макон бўлсин,
Қакраган чўл сийнаси.
Гиёҳларга битайин жон,
Тош бўлсада, дийдаси.
Қучоғингга ола қолгин,
Ола қолгин дарёжон!

Милдир-милдир чашма эдим,
Жилғаларга айландим.
Ташналарга ташна эдим,
Қондирмоққа шайландим.

* * *

Гулга бокиб унутарман, дунё ташвишин,
Билмасларки, гулдек умр ўтиб кетмоқда.
Тоғ бошимдан аритмайди қаҳрли қишин,
Кўзёшларим жилға бўлиб, эриб битмоқда.

Гулга, чечакларга сингар, шубҳасиз,
Барқ уради улар олиб, қалбим ҳовурин.
Оҳ, гулларим, бунчалар ҳам нозик, ҳарирсиз.
Дардларимни олиб қалбдан ҳар ён соғуринг.

Телбалардек, ифторингиз излаб чопарман,
Телбалардек қизғанаман, ҳар ён боқарман.
Бир гул учун намуна сен ёнурсан, деманг,
Бошқасига, ахир, қандай кўнгил очарман?

Қўшиқларим


Ҳей, қалбимнинг суюкли, жон қўшиқлари,
Ўксимангиз, гар қуёшга тақдим этсам.
Ўксимангиз, дилгинамнинг гул ишқлари,
Қўшиғимга қўшиб, боқий тақдир этсам.

Сиз кетарсиз сингиб қуёш нурларига,
Ва, баҳорнинг минг оҳангли ёмғирига.
Кетарсизлар сингиб шудринг дурларига,
Ҳам самонинг, ҳам заминнинг кенг бағрига.

Кетарсизлар, йўлимиз ҳам бўлар йирок,
Лек, ўксиманг, қўшиқларим тўлиб-тўлиб.
Кетсангизда, борлиқ узра сингиб, бироқ,
Яна қалбга қайтасизлар қўшиқ бўлиб.

ЙИРТҚИЧ*

Қисса



ФОЛЬКИН

I боб

...Ҳазратқул мерганни ўлдириб кетишибди, деган овоза тарқалиши билан бу хабарни эшитган мерганнинг қишлоқдошлари эрта тонгдан жанозага йўл олишди.

Таъзияга кетаётганлар орасида Нурбой чол:

– Ҳазратқулнинг душманлари кўп эди, балки ўшалар ўлдириб кетгандир, – дея тусмоллади.

– Уни ким кўрибди, Нурбой оқсоқол? – сўради орқарокда келаётган Эсон чўкки соқол чолга етиб олиб.

– Ҳазратқулнинг ўлганини биринчи бўлиб зоотехнигимиз Қосим ака айтганди. У райондан келаётганда Ҳаким чўпоннинг ўтовидан анча нарироқдаги қияликнинг сўқмоқ йўлида мурдани кўриб қолибди.

– Тўғри айтасиз, оқсоқол, морбозники мордан дегандай, балки Ҳазратқулнинг ўлими ҳам... – луқма ташлади кимдир келаётганлар орасидан.

Э... Ҳазратқул қишлоғимиздаги бир-икки қизнинг номусига тегиб, гап-сўз бўлганини ҳаммамиз эшитганмиз-ку! Шундай ифлос, бузуқ эди. Балки Саттор чўпоннинг қизи ўлдиргандир, деган миш-миш ҳам эшитдим. Чунки Ҳазратқул Саттор чўпоннинг қизини олмасам, йигит эмасман, қишлоқда менга тенг келадиган йигит борми? Ҳаммаси палакмурда, деган экан, – ўз тахминини айтди Карим ҳисобчи.

– Бўлмағур гапни айтиб нима қиласан. Кўзинг билан кўриб, ўз оғзидан эшитдингми бу гапларни? Ҳар кимнинг тақдир пешонасига ёзилгани бўлади, – мавзуга чек қўйди Нурбой чол ахийри энсаси қотиб.

*Журал варианты.

ФОЛЬКИН (Раҳим Искандар) – 1950 йилда тузилган. Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтини (ҳозирги ЎзДЖТУ) инглиз тили факультетини тамомлаган. Унинг ўттиздан ортиқ бадиий қисса ва эсселардан иборат китоблари чоп этилган.

* * *

Ҳақиқатдан Ҳазраткул мерган болалигидан ўта безори, текканга тегиб, тегмаганга тош отар, катта-кичик, айниқса, аёллар уни:

– Эртароқ сени ер комига тортсин, қирчинингдан қирилгур, – деб қарғарди.

Хуллас, Ҳазраткулнинг қарғиш олмаган куни йўқ, ҳамма ундан узоқ юргани учунми ота-онасининг қистови билан ҳам мактабга деярли бормаган.

Ана шу кўча безори Ҳазраткул мушугининг бўйнига икки-учта консерва қутини, думига эса керосинга ботирилган латтани ўраб ёқиб қўйиб юборади. Мушук жон талвасасида думи қўйиб ўзини оғилхона ёнидаги хашак ғарамга уради. Кўз очиб юмгунча ғарам қўйиб кўл бўлади. Хашак учқуни қўшни сомон бостирмасига бориб тушиб, ҳамсоясининг ҳам сомони бирпасда ёниб адо бўлади.

Отаси Ҳаким оқсоқол доим элнинг ҳурмат-иззатида бўлиб келган, қишлоқнинг тўй-маракаси унинг маслаҳатисиз ўтмас, онаси Ойсулув кампир ҳам яхшигина кайвони, ҳамма билан “жоним” деб сўрашар, акаси Мамараим ҳам шу оиланинг мўмин-қобил фарзанди эди.

Шу сабабдан ҳам қишлоқдошлари ҳали ҳеч Ҳазраткулнинг устидан шикоят қилиб на прокуратурага, на ички ишларга бормади. Отаси кўп йиллар колхозда чорвачилик фермасининг бошлиғи, омбор мудири бўлиб ишлагани учун фақат қўшни қишлоқдан кимдир Ҳазраткулнинг дастидан “Ҳаким мудир мансабдорлиги учун ҳам ўғли ҳеч кимдан кўркмайди. Шу ўғли сабаб отаси омборни каламушдай еб тамом қилса ҳам текширмайди”, деб тегишли жойларга шикоят ёзган.

Шундан кейин кун ора текшир-текширлар бошланиб, Ҳаким аканинг омборидан тортиб, уйигача, чиримасин, сасимасин деб сабзи пиёз солинадиган ўралари-ю ҳожатхонасигача шoliniн курмагидан ажратгандай текшириб чиқишди. Ҳеч вақо топилмаганига қарамай, тухмат ва иғволардан чарчаган Ҳаким ака ариза ёзиб, ишдан бўшади.

– Оч қорним, тинч қулоғим. Емаган нарсам учун... Ишламаган очдан ўлаяптими, – деди уйидагиларга.

Тенгқурлари, яқин ҳамсояларини чақириб, қўй сўйди. Дуосини олди. Аммо бу пайтда кампири Ойсулув мома ўғлининг дастидан қўйиб адойи тамом бўлган, омонатини топширган эди.

Таниқли журналист ва ёзувчи Фолькин номи кўпчиликка таниш. Вақтли матбуотда унинг чиқишларини кўп кузатганмиз. Мана, “Шарқ юлдузи”дай отахон нашр ёзувчининг “Йиртқич” қиссасини ўз саҳифасига жойлабди, бундан хурсанд бўлмоқ керак.

Нега?

Сабаби, ҳамма марказга интилади. Марказда эътибор қозониш осон. Чекка туманда яшаб ижод қилаётганга биров парво қилгиси келмайди. Зарбдорда Абулқосим Мамарасулов, Урганчда Шухрат Маткарим, Шаҳрисабзда Неъмат Арслон, Қаршида Қилич Абдунаби, Андижонда Қиличбек Кенжа ижод қилади. Биров уларнинг эшигидан мўралаб асар сўрамаса керак. Аммо улар ижоддан тўхтамайдилар.

Шу каби қайғу-ғамдан боши чиқмаган Ҳаким ота ҳам кўп ўтмай бир тутам бўлди-қолди. Бунинг устига Ҳазратқулга зимдан ёғилган эл қарғиши бегуноҳ акаси Мамараймга урди, чоғи, у ҳам тўсатдан вафот этгач, оқсоқол тамоман ер билан яксон бўлди.

Ҳазратқулнинг эса отасининг ғамдан касал бўлиб ётиб қолгани хаёлига ҳам келмас, хафталаб овга кетарди.

Ҳаким оқсоқол батамом тўшакка михланиб қолди. Уйида оқсоқолга бир пиёла чой, бир қошиқ овқат қилиб берадиган киши қолмади. Чунки Ҳазратқул ҳар куни хотини Нигорани “Сен туғмаяпсан”, деб уриб, ҳақорат қилавергач, келин ҳам бу хонадонни тарк этганди.

– Аслида Нигора узукнинг кўзидай, келишган, ёқимли, рўзғори учун қўлидан келмаган иш йўқ, қайнота-қайнонасини кафтида кўтаргувчи келин, чол билан кампирнинг жони эди. Келини ҳам кетиб қолгач, энди оқсоқол ҳар куни ёлғиз, куйганидан ҳар кун Худога:

– Эртароқ жонимни ол, – деб илтижо қилиб йиғларди.

Ҳазратқул икки ой деганда овдан қайтди. Овда отгани бир эркак, бир ургочи бўрининг шилиб олинган терисини тўшакда ётган отасининг олдига ташлади. Уйга қайтаётганда йўлда уни қўшниси Турсунбой кўриб тўхтатганди.

– Ҳазратқул! Қаерларда юрибсан, отанг ётиб қолди. Яхши эмас. Эрта-индин... Ҳар куни ўлигим эгасиз қолмасин, деб йўлингга кўз тикади. Барака топсин яхшиям қўшнилар бор экан, отангни иссиқ-совуғидан хабарлашиб турибди.

– Бунча ваҳима қиласиз, – энсаси қотди Ҳазратқулнинг. – Отамники баҳона. Ёши энди олтмишдан ўтди. Уйланса ўнтани қаритади. Уддасидан чиқади, – деди-ю, кетди.

Уйга келса, отаси елкасидан тез-тез нафас олар, бир тутам бўлиб, кўзини очишга ҳам мадори йўқ эди. Ҳазратқул уйга келиб уст-бошини алмаштирмади. Нам терининг бадбўй, кўланса ҳиди хонага ёйилди. Кириб келишида этигининг тап-тупидан отаси ётган жойида бошини кўтара олмай, базўр кўзини очди.

– Нима бўлди, – сўради Ҳазратқул тик турганича отасидан.

– Тирикмисан? Келардинг-да. Сенга ота нима керак. Сенинг борингдан йўғинг, – деди чол ўғлига пичирлаб мажолсиз.

Журнал Сурхоннинг бир чеккасида яшаётган ижодкорга хайрихоҳлик билдирибди, бу яхши гап.

“Йиртқич” қиссаси ўткир сюжет ва тезкор динамика билан бошланади. Аммо бир муддатдан кейин воқеалар сустлашади. Иккинчи қисм бутунлай бошқа асардек таассурот уйғотади. Бора-бора сюжет тагин асар бошидаги Ҳазратқул билан туташади ва фожианинг сабаби аёнлашади.

Бугунгидай тезкор замонда бугунги кун қаҳрамонлари образни яратиши эҳтиёжи мавжуд. Насрнинг елкасидаги бу юкни амалга ошириши осон эмас. Чунки воқелик тарихга айланганда ёзувчи кўпроқ мулоҳаза қилади, хулоса ясайди. Шу боис журналистика ёхуд шеърят каби унда долзарбликни топиши қийин масала.

Лекин шу яшаган ўттиз йиллик мустақил ҳаётимиз ҳам аслида улкан тарих. Бу тарихни ҳикоя, қисса, роман ҳолида битмоқ керак.

Вилоятдаги ва марказдаги ёзувчиларга ҳам мавзу етарли.

Фақат... буни уддалаш лозим.

Чол кўзига ёш олди. Бор кучини йиғиб, ўзини ўнглашга ҳаракат қилди. Бўлмади.

– Бунча оҳ-воҳ қиласиз. Иссиқ жон бўлгандан кейин одамзод касал бўлади деб, ўзингиз айтасиз-ку? Ҳар кимнинг ризки ҳар нарсадан деганларингизни эсингиздан чиқардингизми? Менинг ризким овдан. Қўни-қўшнилари ҳолингиздан хабарлашмаяптими?

– Турсунбойдек ҳамсояларнинг бориға шукр. Ҳар куни хабарлашиб турибди.

– Унда менга дод-вой қилиб шикоят қилманг, – деганча ташқарига чиқмоқчи бўлди.

– Яна қаерга кетмоқчисан?

– Мен ҳам одамман. Улфатларимни соғиндим. Қишлоқни айланмоқчи эдим.

– Мен ўлганимдан кейин қишлоқ айланасанми, улфатчилик қиласанми, сенинг ишинг, – деди-да оқсоқол яна кўзига ёш олиб, елкасидан тез-тез нафас ола бошлади.

– Яна нима гапингиз бор? Юракларимни сиқиб юбордингиз. Дийдиёнгиздан чарчадим. Хўп, кўчага чиқмасам чиқмабман.

– Куним битди. Эртами-кечми...

– Тўхтатинг шу дод-войларингизни! Жонга тегди!

– Тингламасанг ҳам, ҳеч бўлмаса охири марта гапларимни эшит. Сенга айтадиган гапларим ичимда қолиб кетмасин.

Чолни узлуксиз йўтал тутди. Гапиришга ҳам мадори қолмади. Кўзи юмилди. Ҳолсизликдан лаблари куриб қовжиради.

– Бироз дамингизни олинг. Кейин оҳ-воҳ қиласиз, – деди ўғли сўнг чинор соясига қўйилган кўза сувидан бир пиёла олиб келиб отасига тутди.

– Сув ичинг йўталингиз зора тўхтаса.

– Ичолмайман.. Икки кундан буён томоғимдан атала ҳам, сув ҳам ўтмаяпти, – деди оқсоқол кўзи инига кириб териси суягига ёпишиб қолган қўлини аранг кўтарганча ўғлининг қўлидаги пиёласини қайтарди.

Ҳазратқул ижирғаниб зарда билан пиёладаги сувни хона эшиги томон сепиб юборди. Йўталдан чарчаб қолган оқсоқол бироз жимиб кўзи илинди. Ҳазратқул эса серрайиб турганича отасининг яна нимадир дейишини кутди. Шом намози ўқиладиган пайт чол бор кучини йиғиб Ҳазратқул томон бошини бироз ўгириб, хирқираганча деди:

– Сен элнинг қарғишига, жониворлар уволига қолган одамсан. Олган қарғишларинг ўзингга эмас, бегуноҳ онанг ва акангга урди. Жондай бўлган келинимизга урди. Набира кўрмадик. Қанчадан-қанча бўриларни отиб қирдинг. Эсингдами, доимо сенга бўриларни отма, улар хосиятли, йиртқич бўлишгани билан муқаддас жонзот деганман. Бўри оралаган жой доимо баракали бўлади. Уни кўрган кишининг иши юришади. Худо бўриларни ҳам ўз ризки билан яратган. Меҳрини берган кишига бўри итдан кўпроқ вафодор, садокатли бўлади. Қанчадан-қанча тўнгиз, какликларни катта хўжайинларга инъом қилдинг. Улфатларинг билан базми-жамшид қилиб едиларинг.

– Нима қиласиз, бундай ёқмайдиган гапларни айтиб. Асабимга тегманг, – жаҳли чикди Ҳазратқулнинг. – Мен отам йиққан бойликларни мерос қилиб бераркан деб, ўйлабман.

– Ҳа... Гапим ёқмади. Фарзандим бўлсанг ҳам одам киёфасидаги махлуқсан. Тошмеҳр! Ҳеч ким сендан барака топмаган. Охири марта айтай, сенинг ажалинг бўридан эканлигини сира унутма.

– Ҳе, энангни сендай отани! Қариб тентак бўлиб қолгансан! Оғзингдан нима гап чиқаётганини билмайсан. Бундай отани боридан йўғи, – дедида Ҳазратқул зарб билан эшикни тепиб жаҳл билан ташқарига чикди. Ранги учиб, оғзидан тупуги

сачради. Сўкинганича қишлоқдаги амакисиникига йўл олди. У чақирмасдан кенжа амакисининг дарвозасини тепди. Энди ишларини саранжомлаб, кекса тут чорпоясида чой ичишга ўтирган амакиси дарвозанинг қаттиқ зарбидан чўчиб, ўрнидан турди. Шодмон шахт билан супадан тушиб ялангоёқ дарвозани очди.

– Э сенмисан, Ҳазраткул тинчликми жигарим? Одамни кўрқитиб юбординг. Нега кайфиятинг йўқ. Авзойинг бузук, – деди Шодмон Ҳазраткулга. Сўнг илтифот қилди: – Ичкарига кир.

– Кирмайман, – баттар тутоқиб, худди арпасини хом ўрган кишидай ўдағайлади Ҳазраткул. – Акангиз ўлим билан олишиб ётибди. Жигарингиз бўлса эгалик қилинг. Мен эгалик қилмайман. Гап шу!

Сўнг амакисига хайр-маъзур ҳам қилмай, терс бурилиб кетворди. Инисининг гапидан Шодмон дарвоза олдида хангу манг бўлиб тарашадай қотди. Ўзига келгач, костюмини ҳам киймай қўлига олиб, йул-йулакай жиянини ўғли ноқобил чиққанидан куйиниб акасиникига жўнади. Шодмон келганида акаси бир ҳол ётарди.

– Ака, сизга нима бўлди? Мен Шодмонман, – деб акасини ётган жойида бағрига босди. Акасининг аҳволини кўриб Шодмон хўнграб йиғлаб юборди. Унинг қоқ суяк бўлиб, этсиз териси ҳилвираб турган юзидан ўпди. Қўлларини кафтига олиб силади.

Оқсоқол аранг хира тортган ярим юмуқ кўзларини очди. Чол укасига келдингми ишорасини қилди.

– Ҳа, келдим акажон, – бирор нарса ейсизми шошилганимдан келинингизга овкат айтишни унутибман.

– Ҳеч нарса керак эмас. Овора бўлма. Емайман. Томоғимдан ўтмаяпти, – пичирлади оқсоқол укасига.

Чолни яна тинимсиз йўтал тутди. Дами қайтиб кетди. У нафас олишга тўймай кийналарди. Иситмаси ҳам кўтарилди, танаси олов бўлиб ёнарди.

Шодмон ташқаридан муздай сув келтириб, акасининг юз-қўлларини ювди. Кўкрагига сочиқни ҳўллаб босди. Чолнинг гапиришга ҳоли бўлмасди. Бир амаллаб кўзини очди. Пешинда Ҳазраткул кўчадан уйига келди. Шодмон Ҳазраткулнинг отасини ёнида бўлмаганидан жаҳли чиқди.

– Ҳазраткул қаерда эдинг? Отанг бир ҳол бўлиб ётганини билатуриб... Уялмайсанми? Одам бунчалик тош меҳр бўлмайди-да. Ахир, сен фарзандисан-ку. Ароқ ҳам ичибсан. Ҳиди итнинг ўлигидай келяпти. Отанг бундай аҳволда... Ичиш қандай кўнглингга сиғяпти?

– Ҳўш сизнингча нима қилишим керак? Келаётганимда улфатим Ортикни учратиб қолдим. Асабим жойига келсин деб жўрам билан отамлашдик. Нима осмон ўйилиб ерга тушибдими?

– Хафа бўлма-ю Ҳазраткул, сени Худо урибди. Агар билсанг отангнинг умри оз қолган. Улфатчилик қочиб кетмас. Шундай кунда отангнинг ёнида бўлиб турмайсанми?

– Одамзод бўлганидан кейин касал бўлади. Тузалмаса, ўларкан. Сиз акангизни ўлимдан олиб қололмайсиз. Худо эмассиз. Ажалингиз келса, ўзингиз ҳам ўласиз-да. Бўладиган гапни гапиринг, – деди Ҳазраткул оғзидан ароқ ҳиди сасиб.

– Уйга бориб янганга айт, отамга атала қилиб беринг деб. Бечора акам туз тотмаган. Илтимос бизникига бориб кел, – деди унга ялиниб амакиси.

– Бормайман. Овора бўлиб юраманми. Ҳеч нарса томоғидан ўтмайди. Ўлади, – деб у хонадан ташқарига чиқди. Ҳазраткул довдираб ерга чўзилиб ётиб олди. Пинакка

кетди.

Кеч кирди. Ҳаким оқсоқолнинг юрак уриши ҳам секинлашди. Чол ҳушини йўқотди. Кўзларидан ёш сизилиб юзига тушди. Орадан кўп ўтмай Ҳаким оқсоқолнинг боши шилқ этиб ёстикдан тушиб кетди.

Отасининг ўлгани Ҳазраткулнинг хаёлига ҳам келмади. Юраги жиз ҳам этмади. Йўқламади. Кўзига ёш ҳам олмади. Отасининг жанозасида у якка моховдай йиғилганлардан ажралиб, томорқасининг адоғига бориб ўтирди. Эртаси отасининг маъракасига ҳам қарамай яна тоққа кетиб қолди.

II боб

Зафар Гуллоланинг кўшниси, иккови тенгдош, бирга ўйнаб, ўсиб, бир синфда ўқийди. Саттор оқсоқол билан Мелибой жон айрилмас қиёматли биродар. Гулсум хола билан Ширин хола ҳам бир-бирига эгачи. Кўшнилари топганини “Бу сеники, бу меники”, дейишмайди. Ўртага ташлаб, баҳам кўришади. Орасидан қил ҳам ўтмайди. Уларни кўриб ҳамсоялари ҳавас қилишади.

Гуллола табиатан гўзал. Унга бекорга Гуллола, деб исм қўйилмагандек. Тенгқурлари уни тоғнинг худди қирмизи олмасига ўхшайди дейишса, яна бировлар охуга қиёслашади. Яноқлари чўғдек ёниб туради. Кўзлари чарос узумдек тим қора. Гунча лаблари жилмайганда кўзлари кулади.

Зафар ҳам елкадор, юзлари силлик, сутга чайилгандек оппоқ. Кўркам, ўнг яноғи остида ўзига ярашган мошдек холи бор. Уларга келинимиз, куёвимиз Гуллола билан Зафардек барно бўлса деб орзу-ҳавас қилишади. Иккаласига ҳар қанча ҳавас қилса арзигулик эди. Кўпчилик Гуллола мактабни битиргач, келин қиламан, деб оғиз уришарди.

Гуллола билан Зафарнинг ишқ-муҳаббат алангаси кундан-кун авж оларди. Иккаласи ишқнинг нашидали туйғусидан маст бўлиб, бир-бирини изламасдан туролмай қолган эди. Гуллола билан Зафар тунларни тонгга улаб бир-бирларига шеърлар, мактублар ёзарди. Улар бир-бирларига кўзи тушиши билан юраклари қафасидан чиққудек бўлиб урар, яноқлари чўғдек бўлиб кетарди. Улар севги дардига мубтало бўлиб қолганини бир-биридан сир тутар эди. Иккаласи бир бирларини қараш ва ҳаракатларидан севиб қолганликларини ҳис этишарди.

Мактаб битирувчиларининг шу кунларда ҳаяжонлари чексиз эди. Бир умрга жонажон мактаби, азиз устозлари билан хайрлашади. Уларнинг наздида қайта ўқувчи бўлиб, мактаб қучоғидан ажралмаса. Яна болаликнинг шўхликлари тугамаса, эртадан-кечгача кўчадан бери келмаса. Хумори босилгунча ўйнашса. Улар ана шу болаликнинг завқ-шавқи қайтиб келмаслигини ҳис қилишиб афсусланишади.

Битирув тантанасида мактаб директори Нурмат Бобоёрович ўқувчиларга оқ йўл тиларкан яна бир хушxabарни тантанали тарзда эълон қилди:

– Донгдор чўпон, ҳалол меҳнати билан эл-юртга танилган Саттор аканинг қизи Гуллола мактабни олтин медалга тугатди! – деди.

Йиғилганлар қарсак чалиб уни олқишлашди. Гуллоланинг олмадек юзи ловуллаб, терга ботди. У уялиб нигоҳини ерга қадади.

Бу тантананага ОблОНОдан келган вакил олтин медални ғилофидан чиқариб Нурмат Бобоёровичнинг қўлига тутқазди.

– Қизим сени бутун райоимиз аҳли номидан қутлайман. Мактабни олтин медалга тамомлаган ўқувчи хоҳлаган институтига имтиҳонсиз қабул қилинади. Гуллола қизим, айтчи, қандай касб эгаси бўлмоқчисан

– Олий маълумотли ветеринар бўлмоқчиман, – деди Гуллола хаяжони бироз босилиб.

– Касбни тўғри танлабсан. Бу касб элимиз учун, айниқса чорвадорлар учун зурур касбдир.

Бироздан сўнг Гуллола:

– Самарқанд давлат ветеринария институтига кириб ўқимоқчиман, – деб қўшимча қилди.

Гуллола минбардан тушгач, тантана қатнашчилари, айниқса, синфдош дўстлари узлуксиз қарсақ чалиб туришди.

Тантана тугагач, Гуллола атрофга назар ташлаб Зафарни излади. Негадир унга кўзи тушмади. У йўлда дугоналари билан келаётиб оёғи оғриётганини баҳона қилиб қадамларини секинлатиб, орқада қолди. Гуллола Зафарни ўйлай бошлади: “Зафар қаерга кетиб қолди экан? У мендан хафамикан? Мазаси қочдимикан? Зафардан бошқа дўстларим мени бирма-бир қутлашди. Зафар эса табриклаш у ёқда турсин қорасини ҳам кўрсатмади”.

Катта дарвозанинг табақалари ланг очилган. Ҳовлидаги чинор соясига жой ҳозирланган. Зафарнинг ва Гуллоланинг оналари рўзгор иши билан банд бўлишиб, Гуллоланинг олтин медалга сазовор бўлганини эшитишиб, келишини сабрсизлик билан кутишарди. Зафар ҳам гулдаста билан дарвоза панасида тоқатсизлик билан Гуллоланинг келишини пойлаб турарди. Зафарнинг кўзи узокдан дугоналари билан чақчақлашиб келаётган Гуллолага тушди.

– Зафар? Шу ердамининг? Сени роса кидирдим. Кўринмадинг, – деди унга табассум ҳада этиб Гуллола.

– Менинг суюкли дўстим, бугунги муваффақиятинг билан табриклайман, – Зафар Гуллоланинг қўлларини маҳкам тутиб. Гуллола Зафардан нигоҳини узмай гулдастани олди. Унинг юраги қояга зарб билан урилган денгиз тўлқинларидек гурпуллаб ураётганини ҳис этди. Яна юзлари чўғдек ловулади.

– Раҳмат сенга дўстим. Табригинг қалбимга мен соғинган тотли туйғуни олиб кирди, – деди Гуллола Зафарни кучмоқчи бўлиб. У ҳовлида оналари кўриб қолишни билиб кучолмади.

Гулсум хола билан Ширин хола Гуллолани ҳовлига кириб келганини кўриб қўриб қўриларидан зап туриб бирма-бир уни бағрига босишиб, юз кўзларидан ўпишди. Табриклашди.

Гуллола билан Зафар икки дугонанинг гурунгига ҳалақит бермаслик учун ҳовли кафтидаги атрофи анвойи гулларга бурканган ҳовуз ёнига бориб ўтиришди. Кампирлар ўз гурунглари билан бўлиб уларга эътибор ҳам беришмади.

– Зафаржон қаерга бориб ўқимоқчисан? Келажакда қайси касб эгаси бўлмоқчисан, – сўради Гуллола қўлини Зафарнинг кафтига қўйиб. – Ким бўлмоқчи эканлигингни мендан сир тутяпсан. Мен сенга бегонаманми?

– Сендан сир тутишни сира ҳаёлимга келтирмайман. Қасам ич десанг ичаман. Ахир сен...

– Ишондим Зафаржон, ўзим шунчаки ҳаддим сиғиб ҳазиллашдим. Хафа қилган бўлсам кечир.

Зафар Гуллоланинг шоир қаламидек нозик бармоқларини силади. Иккаласи ҳам кўзларини юмишиб ютинишди, энтикишди. Улар хаяжондан қалтирарди. Бироздан кейин Зафар Гуллолага:

– Мен келажакда зоотехник бўлмоқчиман. Худо насиб этса иккаламиз бир институтда ўқиймиз. Қишлоққа келиб бирга ишлаймиз, – деди у.

– Бир бахтимни синаб қўрайчи. Мабодо ўқишга кира олмасам, чўпонлик қиламан.

– Мени айтди дерсан, Зафаржон, сен албатта институтга кирасан, кучли билимга эгасан. Мактабни аъло баҳоларга тугатдинг.

– Чўпонлик касб эмасми?

– Нега ундай деяпсан? Касбнинг яхши-ёмони бўлмайди. Чўпонлик машаққатли, аммо фахрли касб. Ахир иккаламизнинг ҳам авлодларимиз чўпон бўлишган-ку. Мен бундай дейишингдан хафа бўлдим. Сенинг билимингга ҳавас қиламан, – дея Гуллола Зафарга меҳр билан боқди...

III боб

...Бу йил баҳор борлиқ дарвозасини эрта қокди. Қуёшнинг илиқ нурлари тушган бойчечаклар уйқудан уйғониб юз кўрсатди. Мудроқ босган қир-адирлар қор кўрпаларини сидирди. Момақалдирокнинг гумбурлаши уйқуга кетган жониворларни чўчитиб юборди. Дов-дарахтлар киш пўстинларини елкасидан олди. Баҳор сепини табиатга кўз-кўз қилди.

Қир-адирлар, қирмизи лолақизғалдоқлар баҳорнинг шаффоф сувига юзларини чайишди. Дам-бадам самодаги қора булутлар атрофга жилмайиб турган қуёш юзини тўсди, ҳамроҳи момақалдиروқ самони ларзага солиб, либосини намойиш қилаётган замин устидан челақлаб сув қуйиб шалаббо қилди. Қилиғидан мақтанаётган қора булутлар билан қибла томондан қиличини ялонғочлаб шамол жанг қила бошлади. Мағлуб бўлган шамол ғанимлари қочиб, зиравор тошларнинг ортига ўтиб кетди. Уст-боши шалаббо бўлиб кетган қирлар либосларини силкитиб, қуритишга тушди. Қўклам созини чалишни яна давом эттирди.

Яйловларга оппоқ ўтовлар тикилади. Қишлоқ чўпонлари сурувларини тонг отмасдан жойларидан кўзғатишди. Баҳорнинг нашидали окшомларида ўтовлар олдида гулханлар ёқилади. Қозонлар осилади. Гурунг авжига чиқади. Майсалар ифори кишини маст қилади. Баҳор тароналари янграб, ўйин-кулги қуёш уйғонгунча давом этади...

* * *

Баҳорнинг ана шу окшомларининг бирида Қодир чўпон Эргаш чўпоннинг ўтовига кириб келди. Эргаш чўпон яйловдан сурувни энди ҳайдаб келиб, кечки дастурхонга ўтирган эди.

– Сизларни безовта қилиб сўрамасдан кириб келганлигим учун хижолатдаман. Узр сўрайман.

Эргаш чўпон қўлидаги пиёлани дастурхонга қўйиб чарчаган бўлса ҳам ўрнидан шарт турди. Чўпоннинг хотини Қодир чўпонга тахмондан кўрпача олиб, жой ташлади. Улар ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгач, Эргаш чўпон Норчучук момога юзланди:

– Кампир, қайнатмангдан борми?

– Ҳа, отаси бор, ҳозир, – деб, Норчучук момо қишлоқ устаси толдан ясаган косага қайнатма сузиб, Қодир чўпоннинг олдига қўйди. Чой дамлади.

– Тортинма, дастурхонга яқинроқ кел. Овқатга қара. Гурунгни кейин қиламиз.

– Нима тортинаман? Тортинмайман. Аммо бойвучангни безовта қилдим, – бироз хижолат бўлди Қодир чўпон.

Овқатланиб бўлишгач, дастурхонга дуо қилишди.

– Қўлинг дард кўрмасин келин. Қайнатманг жуда мазали бўлибди. Баракат топ, Норчучук.

Эргаш чўпон Қодирбойга кўз қисиб:

– Ҳа, бизнинг кампирнинг овқати ўлганни тирилтиради, – дея ҳазиллашди.

– Бойвуччангни мақтаганингча бор экан. Бизни кампир ҳам пазандаликда ўтса-ўтадики, хотинингдан асло қолишмайди, – деди Қодир чўпон ўртоғининг хотинига эрининг шунчаки ҳазил мақтовидан уялмасин, деб.

– Оғайнингиз шундай-да, ака. Меҳмоннинг олдида одамни уялтиради, – деб дастурхонни йиғиштирди Норчучук кампир. Ўзи эса тахмонга суяниб урчук йиғирганча уларнинг гурунгини эшитиб турди.

– Ўтган куни мен ҳам пастга энган эдим. Қишлоқда айтадиган деярли янгилик ҳам йўқ. Тинчлик. Биздан сўрасанг, бундан тўрт-беш кун илгари бўрилар тўртта қўйимни еб кетибди. Яқинда Шопўлат чўпоннинг ҳам иккита қўчқорини бўғизлабди. Анави куни Шопўлат чўпонни кўрганимда шундай деди.

– Бўрилар сурувинга оралабдими? Қара-я!

– Ишонмайсанми? Беҳазил. Биздан бошқа чўпонлар ҳам қўйимизни бўрилар еб кетди, деб додлашяпти. Бир-икки йил отарларимизга бўрилар ораламай тинчиб қолган эди.

– Ёлғон гапирма, Шопўлат! Ёлғон гапириш сенга ярашмайди. Нега унда бўрилар менинг ёки Саттор билан Каримнинг сурувига ораламайди? Сенларга ҳайронман. Ҳозир илгаригдай бўри қоптими? Борини ҳам Ҳазраткул кирди-ку...

– Шунга ҳайронман-да! Ё, Қўнғир тоғдан бошқа бўрилар ошиб келдимикан? Ҳазраткул мерганнинг бориға шукур. Яйловимизда яқин орада умуман бўрилар кўринмай қолган эди.

– Бир куни уйимизга Ҳазраткул мергагн егулик олиш учун пул сўраб келди, – деди гурунгда Эргаш чўпон Шопўлат чўпонга.

– Тахминимча учтами, иккитами бўри қолган бўлса керак. Анчадан бери бир урғочи бўри бор. Жуда чиройли, юнги тилла ранг. Қуёш нурида юнги кўзни қамаштиради. Ҳар овга чиққанимда ўша бўрини учратаман. Отмоқчи бўлиб, милтикни тўғрилагунимча ғойиб бўлди. Осмонга учиб кетадими, ерга кириб кетадими йўқолиб қолди. У мени таниб қолган.

– Унда нега бўрилар бизларга кун бермаяпти?

– Қўйсангчи, Қодирбой. Биласан, бўриларнинг оғзи еса ҳам, емаса ҳам қон. Ҳозир эса икки оёқли оч бўрилар купайган, десанг, ишонаман.

– Гапинга тушунмадим...

– Ўзингни гўлликка солма. Нима демокчилигимни тушиниб турибсан. Иккаламиз ҳам ёлғон гапирсак, тепада Худойим қараб турибди.

– Ҳа. Айтганингдай, икки оёқли бўрилар районнинг казо-казолари, уларнинг марказдаги меҳмонлари.

– Мана энди миянг яхши ишляпти. Биродар, у куни десанг райком секретари ҳайдовчисини юборибди. “Эргаш чўпондан бешта семиз қўчқор олиб келасан”, дебди. Катта ўғлини уйлантирмоқчи эмиш. Бермадим. Бу шахсий чорвамиз бўлмаса. Давлатники. Эрта бир кун жавобгарлиги бор. Илгари ҳаммамиз ҳам бу ёғини ўйламай катталар сураяпти экан, деб, бериб юбораверганмиз. Камомад чиқиб, судланганмиз. Камомадингиз қоплаёлмаган чўпонларнинг айримлари икки-уч йил ўтириб ҳам чиқишди. Келгандан кейин бор-будини сотиб, камомадини ёпишди. Хабаринг бор бир йили мен ҳам хўжайинларнинг илтимосини қайтармай деб ўйламай айтганларини, бериб юбораверибман. Ўшанда отаримдан анча камомад чиқди. Ўз вақтида ёполмаганим учун олти ойга қамалдим. Қариндошларим, энг яқин дўстларим ўзларининг шахсий чорвасидан ёрдам беришди. Шундан кейин қамоқдан чиқдим.

– Каттанинг ҳайдовчи бошқа келмадими?

– Қайда дейсан? Ўша кун изига қайтиб кетган ҳайдовчи колхозимиз раисини бирга олиб келди. Раис менга, замзама қилиб катта сўрагандан кейин нега бериб юбормадинг, – деди. Мен ҳақиқатан ҳам катта сўраган семиз қўчқорларни Эргаш чўпондан олганим рост деб имзонгиз ва муҳр босилган қоғоз берасиз, деб туриб олдим. Ноилож раис идорага бориб айтганимдай қоғоз олиб келди. Кейин каттанинг сўраганини бериб юбордим.

– Тўғри қилибсан. Ўз ишинга ёмон пишиқсан-да. Илгари сен ҳам мендек кўнгилчан эдинг, – деди у Эргаш чўпоннинг елкасига қоқиб.

– Кейин кўзим очилди.

– Айтганимдай, икки ҳафта илгари десанг, райижроқўм раиси ёрдамчисини, менга ҳам юбориб, Москвадан министр келяпти, учта қўй берсин, меҳмон қиламиз баҳонасида олиб кетди. Э йўқ, бе йўқ, ўйламасдан бериб юбордим. Биз чўпонлар қўйларимизни икки оёқли оч бўрилар еса ҳам, тўрт оёқли бўрилар еди дейишга одатланиб қолганмиз.

– Э, Қодирбой катталарда инсоф борми? Менга ўхшаб қоғоз ёздириб олмадингми?

– Йўқ. Шундай бериб юбориман. Кўнгилчанглик қилдим. Сендай қоғоз ёздириб олиш эсимга келмабди. Эрта бир кун кўнгилчанлигим бошимга бало бўлса керак.

– Эрта бир кун бало бўлиши турган гап. Хафа бўлма-ю катталардан кўрқасан. Довдираб қоласан. Сен ҳам менга ўхшаб папка тут. Мен йигирма йилдан буён шундай зарур қоғозлар учун алоҳида журнал-дафтар тутганман. Ким нима сўраса, берсам аввал дафтарга холис гувоҳлар асосида санаси, йили ҳафта соатигача қайд қиламан. Қоғозларни папкада сақлайман. Ҳозир бундай дафтарлардан ўн беш-йигирматача бордир. Сандиққа солиб қўйибман. Ишонмасанг келинингдан сўра. Ё, кўрсатайми?

– Ишонаман. Энди кўзим очилди. Бўлмаса тураин, дуо қил. Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Бугун сизларни уйқудан қолдирдим.

– Ундай дема чўпон халқи уйқу билмайди. Кўпдан буён келмай қолдинг. Авваллари тез-тез гуруннга келиб турардинг. Гурунг баҳона юракларимизнинг чигили ҳам ёзилди. Шу бугун ишнинг кўплигиданми чарчашдан кўра зерикдим. Ишонмаслигинг мумкин. Нимагадир бугун сени эслаб турувдим. Уйдагиларингни сўраб қўй.

Урчук йигириб уларнинг гурунгини эшитиб ўтирган Норчук кампир ҳам:

– Илоё шу икки оёқли бўриларга қирғин келсин. Ҳар қандай бало қазолардан асрасин, – деб дуо қилди.

* * *

Якшанба куни Саттор чўпон қизи мактабни олтин медалга битириб, талаба бўлгани учун устозларини чой ичишга яйловдаги ўтовига таклиф қилди. Чойда бўрилар ҳақида гурунг кетди. Гурунгда Жумакул муаллим тўрда дастурхон бошида ўтирган Саттор оқсоқолга савол назари билан қаради.

– Саттор ака, илгари бўрилар яйловда гала-гала бўлиб юришарди. Негадир кейинги пайтларда камайиб, бармоқ билан санарли бўлиб қолди?

– Домла айтганингиздай бўрилар камайиб кетди. Ҳозир бўри овловчи мерганлар кўпайган. Унинг устига техникалар тоғ жониворларининг оромини бузаяпти. Кон очилаяпти қурилишлар бўлаяпти. Яна бир гап иқлим ўзгариши, ҳаводаги заҳарли

чанг-тўзонларнинг салбий таъсири ҳам бўри ва бошқа ҳайвонларнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

– Сиз бўриларнинг ақлли, инсонга садоқатли бўлишига ишонасизми? – савол берди зоология фани ўқитувчиси Мамаюсуф.

– Ишонаман. Бўрилар инсонга вафодор ақлли бўлмаса, улар ҳақида юзлаб дostonлар ёзилармиди, кинолар ишланармиди, унга атаб дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳайкаллар ўрнатилармиди? Буни мендан ҳам кўра сизлар яхши биласизлар-ку.

– Мен ҳам зоология фани ўқитувчиси бўлсам-да Дарвиннинг ҳайвонлар ақлсиз деган таълимотига кўшилмайман. Дарвин бобо яшаган замонда табиат ва жонзотлар тўлиқ ва чуқур ўрганиб чиқилмаган. Олимлар кам, тадқиқотлар, тажрибалар олиб бориш учун ҳозиргидек шароитлар бўлмаган. Шунинг учун кўпроқ тахмин ва фаразга асосланган.

– Сизни чўпон бўлса ҳам ҳар кун кўп газета, журнал ўқийди, ўқимаса туролмайди, деб кўп эшитганман. Бўрилар ростдан ҳам хосиятли, мукаддас жониворми, – сўради қариядан ўтирганлардан яна бири.

– Газета-журнални ҳар куни ўқишни канда қилмайман. Қишлоғимиз почтачиси яйловга келиб бир ҳафталик газета-журнални бериб кетади. Радиодан янгиликларни билиб оламан. Ҳайвонлар, касбимизга оид китоблар, газеталарда босилган мақолаларни ўқийман. Мен ҳам сизларга ўхшаган одамлардан эшитганимни, газеталардан ўқиганимни айтаяпман. Бўрилар ақлли бўлмаса-да ўрмонда адашиб ёки ташлаб кетилган болани онадайин эмизармиди? Иссиқ бағрига олармиди? Агар бўрилар ақлсиз бўлса ўша заҳотиёқ уни болалари еб қўйишарди. Бўри оралаган яйлов, баракали, уни учратган одамнинг иши юришади. Бекорга одамлар сиздан ишингиз бўрими ё тулкими, деб сўрашмайди. Бошланган иши бароридан келган киши сизга Бўри деб жавоб қилади.

– Қойил сизга Саттор ака! Чўпонликни ташлангда, мактабимизга ўқитувчи бўлиб келинг, жон-жон деб ишга оламиз. Чуқур билимли, дунёқарашингиз кенг экан, – деди мактаб директори Розик ака оқсоқолга ҳазиллашиб.

– Болалигимда сизлардек ўқитувчи бўлишни ҳавас қилганман. Шароит бўлмаган. Тўрт синф маълумотига эгаман. Бобом қишлоқда саводли, ҳамма ҳурмат қиладиган мулла эди. Бобом кирилл ва араб, латин алфавитида ёзилган китобларни бемалол қийналмай ўқирди. Билимни бобомдан кунт билан ўзлаштирганман. Армияда русчани мукамал ўргандим. Ҳозир ҳам русча ёзилган газетами, журналми, китобми бемалол ўқийман.

– Барака топинг, Саттор ака! Одамлар сизни бекорга чўпон бўлса ҳам ўта билимдон, саводли деб айтишмаган экан. Сиздан ҳар қанча ўрнак олсак арзийди дейишди ҳамма ўтириш якунида...

IV боб

Саттор оқсоқол билан Мели оқсоқол азал-азалдан бир девор кўшни, эт билан тирноқдай.

Мели оқсоқол кунларнинг бирида кечкурун ишларини жойлаштириб келган Саттор оқсоқлга:

– Биродар, сенга айтмоқчи бўлган маслаҳатим бор, – деди.

– Маслаҳатли гапингни олдин айт-чи, эшитайлик.

– Болаликдан ўлик-тиригимиз, қозонимиз бир бўлса, шу ўртадаги деворни олиб ташласак деган гап кўнглимга келди. Ирим қилдим. Нимагадир девор иккимизни ажратиб қўйгандай туюлди.

– Мен ҳам худди сендай деворни олиб ташлашни кўпдан буён ўйлаб юрардим. Дилимдагини айтдинг. Олиб ташлаймиз. Ҳаммамиз бир дарвозадан кирадиган бўламиз...

Кўшнилари шу гапдан кейин кўп ўтмай ўртадаги деворни олиб ташлаб, ҳайхотдек бир ҳовли қилишди...

* * *

Зафар билан Гуллола ўзлари хоҳлаган битта институтда ўқишяпти. Гуллола институтнинг қизлар ётоқхонасида турди. Зафар эса Сиёб бозори ёнидаги саксон ёшни қоралаб қоралган ёлғиз рус кишиникида яшайди. Чол Зафардан иссиқ-совуғига қараб тургани учун ижара ҳақи олмайди.

Зафарнинг яшаш жойи институтга яқин. Дарсга пиёда бориб келади. Зафар билан Гуллола ҳар куни институтда учрашиб туришади. Улар бўш пайтларида бирга кинога боришади, дарс қилишади.

Зафар хотин-қизлар байрамини бирга нишонлаш учун Гуллолани кечкурун квартирасига таклиф қилди. У эрта тонгданок ёнидаги бозорга тушди. Байрам дастурхони учун харид қилмаган нарсаси қолмади. Бозордан келибоқ ҳовлини супурди. Хоналарни ювиб чиқди. Дастурхон тузатди. Гуллолага бир умр эсдалик қоладиган совға олиш учун заргарлик дўконига ҳам кирди. Аввал у заргарлик буюмлари қўйилган ойнаванд расталарни эринмай бирма-бир кўриб чиқди. Ўртадаги растага қўйилган зумрад кўзли узукка кўзи тушди.

– Опа, хув анави узунгингизни кўрсатасизми, ёкса, олмоқчи эдим, – деди

– Байрамда келинга совға қилай дебсиз-да укажон, – деди унга сотувчи аёл тилла тишларинини ярқиратиб нимтабассум билан.

– Ҳали мен... талабаман. Бир қариндошимизнинг қизига олмоқчи эдим.. Узунгингиз менга ёқди, – уялиб жавоб берди Зафар.

– Зумрад кўзли узук ҳар қандай қизнинг бармоғига ярашади. Мана мен ҳам шу узукдан таққанман, – деб сотувчи Зафарга узук таққан бармоғини кўрсатди. – Ярашибдими?

– Жуда ярашибди! Сизга ўхшаган гўзал аёлларга албатта ярашади-да! Ўзингиз ҳам тенги йўқ малак экансиз, – деди Зафарнинг шўхлиги тутиб.

– Э, талаба укам-ей... чаток экансиз. Оладиган бўлдингизми? Нархи қиммат, соф тоза олтиндан. Пулингиз етадими? Мен сизни талаба бўлса, пули етармикан деб ўйлаган эдим.

– Пулим етади опажон. Албатта оламан. Мен харид қилаётган узук олаётган кишимга ёқади. Сизга ярашгандек, унга ҳам, албатта, ярашади.

– Оббо укажоним-ей, демак, узукни бўлажак келинга олаётган экансиз-да! Майли буюрсин. Бахтли кунларида тақсин, – деди-да узукни олиб берди.

– Раҳмат сизга, опа.

Зафар сотувчига миннатдорлик билдириб хайрлашди.

Кун пешиндан оғди. У Гуллолани олиб келишдан олдин, унга атаб гулдаста тайёрлаб қўйди. Кўчага чиқди...

Гуллола ҳовлига кирар экан, саришталикдан кўнгли яйради. Ҳовлидаги баҳорнинг оппоқ либосига бурканган дарахтларнинг, барқ уриб турган анвойи гулларнинг ифори Гуллолани маст қилиб қўйди. Кўзларини юмиб, тўйиб-тўйиб нафас олди. Баҳорнинг майин, ёқимли эпкинни Гуллоланинг сочларини силаб эркалатди. Хонага кирар экан, эшик остонасида Зафарга:

– Дўстим, безатган байрам дастурхонингизни таърифлашга ожизман.

Шоҳлар дастурхони ҳам сизникидек бўлмас. Қизларни ҳам йўлда қолдирибсиз, бу борада, – деди юракдан севиниб.

– Мақтовни ошириб юбординг, одамни хижотлатга қўйдинг. Қўлимдан келганича...

Зафар стол устига қўйилган гулдастани Гуллолага тутқазиб, қўлини маҳкам қисди.

– Байрам билан табриклайман!

– Раҳмат, Зафаржон!

Зафар Гуллоланинг билагидан секин ушлаб, безатилган дастурхон бошидаги стулга таклиф этди. Ота-боладек бирга яшаётган Дмитрий амакини Гуллоланинг ёнидаги стулга ўтқазди. Зафар эса Гуллоланинг бу ёғидаги стулни сал силжитиб, янада яқинроқ ўтирди.. Бироздан кейин у Гуллоланинг кафтига қўлини қўйиб ўрнидан турди. Қадаҳларнинг бирига шампан виноси, чол билан ўзига эса арманларнинг машхур беш юлдузли коньягидан қуйди.

– Қани Гуллола, байрам билан! Ҳаммамизга байрам қутлуғ бўлсин!

– Айтганингдай бўлсин, кадрдон дўстим, – деди Зафарга Гуллола чарос кўзлари кулиб. Табрик қадаҳлари кўтарилди. Зафар Гуллолага деди:

– Бўлмаса мен турай. Сенга аталган байрам таомини тайёрлай. Сен эса Дмитрий амакини зериктирмай у ёқ, бу ёқдан қизиқ-қизиқ гаплардан айтиб гурунглашиб ўтир. Сенга ичак узди латифалар айтиб беради. Амаки зерикиб қолса иккаламиздан хафа бўлиши мумкин.

– Унда мен сенга ёрдамлашаман, – дея Гуллола ўрнидан турмоқчи бўлди.

– Йўқ, йўқ, ўтир! Хижолат бўлма! Бугун сенга хизмат қилиш менинг бурчим. Байрамдаги хизматимни чин юракдан сенга атаганман.

Гуллола севинганидан, ширин туйғулари қалбида туғён ураётганидан Зафарнинг гапига жавоб қайтара олмади. Бир дақиқа жимиб қолди Зафар ошхонага кетиши олдидан Гуллолани елкасидан силаб, эркалатди.

– Дочка, я тоже поздравляю вас с вашим праздником, – деб чол ҳам қадаҳ кўтарди.

– Спасибо, вам мой любимий дядя. Я очень рада.

– Не за что, моя красавица.

Чол Зафарни ошхонага кетаётганида имлаб чиқирди. Унга русчалаб:

– Сенинг севган қизингми, – тортиниб секин сўради чол.

Зафар чолнинг сўровига жавоб бермаса-да “ха” деган маънода томоқ кирди. Гуллола Зафарнинг томоқ қиришининг маъносини юракдан англади. Уялиб ерга қаради.

– Қизинг, табиатан чиройли экан. Афсоналардаги малакларга ўхшайди.

Зафар энгашиб қариянинг қулоғига:

– Амаки топдингиз, эртақлардаги муҳаббат фаришталарининг айнан ўзи. У ҳам менинг бахтим, – деди русча шивирлаб.

– Сен ҳам жуда чиройли. Қадди-қоматинг кўркем. Ўғил бола бўлсанг ҳам севганингда қолишмайсан. Иккаланг бир-биринга мос. Бир олманинг икки палласидай.

– Амаки, жуда ошириб юбордингиз, – дея Зафар хондон отди.

– Бахтли бўлинглар. Энди менга рухсат. Иззат-икром, ҳурмат учун иккаланга ҳам раҳмат. Дам олмоқчиман, – деб чол ўзининг хонасига ўтди. Чол хонасига киргач, Зафар ошхонага кириб, тез-тез байрам таомини тайёрлашга уринди. Егулик тайёр бўлгунича Гуллоланинг ёнига келди. Улар бироз еб-ичиб, суҳбатлашиб ўтиргач, Гуллолани елкасидан қучиб, дераза ёнига таклиф қилди. Дераза равоқларини кенг қилиб очди.

– Баҳорнинг ёкимли шабадаси, ташқаридан гиёҳларнинг муаттар ҳидини хонага олиб кирди. Оппоқ чойшабдек булутлар орасидан тўлин ой мўралаб, Гуллола билан Зафарни кузатарди. Улар анча вақт жим баҳор оқшомининг гўзаллигини қўл ушлашиб томоша қилишди. Зафар Гуллола билан кузатишда давом этиб костюмининг ички чўнтагидан олиб ғилофга солинган зумрад кўзли узукни унинг кафтига авайлаб қўйди. Гуллолани ўзи томон буриб, белидан қўчди. Болга тўлган ғунча лабидан бўса олди. Гуллола Зафарнинг тотли бўсасидан тин олди. Иккаласи ишқ қўшиғини бир-бирининг оғушида жимжит тинглар эди. Икки юрак томирларининг тошқин дарёдай гупур-гупурлаши севги қўшиғига жўр бўлган.

V боб

Орадан бир зумда уч йил ўтди. Ёз қўч-кўронини елкасига ташлаб, ўрнини фаслларнинг яна бир малаги – кузга бўшатиб берди. Борлиқ олтин ранга бўялди...

Шундай оқшомларнинг бири. Шом. Саттор чўпоннинг яйловдаги ўтовига форма кийган башаралари тунд, қовоқлари осилган икки киши кириб келди. Саттор чўпон билан Ширин хола энди шом намозини ўқиб овқатлангани дастурхон бошига келиб ўтирган эди. Улар сўровсиз Саттор чўпонни қўлини орқага қилиб кишан солди. Панжарали усти ёпиқ машинага тикди. Ширин кампир хангу манг, қотиб қолди. Изидан уларга:

– Ҳей, болаларим чолимни қаерга олиб кетяпсизлар. Нима гуноҳи бор экан, – деди илтижо билан йиғлаб.

Улар ўзларини эшитмасликка олиб, ҳеч нарса демади. Машинани юргизиб изига қайтди.

Ширин холанинг юраги тез уриб, ҳолсиз ўтовга ҳам кирмай, хушидан кетди.

Саттор чўпоннинг ёрдамчиси Шоди сурувни жойлаштирганини айтгани келатган эди, ўтов ташқарисидаги керагага илинган фонуснинг ёруғида Ширин холанинг хушсиз ётганига кўзи тушди. У керагига суяб қўйилган кўзадан бир пиёла сув олиб Ширин холанинг юзига сепди. Пиёлада қолган сувга кампирнинг юз пешонасини ювди. Кампир ярим юмук кўзини очди.

– Сен кимсан? – сўради инграб.

– Янга! Мен Шодиман. Сизга нима бўлди? – деди Шоди кампирнинг ҳолатидан кўрқиб.

– А. инима, бобонгни икки мелиса олиб кетди, қўлини орқасига қилиб. Нима сабабдан олиб кетаётганини айтишмади. Бечора чолимнинг айби бор деб шу вақтгача эшитмадим, – деди кампир кўзёшларини артиб.

– Янга, ўзинизни қўлга олинг. Эртага бари аён бўлади. Билиб келай десам кеч бўлди. Ёнингизда қоламан. Сиздан алоғда бўламан, – деди Шоди кампирни суяб уйига киритаётиб.

– Шодижон, ёнимда қолсанг уйдагилар сендан алағда бўлиб ухлаёлмайди...

– Болаларим ўрганиб қолган, хавотир олишмайди.

– Унда ўзинг биласан.

Саттор оқсоқол йўлда мелисалардан “Нимага, кимнинг олдига олиб кетяпсизлар”, деб сўради. “Боргандан кейин биласиз бобой”, деган қўпол жавоб бўлди, холос.

Панжарали машина райком биноси олдида силкиниб тўхтади. Саттор чўпонни райком секретари хонасига олиб кирди. Райком секретари тўрда важоҳат билан столни уриб ўтирарди.

– Икковинг чиқиб тур! Ёрдамчига айт, эшикни устидан қулфласин, – деди ва Саттор чўпонга ўдағайлади: – Ҳе, онангни, қари эшшак, ёнимга кел! Нимага мени марказдан келган тафтишчиларга ёзма шикоят қилдинг?

Секретарнинг ҳақорати оқсоқолга қаттиқ ботди.

– Ўртоқ райком, нега мени ҳақоратлайсан? Менам сендай одамман! Сенга инсонни ҳақоратлаш ҳуқуқи берилмаган. Мен отанг тенгиман. Иккинчидан сен-сенлама. Сенга тарбия берган падарингга хайф-ей.

– Қанжиқдан бўлган! Нега юқорига шикоят ёздинг, деб сўряпман.

– Худодан топгур, яна нега ҳақоратлаяпсан? Мени қанжиқ тукқан бўлса, сени ҳам қанжиқ тукқан. Ҳе, энаси бекадр, – деди секретарга Саттор чўпон орига чидай олмай.

– Нега менинг онамни ҳақоратлаяпсан, – баттар тутокди секретарь.

У ўрнидан туриб қўлидаги марказдан келган хатни оқсоқолнинг юзига отиб юборди.

– Ўв, сассиқ чўчка! Йил бошидан йигирма бош семиз совлиқ қўчқорни менинг отаримдан олиб кетган, деб ёзибсан. Тафтишчиларга бўрилар еб кетган, катта емаган демадингми?

– Ўша қўйларни ўзинг еб, энди менга ағдараяпсанми?

– Асаканг кетармиди ёки осмон узилиб ерга тушармиди шундай деганингда.

– Мен сендай иймонимни емаганман. Виждоннимни сотмаганман. Олганинг рост. Гувоҳлар асосида дафтаримга тиркаб, ўз қўлинг билан ёзган тилхатингни сақлаб қўйибман.

– Бўлса бордир. Кайф билан ёзган бўлсам ёзгандирман. Ундай бўлса менга: “Қўйларимни бўрилар еб кетгани рост. Мен кексалигимга бориб, ўйламасдан катта еган деб ёлғон ёзибман. Ёзганимни тан оламан”, деб тилингдан тилхат ёзиб бер.

– Еганини жонивор бўриларга тўнкама! Икки дунёда ҳам виждонсизлик қилиб, тилхат ёзмайман.

– Нега ёзмайсан? Элга шарманда қилиб, обрўйимни тўкмоқчимисан? Бир умрингга етарли пул берсам тилхат ёзиб берасанми, – деди секретарь костюмининг ички чўнтагидан бир даста пул чиқариб чолнинг юзига отди. Пул сочилиб ерга тушди.

Чол ердан пулни териб олиб, райкомнинг олдида ташлади.

– Ҳаром пулингга зор эмасман. Ўзингга сийлов. Лекин, ўлдирсанг ҳам тилхат ёзиб бермайман.

– Ёзиб берасан, ёзмаганингга қўймайман.

– Гапим битта. Ёзмайман.

– Мана ёзмасанг сенга, ҳайвон, – деб секретарь оқсоқолнинг юзига, пешонасига устма-уст каттиқ мушт туширди. Чолнинг бурни ёрилди, пешонаси йиртилди. Бурнидан, пешонасидан лахта-лахта қон чиқди. Қариянинг уст-боши қонга бўялди. Оқсоқол мушт зарбидан гандираклаб ўтириб қолди.

– Шошмай тур, ҳақоратинг учун, порахўрлигинг учун жазоингни оласан, – Саттор чўпон секретарнинг совуқ афтига қон аралаш туфлади. – Сени ишдан олдириб қаматаман! Қаматмасам отамнинг боласи эмасман.

Райком чолнинг гапидан жаҳли чиқса ҳам қайта мушт туширишга журъат эта олмади. Ичкаридан хона эшигини очиб, олиб келган ҳалиги ички ишлар ходимларига:

– Чолнинг қўлини ечиб, ювинтиринглар. Уйига олиб боринглар, – деб буйруқ берди. Улар чолни хонадан олиб чиқди.

– Бу аҳволда уйимга бормаёман, бошим зирқираяпти. Мазам қочаяпти. касалхонага олиб борасизлар, – деди йўлда оқсоқол уларга.

– Биз кичик одаммиз. Буйруқ бажарувчимиз хафа бўлманг амаки, каттанинг буйруғини бажарамиз. Бажармасак бизни ҳам тинч қўймайди.

Улар йўлда чолни дарёга олиб бориб, юз-кўзларини ювиб, чўмилтирди. Ўша ердаги хонадонларнинг бирига кириб уст-бош олиб чолнинг қонга беланган кийимини алмаштиришди.

Райком чолдан қилган қилиғига кечирим ҳам сўрамади. Саттор чўпон уйга кириб келди. Хавотирланиб ўтирган Ширин хола билан Шоди оқсоқолни аҳволини кўриб телбадай анграйиб қолишди.

– Отаси сизга нима, бўлди? Шўрим курсин-а! Бу кўргилик сизга қаердан қараб турган экан? Сизни қаерга олиб боришди? Мелисахонагими ё, – йиглаб сўради кампир чолидан.

– Қораймаган жойингиз қолмабди... – Шоди эсанкираб қолганидан чолдан ҳеч нарса сурай олмади. У оқсоқолнинг қўлтиғига кириб тўшамчига ўтказди. Чол тўшамчида бироз ўтириб, ёнбошлади.

– Акамга нима бўлди экан? Сабабини билмаяпмиз. Йўлда бирор безори урдимикан. Учи топилмаяпти, – деди у, Ширин кампирга оқсоқолга ачиниб.

– Шодижон чолимни мелисахонада урганга ўхшаяпти. Сенга айтдим-ку чолимни икки мелиса олиб кетди, – деб. Яна ким билади. Саттор чол бошининг қаттиқ зирқираб оғриётганидан кампири билан Шодининг гапига эътибор бермаганлиги туфайли дуруст эшитмади.

– Очлигидан ичида ҳеч нарса йўқ. Овкат емасмикан, – деди Ширин хола Шодига.

– Янга бу аҳволда овкат ермиди. Келинг, акам дамини олсин. Уйғонганидан кейин овкатлантирамиз. Бўлмаса акам ўзига келгунча мен Йўлдош чўпоннинг мотоцикли билан қишлоғимиз дўхтирини олиб келаман. Алламаҳал бўлса ҳам, кўрсатамиз. Дўхтирнинг дориси даво қилади.

– Тўғри айтасан, қайним. Бўлмаса йўлдан қолма. Бориб кел, – деди Ширин кампир унинг гапини маъқуллаб.

Шоди учиб бордими ҳаял ўтмай уйидан Эсон дўхтирни олиб келди. Дўхтир Саттор чўпонни туртиб уйғотди. Саттор чол оғриқдан инграб, ёстикдан бошини кўтарди. Эсон дўхтир оқсоқолни синчиклаб текширди.

– Янга тоғамни эртага касалхонага ётқизиш керак. Ётқизмаса бўлмайди. Бугунча тоғамга тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи дори бераман. Қаттиқ зарбдан бош лат еган. Қарашидан мияси чайқалганга ўхшайди. Тагин овқат берманг қусиб ташлайди, – деди дўхтир Ширин кампирга.

– Акамни ўзим касалхонага олиб бораман. Сиз овора бўлманг. Кўрамиз шифокорлар нима маслаҳат беради. Ётиб даволансин деса ётқизаман.

– Ўзингиз биласиз, оғажон. Барака топинг.

– Эртаси куни чошгоҳга яқин Эсон дўхтир Саттор чўпонни район касалхонасига олиб кетди. Қишлоқ дўхтири шифокор билан маслаҳатлашиб, Саттор акани экспертиза текширувидан ўтказди. Экспертиза бошлиғи текшириб, хулосасига: “Беморнинг миясига оғир зарб теккани оқибатида жиддий лат еган. Мия чайқалуви мавжуд. Бурун суяги ёрилган, томирларида қон қотган. Пешона териси йиртилган, юрак ритми бузилган. Қон босими баланд” диагнози деб ёзди.

Эсон дўхтир қишлоқдошини бошқа мутахассис шифокорларнинг ҳам текширувидан ўтказиб, уларнинг маслаҳати билан шифохонага ётқизди. Мутахассис шифокорлар сўровига бўлган воқеа тафсилотларини айтиб берди.

Саттор оқсоқол бир ҳафта даволаниб қайтгач, райком секретарини судга берди. Ширин кампир чолига: – Райкомни Худога топширдим. Худодан топсин бегуноҳ сизни уриб-сўккани учун. Судга бериб тўғри қилдингиз, деди қарғаниб.

Бир ҳафтадан сўнг иш судда жабрланувчининг шикоят аризаси кўриб, чиқилди. Шикоятда келтирилган фактларнинг тўғрилиги тасдиқланди. Райком айбига иқроор бўлди. Суд қарори билан райком секретари ишдан олиниб, ўн йил қамок жазосига ҳукм қилинди.

VI боб

Гуллола билан Зафар институтни битиришига бир йил қолди. Шанба куни эди. Гуллола дарсдан чарчаб ётоқхонага келди. Ётоқхона навбатчиси уйдан келган телеграммани унга тутқазди. У телеграммани шошиб ўқиди. Телеграммада: “Қизим, тезда етиб кел. Онанг бетоб. Отанг”, деб ёзилган эди. У телеграммани ўқиб, юраги шув этиб кетди. Отам нега шошилишча телеграмма юборди. Тинчликмикан? Тинчлик бўлмаса менга бекорга бундай телеграмма юбормайди, деб нима ҳаёлларга бормади.

Уч кун олдин саҳарда Гуллола ёмон туш кўриб кўрқиб уйғонганди. Тушида онаси, “Асал қизим, оппок либосимни кийдим. Мен узоқ сафарга кетяпман. Йўлга чиқдим. Мени кутма. Сафардан қайтмайман. Тўйингни кўролмайман. Сен бахтли бўласан. Зафаржон сени бахтли қилади”, деб ғойиб бўлди.

Гуллола хонасига кирмай пиёда тўғри Зафарнинг квартирасига борди. Зафар ҳам дарсдан келиб, уст-бошини алмаштираётган эди. У Зафарни кўриб йиғлаб юборди.

– Гуллола нега кайфиятинг йўқ. Нега йиғлаяпсан, тинчликми, – сўради хавотирланиб.

– Тинчлик бўлмаса керак. Уйдан шошилишча телеграмма олдим. Тўғри сенинг олдинга келяпман. Онам оғир бетоб эмиш. Кўрқиб кетяпман.

– Кўркма-кўркма, уйдагилар сени соғиниб қолгандир. Кўргиси келиб телеграмма жўнатгандир. Уйингдагилар шундай қилмасак Гуллола келмайди дегандир, – дея унинг озгина бўлса ҳам кўнглини кўтариб, қалбига малҳам бўлди.

– Зафаржон айтганинг келсин. Шундай бўлса ҳам уйга бориб келай. Эрталабки рейсга билет олмоқчиман. Агар чарчамаган бўлсанг, юр бирга аэропортга борайлик.

– Жоним билан бораман. Кийимимни алмаштирмайман. Шу уст-бошим билан кетавераман. Мен тайёрман.

...Гуллола билан Зафар қишлоққа кириб келганда чақирувчи уйма-уй кириб, уларниқига жанозага айтиб юрган эди.

Гуллола югурганидан сочлари тўзиб, фарёд солиб ичкарига отилди. Отаси онасининг эшик ёнга суяб қўйилган тобутини кучоқлаб овозининг бориचा фарёд урарди.

– Эна қизим, қанотимиздан айрилиб қолдик! Онанг бизларни ташлаб кетди. Бугун тонгда онанг омонатини топширди. Сенинг келишингга илҳақ бўлиб жон берди. Ўзимнинг эркам-а, онанг сенинг тўйингни кўролмади. Бечора кампирим сенинг тўйингни кўрсам армоним йўқ, дерди. Нима қилайлик, пешонамизга сиғмади, – дея Саттор ака нола қилиб Гуллолани бағрига босди. Қизининг бошини силади. Юзларини йиғлаб ўпди. Зафар ҳам Гуллолага қўшилиб йўқлаб йиғлади.

Ўша куни азада қишлоқдошларидан йиғламаган, нола қилмаган одам қолмади. Тобут олиб чиқилгач, Гуллола Зафарнинг онаси Гулсум холадан йиғлаб онасининг бундай тўсатдан вафот этгани сабабини сўради.

– Опам бечоранинг мазаси қочган куни мен ёнида эдим. Эрталаб соппа-соғ эди. Тўсатдан йиқилди. Дўхтир чақиртирдик. Дўхтир кўриб, янгамнинг миясига қон қўйилган, ёрдамимиз бефойда, деди. Акам яйловга кетганди. Онангнинг йиқилганидан хабарсиз эди. Чақиртирдим. Акам келгач, опамнинг жони узилди. Энажоним, йиғлама... бўлмаса опам тинч ётмайди, алоғда бўлади. Йиғлаганимиз билан қайтиб келармиди? Ўлим ҳаммамизнинг бошимизда бор, – Гулсум хола кўз ёшларини артиб Гуллоланинг бошини кўксига босди.

Онасининг маъракаси ўтган кунинг эртасига Гуллола ўзидай аза тутиб ўтирган отасига:

– Институтга бормайман. Ўқимайман. Сизни онамсиз ҳувиллаб қолган ҳовлига ёлғиз қолдирмайман, – деди йиғлаб.

– Ундай дема, она қизим. Ўқишни тамомлашинга бир йил қолди. Бир йил у ёқдан, бу ёққа қарагунча ўтиб кетади. Чидайман.

– Энажон, акам тўғри айтаяпти, ўқишингни қолдирма иссиқ совуғидан ўзимиз хабарлашиб турамиз, – деди Гулсум хола ҳам уларнинг гапини эшитиб.

– Ношукур бўлмайлик, энажон, энди сен ёш бола эмассан, эсли-хушли қизсан. Отангни ўйла, ўзингни ўйла. Бу созда касал бўлиб қоласан. Ҳар қандай оғир шароитда ўзингни қўлга ол. Ўлим ҳамманинг бошида бор. Биров эрта кетади бу дунёдан, биров кеч, – насиҳат қилди Мели оқсоқол ҳам кампирининг изидан келиб.

– Сира-сира бу ёқдагиларни ўйламай, эртага Зафар билан ўқишларингга кетаверинглар, – Гулсум хола Гуллоланинг пешонасидан ўпиб тайинлади.

Ҳа демай, бир йил ҳам ўтди. Зафар билан Гуллола иккаласи ҳам институтни имтиёзли, қизил дипломга битирди. Уларнинг бири колхозга зоотехник, бири ветврач бўлиб ишга жойлашди.

Ўша куниларнинг бирида кечқурун Мели оқсоқол кампири билан яйловдаги ўтовига мева-чева, ош қилиб келишди. Гуллола ҳам меҳмонларга ёқимли бир нарса тайёрлаш учун ўчоққа қозон осди.

– Энажон, биз учун ташвиш қилма, – деди Гулсум кампир гўшт тўғраётган Гуллолага. – Дастурхонда ҳамма нарса бўлса.

– Ташвиши борми, холажон. Ҳар кунги ишим-да. Сизлар эса гурунги қилиб ўтаверингизлар. Гуллола ташқарида овқатга унади.

Меҳмонлар овқат тайёр бўлгунча у ёқ, бу ёқдан анча суҳбатлашиб ўтиришди. Мели оқсоқол гурунги орасида тортиниб Саттор чолга оғиз жуфтлади.

– Оқсоқол олдингга кампирим билан яхши ниятда келдик...

– Эшитайликчи, биродар... қандай гап экан?

– Неварани ўғлимизга.... Нима дейсан?

– Шундай, шундай, – деди Гулсум хола чолининг гапига қўшилиб.

Саттор чол ҳамма томонни ичида ҳисоб-китоб қилиб, ўйланиб турди. Гуллола эса қозон билан овора, уларнинг гапига эътибор бермади.

– Кампирим раҳматли ҳам ўғлингни куёв қиламан деган орзу ҳаваси бор эди. Менга бир неча марта бу гапнинг учини чиқарганди. Пешонамизда бу ҳам бор экан, – деди Саттор чол намланган кўзларини ёнида турган қийиқчаси билан артаркан.

– Мелижон, ўзинг кўрдинг, бу иш тушиб қолди. Тайёгарлигимиз йўқ эди.

– Оқсоқол, бу томонини ўйлама. Тўй харажатларининг ҳаммасини ўзимиз қиламиз. Шароитингни, нима аҳволда эканлигингни, кампирингга қуйиб ўтирганингни биламиз. Зафар сизлар билан бирга бўлади. Сен билан икковимиз бир одам. Бирга яшайверамиз. Тўй ўтгач, ёшларни яйловдаги уйингга кўчириб юборамиз.

– Элимиз нима деб ўйлайди. Кулмайдими?

– Э, биродар биров-ярим четдагилар кулиши мумкин. Элимиз кулмайди. Ҳаммаси билиб ўтирибди. Ёрдамчинг Шоди ишини қилаверади. Ҳали замон бу қийинчилик унут бўлади.

– Ҳар куни бўлмасаям, кунора учовимиз уларнинг ҳолидан хабар олиб турамиз. Куч-қувватимиз етганича уларга ёрдамлашамиз. Учовимиз ҳам ишлаб боқдик. Энди бизни боқиш, ишлаш ёшларники. Насиб бўлса неvara суйиб ўтириш вақти етди, – деди Гулсум кампир ҳам. Оқсоқолнинг кўнглини кўтариб. Саттор чол оғайинларининг гапларини тинглаб:

– Ўзларингдан қолар гап йўқ, деган маънода бошини ирғаб қўйди Мели чолга қараб.

Кўп ўтмай қишлоқда ёшларнинг тўйи бўлиб ўтди.

VII боб

Бу йил қиш ҳамма ёқни ваҳимага солиб, қаҳр-ғазаб билан кириб келди. Қиличини ҳар томонга беаёв сермади. Дов-дарахтлар муз ҳайкалга айланди. Яйловларга тушган қор чўпон таёғининг белигача ботди. Туфлаган тупик ерга тушмай музлади. Даштда қолган жонивор қандай турган бўлса шундайлигича қотди. Тоғлиқлар бу йилдагидай қишни сира эслай олмади...

Отарларда ҳар куни талофат. Ўтов керагалари аёздан музлаб қотиб қолган қўй-қўзиларга тўлди. Райондан юборилган ёрдам отрядлари қор босган йўлларни очяпти. Қўтонларга ем-хашак, чўпонларга озиқ-овқат, кийим-кечак элтаяпти.

Саттор оқсоқол, кизи, куёви, Мели чол ва кампири ҳаловат билмай, навбатма-навбат отардан хабар олиб туришди.

Қор тинди куёш чарақлаб юз кўрсатди. Тунларни ой шамчирокдек ёритди. Осмон шишадек тиниқлашди...

Тонгга яқин кун бўйи чарчаган Саттор оқсоқолнинг кўзи илди. Хаял ўтмай Олапарнинг ақиллаган овозидан чўчиб уйғонган чол бармоқлари билан уйқули кўзларини ишқалаб очди. Ёнидаги ўтовдан Гуллола билан Зафар ҳам уйғониб отасининг олдига келишди.

Гуллола оғир оёқли. Ташқари фонуслари ёқилди. Ўша кеча тонгга яқин бўлмаса эртага тушларда кўзи ёрийди. Ўқтин-ўқтин бели ва ичи чангаллагандай оғрияпти. Дард тутаётганига қарамай, моллардан хабар олгани куёви билан отасининг изидан чиқди. Зафар Гуллолага:

– Сен қолавер, ўзимиз хабар оламиз. Шу аҳвол билан-а? – деди.

– Энажон, ўғлим тўғрисини айтаяпти.... Тагин у ёғини ўзинг биласан...

– Отажон кўп ваҳима қилавермангизлар. Бораман, – дея туриб олди, қайсарлик қилиб.

– Қайсарлигинг қолмади-қолмади-да, – деди Зафар унга. – Ўзимиз ҳам етамиз.

Фонус шуъласида улар қўтонга кириш йўлагига очликдан чўзилиб қор устида кимиллашга ҳам ҳоли бўлмай инграётган бўрини кўришди. Жониворнинг кўзлари милтираб, нажот кутаётгандай уларга термилди. Зафар билан уни Гуллола жониворни қордан кўтариб олиб, бошу оёқларини гўдакдай силаб уқалашди.

– Урғочи экан, бўғоз. Орқасидан қон аралаш суюқлик келиб турибди. Жонивор музлаб қолибди, – деди Зафар қайнотасига. Улар бўрини ўтовга авайлаб олиб киришди. Тагига пўстин тўшашди.

– Болаларим бўри ҳам меҳрни билади. Меҳр берган одамни алқайди. Бугун сизларни “меҳмонимиз” алқаяпти, – деди Саттор оқсоқол Гуллола билан Зафарга.

– Қизим сен қийналсанг ҳам қозонни ос. Қўй сутига атала қил. Бўрига ҳам берамиз. Ичига иссиқ киради. Сен эса ўғлим атала тайёр бўлгунича сомонхонадан бўрига кенг қилиб ўра қаз. Ўранинг чуқурлиги икки қаричларча бўлсин. Ичига қалин қилиб сомон сол, сомоннинг устидан кигизми, пўстакми ташла.

– Ота бўримизни шу кеча кўзи ёриси кераг-ов, – деди Гуллола.

– Мен ҳам шундай ўйлапман. Айтганингдай шу кеча туғиши мумкин, – деди чол бўрига жой ҳозирлашга кетаётиб Гуллолага.

Бир соатлардан сўнг бўрига қараб келган чол Гуллоладан:

– Атланг тайёрми, қизим – деб сўради.

– Тайёр, отажон.

– Унда ёғоч косага атала солиб. Уни қор устига қўй. Бироз совусин, кўл куймаса бўлди.

– Тушундим.

Бирпасда Гуллола илиган аталани олиб келди. Бўри олов тафтидан ўзига келиб бошини кўтарди. Гуллола кўлидаги атала сузилган косани бўрининг оғзига яқинроқ қилиб қўйди. Бўри аталани аввал секин, кейин тез-тез чалпиллатиб ичиб тугатди. Юқигача ялаб, косани ювгандай қилиб тозалади. Гуллола яна бўрига атала олиб келиб берди. Бўри уни ҳам охиригача ичиб қўйди. Бўри тумшугидаги атала юқини ялаб, ётган жойида Гуллолга ишқаланди. Думини ликкилатиб эркаланди.

– Қизим, биз емасак емайлик, яна бўрига атала қолдир. Эрталаб берамиз.

– Хўп қолдираман, – деди Гуллола хурсанд бўлиб отасига. Энди у ҳам оиламиз аъзоси. Чиройли бўри экан, тилладай сарик. Ўзимнинг ювошгинам, гўзалим, ақллигим. Сен гапларимни тушунаётганингни эркаланишинг, жовдирашингдан тушунаяпман. Қалбимдан хис қияпман. Юнгларикининг товланишини қаранг. Бугундан унинг отини Шахина деб атаймиз.

– Исми жисмига мос, – деди Зафар Гуллола билан отасига.

Шахина тумшугини кўтариб, ўрнидан турди. Оёқларини чўзиб керишди. Гуллолани ҳидлаб қўлини ялади. У Шахинасини ухлмасдан тонгача эркалатиб ўтирди.

– Қизим, жонивор анча тетик бўлиб қолди. Энди жойига олиб борсаларинг ҳам бўлади. Зафар билан бўйнидан етаклангларчи, – деди чол қизи билан куёвига. Бугунча унинг олдида овқатимизга ишлатиладиган қоқ гўштдан бир парчани ташлаб қўйишни унутманглар. Эрмак қилади.

Тонг отиб, атроф ёришди. Гуллола билан Зафар сомонхона томон чиқишди. Уларнинг изидан жонивор, эргашди. Саттор оқсоқол билан Зафар ҳар куни қиладиган ишлари билан банд бўлди. Сўнгра Зафар бошқа отарлардан хабарлашгани кетди. Гуллола эса тушлик тайёрлади. Тушлик қилиб бўлгач, оқсоқол куёвига:

– Ўғлим, пешинда энангни олиб кел. Гуллолани ёнида бўлади. Отангни ҳам олиб келавер бир ўзи уйда зерикмасин. Бирга гурунг қиламиз. Қизим сен дамингни ол, – деди.

– Мен ҳам шуни ўйлаб тургандим.

Туш бўлди. Зафар ҳам отарларни айланиб келди. Гуллола овқатланиб бўлгач, сабри чидамай жонивордан хабарлашгани ўрнидан турди. Гулсум кампир туғилажак набираси учун зарур нарсаларни тайёрлаб қўйди.

Кеч кирди. Оила аъзолари қиладиган ишларини саранжомлаб овқатланишга ўтиришди. Тунгги дам олишгунга қадар гурунглашди. Гуллола Зафарни туртиб:

– Юринг Шахинамиздан хабар олайлик, – деди.

– Қўймадинг-қўймадингда. Овқат сузишдан олдин хабарлашгани турган эдик-ку? – эриниб жавоб берди хотинига.

– Чарчаган бўлсангиз, ўзим бориб келавераман, сўраганимга хафа бўлдингизми?

– Нега хафа бўларканман? Майли борамиз. Юпин чиқма. Елкангга чопонингни ташлаб ол. Кўряпсан ташқари жуда совуқ. Аёз қисди, – деб у Гуллола билан бирга ташқарига чиқди

Улар сомонхонага киришганда, жонивор инграниб, тўлғанаётган эди.

– Сизга айтмадимми туғади деб. Қўнглим сезганди, – деди Гуллола Зафарга кўлидаги фонусини жониворга яқин кўтариб. – Қийналяпти, ёрдамлашмасак бўлмайди. Ўзим доялик қиламан. Сиз эса ёрдам бериб туринг.

Зафар бўрини аввал эркалатиб қорнидан секин уқалаб босди. Гуллола олдинги икки оёғи чиқиб келаётган бўри боласини тортди. Бўри ғингшиди.

– Эркак кучукча экан, – Гуллола бўри боласини қўлига олди. Бўрича онасидай чиройли, ёқимтой эди.

– Тезроқ чопонга ўраб ол. Қурисин. Қолганини онаси ялаб қуритади.

Гуллола бўри кучукчасини исигунча чопонига ўраб бағрига босди. Сўнгра уни онасининг олдига қўйди. Жонивор болачасини ялай бошлади.

– Зафар ака, нега Шахинамиз битта туғибди. Бўрилар, итлар кўп туғади-ку?

– Баъзан ёввойи ҳайвонларда битта болалаш ҳодисаси учраб туради. Бу табиатнинг қонуни. Сен ветеринар-ку шуни ҳам билмайсанми, тентаккинам, – дея Зафар хотинининг совуқдан қизарган бурнини кисди.

– Ўзим ҳам билардим. Шунчаки сиздан сўрадим-да, – эркаланди Гуллола.

– Юр кетдик. Жониворга қолган бўлса атала илтиб келамиз.

– Ака, иккови нимага ҳаяллаб қолди, изидан борсаммикан, – деди Гулсум кампир ёнбошлаб хаёл суриб ўтирган Саттор оқсоқолга:

– Шошилмайлик-чи келиб қолишар. Балки бўри тукқандир. Шуни билан овара бўлиб ётгандир, – деди чол Гулсум холага.

Гап тугар-тугамас Зафар билан Гуллола хурсанд ҳолда кириб келишди.

– Суюнчи беринглар! Бўримиз битта ўғил туғди. Мен доялик қилдим. Куёвингиз ёрдамлашиб турди.

– Икковинг ҳам савобга қолдиларинг. Битта туғса ҳам Худонинг бергани-да, – деди оқсоқол хурсанд бўлиб.

– Болачага ўтқир кўз деб исм қўяман. Сизлар нима дейсизлар, – сўради Гуллола қариялардан.

– Ўзингга маъқул бўлса бўлди-да, – дейишди Гуллоланинг отаси билан Гулсум кампир, – ундан меҳрларингни, жонларингизни аяманглар.

Эртаси куни, кечки пайт Гуллолани дард тута бошлади. Гулсум хола ўзларининг ўтовига жой ҳозирлади. Иссиқ сув килиб, зарур нарсаларни тахт қилди. Гулсум хола келинининг эсон-омон қутулиши учун тинимсиз Худога илтижо қилар, садақа айтарди. Бир пайтлар кампир қишлоқнинг кўп аёлига доялик қилган. Кайвони аёл. Кампирнинг туғдирган набиралари бир қишлоқ.

Тушликка етмай Гуллоланинг кўзи ёриди. Қайнонаси келинини қийналтирмай осонгина туғдириб олди. Ўғиллик бўлди. Боланинг исмини Ҳамдам қўйишди... Кунлар ўтиб бўри боласи ҳам Ҳамдам ҳам тетик бўлиб қолди. Шахина оила аъзоларига батомом ўрганди. Гоҳ-гоҳида чиқиб, боласини ўтов атрофида ўйнатади. Бўш пайтларида Гуллола билан Зафар, Шахина билан кучукчасига имо-ишора, турли ҳаракатлар килиб гапни тушунтиришни ўргатишди. Уларнинг гапини тушуниб, бўри жим қараб турарди.

Орадан бир йил ўтди. Ҳамдам атак-чечак бўлиб юриб кетди. У билан бўри боласи ҳам бир ёшга тўлди. Ҳамдам кун бўйи уйга кирмай бўри боласи билан ўйнайди...

VIII боб

Ёз кунларнинг бирида Гуллола ўғлини ухлатиб, тандирга ўтин тергали кетди. Ўша куни эса Зафар ўз иши билан банд бўлди. Саттор чўпон яйловга сурувини ҳайдаган. Гулсум кампир уйдан хабар олгани қишлоққа энган эди.

Ҳамдам уйғониб, онасини излаб йиғлаганча ташқарига чиқди. Сомонхона соясида ётган бўри боласи олдига борди. Бўри кучукчаси Ҳамдамнинг қўлидан ялади. Бўри боласи Ҳамдамга ёпишиб, энгларини тишлаб торта бошлади. Болачаларнинг бири қўйиб, бири ётган она бўри устига чиқиб ўйнади. Бир-бирини қувлашарди. Охири иккови ҳам чарчаб бўрининг қорни устида ухлаб қолишди.

Гуллола орқалаб келган ўтинини тандир ёнига туширди. Иссиқдан чанқаб сув ичгани уйга кирди. Ҳамдан йўқлигидан қўрқиб кетди. У ўғлини чақириб,

изламаган жойи колмади. Жарликларни ҳам кўриб чикди. Ўғлидан дарак бўлмади. У йиғлашга тушди. Турли ҳаёлларга борди. Ўтов остонасида эрини кутиб турди. Гуллола отардан кайтган эрининг қорасини кўрди. У югуриб Зафарни кучоқлаб йиғлаб юборди.

– Тинчликми, сенга нима бўлди? Кўркувдан рангинг оқариб кетибди, – сўради Зафар ҳам хангу манг бўлиб.

– Дадаси! Ҳамдамимиз йўқолиб қолди. Мен уни ухлатиб, ёлғиз ташлаб, даштдан ўтин териб келгани чиққандим.

– Холам йўқмиди?

– Холангиз қишлоқдаги уйдан хабарлашгани пастга энган эди.

– Шошмай тур, кўрканингдан ҳамма жойни диққат билан кўрмагандирсан. Биласанки, Ҳамдам ҳар куни самонхона олдига бориб, “оғайнилари” билан ўйнайди-ку. Юр қайта ахтарамиз. Агар ўғлимизни топа олмасак шу бугуноқ ички ишларга бориб, қидирувга берамиз. Сомонхона олдига бормадингми?

– Борганимни эслай оламан.

Улар тўғри сомонхона олдига боришди. Айтганидай учаласини сояда ухлаб ётганига кўзи тушди. Уларнинг қадам товушидан Шахина бошини кўтариб, ухлаётган ўғлини кўтариб олди. У ўғлини опичлаб унинг юз-кўзларидан ўпди.

– Ваҳимачи хотин. Мана жонивор болачаларини бағрига олиб ўтирибди. Бўрилар эсли бўлишига энди ишондим, – деди у ҳам ўғлини кучоқлаб хотинига.

– Яратган танграмга минг қатла шукр, ўғлимиз топилди. Уйдагиларга ўғлимиз йўқолиб қолгани оғзимиздан чиқмасин. Айтсак қариялар ҳам кўрқиб қолишади.

Гуллола Шахинасининг тумшуғи билан пешонасидан ўпди.

– Ўзимнинг ақиллигим, тенги йўқ гўзалим, – деб она бўрини эркалатди. Ҳамдам онасининг кучоғидан энгашиб эркаланаётган бўрининг думидан тортди.

...Кейинги пайтларда чол кампирини кўп ўйлайдиган, ҳар кеча тушида кўрадиган бўлиб қолди. Пана-панада хотинини эслаб йиғларди. Оқсоқол кампирига кўп куйди, ичикди. Шу сабаб мўйсафид кунора юраги оғриб, мазаси қочар, аммо буни уйдагиларга айтмасди.

Қайсидир куни оқсоқол яйловдан келиб, дам олиб ўтирганда бирдан юраги хуруж қилди. Қўлидаги чойини қўйиб, кўкрагини уқалади. Керагага орқасини бериб суянди.

– Ота мазангиз қочдимми, – сўради қизи кўрқиб.

– Йўқ, болаларим толиқдим. Шунга бироз лоҳас бўлдим, – деди оқсоқол.

– Бобо ҳозир қишлоғимиз дўхтирини олиб келайми, – деди Зафар ўрнидан турмоқчи бўлиб.

– Сарсон бўлма ўғлим. Иссиқ-совуқ жон дегандай, одамзодда шундай бўлади. Бугун нимагадир кўп толиқдим. Шунга... Ўтиб кетади.

– Иш қочиб кетмас. Ўзингиз ҳам соғлигингизга қаранг. Ҳеч ўз тенгиларингиздай вақти-вақти билан даволанмайсиз, дам олмайсиз. Колхозга ҳар йили даволаниш, дам олиш учун бепул йўлланмалар келяпти. Иш-иш деб... Эртага сизни район дўхтирларига кўрсатаман, – деди Зафар куйиниб-ачиниб қайнотасига. Чол индамади.

Эртасига Зафар қайнотасини мутахассис шифокорларга кўрсатди. Аппаратларга туширди, лаборатория анализларини қилдирди. Зафар қайнотасини шифохонада узоқ йиллар турли лавозимларда ишлаб келаётган, тажрибали, тиббиёт фанлар номзоди, қишлоқдоши терапевт кордиолог Норбек Тўраевичга кўрсатди. Норбек Тўраевич чолнинг кардиограммасини кўрди. Қон босимини ўлчади. Юрак уришларини диққат билан эшитди.

– Саттор ака, бироз чарчапсиз. Бир-икки кун бўлимимизда ётиб даволанинг. Кўрмагандай, отдай бўлиб кетасиз. Ҳамма шароитни қилиб берамиз. Ўзим даволайман, назорат қилиб тураман.

– Борингга шукр Норбекжон иним. Хурсанд бўлдим, – деб дуо қилди чол.

Улар қарияни бўлимга ёпқизишди. Норбек Тўраевич Зафарни хонасига чакириб:

– Қайнотангиз отамнинг болаликдан жон айрилмас ўртоғи. Ҳамиша борди-келдимиз бор. Илгари ака бизникига кўп келиб турарди. Раҳматли кампири ўлгандан буён уйимизга келгани йўқ. Гап бундай, Зафаржон, акамнинг касали жиддий. Инфаркт бошланган. Ўз вақтида дўхтирларнинг назоратида бўлса, даволанса соғайиб кетади. Яйлов иши асабларини қаттиқ чарчатган. Саттор акамнинг касаллиги кампирига кўп қуйганлигининг оқибатидир. Акамга уйдагиларнинг назорати, асаб тинчлиги, дам олиши муҳим. Айтган гапларимга эътибор қилинса ҳали яшайди.

– Тушундим, Норбек ака, раҳмат сизга, – деди Зафар дўхтир хонасидан чиқаётиб. Зафар уйга Гуллолага отасини бўлимга ётқизгани, касалини, дўхтирнинг берган насиҳатларини айтди.

– Бечора отам, бирор марта ҳам бизларга касаллигини айтмаган. Отам онамнинг вафотидан кейин ғамдан чўкиб қолди. Доимо “уҳ” тортиб юрарди. Сиз районга чорвадорларнинг йиғилишига кетган кунингиз отам тушлиқдан эрта қайтиб келди. Овқатни сузиб келдим. Отам юрагини ушлаб қолди.

– Ҳа, ота сизга нима бўлди, – деб сўрадим. Отам эса менга ҳеч нарса қилгани йўқ. Кун бўйи даштда юрамиз. Шамоллабман, шекилли, кўкрагим санчиғ бўлибди, ўтиб кетади, – деб қўйди.

– Нега ўшанда менга айтмадинг. Тошкентга олиб борардим. Санаторияга юборардик.

– Шу хаёлимга келмабди. Отам умри бино бўлиб санаторияларга дам олмаган. Сиз ҳам одамлардай бепул йўлланма олиб сатанорийларда дам олиб келинг, – деб бир неча бор айтганмиз. Отам:

– Бормайман, соппа-соғман, – деб тихирлик қиларди. Биз уйланишга рози эдик. Кўнмади. Отам билан бобом супада гурунг қилиб ўтирарди. Гурунгда бобом отамга:

– Биродар бундай қилиб юрма. Қишлоғимизда бир иккита эри ўлган шу ҳаётда қийналган бева аёллар бор. Шуларнинг бирига уйлан, деб маслаҳат бераётганини эшитганман. Отам ўшанда ҳам кўнмаганди.

– Кампиримнинг арвоҳини чиркиллатайми, ҳеч бир хотин кампиримнинг ўрнини босолмайди, деган эди.

Саттор оқсоқол касалхонада узоқ ётиб қолди. Зафар қайнотасининг розилиги билан уни яйловдаги уйига олиб келди. Зерикмасин, деб отасини ҳам кишлоқдан олиб келган эди. Оқсоқол Зафар билан Гуллолага суяниб қолганди.

– Дадаси, отамни ишдан олиб қолайлик. Отам, ўғлимизга овунади, – деди Гуллола Зафарга. – Уйда қолгани яхши. Аммо ишлаб ўрганган одам уйда қолса, касал бўлади. Чўпонликни ташланг, десак аниқ биздан хафа бўлади. Отанг ишламаса қанийди. Кўз олдимизда бўлиб турарди. Хоҳласа бобом ишига бориб келаверсин, чарчаса уйда дам олсин, ўртоқлариникига борсин, юрагини чигилини ёзиб келади.

– Гапингиз маъкул, дадаси.

– Қисқаси бобомни ёлғизлатиб қўймаймиз.

IX боб

Ўшанда куз кунларининг бири эди. Ҳазраткул мерган дайди итдай атайин Саттор чўпоннинг яйловидаги уйига келади. Унинг афт-башарасига қараб бўлмасди. Тасодифан кўрган киши кўрканидан ҳушидан кетиши аниқ эди. Ёввойи одам ундан пеш эди.

Ўша куни Гуллола нон қилгани ўғли билан ёлғиз қолганди. Отаси билан эри эрталабдан яйловга кетишган. Гулсум кампир икки кундан буён қишлоқда.

Ҳазраткул келганда Гуллола ҳамир қилиб кўпчигунича ҳовлини супуриб, тандирга ўтин қалаётганди. У Ҳазраткулни кўриб кўрқиб кетди. Ҳазраткулнинг кайфи бор эди.

– Мени танидингими, – сўради у афтини буриштириб Гуллолага.

– Танидим, – деди Гуллола ишини тўхтатиб.

– Уйда ким бор, ёлғизмисан? Улар қаерга кетишган?

– Ўз ишлари билан кетишган. Бирор гапингиз борми?

– Йўқ, шунчаки сўряпман. Супургини ташла. Уйга кир сенда гапим бор.

– Шу ерда айтаверинг, гапингиз бўлса, – деди Гуллоланинг аччиғи чиқиб.

– Ҳеч бўлмаса ёнимга кел. Аччиғинг чиқмасин. Сени қизлик пайтингдан бери биламан. Сен чиройлисан. Севиб қолганман. Эрга тегсанг ҳам ўша-ўшасан. Очиғини айтсам, сенга уйланмоқчи эдим. Уч-тўрт марта совчи юбордим. Уйдагиларинг мени дайди, унга берадиган кизимиз йўқ, деб қайтаришган.

– Бу билан нима демоқчисиз? Кетинг бу ердан! Кетмасангиз бақириб шарманда қиламан, – деди Гуллола Ҳазраткулга қони қайнаб.

– Ҳей, қанжиқ! Эрингдан қаерим кам? Овчима! Овчи дарбадарликда яшайди. Кунини овдан кечиради. Э, энағар шуни ҳам тушунмайсанми?

– Ўлиб кетган онамни тинч қўйинг. Ҳақоратламанг! Мақсадингиз нима?

– Ичкарига кирсанг, айтаман.

– Кирмайман.

– Кирасан. Кирмаганингга қўймайман.

Ҳазраткулнинг кўзи хирсга тўлиб, вожоҳат билан Гуллоланинг билагидан ушлаб ичкарига тортди. Эплай олмади.

– Ҳайвон, қўлимни қўйиб юбор. Ўғлимни кўркитасан.

Ҳазраткул Гуллоланинг билагидан бураб ерга йикитди. Устига чиқиб хирс билан унга ёпишди. Гуллола дод солиб юзини тимдалади. Қўлидан тишлади. Унинг башарасини пичоқ тилгандай тилиб, қонга бўяди. Ўтов олдида қуймаланиб юрган ўғли онасининг бақирганини кўриб чинқириб йиғлади.

– Шахинам! Менга ёрдам бер, – деб бақирди Гуллола сомонхона томонга қараб.

Хилват жойда боласи билан ётган бўри Гуллоланинг додлаган овозини эшитиши билан ўқдай отилиб, Ҳазраткулнинг устига ташланди. Ғажиб йўғон бўйин томирини узиб олди, қорнини ёриб, ичак човоғини чиқариб ташлади.

Қонга беланган Ҳазраткул ҳўкиздай хириллаб жон таслим қилди. Гуллола ўзини ўнглаб ўрнидан турди.

– Ҳалоскорим, жоним менинг раҳмат сенга!

Шахина Гуллоланинг ёнида тишларини шақ-шақ қилиб яна уни ғажимоқчи бўлди.

– У ўлди. Кутулдик алвастидан. Тегма, – деди Гуллола Шахинасини пешонасини силаб. Жойингга бор ҳеч ким кўрмасин. Кўриб қолса сени ҳам ўлдиришади.

Шахина Гуллолани гапини тушуниб, қир томонга югуриб кетди. Гуллола

Ҳазраткулнинг мурдасини ҳанги эшагига судратиб яйловга олиб борувчи сўқмоққа чиқариб ташлади.

Пешин намози ўқиётганда отаси куёви билан келди. Гуллола уларга бўлиб ўтган воқеани гапириб берди. Ҳазраткулнинг сўқмоқда ўлиб ётганини кимдир кўриб, амакисига хабар қилди. Қишлоқдагилар ҳам Ҳазраткулнинг ўлганини эшитди. Амакиси район ички ишларга хабар қилди. Келган ички ишлар тезкор гуруҳи, прокуратура вакиллари Ҳазраткулнинг нимадан ўлганини аниқлаш учун керакли намуналар олиб, ўлигини мед экспертизага олиб кетишди. Экспертиза хулосаси тайёр бўлгунича гумондор шахсларни прокуратурага чақиришди. Гумондорлар бирма-бир сўроқ қилинди. Ҳазраткулнинг нимадан ўлганини аниқлай олишмади. Тезкор гуруҳ раҳбари келганларга:

– Сўровни эртага давом эттирамиз, – деб жавоб берди.

Эртаси куни област медэкспертизасидан Ҳазраткулнинг ўлими тўғрисида хулоса олинди. Хулосада бирор шахс томонидан ўлдирилмагани, ўлим ҳолати бўри ғажиб, чавақлаб ташлагани оқибатида содир бўлгани қайд этилгани маълум қилинди.

Йўлда Барот чўпон ёнидагиларга:

– Ана дарбадарликнинг оқибати! Овчининг ўлими овдан, дорбозники дордан деб бекорга айтишмаган, – деди.

Ҳазраткулнинг бўри ўлдирганини эшитганларнинг айримлари:

– У қанчадан-қанча бўриларни, бошқа ёввойи ҳайвонларни қийратди. Табиатга кўп зиён етказди. Мана оқибати, дейишди.

Х боб

Кузнинг ўрталарида “СССР прокуратураси томонидан Гдлян ва Иванов бошчилигида Ўзбекистонга “Пахта иши” ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари бўйича текшириш келибди, улар республикамизнинг ҳамма област, районларини бирма-бир текшириб бошлабди”, деган хабар тарқалди. Ўша куни колхоз раиси чорвадорларни идорага чақирди. Раис йиғилганларга:

– Кеча райкомда текшириш бошланганини айтишди. Тухматдан раҳбарлардан тортиб, оддий пахаткорнинг ҳам қамалаётгани билдирилди. Икки кундан кейин районимизга ҳам Гдлян одамлари келади, – деди.

Раиснинг гапидан ҳамма эсанкираб қолишди. Раис Гдлянчилар томонидан қисқа вақт ичида республика бўйича мингдан ошиқ одамни қамалганини ҳам айтди.

Бир ҳафта ўтгандан кейин бегона ички ишлар ходимлари яйловга келиб, беш нафар бош чўпонни, уларга қўшиб колхоз раисини район прокуратурасига олиб келишди. Улар орасида яқинда учинчи марта даволаниб чиққан Саттор чўпон ҳам бор эди.

Прокуратура эшиги олди тумонат одам. Келганларни рўйхат билан автомат ушлаганлар чақиряпти...

Кеч соат тўққизларда Саттор чўпоннинг қўлини орқасига қилиб, ичкарига олиб киришди.

Хона эшиги олдида яна формали икки киши қурол билан қоққан қозикдай турарди.

Марказдан келган текширувчилар бошлиғи столи устидаги рўйхатга қараб, хона эшиги олдида кутиб турган Саттор чўпонни чақирди.

– Узбекский баран, ты из горного колхоза? – деди у Саттор чўпонга столни муштлаб. Сўнг ғазаб билан қўшиб қўйди: Старик, ты умный вор.

– Да, я приехал из горного колхоза. Но, дорогой, не оскорбляй, не ругай, пожалуйста.

– Ты понимаешь русский?

– Да. Знаю русский язык. Ты сам свинья, сучка, понял? Но когда то ответишь за свои оскорбления! – жаҳл билан деди чол.

– Что-что? А ну повтори, – ўшқирди бошлиқ деди бошлиқ Саттор чолга оғзидан тупуги сочилиб, – Подожди. Посмотрим...

– Что хочешь, то и делай – я готов! Хоть убей, хоть стреляй. Не боюсь, потому что я не вор. Ты сам умный, вор.

Бошлиқ алам билан чолнинг бикинига мушт туширди. Чол мушт зарбидан бикинини ушлади. Аммо Саттор чўпон йиқилмади. У эшик олдидаги соқчиларнинг бирини чакириб буйруқ берди.

– Уни кишанлаб қамаб қўйинглар. Ҳозир сўроқ қилишнинг ҳожати йўқ. Ўлиб қолмаса, эртага сўроқ қиламан. Чолни олиб чиқиб кетишаётганда бошлқ яна Саттор чўпонга:

– Сен ҳақиқий довюрак эркак экансан. Гапингдан ҳақиқатгўй эканлигингни сездим. Қойил қолдим. Бундай ҳақиқатгўй ўзбекни биринчи кўришим. Шундай бўлса-да барибир қамаласан,— дея унинг устидан кулди.

Йўлда Саттор чўпоннинг мазаси қочди. Олиб кетувчилар биз тўхтамга қолмайлик, деб чолни касалхонага олиб кетишди.

Саттор чўпоннинг юрак хуружи тўхтамади. Қария тонгда юрак инфарктдан вафот этди. Икки ой олдин Саттор чўпон республикада “Хизмат кўрсатган чорвадор” унвонига сазовор бўлган эди...

* * *

Саттор чўпоннинг тобути яйловдаги уйидан чиқарилди. Тумонат одам йиғилди. Тобутни усти очиқ юк машинасида олиб кетишаётганда кимдир машина изидан увиллаб ўқдай учиб келаётган бўрини кўриб қолди.

– Қаранглар! Изимиздан бўри келяпти. Бирор кор-ҳол бўлмасин. Бировларинг тош отиб ҳайданглар, – деб бакирди.

Қайнотасининг тобути бошида ўтирган Зафар:

– Унга тенгманглар, у ақлли бўри. Эгасини йўқлаяпти, – деди овозини чиқариб.

Бўри машина изидан кишлоқ қабристонигача кириб борди. Саттор отани мангу маконига жойлаштиришгач, бўри қариянинг қабрини гир айланиб, осмонга қараб ғамгин увлади.

Одамлар тарқалди. Бўри ўтовга қайтиб келди. У ўтов бўсағаси олдида туриб қолди. Одамларга бир-бир қараб чикди. Нола қилиб яна увлади. Бўрининг ноласи бутун яйловни тутди. У ўрнидан туриб, увлаш тўхтамаган тарзда ўзини тошли жарликка отди. Боши билан жарликдаги баҳайбат харсангга урилди. Жониворнинг боши иккига бўлиниб ёрилди. Бир инграб тинчиб қолди.

Эртаси Зафар уни ўтов яқинидаги ёввойи қайрағоч тагига, Саттор отанинг чакмонига ўраб кўмди.

... Ҳар куни эрталаб Зафар хотини, ўғли билан унинг қабрини зиёрат қилади.

Қабри устини тоғ гуллар билан тўлдиради. Гуллола йиғлаб:

– Оиламизнинг халоскори, вафодори... Шахином, сени умримиз охиригача унутмаймиз... – дейди...

Сўрасанг гар саҳар-саҳар, Ҳақинг бергай Ҳақ муқаррар



Хол Муҳаммад
ҲАСАН

Туташ

Қон-қариндош қонга туташ,
Жигар ила жонга туташ.
Қавминг – қорақозон элинг,
Бир кўли қумғонга туташ.

Улфату ёр – кўнгил кишинг,
Шодон кунинг – шодмон кушинг.
Дастурхон этма турмушинг,
Ошино – ош, нонга туташ.

Қурдошларинг ён кўшнилари,
Яхшилиқ қилсанг яхшилари.
Соврин тилар, омад тилар,
Отинг магар шонга туташ.

Дўст эса... буткул бошқа кас,
Жисмингга ул бегонамас.
Ҳар дам, ҳамиша бирга, бас,
Исми ҳам иймонга туташ.

Йигит бўлсанг

Йигит бўлсанг, бош эгма ҳеч,
Юр кўксингни кўтариб.
Агар келсанг номардга дуч,
Минг қадамча қоч нари.

Хол Муҳаммад ҲАСАН – 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг юридик факультетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Ижодкорнинг “Оҳува”, “Қадимий кўшиқ”, “Ул куни устоз дедилар”, “Сулувлардан сулувсан”, “Ой ўтов – оппоқ ўтов” каби шеърӣ тўпламлари нашр этилган.

Давраларда берма сиринг,
Курдан узма кўз қиринг.
Қимиз қуйса бер симириб,
Толкосасин тўнкариб.

Боштобокқа курашга туш,
Кўпкарида қайна, жўш.
Қўшхонангга қайтмагин бўш –
Бор улоқни ўнгариб.

Келаверсин овинг, довинг,
Тўлаверсин ўтовинг.
Лек, эгарлаб қўй бедовинг
Яккамиққа қантариб.

Ҳов бебош бор, кўзу қош бор,
Тови тошда кўп иш бор.
Тирик жон бор-ки, ташвиш бор,
Эсингда тутгин барин.

Элинг берсин ойдаи дуо:
“Шулгина ул, илоё,
Умр кўрсин Гўрўғли ё
Соқибулбулдаи қариб...”

Йигит бўлсанг, бош эгма ҳеч,
Юр кўксингни кўтариб.

Ултонтознинг туғилиши

Ўн минг йил нима у, ана хувв,
Биринжли ёй тортар Добонбий.
Кўлқамиш ғозлари учар дувв,
Норларин чўктирар ўн минг уй.
Чакмонидан тери чакиллаб,
Чўлиқлар тўл терар қунишиб.
Чилбирчўл жондори ҳакиллаб
Ойга бўйнин чўзар улишиб.
Боботоғнинг боши жимирлар,
Гуртиқни чамалар Гудраймиш.
Ўтовдай оқ тошлар қимирлар,
Ўн минглаб уйқозик солар тиш.
Ҳоварни танг килиб манграши,
Чошгоҳда қайтади сурувлар.
Ширхўра габаси жамрашиб,
Кўганин бўшатар сулувлар.
Желаклар қўлбови елвагай,
Буғмабел кадилар бўғзи оқ.
Толтобоқлар тўла гилагай,
Элибой жувонлар кайфи чоғ.
Ў, неча йил, неча ойу кун,
Ўтар саҳфа-саҳфа саҳналар.

Элу юрт бир башанг, бир юпун,
Янгисин янгилар кўҳналар.
Қаро тун. Қора уй чийидан
Сизмоқда сирли бир шивирлар.
Улуснинг энг улуғ бийидан...
Совукдан увуклар қалтирар.
Ғожари, ҳасали, қоқмасин
Йиғиб, напрамачга қўйиб бош,
Тонг қадар кипригин қоқмаси
Қон ютар Кунтуғмиш – кўнгли ғаш.
– Ўз ини атрофин овлаган
Мард эмас, Бойбўри – бўримас.
Ёбу айғирни жиловлаган
Бодомбекач энди чўримас.

“Бодомбекач – бекач, чўримас...”
Ўн минг йил наридан келар сас.

Ибодат

Туриб ҳар тонг сахар-сахар,
Ҳақдан сўрар бўлсанг магар,
Берар Ўзи ризки рўзинг
мисқол-мисқол, ботмон даҳсар.

Сўра, элатга ҳамдамлик,
Тансиҳатлик, хотиржамлик.
То ҳеч ким кўрмасин камлик,
на-да жигар, ҳатто дигар.

Сўра, “ёлғончи”да чинни,
Ҳалол ўтқар шу “беш кун”ни,
Синов солса, чида энди,
молу дунё садқаи сар.

Токи сўзон кутар сандон,
Тирик ҳар жонда бор имкон.
Қара, сушт кетмасин иймон
ва...қолган барчаси бекор.

Сўрасанг гар, сахар-сахар,
Ҳақинг бергай Ҳақ муқаррар.

Илон ютди айвондаги қушимни,
Кучук тегиб тўқди ёвғон ошимни,
Токай ёрар майда тошлар бошимни.

Яхшиликка йўй кўрган тушимни,
Ўзинг ўнгар ҳар мушкул, ҳар ишимни.

Илон – бойлик, билки, ярар корингга,
Ит – ризки рўз, қут кирар рўзгорингга,
Қон – ёруғлик, куч-қувват мадорингга.

Яратганнинг етгани шу зорингга,
Минг-минг шукур Эгам –Биру боримга.

Кун-кунора қуяр жала, босар сел,
Жавзо яқин, жавраб нафас олар ер,
Жавдирайди кўкка қўлин чўзиб эл:

– Элга бергин, элга бергин, элга бер,
Эл қатори менга ҳам бер, менга бер.

Кўрдим, ана, тухум ёрмиш мусича,
Хас уйида қутлар бир-бирин қуча
“Ку-ку”лашиб, шодланишиб ўзича.

Балки демиш: “Бу дам, бу кун-да кечар,
Полапонлар биздан-да баланд учар”.

Тол туш эмиш. Тушимда бир қуш, эмиш...

Қани

Хотирамни тирналар йиллаб,
Бошимдаги бобоқайрағоч.
Тушларимга кирар чирқиллаб,
Ини синиб тушган қалдирғоч.

Ожиз ёнин ол, дерди отам,
Зўравонга бермагин рағбат.
Мўминликка ундарди онам,
Қарғанмасин биронта жонзот.

Тол туш пайти. Даладан қайтиб,
Тош супада олар эдим тин.
Кимдир “Уйи қуйганин” айтди,
Айвон томон ўқдай отилдим.

Қамчи дастасидай оқ илон
Шифтдан келар эди чўзилиб.
Бешта оғзи очиқ полапон
Бармоқ каби турар тизилиб.

“Қалдирғоч хўп хосиятли қуш
У кирган уй серфайз, хушбахт”.
“Уй илони омадга тегиш,
Тилар эмиш бойлик, тожу тахт”.

Мен отамнинг айтганин қилдим,
Ўқловни заб мўлжаллаб отдим.
Оппоқ илон ерга йиқилди,
Ин бузилиб кетди. Тош қотдим...

Ярим аср бўлди шунга ҳам,
Хувуллайди ҳовлимиз бўм-бўш.
Энди бунда йўқ отам, онам,
Доримайди на илон, на қуш.

Хотирамни тирналар йиллаб,
Сояси мўл, ўша, қайрағоч.
Тушимга гоҳ кирар чиркиллаб,
Мен инини бузган қалдирғоч.

Аттангат*

Ай, яшасанг – би-ир яшасанг,
Яйраб яшасанг, аттангат.
Тушовларингни ташласанг –
Бир бор бўшасанг, аттангат.

Кетсанг бошинг оққан томон,
Остингда бўлса оқ дўнон,
Йўрғалаб, ўйнаса чунон,
Жонинг тўшасанг, аттангат.

Чикиблар тоғнинг тўшига,
Бўкиблар ширбоз гўш(т)ига,
Чўкиблар чашма тошига
Қониблар ичсанг, аттангат.

Хур-хур эсиб турса насим,
Ташиб турфа қушлар сасин,
Сочилса минг майса иси,
Кўксингни очсанг, аттангат.

Саҳар-саҳар ойга қараб,
Ётсанг, имласа соч тараб,
Сомон йўлидан йўл сўраб
Самога учсанг, аттангат.

Ҳорсанг юлдуз кеза-кеза,
Кўзинг ерга тушса – кўза ...
Хумор қилиб кўҳна бўза,
Баридан кечсанг, аттангат.

Тол косада бир тоғли қиз,
Тизза букиб тутса қимиз,
Бўшатаверсанг изма-из,
Тўйсанг-а, тўйсанг, аттангат.

Ўша-а дамлар тушиб ёдга,
Ийса кўнглинг паризодга,
Қамчи чотиб дол Ғиротга,
Қўйсанг-а, қўйсанг, аттангат.

Ай яшасанг – яшасанг-ай,
Хур бўп яшасанг, аттангат.
Қарисанг-да Гўрўғлидай
Зўр бўп яшасанг, аттангат.

* Ровийнинг шавқи келганда айтиладиган ўрол сўз.



**Муҳаббат
САФОЕВА**

Дунёнинг туслари ранго-ранг

* * *

Сени қаттиқ қучаман,
Ифорлари овунчим.
Шамоллар билан келган,
Лаблари йўқ соғинчим.

Қўлларим ишқи печак,
Бахт унар, умид унар.
Дунё мени боғлаб қўй,
Кетса – юрак узилар.

Бўғзимга ботар оҳим,
Бир қўлла, Парвардигор!
Ишқнинг бекатларида
Бизни уйғотиб юбор.

* * *

Тун бўйи қор ёғди бетиним,
Бутоққа илиниб сўрмади.
Излабсан, излабсан бетиним,
Изларинг бегона кўрмади.

Муҳрлаб кўзимнинг тубига,
Изларинг, яшайман севгилим.
Кел, дея чорлайди, кел, дея,
Бир унсиз йиғлайди сир кўнглим.

Муҳаббат САФОЕВА – 1969 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультенини тугатган. Ижодкорнинг “Сирли нигоҳлар”, “Исмсиз ришталар”, “Ҳаёт гули”, “Ой ифори” каби назмий ва насрий тўпламлари нашр этилган.

Изларинг кўзимга тўтиё,
Изларинг изидан юраман.
Чуқурлаб боради тобора,
Кўксимга ўйилар ҳар қадам.

Изларинг суратга олибсан,
Сен қандай чидадинг ўтишга?
Мен етиб бормаган йўллардан
Ҳар лаҳза минг бора кетишга.

Изларинг кўрмади бегона.

* * *

Соғиндим, юрагим бир сиқим,
Кафтларим ичида эзилар.
Рухим топа олмайдир қўним,
Дарбадар – ҳар жойда кезинар.

Соғиндим,
Бошқа сўз бормикан,
Идроким исёнин босарга.
Суғуриб ташлагин танамдан,
Қанийди, қутулсам бир йўла.

Ох, ўзи қайдадир у туйғу,
Мижжамнинг қайси бир қатида.
Аюбнинг жисмига тушган дарддай у:
Жонимни емоқда.

Соғиндим,
Соғинчим орқалаб,
Лошимни кўтарган кемаман.
Сени мен ҳар куни йўқотиб,
Топишчун дунёга келаман.

Соғиндим.

* * *

Ортга қарамадим, кўзларингдаги
Жамики меҳрни кучоқлаб қайтдим.
Йиллардай чўзилди масофа,
Ёнингдан эшикка етгунча айтдим.

Қайрила олмадим, сўроқлар,
Кўксимни бир ёмон юк босди.
Титраниб йиғлади бармоқлар,
Қўлларим бўйнига ўзини осди.

Бир илиқ бўсага муҳтож лаблардан,
Илтижо тўкилар, дуо тўкилар.
Бу дунё қизғончик, бу дунё –
Жонимга ўт қалар.

* * *

Зерикдим
Умрдир югирик.
Шамоллар тилини қўймайди.
Деразам тагида бир жуфтлик,
Роз айтиб, роз айтиб тўймайди.

Тиланар, саҳарлаб тиланар:
“Қўлларим етсин – дер – қўлига.
Сочларинг ҳидига қўмилай,
Йўл топсам севгилим дилига.”

Деразам тагида ул жуфтлик,
Титраниб, титраниб толмайди.
На кундуз, на кеча, на оқшом,
Дийдорлар бағрига қолмайди.

Деразам тагида бир жуфтлик.

* * *

Сизни, хабар кутар, кимингиз бордир,
Мени, хабар кутар, бирор кимим йўқ.
Сизни, хабар кутар, кимингиз бордир,
Мендан хабар кутар, бирор кимса йўқ.

Қўнглимда на бир киш, на бир изғирин,
На тафт, на ҳарорат, меҳмон қолмади.
Боғинг четидаги бир жуфт атиргул,
Айт, нега дунёга сира тўймади?

Тун бўйи термилиб ой шуъласига,
Косалаб симирди изтироб майин.
Деразанг раҳига бошини қўйиб,
Йиғлаб-йиғлаб чиқди табассумларинг.

Парчалаб юракнинг сукутларини,
Сукунат деворин, кел, силтаб юбор.
Сочинг алқагувчи қўллар узалсин,
Энди бу кунларни ким демас – баҳор?

* * *

Жуда гўзал кулардинг, жуда,
Товушларинг капалакмиди?
Қулоғимга илиниб қолган,
Шивирларинг дил тилакмиди?

Жуда гўзал кулардинг, жуда,
Томиримда уйғоқ изтироб.
Такрор, такрор қайтаётирман,
Тушун, бошқа қилмайман сўроқ.

Жуда гўзал кулардинг, жуда,
Бир бор ўзгар, дунё овози.
Наҳот, яна камлик қияпти,
Баҳор сенда ҳақиқат борми?

Жуда гўзал кулардинг, жуда...

* * *

Ота, кўзларингда болалигим бор,
Кўзларингда эрта кўринар.
Юзинг чизиклари бунча беозор,
Қарасам юрагим суринар.

Кафтларингиз қаловларидан,
Бу тақдирнинг залвори турар.
Товонингиз оловларидан,
Умр деган карвон ўтдилар.

Ота, дунё торайиб борар,
Қорачуғинг каби торайиб,
Айт, ўғлимга нима деб айтай,
Дейми: “Ўзи шундай ғаройиб.”

Сени шундай соғиндим ота,
Кел, бағрингга бағримни босай.
Сен ёлғонни яхши кўрмасдинг,
Мен ёлғонга қандай куч топай?

* * *

Учиб кетсак эди, учаолсайдик,
Қалбларим самога узалган.
Биламан, биламан ишқимиз синиқ,
Дунёнинг туслари ранго-ранг.

Учиб кетсак эди, уча олсайдик,
Чўққиларга кўниб, етса қанотим.
Қўлларимдан ушлаб олса камалак,
Ёдингдан узилиб кетмаса ёдим.

Қайтсаму ишқ эли диёрларидан,
Сепини кўтарса ердан табиат.
Баҳорни яшириб қўйган бўғотдан
Бағримга отилиб чиқса муҳаббат.

Учиб кетсак эди, учаолсайдик.



**Раҳимбой
ЖУМАНИЁЗОВ**

Мангуликка муҳрланган фикрлар

Балоғат(т) инсоннинг ақлан, руҳан ва жисмонан вояга етиши, шаклланишини, бошқача айтганда, баркамоллигини англатади. Теран тафаккур соҳиби бўлиш, нутқий ва ҳулқий маданиятга эғалик чинакам балоғатдир. Фикрни, билимни бошқа бировга етказишдаги нутқий ва ҳулқий мулоимлик эса фасоҳатдир. Топиб, танлаб сўзни ўз ўрнида қўллай олиш маҳорати фасихларга хос бўлган.

Болалигиданоқ тахта оёқ билан умргузаронлик этган, таъбир жоиз бўлса, ўтмиш бобокалонларимиз тийнатидаги истеъдод ва яратувчанлиги орқали инсониятнинг жаҳолат дунёсидан чиқиши сабабчиларидан бири Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий ҳам ўз асарларида айнан “балоғат” ва “фасоҳат” сўзини кўп қўллайди. Бу сўз тушунча ўрнида нотик, нутқ, мантиқ масалаларига жуда яқин туради.

Умуман, ўрта асрлар шарқ мутафаккирларининг ҳаётий ва ижодий фаолияти, қолдирган адабий меросига назар ташларкансиз, серқирра истеъдод дарҳақиқат илоҳиётдан берилиши ва улар истеъдоди муайян замон ва макон билан белгиланмаслигини англайсиз. Улар яратган асарлар, ижодий инъоми асрлар оша абадиятга дахлдор бўлиб хизмат қилаверади.

Нафақат ижод, руҳоният олами ҳам чексиз бўлган Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий тарқоқ ҳолдаги, муайян силсилага солинмаган араб тилини қоидалаштириш билан ҳам унга тириклик бахш этди. Тилнинг грамматик меъёрларини илмий-назарий жиҳатдан асослади.

Замахшарий сўз, тил, нутқ ва мантиқ масалаларига жуда эътиборли бўлганини сезиш қийин эмас. Унинг нутқ борасидаги айрим мулоҳазаларини келтирамиз.

Замахшарийнинг нотиклик санъати ҳақида махсус асари бўлмаса-да, луғатшунослик, грамматика, аруз, адабиёт ва мантиқ ҳақидаги мулоҳазаларига асосланган ҳолда унинг нотик, нутқ, мантиқ масалаларига ўз диққатини қаратганини илғаш қийин эмас. Шу хусусда унинг иккита асари айниқса, моҳиятлидир. Булардан бири “Навобиғ ул-калим” (“Нозик иборалар”), иккинчиси “Асос ул-балоғат” (“Балоғат (фасоҳат) асослари”)

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ – 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги УЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Халқ даҳосининг кўзгуси”, “Эски ўзбек ёзуви”, “Халқ ижоди - ҳақ ижод”, “Донг қозонган дoston”, “Ҳарфлар тилга кирганда”, “Ҳарфлар гулшани”, “Нутқий маҳорат”, “Муомала маданияти” “Дил – қулф, тил – калит”, “Нотиклик санъати”, “Сиз нотик бўлмоқчимсиз” китоблари нашр этилган.

асаридир. Бу иккала асар Замахшарий закоси, нотиқлик фасоҳати, нутқ маданияти ва маҳорати борасида етарлича маълумотлар бера олишига шубҳа йўқ.

Қолаверса, дунё таниган ва тан олинган бу аллома чуқур ҳурмат ва алоҳида меҳр билан “Устоз ад-дуня” (“Бутун дунёнинг устози”), “Устоз ал-араб ва-л-ажам”, “Жоруллоҳ”, “Фахру Хваразм” каби бирорта ҳам алломага насиб этмаган ўта шарафли лақаблар билан аталган. Машҳур олимлар, шоирлар ва адиблар даврасида у доимо пешволардан бири бўлиб келган. Қизгин илмий баҳс ва мунозараларда унинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинган. Мана шу зайлдаги бекиёс улкан обрў-эътибор ва буюк даҳолик мақоми, эҳтимол, унга ўз асарларидан бирида “Ва инний фи Хваразм Каъбат ал-адаб” (“Чиндан ҳам мен Хоразмда адиблар учун бир Каъбадекдурман”) деб ёзишига асос бўлган бўлса, ажаб эмас.

Ҳар қандай ўхшатиш, сифатлаш каби санъатлар бир жиҳатдан таъсирчанликни кучайтирса, иккинчи жиҳатдан киши диққатини ўзига тортади. Инсоннинг сўзида унинг ўзлиги ётиши, сўзлик ўзлик учун кўзгу эканлигини таъкидлаш Замахшарий қарашларида ўз ифодасини топган. Ҳар бир инсон сўзига қараб унинг онгу тафаккури, маънавиятини билиб олиши мумкинлигини эътироф этаётгандек бўлади. Мана унинг фикрларидан бири: “Кўпчилик одамлар ҳақиқатдан йироқдир, уларнинг талаб ва даволари ёлғону бўҳтондир, айтган сўзларию-ишлари ўзларига боғлиқдир”. Инсоннинг хулқий маданияти, нутқий маданияти билан уйғун бўлишини булар бир-бири билан боғлиқлигини таъкидлаш ҳам Замахшарий дунёқарашига зийнат бахш этади. Жумладан, у ёзади: “ақлли, ғофил кишининг сукут сақлаб жим туриш ҳолати жоҳил, паришон кишининг узридан афзалдир. Кўпинча, тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир. Кўп сўз иборалар борки, одамларга улар фасоҳатли кўринса-да, Аллоҳ наздида улар номақбулдир, сўзловчини ҳам эшитувчини ҳам мулзам қилур”.

Ўрни келганда сукут сақлашнинг аҳамияти катта эканлиги шарқона қарашларга вобасталиги эътироф этилади. “Сўзлагандан сўзламаган яхшироқ, сўзлагандим тегди бошимга таёқ, айтилган сўз мис, айтилмагани олтин” каби мақоллар замирида ҳам ана шу мантиқ мавжуд.

У нутқда сўз қўллашда меъёр зарурлигини, суҳбат таъсирчан бўлиши учун мухтасар бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Чунки узоқ сўзланган нутқ тингловчиларга малол келишини уқтиради. Бу билан у нотиқнинг сўзи тингловчининг кўзида бўлишини, тингловчининг ҳолати ва руҳиятига қараб гап айтиш муваффақият келтиришини айтмоқчи бўлади. “Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитар”, дейди у юқоридаги китобда.

У етук руҳиятшунос, тилшунос сифатида ҳам масалага чуқур ёндашади. Инсоннинг кўзи ва сўзидаги уйғунлик зоҳиран намоён бўлмаса-да, ботинан англаниши мумкинлиги борасида сўз юритади. Оддий инсонлар сўзлашиш орқали бир-бирини англаши борасида Маҳмуд Кошғарийнинг ушбу битиклари ёдга келади: киши сўзлашу, йилқи йизлашу. Яъни, одамлар бир-бирини сўзлашиб таниганлари сингари, ҳайвонлар бир-бирини ҳидлашиб билишади.

Шундай тоифа инсонлар борки, улар сўзлашиш эмас, балки кўзлашиш орқали бир-бирини уқади. Уларда ички кўз, ўткир қалб кўзи бор. Уларга шунинг учун ҳам ишоратгўй, башоратгўй, кароматгўй дейишади. Булар валийлардир. Инсоннинг ботиний оламини бир қарашдаёқ англаб етиш башорати уларга хос бўлган. Эндиликда, “Олимлар олдида тилингни тий, валий олдида дилингни ҳам” деган нақл, замирида теран ҳикмат ётганини уқиб олиш кийин эмас. Шунинг учун ҳам кароматгўй воизлар

сўзни қўллаш бобида ақл ва қалб кўзини ишга солишади. Замахшарий бу борада шундай ёзади, “Кўз ўз соҳибининг қалбида нима борлигини ифода этар: муҳаббатдан нима, нафратдан нима борлигини кўз сўзлайди, оғиз эса сукут сақлайди, бари бир юракда нима кечаётганини очик ойдин, зоҳир кўрасан!”

Адиб “Тили-ю, дили тўғри ва ҳақгўй бўлган одамнинг хато-ю, нуқсони кам бўлур”, дея илова қилади.

Замахшарий оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини чуқур идрок этиш асносида, диний ва дунёвий илмларни чуқур билиш заруратини эътироф этади. Шундагина жоҳилни оқилдан фарқлаш мумкин дегандек бўлади адиб. Нутқий ва ҳулқий маданиятга эга бўлган инсон чинакам маънода балоғатга етган, фасоҳатли ва бўлиғ инсондир. У нутқ ва нотиқлик масалаларига ҳадис мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Шуларга асосланган ҳолда умумлашма ҳулосалар қилади.

Ҳатто, Замахшарийнинг шогирдларидан бирига, аниқроғи, Абул Муайядга “Ахтабу Хваразм” нисбати берилган, унга яъни, “Хоразмнинг сўзга чечан нотиғи” деган лақабнинг берилганининг ўзиёқ, Замахшарийнинг воизлик санъати борасидаги хизматлари катта бўлганини англатади. Чунки, дағал, кўпол ёки мулоим ва қаҳри каттиқ ёки меҳрибон инсон қалбига ҳам осон йўл топа олиш салоҳияти нутқ ва ҳулқ орқали эканини Замахшарий билган ва амалда қўллай олган зоти шарифдир. Унинг бир оғиз гапидан ҳам буни англаш қийин эмас. У иккинчи бор Маккага отланаётган пайтида “Нега яна Каъба сафарини ихтиёр айладингиз?” деб сўраганларга “Қалб хотиржамлиги, дил поклиги ва ибодат лаззатини фақат Маккадагина ҳис қилиш мумкин”, деб жавоб берган. Тани сиҳатлик ва хотиржамлик, кўнгил тозаллиги ва илм ибодати чинакам маънода инсон комиллигининг мезони эканини Замахшарий теран ҳис этган. У ҳадис, фикҳ, қироат илми бўйича ҳам машҳур бўлгани бу фикрнинг тасдиғидир.

Ҳулоса шуки, Маҳмуд Замахшарий наздида нутқ маданияти ва воизлик маҳоратини таъминловчи мезонлар қуйидагилардир:

- 1) нутқ хоҳ оғзаки ёки хоҳ ёзма шаклда бўлсин, эшитувчига аниқ, тўғри, раво ва осон етиб бориши;
- 2) тил ва нутқ қурилиши белгиланган андозаларга мувофиқ бўлиши;
- 3) нутқ таркиби мантиқий изчилликка қурилиши;
- 4) нутқнинг мухтасар бўлиши нотиқнинг мўътабар бўлишига асос экани;
- 5) тилнинг қудратли қурол, мафкура, маслак манбаи экани;
- 6) ширинсуханлик орқали мақсадга етилиш, муаммо ечими муомала бичими билан экани;
- 7) нутқ жараёнида сўзловчининг зийрак ва эҳтиёткор бўлиши;
- 8) инсоннинг сўзи унинг ўзлигининг кўзгуси экани;
- 9) ҳар қандай ваъз қоидалари воиз фойдалари экани;
- 10) нутқнинг сезги, ҳис-туйғу ва онгу тафаккурдан кейин туғилиши;

Мангуликка муҳрланган мутафаккирларнинг фикрлари асрлар, даврлар ўтса ҳам қиймати пасаймайди. Бугунги кунда ҳам адибнинг тилшунослик ва унинг муҳим таркибий қисмлари фразеология, лексикология, семасиология, лексикография сингари бўлимларига дахлдор мулоҳазалари ўз кучини йўқотган эмас.

“Товушсизлар қотмасун”



Лутфулла
СУВОНОВ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Анкара шаҳрида Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида: “Ўзбек ва турк халқларининг илдизи бир, маънавияти муштарак. Имом Бухорий, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Алишер Навоий мероси халқларимизнинг миллий юксалишига катта ҳисса қўшган. Қозизода Румий Самарқандда мударрислик қилган. Али Қушчи ҳаётининг сўнгги йилларини Истанбулда ўтказган. Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий каби кўплаб жадид боболаримиз Туркияда таҳсил олган”, дея таъкидлади. Ушбу илм тилга олинган юртдошларимиз орасида “Бухоро ахбори”¹ газетасининг биринчи муҳаррири Муҳаммад Саид Аҳрорий номи ҳам борлиги бежизга эмас.

Чунки 1920 йилнинг 9 сентябрида “Бухоро ахбори” газетасининг илк сони Саид Аҳрорий муҳаррирлигида чоп этилган. Бу газетага материаллар танлаш, уни маблағ билан таъминлаш масалалари ўша даврдаги ҳукумат аъзолари Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Қори Йўлдош Пўлатовлар томонидан амалга оширилган. Газета эски ўзбек адабий тилида, араб имлосида 1500–2000 нусхада 4 саҳифада чоп этилган. Баъзи манбаларда “Бухоро ахбори”нинг илк муҳаррири Абдурауф Фитрат бўлган, деган маълумотлар ҳам берилмоқда. Лекин, биз ўрганган манбаларда эса, аксинча, Абдурауф Фитратнинг газета ишида мақолалар билан иштирок қилмаганлиги танқид остига олинган².

Мазкур газетанинг 1921 йил июлидан 1922 йилнинг январигача (салкам олти ой) бўлган сонларига машҳур адиб, истиқлол фидойиси Абдулҳамид Сулаймон

1 “Бухоро ахбори” газетасининг ягона нусхаси Бухоро вилоят Ибн Сино номидаги марказий кутубхона архивида сақланади. (1-жилд жамланмаси.)

2 “Бухоро ахбори” 1922 йил. 9 май. 83-сон. (Зиё Усмоний. “Матбуотимиз нима учун юксалмайдур?”)

Лутфулла СУВОНОВ – 1974 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) Ўзбек филологияси факультетини тугатган. Ижодкорнинг республика нашрларида қатор ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалари эълон қилинган.

ўғли Чўлпон муҳаррирлик қилади. Адабиётшунос олим С.Алиевнинг маълумот беришича, Чўлпон шахсан Фитратнинг илтимосига кўра “Бухоро ахбори” газетаси муҳаррирлигига таклиф қилинади. Чунки ўша даврда Бухорода юз бераётган ўзгаришлар ёзувчи ва публицист Чўлпонни жуда қизиқтирар эди³. Чўлпон “Халқ денгиздур, халқ тўлқиндур, халқ кучдур, Халқ исёндур, халқ оловдур, халқ ўчдур”, деб бошланадиган машҳур шеърини ҳам илк бор “Бухоро ахбори” газети саҳифаларида эълон қилган. Умуман, Чўлпоннинг саъй-ҳаракати билан газетада адабий-публицистик жанрларга эътибор кучаяди. Шахсан муҳаррирнинг ўзи 1921 йил июндан 1922 йилнинг 15 январига қадар газетада 15 та шеър билан чиқиш қилади. “Бухоро ахбори”да 1922 йил давомида қисқа муддатда Зиё Усмоний ва Остонкул Абдулқийём ўғли кабилар ҳам муҳаррирлик қилишади⁴.

“Бухоро ахбори” Қори Йўлдош Пўлатов (1890–1965 йиллар) муҳаррирлиги даврида юқори савияда, кўпроқ адади чоп этилади. Қори Йўлдош Пўлатов Бухоро ҳукуматининг масъул вазифалари: маориф нозири, мудофаа нозири, доҳилия (ички ишлар) нозири, Ўзбекистон ССР ҳукуматида эса молия нозири вазифаларида ишлаган⁵. У “Бухоро ахбори”да муҳаррирлик қилган даврда газета фотосуратлар билан чиқа бошлаган. Чунки бевосита Қори Йўлдош. Пўлатовнинг ташаббуси туфайли Москвадан цинтография (аксилхона), Германиядан эса, мусулмонча ҳарф териш машинаси олиб келиниб, замонавий типографияга асос солинган. Қори Йўлдош. Пўлатов “Бухоро ахбори”да бошқа муҳаррирларга қараганда узоқроқ фаолият кўрсатиб, ўзи ҳам газетанинг бир қатор сонларида салмоқли мақолалар билан чиқишлар қилган. Айниқса, унинг Петербург ва Москва (Россия) саёҳати таассуротлари асосида ёзилган “Йўл хотиралари” туркум мақолалари газетанинг бешта сониди тўлиқ бир саҳифада эълон қилинган. “Йўл хотиралари” совет даври тарихининг XX аср 20-йиллари ҳақида реал хулосалар чиқаришда муҳим манбалардан бири бўла олади⁶.

Мазкур нашр нусхалари ҳозиргача Бухоро вилояти марказий кутубхонасида сақланиб, ўтган давр мобайнида баъзи саҳифалари йўқолган ёки титилиб яроқсиз ҳолга келиб қолган, ўқиш имконияти мавжуд эмас. Бир сўз билан айтганда, “Бухоро ахбори” газетаси 5 миллионли Бухоро Республикаси аҳолиси орасида оз нусхада бўлса-да, тарқатиб турилган ягона ўзбек тилидаги босма оммавий нашр бўлган.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг “Жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи” кафедраси мудир, доцент Бойбўта Дўстқораевнинг таъкидлашича, “Бухоро ахбори”нинг биринчи муҳаррири Саид Аҳрорий 1895 йили Мадинада таваллуд топган. Отаси Абдурашидхўжа Аҳрор ўғли асли хўжандлик бўлиб, Ҳаж зиёратига бориб, Мадина шаҳрида яшаб қолган. Шунингдек, профессор Наим Каримовнинг ёзишига қараганда, Абдурашидхўжа 1903–1905 йиллари Мадинадан Туркияга кўчиб келиб, Истанбулда истикомат қила бошлайди. Ўғли Муҳаммад Саиднинг замонавий маълумот олиши учун жон куйдирган Абдурашидхўжа уни Истанбулдаги гимназияда ўқитади, сўнг олти ойлик ҳарбий курсларда таълим олдиради. Бу орада Биринчи жаҳон уруши бошланиб, Муҳаммад Саид ҳам Дарданел учун бўлган жангларда иштирок этиб, у ерда туркиялик бошқа

3 Алиев С. “Чўлпон назиди Бухоро”.|| “Бухоро ҳақиқати”. 1997 й. 20 декабрь

4 З. Усмоний 1922 й. 25 январдан 17 июнгача (67– 87-сонлари): О. Абдулқийём 1922 й. 17 июндан 21 сентябргача (88 – 100-сонлари).

5 М.Маҳмудов. “Барҳаёт сиймолар”. Т. “Ўзбекистон” – 1991 й. 174–185-бетлар: Н.Наимов. “Бухоро жадидлари”. Т. “Фан”, 2000 й. 28–29-бетлар: Ш.Ҳайитов, К.Раҳмонов. “Истиқдолнинг икки буюк фарзанди”. Бухоро. – 2003 й. 15–17-бетлар.

6 Қ.Й.Пўлатов. “Йўл хотиралари”. “Бухоро ахбори” 1923 й. 11 февраль. 133-сон: 15 февраль 134-сон: 1 март. 137-сон: 15 март. 143-сон: 22 март. 146-сон.

жангчилар каторида русларга асир тушиб қолади. Бир қанча вақт Сибирь ерларида тутқунлик азобларини тортган Муҳаммад Саид 1917 йил февраль инқилобидан сўнг Туркистон, аниқроғи, Тошкентга келади. Лекин ҳокимиятни эгаллаб олган большевиклар ғайрат-шижоатга тўла миллатпарварнинг саъй-ҳаракатларига қаршилик қила бошлайди. Шундай бўлса-да, Муҳаммад Саид ёшларга замонавий билим ва маданият тарқатиш ишида бўлсин, бошқа ижтимоий фаолият соҳаларида бўлсин, бор имкониятлардан фойдаланишга уринган.

Муҳаммад Саид Тошкентга келгани ҳамоно публицист сифатида ўз даврининг энг долзарб, энг дардли мавзуларида қалам тебратди. Бу ерда у Файзулла Хўжаевга “Учқун” газетасини чоп қилиш ишида ёрдам берган. Муҳаммад Саиднинг дунёкараши кенг, матбаачилик тажрибасига эга, қалами ўткир ноширлигини кўрган Файзулла. Хўжаев уни газета ишини йўлга қўйиши учун Бухорога таклиф қилади.

Саид Аҳрорий “Бухоро ахбори” газетаси учун мақолалар танлаш, уни ўқимишли, халқ руҳига яқин бўлишини таъминлашда ўз қобилият ва иқтидорини аямайди. Газетада Бухоро Республикаси ҳаётининг барча жабҳаларини ёритишга қаратилган мунозара ва мушоҳадага чорловчи, танқидий тавсифдаги мақолалар эълон қилган. Саид Аҳрорий муаллифлигида биргина 1920 йил 9 сентябридан 1921 йил 30 июнига қадар⁷ “Бухоро ахбори”нинг турли сонларида ўнлаб мақолалар эълон қилган. Унинг “Ёшларимизга”, “Турмуш йўлида”, “Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун”, “Инқилобимиз”, “Дўстлик муносабати”, “Дўстлик тийрасида”, “Вазифа бошинда”, “Идораларнинг тузатилиши”, “Ҳаннотларга (олиб сотарларга) мол берилмасун!”, “Мустақил Бухоро”, “Сўнгсиз киш”, “Луғат ва имло устуни”, “Дорилфунунимиз қалдирғочлари”, “Киш келди, товушсизлар қотмасун”, “Давлат ишларида ерлиларга ёрдам этилсун!”, “Тўртинчи инқилобий йилимиздан нималар кутамиз”, “Томошахоналаримизнинг аҳволи”, “Хотун”, “Қайтиш”, “Қонга қон”⁸ каби турли жанрлардаги мақолалари босилган. Юқоридаги мақолаларда Бухоро Республикаси кундалик турмушининг долзарб муаммолари муаллиф томонидан қаламга олинади. Таъкидлаш жоизки, Саид. Аҳрорийнинг номлари зикр қилинган “Бухоро ахбори” нашрининг турли сонларидан ўрин олган кўпгина мақолалари унинг “Танланган асарлар” сирасига киритилмаган⁹. Уларни ўрганиб таҳлил қилиш Бухоро Республикаси тарихининг ҳанузгача қоронғи бўлган жиҳатларини тўлдиришда ёрдам беради.

Газетада янги ҳукуматнинг маориф ва маданият, санъат ва адабиёт, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ фармон, буйруқ ва лойиҳалари, мунозарали мақолалар (“Мубоҳаса” рукнида) босилган. Айниқса, илм ва маориф республиканинг ҳаёт-мамоти эканлигига қайта-қайта мурожаат қилинади¹⁰. Муҳаммад Саид “Бухоро ахбори”нинг ҳукумат буйруқларини босанлигининг туб сабабини қуйидагича изоҳлайди: газета учун “...у вақтлардаги тилак: бухороли ватандошларга инқилобимизнинг ўзини, омиллари, сабабларини билдирмак

7 С.Аҳрорий 1920 – 1921 йил июнь ойининг охирига қадар “Бухоро ахбори”га муҳаррирлик қилиб, сўнгра Озарбайжон Республикасига Бухоро ҳукумати номидан элчи қилиб юборилган.

8 Ш.А.Ҳайитов. “Биринчи муҳаррир”. “Бухоронома”. 2003 йил. 10 сентябрь.

9 С.Аҳрорий. “Танланган асарлар”. Тошкент. “Маънавият”-2001 йил. (Истиқлол қаҳрамонлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи Холида Аҳророва.)

10 “Бухоро ахбори”. 1920 й. 29 ноябрь. 10 сон. (“Мактаблар ҳақида умумий қоидалар”); 1921 й. 10 май. 35-сон. (А.Муҳиддинов. “Тилимиз ва маориф назорати”); 1921 й. 26 ноябрь. 56-сон (Қори Йўлдош. “Маориф ишлари тўғрисида”); 1922 й. 11 январь 64-сон. (Остонкул. “Яна мактаб масаласи”); 1922 й. 5 ноябрь. 108-сон. (М. Субҳи. “Мактабларимизда рус тили”); 1923 й.3 март. 138-сон. (Бекбой. “Маориф курултойи муносабати билан”).

ва танитмоқ баробарида, унинг фойда ва фазилатларини чин бир равишда тушунтирмакдан иборат... Газетага тегишли бошқа муҳим вазифалар иккинчи навбатда қолдирилди. Бухоро жумҳуриятининг матбуот юзасидан бўлгон ўшал йўқсуллик чоқларида юқоридаги тилакдан бошқасига киришмакка на қалам ва на-да, техника етарлик эмас эди... Шундай бўлса ҳам, оз ва ғайри муташаккил идораси билан янги ҳукуматнинг бутун омилини тушунтира олғондир”. Муаллифнинг мақоласи “Бухоро ахбори”нинг бу қадар мураккаб шароитда қандай мақсадни қўзлаган ҳолда чиқиб турганини англашга қўмаклашади.

Муҳаммад Саид газета бир меъёрда чиқиб туриши учун техник жиҳатдан катта қийинчиликларга дуч келинганини изоҳлайди. Бунда уч асосий нарса сабаб бўлганди, деб ёзади у. “Бухоро ахбори” ташкил этилгач, “Қизил Шарқ” поездининг сайёр матбаасида босилиб турди (“Қизил Шарқ” – марказий шўро ҳукумати томонидан ташкил қилинган ташвиқий поезд). “Сайёр матбаа кетгач, газета ҳафталаб, балки ойлаб тўхтади. Негаким, давлат нашриётимизнинг матбааси ҳали қурулмагон эди... Учинчи сабаб эса, тегишли матириёлларнинг камёблиғидир. Газета шу ўн ой ичида зўраймасдан, эски катталигида чиқа берди. Негаким, фақат амир ҳукуматидан қолгон матбаа ва бир неча пуд ҳарфга суяниб қолгон эди. Сўнг вақтларда нашриётга янги ҳарф ва американка кела бошлағоч, зўрайишга йўл очмоқ имкони тайёрланиб қолди”. Бу фактлар таҳририят аъзолари, хусусан, газета учун шахсан масъул бўлган муҳаррирлар “Бухоро ахбори”ни нақадар моддий-техник қийинчиликлар шароитида чиқаришганини тасаввур қилишга ёрдам беради. Жумладан, Чўлпон 1921 йили газетага муҳаррир этиб тайинлангач, чиқарилган дастлабки сониди таҳририят номидан шундай ният билдирилганди: “Ҳозир қўлимизда бўлгон куч билан газетани шу кичик ўлчовда кун оралаш чиқариб турмоқчи бўлдиқ. Агар фавқуллодда ишлар монев бўмасалар, газета шундай чиқиб турғусидир”. Таассуфки, бу ният амалга ошмаган. Нима учун амалга ошмаганини Муҳаммад Саиднинг юқорида келтирганимиз изоҳидан англаб олиш мумкин.

Саид Аҳрорийнинг 1918–1920 йиллар оралиғида ёзган мақолалари “Турк сўзи”, “Иштирокиюн” каби газеталарда босилган. 1920 йилга келиб унинг фаолияти Бухоро билан боғланди. Маълумки, ёш бухороликлар фиркасининг Тошкент бюроси 1920 йили газета ва журнал нашр этишни йўлга қўйди. Жумладан, “Учкун”, “Қутулиш” газеталари ҳамда “Тонг” журнали худди шу йили дунё юзини кўрди. Саид Аҳрорий мана шу нашрларда фаол қатнашди. Чунончи, “Учкун”нинг 1-сониди “Золимларга қарши исён” рубрикаси остида “Бухоро аскарларига” мақоласи босилди. Газетанинг 2-сонидан публицистнинг иккита мақоласи ўрин олган. Бири Муҳаммад Саид имзоси билан “Золимларни маҳв этмак керак” деган даъват руҳидаги мақола бўлса, иккинчиси – Бахтиёрхўжа имзоси остида “Бухоро мусулмонларига” сарлавҳали қақриқ мақоладир. Мақолаларнинг сарлавҳаларидан аён бўлиб турибдики, Муҳаммад Саид Бухоронинг озод ва обод ўлка бўлишини истаган, шунга бошқаларни ҳам даъват қилган.

1920 йилнинг 2 сентябрида амирлик тугатилиб, Бухоро халқ шўролар жумҳурияти (БХШЖ) ташкил этилгач, Муҳаммад Саид ҳам у ерга боради ва фаол ишга киришади. У “Бухоро ахбори” газетаси ҳамда давлат нашриётининг барпо бўлишида қатнашади. “Бухоро ахбори”нинг дастлабки 5-сонига муваққат муҳаррир бўлади, сўнг таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида жон куйдириб ишлайди. (“Бухоро ахбори”нинг 17-сони Муҳаммад Саиднинг муҳаррирлигида чиққан.) 1921 йилнинг иккинчи ярмида у БХШЖнинг Боқудаги консулхонасига ишга тайинланиб, 1923 йил охиригача у ерда ишлайди. Бухорога қайтгач, 1924 йилнинг январидан 1925 йилгача “Озод Бухоро” газетаси муҳаррирининг биринчи муовини ва давлат нашриёти мудири лавозимларида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон ССР ташкил этилгач, республика маркази – Самарқандга келади. Айтиш мумкинки,

Бухоро матбуоти ва матбаачилиги ривожланишининг дастлабки 4 йили унинг кўз ўнгида ўтган. Шу боис БХШЖ журналистикасининг шаклланиш ва тараққий этиш жараёнини Муҳаммад Саид яхши билган ва бу ҳақда тадқиқот-мақолалар ёзган. Унинг “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталаридаги мақолалари Муҳаммад Саид, Муҳаммад Саид Аҳрорий, Бахтиёрхўжа, Мухторхўжа, Абу Мунир имзолари билан чоп этилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, “Бухоро ахбори”да ўз даврининг жуда истеъдодли қаламкашлари – Чўлпон, Муҳаммад Саид Аҳрорий, Қосим Сорокин, Қори Йўлдош Пўлатов, Лазиз Азиззода, Маҳмуд Будаيلي ва бошқалар ишлаганлар. Шу боис бўлса керак, зикр этилган шахсларнинг матбуот зиммасига юкланадиган вазифалар тўғрисидаги тушунчалари ҳам ниҳоятда юксак бўлган.

Саид Аҳрорий ҳам ҳамкасблари қаторида матбуотга тавсиф бераркан, XX асрнинг бошларида урф бўлган қараш – тузумнинг замини деб ҳисобланилган ижтимоий табақаларни эътиборда тутган ҳолда ёндашади. “Матбуот ўз синфининг ойнаси бўлуб, – деб ёзади Муҳаммад Саид, – у синфни маълум бир доирада уюштурадир. Шу ҳолда бу бир синфни яшатишда жуда муҳим ўрун ишғол эткучи бир қуролдир”.

Публицист Саид Аҳрорийнинг “Бухоронинг қизил матбуот тарихчаси” сарлавҳали мақоласи “Озод Бухоро”нинг 1924 йил 21 ва 29 июнь сонларида Бахтиёрхўжа таҳаллуси билан босилган. Мазкур мақолада муаллиф Бухоронинг 1920 – 1924 йиллари нашр қилинган газета ва журналлари тарихига тўхталади. Жумладан, у “Тонг”, “Нашри маориф”, “Маориф ва маданият” журналлари, “Учқун”, “Қутулиш” ва “Бухоро ахбори” – “Озод Бухоро” газеталарининг ташкил этилиши, маслак ва мақсади, йўналиши, мундарижаси, қанча сони чиққани, унда қайси журналистлар қатнашгани, нуфузи, чиқишдан тўхтаган нашр бўлса, бунинг сабаблари ҳақида маълумотлар келтирган. Муҳаммад Саид “Тонг” журналининг 3-сони, “Нашри маориф”нинг 5-сони, “Маориф ва маданият”нинг 2-сони, “Учқун” газетасининг 2-сони, “Қутулиш”нинг 11-сони чиққани тўғрисида, уларга қимматли муҳаррирлик қилгани ҳақида маълумот берган.

Муҳаммад Саиднинг “Нашри маориф” журнали ҳақида келтирган фактлари ҳам ҳозирги тадқиқотчилар учун янгилик бўлиши мумкин. Унинг ёзишича, 1923 йилнинг март ойида марказ қасабалар шўроси ҳузуридаги “Нашри маориф” шўъбаси томонидан шу номда икки ҳафталик адабий, фанний, иқтисодий ва сиёсий журнал чиқарилган. Мазкур нашр Қасабалар уюшмаси томонидан чоп этилса-да, амалда мазкур уюшма турмушини ёритмаган. Фан қисми бўш, илмий ва сиёсий қисмлари жуда заиф, бадий жихатдан кўчага тақлид этган. Ҳабир Абдуллаев деган шахс муҳаррирлик қилган мазкур нашр ҳақида муаллиф “Ҳабир Абдуллаев ва у оилага мансуб кишилар томонидан монополиёга олингонлиги учун бошқа ҳеч бир қалам иштирок этмаган”, деб ёзади ва эҳтимол шу сабаблар туфайли мазкур журнални халқ ҳам қабул қилмаган.

Бундай конкрет факт ва маълумотлар бошқа нашрлар ҳақида фикр юритилганда ҳам келтирилади. Аҳамиятли жойи шундаки, бош муҳаррирнинг муайян нашрнинг қандай чиқишида ўрни ғоят катта эканини Муҳаммад Саид мақолалари яна бир қарра исботлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммад Саид, шубҳасиз, истеъдодли публицист, ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби бўлган. У ўзбек маданиятининг тараққиёти йўлида янада кўп ишларни рўёбга чиқариши мумкин эди. Таассуфки, Сталин қиргин-қатағони бунга йўл бермади. У навқирон 36 ёшида, 1931 йилнинг 23 майида “халқ душмани” деган машғум айблов билан отиб ташланган. Аммо ана шу қисқа, аммо чақмоқдек ёрқин умри давомида ёдда қоларлиқ талайгина ишлар қилишга улгурган.



**Маъруфжон
ЙЎЛДОШЕВ**

Икки ҳикоя



ШАМОЛЛАРДАН ҚЎРҚМАГИН, ОНА

– Тур, болам, жойнамозда ётмайди, тур дедим, эйй!
– Ҳа, она, ҳозир, яна озгина ухлай...
– Жойнамозда ухлаб бўлмайди, болам, юртга юк тушади!
– Мен ухламадим, кўзим илинибди, шекилли, лекин...
– Ухламадиммиш, хуррагингдан уйғониб чиқдим-ку, кўпайгур!
– Йўк, йўк сиз уйғонганингизни билдим, ўшанда ҳам уйғок эдим, фақат бир зумгагина кўзим илинибди. Лекин бир кун ухлагандек мириқибман.

– Тур, ўрнингга кириб ёт. Намозимни ўқиб олай. Ҳа, айтганча, нега кириб ётмадинг? Жойнамозда ухлайдиган одатинг йўқ эди-ку?

– Йўк, она, сиз кўрмагансиз-да. Баъзан... баъзан отамни жуда соғиниб кетсам...

Ташқарида шамол тобора шиддатланар, бор куч-кудратини кўрсатиб қўйиш дардида дарахт шохларини қайириб, синдириб деразага уриб-уриб эсарди. Тунда кўпган шамолни онаси “тентакшамол” дерди. Онаси шамолни ёқтирмас, ундан қаттиқ кўрқар, шамол эсган пайтларда кўпроқ ибодатга бериларди. Ҳозир ҳам гоҳ деразага, гоҳ эшикка қараб безовталаниб ўтирганди. Ёвқон онасидаги кўрқувни сезиб, “Ташқарига чиқасизми, юринг, қараб тураман”, деди. Она печка устидаги кумғонни кўтариб, ташқарига чиқди, “Тентакшамол ҳам Оллоҳни амри билан эсади эсишга-я, лекин, кунботардан эсмасин экан, кунчиқардан эсгани беиён бўлади... Пайғамбаримиз ёмғирни яхши кўрарканлар...” деб қўшиб қўйди. Шамолнинг важоҳати ва ваҳимали уввосидан онасининг яна нелар деганини англамади.

Ўғил шу тобда ҳар шамол эсганда эсланадиган бу гапларни эмас, кун сайин бувисига ўхшаб бораётган онасининг муштдеккина жуссасига қараб, қачонлардир

Маъруфжон ЙЎЛДОШЕВ – 1973 йилда туғилган. Фарғона давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. Ижодкорнинг бадиий асарлари ва илмий-оммабон мақолалари Россия, Туркия, Озарбайжон, Эрон, Польша каби мамлакатларнинг бир қатор нашрларида эълон қилинган.

ўзи айтган бир гапни хотирлади, “Оналар қаримайди, фақат бувилар қари бўлади”. Бу гапни холалари ўзаро суҳбатлашиб ўтириб, “Опам қариса, бувимни ўзи бўлиб қолади”, деган пайтида айтган эди. Холалар бор овози билан кулишган, ўша-ўша бу гап оила ичида кўп эсланадиган бўлганди. Мен ҳалиям онамнинг қариб бораётганини тан олгим келмайди. Икки одим юрмасдан чарчаб қолишларини ўйласам, юзидаги ажинларнинг тобора чуқурлашиб бораётганини кўрсам, болаликка қайтгим келаверади. Энди онамнинг кўзларига қарасам, “Онанг қарияпти, болам, онанг ўтиб боряпти. Эртага кидириб қолмаслик учун тўйиб ол, кипригимнинг тагида-ю, бугун бўлмаса, эрта гаплашарман, демагин. Эртанинг юмуши мушкул, мушти оғир, болам”, деяётгандек бўлаверади.

– Отанг раҳматли айтардилар, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мен сабо бирлан ғолиб қилиндим, Од қавми дабур бирлан ҳалок қилинди”, деган эканлар. Сабо деб кунчиқардан эсадиган шамол, дабур деб кунботардан эсадирган шамолни айтиларкан. Отанг раҳматли ҳам шу сен туғилганда эккан теракларнинг учига қараб, шамолнинг қай томондан эсаётганини тахмин қилиб ўтирарди.

– Она, шамолдан қўрқинишнинг сабаби шуми фақат?

– Бувим¹ мени беланчакка бойлаб ухлатиб, ўзи ҳам ухлаб қолибди. У вақтлар ҳамма уйда ипак курти боқиларди. Яқингача ҳам ўзимиз то пилла териб олгунча битта кичик хонада жон сақлардик. Хуллас, мен уйғониб, беланчакдан тушиб эмаклаб, кўчага чиқиб кетибман. Қандай чиққан бўлсам?.. Дарвозадан нарисси ҳайқарон² ариқ, йўл тарафга энсизгина эпламачак кўприкдан ўтилади. Ўша ердан ўтиб, тўртайлишдаги³ устунга илинган чирокқа қараб бораверибман-да. Ўша кеча қаттиқ шамол бўлиб, дарвозани битта қанотини кўпориб кетганди, деб эсларди бувим. Шу даражадаги қаттиқ шамол мени учуриб кетмаганига ҳамма ҳайрон бўлишган экан. Ўнғарвой амаким, нимадир сабабминан кўчага чиқса, бир бола йиғиси эшитилганмиш. Йиғи келган томонга қараб бораверибди. Чирок тагига борса, мен йиғлаб ётганмишман. Қўлига олиб, “Одамлар бу кимни боласи”, деб бақираверибди, турган жойида. Нимадир бўлиб, отам уйғонибди, овозни эшитиб чиқса-ки, мен эмишман. Хулласи... ўшанда қўрққан бўлсам керак-да... Шамол турса юрагим безовта бўлаверади.

– Она, сизнинг вужудингизга сингиб кетган ўша қўркув менга ҳам ўтган. Шамол бошланса, шу безовталигингиз менга ҳам ўтади. Айниқса, хизмат сафарига кетганда энг кўп шуни ўйлайман. Шамол турсагина эмас, шамол ҳақида у ер, бу ерда ўқиб қолсам ҳам ичимга титроқ кираверади.

Ёвқон чуқур нафас олди, онасининг кўнглига озор етмасин деб нафасини ичига ютди. Она жойнамозини солиб, намозга турди. Ёвқон яқинда ўқиган бир ҳикоясини эслади. Шамолли кеча эди. Ўшанда ҳам қаттиқ таъсирланиб, даҳшатга тушганидан ишини ҳам ташлаб ортига қайтганди.

“Шамол бу маконларда тўсатдан кўзғалади. Тоғ ораларида етилиб, ўнғирлар орасидан ўкириб-вахшат солиб чиқиб келади. Қишлоқларнинг наридани-бери оҳакланган деворларидаги чанглари учуриб, томларнинг кумларини сочиб, кўча тупроғини тўзғатиб-тўзғитиб эсаверади. Маккапоярларни ағанатади, кир ўраларда ҳуштак чалади, сувларни чайкатади, тепаларда ғувуллайди, пастга тушганида

1 Буви – баъзи шеваларда онани ҳам буви дейишади.

2 Ҳайқарон – катта, ҳайкириб оқадиган.

3 Тўртайлиш – чорраҳа.

челакларни-ю чўпсаватларни ағанатиб юмалатиб юборади. Дала-даштдаги юмрон инларини кум билан кўмади, овсарроқ қушлар қурган уяларни тамомила бузиб ташлаганида жажжи полапончалари чирқиллаганча ерга қулаб тушиб, ваҳший ҳайвонларга ем бўлишади”⁴.

– Ёвқонжон болам, ҳа, ўтирибсан мунғайиб? Кир ухла, эртага яна кетсанг керак ишга. Менга карама, ёш илгариллагани сайин кўз қотиб қоларкан, уйқуниям тайини қолмайди. Ёшликда уйкуга зор бўп кетардик. Тонг отмай туриб, мол-ҳол, дала, уйга келиб, қозон-ўчоқ, ярим кечасигача кирмиди, тикишмиди хулласи иш тугамасди. Бувим, “Яхшиям иш деп қўйган экан, чух деганда нима қиларканмиз, тагин”, дерди.

– Уйкум қочди, она, эртага ишга бормасам ҳам бўлади. Отам ҳақида гапириб беринг...

Онийдан кўзига қалққан ёшларини онасига кўрсатмаслик учун телевизор пульта кидира бошлади. Кўзёшини билдирмайгина артиб олгач, “Бу соатда кўрсатувлар ҳам тугаб бўлгандир-а”? деб қўйди. Онаси гапини эшитмади.

– Шу ўтиришингда отангга жуда ўхшаб кетасан. Битта тиззасини букиб ўтирарди. Суннат дерди, одамларга ўхшаб чордана қуриб ё оёгини узатиб ўтирмасди. Бурунгилар отанинг сири ўғилда очилади, дейишаркан. Сен яхши бўлсанг, болаларинг роҳатингни кўради. Ёмон бўлсанг, жабр чеккан яна улар бўлади. Ўзига шукр, отанг жаннати одам эди. Сен туғилганда буғдойлар энди бошоқлай бошлаганди. Мен “Муҳаммаджон қўййлик” деб чирқиллаганим билан, бориб метиркангга Ёвқонжон деб ёздириб кепти. Буғдой бошоқлаган дамда туғилган болага Ёвқон деб от қўйилар эмиш. Қайсидир китобда шунақа ёзилган экан-да, хулласи. Отанг эскичаниям, янгичаниям яхши биларди, олим одам эди-я, гўринг нурга тўлгур. “Нимаси ёмон? Ўзимизни исмларни нимаси хунук? Тагин, Расулulloҳнинг исмини таҳоратсиз айтиб бўлмайди” деганиди, раҳматли. Отангга гап топиб бериш қийин эди. “Хўп!” деб кўникиб кетдик, отингдан айланай.

Ёвқон отасини эслаганда ўзидан хафа бўларди... Фурсат топилди дегунча, кўчага югурибман, тўйиб-тўйиб суҳбатлашиб олсам бўларкан ўшанда... “Ота, сиз ҳам одамлардек янги кийимлар олиб кийсангиз бўлмайдами? Тўйгайм шунақа келадими? Шу чопонингизни ташланг, энди, чириб кетгунча киясизми?” деган пайтим бу гапнинг мен учун бир умрлик жазо бўлишини қайданам билибман?.. Маҳалламиздаги синфдошининг тўйи эди. Наҳорги ошга ўтиб, ўшандан нари далага кетаман деб эски чопонида чикиб келаверган экан отаси. Ўртоқлари ичида изза бўлганидан уни шундай озорлаган эди. Отаси индамаган, фақат қаттиқроқ бир қараб қўя қолган эди. Отаси бу озорни боласидан эшитаман деб ўйлаганмиди, ўшанда? Тўйда тумонат одам, ҳеч ким унга, “Нега бунақа кийиниб чиқдинг”, демаяпти. Нега ўғли бундай дейиши керак? Хўп, бу кийимнинг нимаси ёмон? Энди эсласа, отаси ҳамма нарсани ҳатто ўша эскириб кетган чопонини ҳам қадрдон дўстидек эъзозлар экан. У ҳамма нарсадан ҳикмат кидириб, маъно излаб яшаркан. Девордаги эски соат чиқиллаб ўғилни безор қилади, ота эса унга гўё қуролдош дўстига қарагандек қарайди. Тўхтаб ё бузилиб қолса борми, ҳамма ишини ташлаб, шу дақёнусдан қолган матохни тузатмагунча тинчимайди. Ўғилда эса ҳою ҳавасдан ғайриси беқадр, бемаъно... Тошкентга кетиш, университетларда ўқиш, яхши жойларда ишлаш... Боши тик, хаёлларининг баландлигига осмоннинг

4 Исажон Султоннинг “Шамолли кеча” ҳикоясидан.

ҳам суқи келади. Ота эса кўзларини ердан узгиси келмайди. Ердан узиб осмонга қараса, ерга хиёнат қилаётгандек изза бўлади. Осмонга қараб ҳам нима қилди, бу ёшдан кейин... қараб нимага эришдики...

– Она, Камарсойдаги Норбўта амаки бор-ку! Ўшани кўрдим бугун.

– Норбўта? Ҳа, Хайринисани укасими?

– Қайси Хайриниса?

– Аҳмадали аканг бору, гузарбошидаги. Ўшани опаси Марҳаматой Кенагасга тушган, Марҳаматойни хўжайини Хайринисага тоға томондан жамаат⁵ бўлади. Норбўта Хайринисани укаси, ҳа айтганча, Хонзодахонни синглиси Маликахонни ўша Норбўтага сўраб келишганда мени қўярда-қўймай “юринг, опа” деб опкирган эди. Онаси “Опамни юз қилиб олиб келибсизлар, йўқ демайман, опам ўртада турган экан, кўзимни чирт юмиб рози бўламан. Фақат бир минимиз⁶ бор-да...” деб қолди. Кейин билсак, қизни садафи⁷ бор экан. Бермагани ҳам яхши бўлган экан, мана ҳуу этакдаги Мирзараҳмонга тегиб бир чиройли яшайпти. Тунов куни кўришиб қолдик. Садафи юзу қўлларига ҳам урибди. Бечора “Ҳаммага онасидан чиройли қош-кўз, чиройли бурун ўтади, менга онамдан шу садафи ўтган экан. Шу кургур кўзиса онамни эслайвераман, оҳ онам-а, сизни кўрсам онамни кўргандай бўламан, хола”, дейди. Онаси ниҳоятда олифта, чиройли аёл эди-да. Маликахон отасига ўхшабди, жиккаккина...

– Ҳаа, ўша Норбўта ака сўраб-салом айтди. Отам ўтиб қолганини эшитмаган экан, анча гина қилди. Сизни сўраб, дуоларида эслаб турсинлар, деди.

– Саломат бўлсин. Ҳа, отангминан борди-келдиси яхши эди. Энди эҳсон қилганда айтиб қўйинглар. Кенагаслик Раҳмоналини отаси отангни тоғасиминан урушда бирга Берлингача борган экан-да. Отанг кўп айтиб берарди. Ҳозир Кенагас тугул ўзимизни қишлоқдаги қариндошларниям кўрмаймиз. Ҳамма ўзиминан ўзи бўп қоларкан... Ҳа, қайда кўрдинг айтганча? Кампирларга ўхшаб сен танимайдиган бурунги одамларни айтиб ётишимни қара...

Она “кампирларга ўхшаб” дегани ўзига бошқача эшитилди, шекилли, яйраб қулиб олди.

...Онам қандай мавзу бўлса ҳам мен танимайдиган, кўпи аллақачон бу ёруғ оламдан ўтиб кетган хеш-ақронларини тилга олишни қанда қилмасди. Уларни эслаганда кўзининг ичи яшнаб кетарди. Сўзлаётиб, ўзи билган, ардоқлаган инсонлар орасига, бахтиёр дамларига қайтиб қолганини ҳис қилардим. Мен онамнинг кўзида пайдо бўладиган ўша бир онлик масъудликни кўриш учун ҳар қанча тунни тонгга улаб тинглашим мумкин... Тентакшамол нима бўпти, бўрон бўлмайдами, она... Қўрқма, ўғлинг, Ёвқонинг ёнингда... Сенинг кўзларингдаги ўша масъудликни, ҳаётдан мамнунликни, шундай тақдир битилганига сўнгсиз шукроналикни кўрсатгани учун тентакшамолдан ҳам миннатдорман.

– Шамол забтига оляпти, кўп-кўп салавот айтиш керак, ўғлим. Сениям ухлатмадим, тур, бомдодга азон айтилди. Вақтни ўтишини қара-я?..

– Ҳа, она, ҳозир, яна озгина ухлай...

– Жойнамозда ухлаб бўлмайди, болам, юртга юк тушади!

– Отам ҳақида гапириб беринг, онажон, отамни жуда соғиндим...

5 Жамаат – қариндош.

6 Мин – айб, нуқсон.

7 Садаф – бош терисида қичиш ва кепакланиш орқали кўринадиган касаллик.

БУВИМ ВА ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Мен кичкина бола эдим. Қалдирғочларнинг узун қанотлари бор эди. Дунёдаги энг узун қанот қалдирғочларники эди.

Мен кичкина бола эдим. Қалдирғочларнинг ўткир кўзлари бор эди. Дунёдаги энг ўткир кўзлар қалдирғочларники эди.

Қалдирғочлар ҳақидаги эртақларни илк бор қачон эшитганман, ким айтиб берган эди? Аниқ эслашим қийин аммо қалдирғоч ҳақидаги эртақлар болалигим ўтган қишлоқлар қадар ҳақиқат эди. Ва парқу булутлар ортида қолган ҳақиқат қадар узоқда...

Кун қачон бошланади-ю қачон тугайди, фарқиға бормасдим. Бу кўҳна тоштегирмонда менинг вазифам нима эди? Мен нима эдим? Тошмидим, буғдоймидим? Ҳали фарқиға бормасдим. Аммо қалдирғочларни яхши кўрардим. Бувимнинг қалдирғочларини...

Ҳозир эсласам, қалдирғочлар ҳақидаги эртақни илк бор бувимдан эшитгандекман. Аммо бунинг эртақлигини аллақачон унутиб, ўзи гувоҳ бўлган ҳаётий воқеа деб ишониб бўлган эди.

Баҳор пайтлари эди. Узоқ ёмғир ёғди. Гўё кунлаб, ойлаб, йиллаб ёғди. Биз ҳам кўчага чиқолмай гўё кунлаб, ойлаб, йиллаб дераза тоқчасида ўтиргандик ўшанда. Бошда дераза ойналарини чертиб ёғди. Кейин безовталаниб, тарсиллаб ёғди. Кўп ўтмай жаҳлга, ғазабга, таҳдидга айланиб ёғди. Лойсувоқ томдан сизган чаккалар ҳам ориятни йиғиштириб қўйиб, шариллаб оқди. Орада бир чаккиллаб томганда челақда ҳалқалар ва ажиб куйлар ҳосил қиларди. Челақлар тўлиб кетди. Тоғоралар тўлди. Кигизлар, тўшақлар шалаббо бўлди. Уй намиқиб кетди. Тоқчада ўтириб дераза ойнасидаги ёмғир изларидан ташқарини кузатар эдим. Гул чуқури тўлиб тошибди, райхонлар, жамбиллар сув остида қолибди. Деворлар, томлар, дарахтлар бутун олам ёмғир остида қолибди. Қушлар қаёққа ғойиб бўлишган экан, дея аланглайман. Ойнадан оқаётган ёмғир изларидан атрофни тўлиқ кўриш имконсиз. Ўчоқ бошида томчидек гувалачалардан ясалган инида қунишиб ўтирган қалдирғочларни кўрдим. “Ёмғирда ини ивиб кетмадимикан?” деб кўзимни катта-катта очиб ўша томонга қарадим. Ўшанда бувим айтган эртақни эслагандим. Уни қачон эшитганимни эса эслашим қийин...

* * *

Қадим-қадим замонда қалдирғочлар Тангри таоло билан одамзод орасида хабарчи экан. Савоб иш қилганга мукофот муждасини, гуноҳ иш қилганга жазо хабарини етказиб турар экан. Одамларнинг дуоларни, илтижоларини тўплаб Тангри ҳузурига олиб чиқар экан. Кейин қабул бўладими, йўқми, деб кутиб ўтирар экан. Муждаларни йиғиб эрта баҳорда яна ер юзига учиб келишар экан. У пайтларда одамлар Тангридан кўп нарса сўрамас экан. Ҳар бир уйнинг айвонида, дарвозахонасида уларнинг ҳам уйи бўларкан. Қалдирғоч келмайдиган уй хосиятсиз ҳисобланар экан. Ундай уйга одамлар ҳам кўп кирмас экан. Қалдирғоч кирмаган уй эгалари ариқ бўйидаги лойдан томчилатиб ёлғондакам ин ясаб деворнинг кўзга кўринадиган баланд бир жойига ёпиштириб, ичига хашақлардан қўйиб худди

қалдирғоч ин кургандек қилиб қўйишар экан. Қўни-қўшни ҳам қалдирғочларининг келгани, тухум қўйгани, қанча полапон очгани-ю, қанчаси учиртма бўлгани ҳақида суҳбатлашишни ёқтиришар экан. Айниқса, қалдирғочлар олиб келган муждаларни бир-бирларига айтиб суюнчилар олишар экан.

У пайтларда қалдирғочлар оппоқ куш экан. Улар баҳорда қайтиб келиши билан инсонлар қир-адирларга чиқишиб сайлларни бошлаб юборишар экан. Хушxabарлардан кўнгли тоғ бўлган одамлар халққа тўй-томоша қилиб берар экан.

Буларни кўриб қарғанинг ғайрлиги келибди. Дашти биёбонда якка ўзи яшайдиган мохов фолчини топиб, унга дардини айтибди. Мохов фолчи бева аёлнинг кўз ёшидан, етимнинг қўлидан тушган ушоқдан, йўқсилларнинг ўчоғидаги куядан, қасамхўрнинг виждонидан бир мискол олиб келишни тайинлабди.

Қарға қидириб-қидириб бир бева аёлни топибди ва унинг хонадонига бориб кута бошлабди. Бева аёл сира йиғламасмиш. Қарға уни гапга солибди. Дардини кавлабди. Эътибор бермабди. Қувониб йиғлармикан деб, масхарабозлик қилибди. Яна йиғламабди. Қарға унга:

– Сен, қанақанги тошбағир аёлсан? Нега йиғламайсан? – дебди.

Аёл ўйлаб туриб:

– Отам, онам ёки болам деб йиғлайми? Уларнинг қабрда беҳузур бўлишини хоҳламайман. Ташлаб кетган эрим учун йиғлайми? Бирга ўтказган бахтли дамларим ҳақи унга лаънат ёғилишини истамайман. Чорасизман, ҳеч кимим йўқ деб йиғлайми? Ношукрлик бўлади деб йиғлолмайман, – деб жавоб қайтарибди.

Аёл қарғага яқинроқ бориб қараса, кушнинг оёғига тикан санчилиб турган экан. Бева аёл:

– Вой ўргилиб кетай, шўрлик кушгина, сенинг оёқларингга кирган тикан менинг оёқларимга кирса бўлмасмиди? – деб йиғлаб юборибди.

Қарға фурсатдан фойдаланиб бева аёлнинг кўзёшидан бир томчи олиб учиб кетибди. Етимнинг қўлидан тушган ушоқдан, йўқсилларнинг ўчоғидаги куядан ҳам олибди. Фақат қанча қидирса ҳам қасамхўрнинг виждонини топа олмабди. Бутун дунёни айланиб чиқибди, суриштирмаган, сўрамаган жойи қолмабди. Қасамхўрнинг виждонидан топилмабди.

Мохов фолчига қайтиб бориб вазиятни тушунтирибди. Фолчи келтирилган масаллиқдан бўёқ тайёрлабди. Баҳорда биринчи учиб келган қалдирғочнинг устига бўёқни тўкиб юбориши кераклигини қарғага тайинлабди. Куз, қиш ўтиб яна баҳор келибди. Қарға илк учиб келган қалдирғочнинг устига бўёқни тўкиб юборибди. Жодули бўёқ оппоқ қалдирғочнинг бошига, қанотларига ва нозик думига тўкилибди.

Ўша баҳор қалдирғоч инсонларга Тангри ҳузуридан “барака” олиб келаётган экан. Бошидан бўёқ тўкилган пайтда “барака”га тегмасин деб бағрига босиб, думлари билан пана қилиб олган экан. Шу сабаб кўкси ва думларининг пастки томонига бўёқ тегмай қолибди. Кейин уларнинг болалари ҳам худди шундай ранглар билан дунёга кела бошлабди. Қалдирғочлар қайтиб Тангри таолонинг ҳузурига учиб боролмайдиган бўлибди. Энди одамлар қалдирғочларни қут-барака куши деб авайлайдиган бўлибди. Одамлар, “Бу кушга ким озор етказса, хонадонидан қут кўтарилади, уйига сира барака кирмайди”, деб айтиб юришар экан.

Эртақ тахминан шундай эди. Мен эртақни тинглагандан кейин қачон қарғани кўрсам ундан нафратланардим. Ва яна қасамхўрнинг виждони ҳақида ўйлардим.

Ёлғончида, касамхўрда виждон бўлмас экан-да, дердим. Бувим эса, “Ҳар битта ёлғон виждонга санчилган битта тикан”, дерди. “Қанча кўп ёлғон сўзласанг, виждонингга шунча кўп тикан санчилаверади. Бориб-бориб виждон ўрнида типратикандек бир тўп тиканни кўтариб юрасан”, дерди. Ва яна, “Қаргани эмас, қалдирғочни ўйла”, дерди. “Бева аёлларнинг кўзёшларига, етимларнинг фарёдларига, фақирларнинг дардларига бўялган бечора қушларни ўйла”, дерди. Мен бугун яна қалдирғоч ҳақида эмас, қарға ҳақида ўйладим. Аммо қалдирғочлар ҳақида қачон ўйласам, макон ва замон ўз моҳиятини йўқотар эди... Ҳар баҳор учиб келганида одамлар қалбида қандайдир шафқат, меҳр-муҳаббат, бир-бирларига нисбатан аллақандай илиқлик туйғуларини уйғотиб юборади. Ҳар баҳор қалдирғочлар билан бирга киши ичи занглаган танларга илиқлик ҳам кириб келарди.

* * *

Бувимнинг райҳон ва жамбил ҳидли, қоп-қора, узун сочлари бор эди. Бувимнинг сочлари қачон бунчалик оқариб кетган экан? Эшилиб кетмасин деб учларига тангачаларни қачон осган экан?

Ўсмалар қўйилганда қалдирғочнинг қанотини эслатадиган қошлари бор эди. Қошлар ўрнида қолган қабарик изларни қачон пайқадим?

Бувимнинг қадди расо, бўйи баланд эди. Қадди қачон бунчалик эгилиб, букчайиб, бир ҳовуч бўлиб қолган экан? Елкасида дўмпайиб, бошини тик кўтаришга имкон бермаётган букрни илк марта қачон пайқадим?

Қўлини узатса, дарахтнинг энг баланд шохларидаги олмаларга етарди. Бувим тўкилган олмаларни териб келтирганида энг баланд шохдан тушганини айтарди. Бувим тўкилган олмаларни охирги марта қачон терган экан?

Бувимнинг ўчоқ бошига томчи гувалаклардан ин қурган қалдирғочлари бор эди. Баъзан инидан тушиб кетган полапонларни қайтариб жойига қўйиб қўярди. Ҳалиям қалдирғочлар келаётганмикан? Инидан тушиб кетган полапонларни ким жойига қайтариб қўяётган экан?

Бу баҳор учиб келган қалдирғочлар бувимга жуда ўхшар экан...

Мажидийнинг машаққатли умр йўли



Умид
БЕКМУҲАММАД

Раҳмат Мажидий 1932 йили “Ўзбек шўро адабиёти” (ҳозирги “Шарқ юлдузи”) журнаliga бош муҳаррир қилиб тайинланганда эндиgina 26 ёшга кирган йигит эди. 1932–1935 йиллар давомидаги мазкур лавозимда фаолият юритаркан, журнал саҳифалари оркали Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Ғайратий каби ижодкорларнинг янги дoston ва шеърлари илк бор шу журналда дунё юзини кўрган.

1934 йилдан бошлаб журнал номи “Совет адабиёти” деб ўзгартирилади. Нашр нафақат зиёлилар орасида оmmалашган, балки эндиgina саводини чиқараётган оддий халқ учун ҳам ўқимишли даражага етказилиб, республика раҳбарияти олдида муҳим мавқега эга бўла бошлайди. Шу жиҳатлар ва Раҳмат Мажидийнинг ўзбек адабиёти ва матбуотини ривожлантиришдаги ўз ўрнига эга эканлиги ҳисобга олиниб, у 1934 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси вазифасига ҳам сайланган.

Аммо қатагон даври сиёсати Раҳмат Мажидийни ҳам ўз домига тортмай қўймайди. Аввал 1941 йил декабри, кейин 1950 йил июнида яна “халқ душмани” сифатида ҳибсга олинган Мажидий иккинчи қамок жазосини Красноярск турмасида 6 йиллик азоб-уқубатларда ўтказгандан кейингина Олий Суд томонидан оқланиб, озодликка чиқарилади. Бу пайтга келиб унинг Тошкентдаги уйи мусодара қилинган, ишга кириш бўйича мурожаатлари эса эътиборсиз қолдирилавергач, ижодкор Хоразмнинг чекка қишлоғида табелчилик қилар экан, ҳаёт синовлари, тақдир зарбаларига дош бериб, 1960 йилда Муҳаммадризо Огаҳий ижоди бўйича номзодлик ишини ёклашга муваффақ бўлади.

Аслида Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги Севинчхўжа қишлоғида 1906 йил туғилган Раҳмат Мажидийнинг отаси Мажид охун Хива мадрасасида таҳсил олган, Амин Чорсу масжидида имомлик, кейинчалик шу мадрасада мударрис сифатида фаолият кўрсатган, хон саройига бориб шахзодаларга ҳам таълим берган инсон эди. Шунинг учун ёш Раҳмат ҳам аввал Хивадаги эски мактабда, сўнгра янги усул мактабида таҳсил олгач, 1917–1921 йилларда эса Оренбургдаги машҳур “Хусайния”

Умид БЕКМУҲАММАД – 1975 йилда туғилган. Урганч давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Тарихий мавзулардаги кўплаб илмий китоблари, “Хоразмга талпинган Пушкин” номли роман-эссеси нашр этилган. Ўзбекистон ва хориж матбуотида саккиз юздан ортиқ мақолалари эълон қилинган.

мадрасасида ўқийди. Аммо давр алғов-далғовлари туфайли 1921 йил охирида мадрасани ташлаб, Тошкентга келади ва Наримонов номли мактабда ўқишини давом эттиради. 1922–1925 йилларда Ўрта Осиё давлат университети, 1925–1928 йиллар Ломоносов номли Москва давлат университети талабаси бўлган Раҳмат Мажидий сил касалига чалинган, Хивага қайтишга мажбур бўлади. Сўнг Хоразмдаги ҳудудий партия кўмитасида инструктор, Боғот туман партия кенгашида котиб, “Инқилоб қуёши” газетаси муҳаррири сифатида 1930 йилгача фаолият кўрсатади. 1930–1931 йилларда Самарқанддаги Олий Суд коллегиясида, адлия халқ комиссарлигининг Самарқанддаги ҳуқуқшунослик билим юрти директори вазифасида, “Ленин йўли” газетаси муҳаррири, 1931–1932 йилларда “Қизил Ўзбекистон” газетаси партия бўлими мудири вазифаларида ишлайди. Унинг бир идорадан бошқа ташкилотга раҳбарлик вазифасига ишга ўтказилиб турилиши сабабларидан бири эса Мажидийнинг рус тилини яхши билиши, ташкилотчилиги ва Москвада таҳсил олганлигида ҳам эди.

Бу йиллар давомида “Инқилоб қуёши”, “Бўл тайёр”, “Қизил Ўзбекистон” нашрларида мақолалари чоп этилиб, журналист сифатида танила бошлаган Раҳмат Мажидий 1930 йиллар бошидаги адабий давраларда кўзга кўринган адабиётшунос даражасига ҳам ета олган.

Асосан Алишер Навоий ва Мухаммадризо Огаҳий ижодий мероси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораркан, “Адабий танқид ҳақида”, “Адабий ҳаракатчиликни қайтадан қуриш йўлида”, “Пути развития Узбекской советской литературы” каби рисолаларини нашр эттиради.

Чўлпон, Фитратлар бошқа нашрларида “ёт унсур”, “буржуа, жаҳид адиби” сифатида айбланиб турган бир пайтда уларнинг шеърларини, “Кеча ва кундуз” романини ўзи раҳбарлик қила бошлаган “Совет адабиёти” журналида чоп қилдиради.

Шунингдек, Раҳмат Мажидий “Советская литература народов Средней Азии” журнали ва “Литература Средней Азии” газетаси таҳрир ҳайъатларининг аъзоси ҳам эди.

1934 йил 7 март куни бошланган Ўзбекистон ёзувчиларининг 1-курултойи ҳам айнан Раҳмат Мажидий ташкилотчилигида ўтказилади ҳамда у 12 март кунги пленумда Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби этиб сайланади. Мазкур уюшма энди ташкил этилгани учун Мажидий уни ижодий ташкилотга айлантириш машаққатларини бошдан кечирибгина қолмай, Тошкентнинг Инжиқобод мавзесида ёзувчилар учун ижод боғи ташкил этиш билан машғул бўлади.

1934 йил 15 августидан Москвада СССР Ёзувчилар уюшмасининг 1-курултойи ўтказилиб, унда ўша даврнинг энг машҳур адиби Максим Горький нутқидан кейин ўзбекистонлик ёзувчилари номидан Раҳмат Мажидий ҳам маъруза қилади. Кремлда ўтган анжумандан кейин Раҳмат Мажидий ва Максим Горький ўртасида Шарқ адабиёти мавзусида суҳбат бўлиб ўтгани ҳақида маълумотлар сақланган.

Айтиш жоиз, Максим Горький таҳаллуси билан ижод қилган, совет даврининг энг машҳур адибларидан ҳисобланган Алексей Максимович Пешков (1868–1936 й.) Нижний Новгородда дурадгор оиласида туғилиб, ота-онасидан ёш етим қолган. Болалигидан адабиёт, илмга иштиёқи фавқуллодда кучли бўлиб, Шарқ халқлари эртаклари, “Минг бир кеча”ни 12 ёшидаёқ ўқиб чиққан. Максим Горький 1929 йил “Академия” нашриётида ушбу эртакларни чоп эттираркан, бу китобга қуйидагича сўзбоши ёзган: “Шахризода эртаклари” халқ оғзаки ижодиётининг энг ажойиб дурдоналаридан, асл маҳобатли ёдгорликдир. Бу эртақлар ажойиб латофати билан халқни ширин ҳаёлларга ғарқ қилади. Эркин сўз ўйинлари орқали шарқ халқлари – араблар, форслар, ҳиндларнинг гуллаётган ижодий ҳаёлининг бекиёс кучини тараннум этади. Бу сўз матоси узок ўтмишда бунёдга келган, унинг ранг-баранг нозик иплари бутун ер юзини чулғаб, ўзининг ҳайрон қолдирадиган малоҳатли ҳусни билан қоплади”.

Максим Горький доимий равишда Шарқ фольклорига доир китобларни тўплаб, ўқиб-ўрганган. Унинг шахсий кутубхонасидан ноёб асарлар қаторида ўзбек эртак, афсона, маталлар тўплами, Вамберининг "Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи", Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажараи турк" асарлари, "Записки Восточного отделения императорского археологического общества" тўпламининг 1895 йилда нашр этилган 9-томи ҳам жой олганлиги ҳақида маълумотлар бор. Эътиборлиси шундаки, ўз кейинги тўпламларидан бирида Горький замондоши Муқимий (1850–1903) қаламига мансуб "Викторбой" деган ҳажвий шеърнинг русча насрий таржимасини ҳам келтирган. Горький ўзини энг ҳайратга солган асар Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажараи Турк" асари эканлигини ҳам қайд этади. Мазкур асарнинг Г.С.Саблуков таржимасидаги "Родословная тюркского племени" китобини ўқиб, унинг ёзилиш услуби, воқеалар шарҳидан ҳайратланганини дўсти, машҳур ёзувчи Владимир Галектионович Короленкога 1899 йил 7 августда ёзган хатида шу: "Абулғозининг тарихга оид бошқа китобини ҳам менга топиб берсангиз. Жуда қизиқ экан бу асар", жумла-ларидан ҳам билиш мумкин. Ўз ижодий фаолияти давомида Шарқ, Ўрта Осиё мавзусига тез-тез мурожаат қилиб турган Максим Горький "Самарская газета"нинг 1895 йил 77-сонидagi "Зиёлилар ва рақобат" номли мақоласида Умар Хайём ижодидан мисоллар келтиради. Тўртта қиссадан ташкил топган "Италия ҳақида эртаклар" китобига эса ўзбек фольклорига доир "Самарқанд афсоналари", "Муқанна", Амир Темур ҳақидаги асарларни ҳам киритилган. Максим Горький бошқа мақолаларида ҳам бевосита Амир Темур шахсини ибрат намунаси сифатида кўп қайд этаркан, "Яна бир бор карамазовчилик ҳақида", "Эски ва Янги ҳақида" сарлавҳали мақолаларида Амир Темурни ғоят обрўли ҳукмдор ва ҳарбий саркарда сифатида таърифлайди.

Умуман олганда, Горький ҳаёти ва ижодида шарқ мавзуси алоҳида ўрин тутди. Шу билан бирга 1899 йил "Русский Туркистан" газетасининг 5 март сонида илк бор Горький асари чоп қилгангач, XX аср бошларидан адиб ижодини "Туркестанские ведомости", "Ашхабадский вестник", "Среднеазиатская жизнь", "Туркестанская военная газета" каби русча нашрлар саҳифаларида тез-тез ёритила бошланади.

Юқорида тилга олинган, 1934 йил Москвада бўлиб ўтган Ёзувчилар курултойида Максим Горький Раҳмат Мажидий билан айнан шулар ҳақида ҳам қизғин суҳбатлашади.

1935 йил Мажидий Ёзувчилар уюшмаси раислигидан бўшатилиб, Москвага – Қизил профессорлар институтига ўқишга юборилди. Бу орада "катта террор" сиёсати авж олиб, 1937 йили Мажидийнинг Германияда ўқиб келиб, Тошкентда журналист бўлиб ишлаётган қайинсинглиси Марямхон Султонмуродова қамоққа олинади. Ма-жидийнинг ўзи эса "халқ душмани"нинг қариндоши сифатида ўқишдан ҳайдалади. Бундай "тамға" билан Ўзбекистонга қайтишни хавфли деб билган Мажидий Мос-квадаги фабрикалардан биридаги кечки мактабда ўқитувчи, ўқув бўлими мудири бўлиб ишлайди. 1940 йили Москвада Ўзбекистон республикаси раҳбари Усмон Юсупов билан учрашади. Усмон Юсупов кўмагида Мажидий Тошкентга қайтиб келиб, тарих, тил ва адабиёт институтида илмий ходим сифатида фаолиятини бош-лайди.

Тошкентдаги илмий фаолияти атиги бир йилдан зиёд давом этган Раҳмат Мажи-дий 1941 йилнинг 16 декабрида ЎЗСР ЖКнинг 66-2, 67-моддалари билан айблан-иб, қамоққа олинади. 1941 йилнинг 17 декабрида тасдиқланган ордер асосида у яшаб турган Тошкент шаҳар Чайковский кўчаси 18-уйда тинтув ўтказилади. Айнан Иккинчи жаҳон уруши бўлиб турган вазиятда унинг "халқ душмани" сифатида айб-ланишига эса Раҳмат Мажидийнинг "1920 йилларда таъқибга олишса ҳеч бўлмаса оила аъзоларингга индашмас эдилар, ҳозирда бутун оиланг билан жазоланасан", "Сталин ва партияга кўрларча садоқат тўғри эмас", "Чўлпон ва Қодирийлар ҳақиқий миллий қаҳрамонларимиз эди" каби гапларни сўзлагани НКВДига етказилиб турил-гани сабаб бўлади.

1941 йилнинг 18-31 декабрь, 1942 йилнинг 8-19 -, 22 март кунлари азоблашлар билан олиб борилган тергов жараёнларида ундан асосан Абдулла Қодирий, Отажон Ҳошимий, Ваис Раҳимий, Мўмин Усмон, Анқабой, Абдулхай Тожиев, Усмонхон Эшонхўжаевлар билан қандай муносабатда бўлганлиги сўраб-суриштиришади. Бу инсонлар эса, тарихдан маълумки, 1937 йилдаёқ қатағон қилинганлардан эди.

1943 йилнинг 17 июлида ўтказилган суд қарорига кўра 8 йилга меҳнат тузатув лагерига жазо муддати ўташига ҳукм қилинган Мажидий олдинига Тагиллаг, кейин Андижоннинг Избоскан туманидаги махфий лагерларда бўлади. 1949 йилнинг 18 декабрида қамокдан озод қилинган, Урганч туманидаги Чандирқийёт кишлоғига бориб яшашга мажбур бўлади. Аммо 1950 йилнинг 22 июнида иккинчи бор “ҳалқ душмани” сифатида қамалиб, 27 июнида Урганч турмасида ўтказилган кўрикда унинг юрак ҳасталиги, ўпка сили билан оғриганлиги қайд этилганига қарамай, 23 сентябрдаги давлат Хавфсизлиги вазирлиги қошидаги йиғин қарорига кўра Красноярск ўлкасига бадарға қилинади. Иккинчи қамок муддати белгиланишида Раҳмат Мажидий “жиноятлари” исботи ҳам кўрсатилмаган эди.

Сталиннинг вафотидан кейин Красноярскнинг Абан тумани Устьян совхозидан жазо муддатини ўтаётган Раҳмат Мажидий 1954 йил 22 мартда СССР бош прокурорига ариза билан мурожаат қилади. Мазкур аризасида у 1941 йили аксилинкилобий тарғиботда нотўғри айблангани, 13 кун давомида даҳшатли кийноқларга чидаб, ҳеч бир қоғозга имзо чекмасдан шахсан наркомнинг ўзи билан учраштиришларини талаб қилгани, аммо ўша пайтдаги НКВД раҳбари А.Қобулов асоссиз равишда уни “ҳалқ душмани” деб атагани, сўнгра тўрт киши бўлиб таҳқирлашганидан шикоят қилади. Бу гал унинг шикояти кўриб чиқилиб, 1956 йилнинг 13 апрелидаги ЎЗСР Олий суди томонидан оқланади.

Мажидий оқлангач, яна Чондирқийётга – рафикаси Гулчеҳра, фарзандлари Ойдин, Бўстон ва Ширинойларнинг ёнига қайтди. Қишлоқ мактабида адабиёт, тарих фанларидан ўқувчиларга сабоқ берди. Кейин Урганч шаҳридаги болалар кутубхонасида ишлади. Кўп ўтмай, Мажидий Ҳамид Сулаймоновдек аллома, содиқ дўстининг таклифига кўра, Тошкентга қайтиб, тил ва адабиёт институтида ишлай бошлайди. 1960 йили Огаҳийнинг “Таъвиз ун-ошиқин” девонини нашр эттиради, бир йилдан сўнг эса 1930 йилларда бошлаб қўйган “Огаҳий лирикаси” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлайди. “Ўзбек шеърятини антологияси”, Навоийнинг кўп жилдлик асарларини нашрга тайёрлаш ишларида фаол иштирок этади. “Ўзбек адабиётининг тараққиёт йўли”, “Огаҳий лирикаси”, “Истеъдод ва бурч” китобларини, “Навоий ва Хоразм адабий муҳити” тадқиқотини чоп эттиради.

Мажидий қатағон даври жабрини чекиб, 14 йил қамок азобини тортиб, ҳасталикка чалинганига қарамай кўплаб илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга муваффақ бўла олди. 1983 йилнинг декабрида зулмкор давр туфайли орттирган касалликлари туфайли Тошкентда вафот этди.

“Инкилоб қуёши”, “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”), “Ўзбекистон шўро адабиёти” (“Шарқ юлдузи”) журналларининг бош муҳаррири, Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раиси бўлган Раҳмат Мажидий 77 йиллик ана шундай заҳматли ҳаётига қарамай, ўзидан бой мерос қолдира олди.

Ўйлаймизки, Раҳмат Мажидий асарларини қайта нашр этиш, у яшаб фаолият кўрсатган Хива, Урганч ёки Тошкент шаҳарларидаги маҳалла, кўчалардан бирини унинг номи билан аташ адолатли қарор бўларди. Зеро, Раҳмат Мажидийнинг ўзбек матбуоти, фани ва адабиётида ўзига хос ўрни ва мавқеига кўра эслашга, номи абадийлаштиришга лойиқ ижодкордир.

“Шарқ юлдузи” журнали: 1970–1975 йиллар



Кумушбиби
ЭРМАТОВА

“Шарқ юлдузи” Марказий Осиёдаги энг улуғ ёшли нашрлардан бири бўлиб, унга 1931 йилда асос солинган. Аввалига турли номлар остида, 1946 йилдан эътиборан эса “Шарқ юлдузи” аталиб, чоп этиб келинаётган бу залворли журнал ҳозирги кунимизда ҳам бадиий ижод билан шуғулланувчи ёзувчи, шоир, публицистлар ижодхонаси, муштарийларнинг севимли нашри бўлиб қолмоқда. Шу боис “Шарқ Юлдузи”нинг кичик муддат бўлмаган ўтган 90 йиллик умри давомида босиб ўтган йўлини ўрганиш, журналнинг турли тарихий эврилишлар давридаги ўзгаришлари моҳиятини тушуниб етиш, ўзбек адабиёти ривожига бу нашрнинг тутган ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилиш ўзбек журналистикаси тарихининг тараққиёт тенденцияларини белгилашда жуда муҳим.

Шу ўринда, мақола мавзусидан келиб чиққан ҳолда қайд этиш лозимки, “Шарқ юлдузи” журнали XX асрнинг 70–80-йилларида чоп этилган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналлар орасида ўзбек маданий-маънавий ҳаётини ёритишда етакчи, таъбир жоиз бўлса, энг обрўли нашрлардан бири сифатида халқ эътибори, меҳр-муҳаббатини қозона олганини гувоҳи бўламиз. Журнал, ҳақиқий маънода, ўзбек зиёлилари, адабий жамоатчилик минбари сифатида ўз саҳифаларида жаҳон ва ўзбек адабиётида пайдо бўлган янги бадиий асар намуналаридан тортиб, ижтимоий ҳаётда мавжуд долзарб муаммоларни кўтарадиган публицистик асарларни мунтазам чоп этиб борган.

“Шарқ Юлдузи” журналининг 1970–1975 йиллардаги фаолиятини ўрганар эканмиз, мазкур нашрнинг ўзбек адабиёти ривожигаги ҳиссаси катта бўлганини кўрдик. Мазкур нашр саҳифаларида шеърлар, ҳикоя, роман ва қиссалар, пьесалар, шу билан бирга, турли ҳажвий материаллар ҳамда публицистик асарларнинг мунтазам бериб борилиши эса ўзбек ижодкорлари учун ўзига хос мактабни ҳам вужудга келтира олган.

“Шарқ юлдузи” журналининг 1970–1971 йилдаги сонларининг илк саҳифасига

Кумушбиби ЭРМАТОВА – 1993 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика факультетини тамомлаган.

“Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг ойлик адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журнали” деб қайд этилган бўлса, кейинчалик бу ёзув “Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи” сўзларига алмаштирилган. Ҳар бир сон илк саҳифасида журналнинг неча йилдан бери чиқаётганлиги келтирилади: “38 йил чиқиши” тарзида. Бу орқали, журналнинг қайси сони ўқилишидан қатъи назар, унинг неча йилдан бери чоп этилаётгани тўғрисидаги маълумот бериб борилган.

“Шарқ юлдузи”нинг 1970 йилги барча сонлари Ўзбекистон КП Марказий комитети нашриётида, 1971 йилдан бошлаб эса Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган. Ушбу нашр таҳририяти Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уйда жойлашганлиги кўрсатилиб, 1971 бошлаб журнал манзили Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 1-уйда эканлиги берилган бошланган. Ушбу нашр бош саҳифасида ўз даврининг муҳим воқеалиги билан боғлиқ жараён оқ-қора фото суратлар ва расмлар орқали ҳам ёритилган. Масалан, журналнинг 1970 йилдаги 10-сони муқовасида мадраса, карнай чалаётган одамлар сурати ва “Самарқанд 2500” ёзуви акс этган бўлса, биринчи саҳифасида Душан Файзийнинг Самарқанднинг 2500 йиллигига бағишланган “Самарқанднома” дoston-қасидаси берилган.

Шу йилларда журналга Ҳамид Ғулом бош муҳаррирлик қилган. Таҳрир хайъатида Уйғун, Зулфия, Асқад Мухтор, Шухрат, Ўлмас Умарбеков сингари ўзбек адабиётининг етук намояндалари фаолият юритган. 1972 йилдан бошлаб эса “Шарқ юлдузи” журнаliga Мирмуҳсин бош муҳаррирлик қилган.

Журнал 70x108 форматда, 160 саҳифада чоп этилиб, адади йил сайин ортиб борган. Буни мазкур тадқиқот мавзуси бўлган, журналнинг 1970–1975 йиллардаги фаолияти кесимидаги кўрсаткичларда ҳам кўриш мумкин:

Чикқан йили	Журнал сони	Адади
1970	5-сон	75 387
1970	11-сон	74 749
1971	3-сон	101 993
1971	6-сон	99 888
1971	10-сон	99 078
1972	3-сон	111 802
1972	12-сон	109 845
1973	1-сон	113 538
1973	12-сон	113 000
1974	1-сон	125 635
1974	12-сон	120 000
1975	12-сон	140 000

Журналда мунтазам тарзда “Танқид ва адабиётшунослик”, “Тақризлар”, “Гулқайчи”, “Очерк”, “Юбилейларимиз” ва “Гўзаллик оламида” рукнлари остида мақолалар бериб борилган.

Ҳозирга қадар мавжуд, ўз вақтида атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом асос солган “Гулқайчи” рукни остида машҳур шоир ва ёзувчилар асарлари билан бир қаторда мамлакатнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан ҳаваскор ижодкорлар томонидан юборилган ижодий машқлар ҳам бериб борилган.

Масалан, журналнинг 1970 йил 6-сониди Муқимжон Ниёзовнинг “Тадбирлар, оҳ тадбирлар” номли ҳажвий ҳикояси, фарғоналик Ғулом Абдуллаевнинг Юсуф Шомансур қаламига мансуб “Қаватлар қўшиғи” достонига ёзилган пародияси чоп

этилган ва бу ижод намуналари сўнггида муаллиф истикомат қиладиган вилоят номи ҳам келтирилганки, бундай маълумотлар асар муштарийлар томонидан жўнатилганини билдирган.

Худди шу йилги нашрнинг 5-сонида “Маркаларда ғалаба тасвири” номи остида суратли саҳифа, 161-бетида О.Апухтиннинг “Ғалаба мадҳи” номли мақоласи чоп этилган. Ушбу мақолада “Совет рассомлари” “ўз мўйқаламларининг тигини душманга қаратган”лари ёзилади. Журналнинг мазкур сони саҳифаларида “халқимизнинг мислсиз жасоратидан, армиямизнинг урушдаги қаҳрамонлиги ва шижоатидан ҳикоя қилувчи” расмлардан намуналар келтирилиши кўрсатиб ўтилган. Журнал сўнггида эса энг яхши ҳикоялар учун эълон қилинган танлов якуни келтирилган.

“Шарқ юлдузи”нинг 1971 йилда чиққан 2-сонининг бош саҳифаси “Сиз тарихий съездни қандай кутиб олмоқчисиз?” саволи билан бошланади. Бунда КПСС XXIV съезди назарда тутилган бўлиб, журнал бош мавзуси сифатида келтирилган юқоридаги саволга публицистлардан Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Салоҳиддин Мамажонов, Очил Тоғаев, Носир Фозилов, Норбой Худойбергановларнинг жавоблари берилган.

Журналнинг 1973 йилги 2-сонида “Жаҳон классик адабиётидан” номли бўлимни кўриш мумкин. Унда Шекспирнинг “Вероналик икки йигит” асарининг Уйғун томонидан қилинган таржимаси чоп этилган. Шунингдек, Гётеннинг “Фауст”, Дантенинг “Илохий комедия”, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” каби асарлари эълон қилинган.

Умуман, журналининг 1970–1975 йиллар давомидаги фаолияти ўрганилганда, унинг саҳифаларида машҳур ёзувчи ва адиблар, шоир ва публицистларнинг фаол иштирокининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Саида Зуннунова, Ўткир Ҳошимов, Шухрат каби ижодкорларнинг қатор асарлари чоп этилгани, шунингдек, 1970 йилги сонларида Абдулла Орипов, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ҳалима Худойбердиева, Мирмуҳсин ижодига кенг ўрин берилгани гувоҳи бўлиш мумкин. Эътиболиси, мазкур йилларда журналнинг ҳар бир сонида назм учун алоҳида бўлим ажратилиб, ундан кўплаб атоқли ҳамда ўз ижодий фаолиятини эндигина бошлаган ёш шоирларнинг шеърлари жой олган. М.Абдусаматованинг “Болалигим” (3-сон), А.Абдураззоқнинг “Йўл устида”, “Оддий ёмғир эмас”, “Кўшиқ айтганимда” (7-сон), Р.Абдурашидовнинг “Ҳаёт манзаралари” (7-сон), О.Абдурахмоновнинг “Баҳорда” (6-сон), Т.Адашбоевнинг “Қатик”, “Куёвнинг қулоғи”, “Қўлнинг расми” (6-сон), Ч.Алининг “Сўнмас ҳаёт” (1-сон) каби шеърлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, журналнинг 1970 йилдаги 6-сонида Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон (“Омоннинг шеъри”), Ҳабибий, Уйғун, Саид Аҳмад (“Бирёний изидан”, “Мушт кетди” бўлимида) каби шоир ва ёзувчилар асарлари ҳам эълон қилинган. Улар қаторида Омон Матжоннинг “Беруний”, Ойдин Ҳожиеванинг “Қасида”, Умарали Норматовнинг “Жанр поэтикаси”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Ҳ.Ёқубовнинг “Шанбалик”, Маъруф Жалилнинг “Ташна сатралар”, Иброҳим Ғафуровнинг “Ғафур Ғуломни ўқиганда” каби материалларини ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов “Шарқ юлдузи” журнали билан боғлиқ хотираларини шундай эслайди: “Менинг илк шеърый машқларимдан бири “МГУга” номи билан “Шарқ юлдузи”да босилиб чиқди. Ўша кунлардаги қувончимни таърифлашга сўз камлик қилади. Синфдошларим, тўғарақдошларим

олдида гердайиб юрганларим, журнал сотилаётган дўконлар олдидан кетолмай турганларим, мен билан сўрашган ҳар бир катта-кичикнинг оғзини пойлаганим, “шеърингни ўқидим”, деган сўзини эшитганда ич-ичимдан яйраганимни эсдан чиқаролмайман... Менга мактаб микёсидаги шуҳрат билан бирга қалам ҳақи ҳисобидан “Комсомолец” фотоаппарати, “қурбақа” пероли авторучка ҳадя этган илк кадам – “Шарқ юлдузи” билан илк муаллиф танишувим шундай бўлган. Мана бугун орадан кўп йиллар ўтиб ҳаёл қилсам, “Шарқ юлдузи” – мен учун ҳам бешик, ҳам дорилфунун бўлибди... Шу азиз ва қадрдон журнал саҳифаларида Ғафур Ғулумдан тортиб то Абдулла Ориповгача, Ойбекдан тортиб Ўткир Ҳошимовгача, устозларим, дўстларим ижодидан баҳраманд бўлдим, шу муборақ саҳифалар неча авлод ўзбек ижодкорлари қатори менинг тенгдошларим учун ҳам мушоира, мубоҳаса майдони бўлди”.

Журналнинг 1970–1975 йиллардаги сонларида Озод Шарафиддиновнинг “Олимнинг икболи”, Шуҳратнинг “Беш кунлик куёв”, Ўткир Ҳошимовнинг “Қалбингга кулоқ сол”, Омон Матжоннинг “Беруний”, Ойдин Ҳожиевнинг “Қасида”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Ҳ. Ёқубовнинг “Шанбалик”, М.Жалилнинг “Ташна сатрлар”, П.Қодировнинг “Бобосига тортган невар”, Гётенинг “Фауст”, Мирмуҳсиннинг “Меъмор”, Дантенинг “Илохий комедия”, шунингдек, Т.Пўлат, М.Авофий, Ғайратий, О.Ҳусанов, М.Қўшмоқовларнинг қатор асарлари чоп этилган. Шу билан бирга Умарали Норматовнинг “Жанр поэтикаси”, О.Шарафиддиновнинг “Замон Прометейи”, Ю.Машариповнинг “Атоқли навоийшунос”, Н.Пушкарскаянинг “Анна Ахматова Тошкентда”, О.Ёқубовнинг “Фарзандлар бурчи”, О.Тоғаевнинг “Маънавий етуклик – замон белгиси”, Қ.Қулиевнинг “Зулфия ва унинг шеърляти”, А.Пўлатнинг “Фарҳод қўшиғи” каби публицистик мақолаларининг ҳар бири ўз даври учун муҳим воқелик бўлганлигини таъкидлаш жоиздир. Журналнинг 9-сонида (1970 й.) эса мумтоз адабиёт вакилларида Ҳамза, Нодира, Муқимий, Фурқат суратлари чоп этилади.

Бундан ташқари, нашрнинг ҳар бир сонида “Кунлардан бир кун” рукни остида қисқа латифалар бериб борилган. Журналнинг 1971 йилдаги 10- сони таркиби камроқ бўлиб, охириги саҳифалар 1972 йил “Шарқ юлдузи” сонларида эълон қилиниши мўлжалланган янги асарлар рўйхати эълон қилинган. Унда “Ҳурматли журналхон! “Шарқ юлдузи” журнали чакана сотишга жуда кам чиқарилишини ҳисобга олиб, 1972 йилга обуна бўлишга шошилинг!” деган ёзув ҳам келтирилган. Бу эса журналнинг асосан обуна орқали тарқатилганини кўрсатади.

“Шарқ юлдузи”нинг 1972 йилдаги 7-сонида “СССРнинг 50 йиллигига” номли бўлим ташкил қилинади. 11-сонда эса ёзувчи Анна Алматинскаянинг фотосурати чоп этилади.

Шунингдек, журналнинг “Такризлар” бўлимида ушбу жанрдаги қатор материаллар мунтазам эълон қилиб борилган. Масалан, 1971 йилда чиққан 2-сонида Михли Сафаровнинг “Ёниқ кўнгил билан” номли такризи чоп этилган. Унда Иброҳим. Ғафуровнинг “Жозиба” номли адабий бадиалар тўплами таҳлил қилинган. М.Сафаров муаллифнинг замонавий мавзулардаги дostonларида даврнинг мураккаб масалалари кўтарилмаётганлиги, етук қаҳрамонлар камлигини қайд этганини ёқлайди. “Чиндан ҳам, ҳозирги кун мавзуида яратилган дostonларда эсда қоладиган, етук, катта микёсли қаҳрамонлар борми?” дея савол қўяди. Шунингдек, Иброҳим Ғафуровнинг ёш адабиётшуносларга бўлган эътибори, уларни таҳлил қилишдаги маҳоратини таъкидлайди. Бундан ташқари, адиб Миртемир

поэзиясига тўхталиб ўтилгани, аммо унинг ижоди етарлича, конкрет очилмагани, Миртемир қаламига мансуб қўшиқларнинг такрорланмас фазилатларини янада ойдинлаштириш мумкинлигини келтиради. Мақсуд Шайхзода ҳақидаги адабий портретнинг яхши ўрганилгани, унинг ҳаёт йўли манбалар асосида текшириб чиқилгани, бу орқали шоирнинг улкан ва ёрқин шахсияти тўғри ва равшан таҳлил этилгани таъкидлаб ўтилган.

Аммо “Жозиба”да баҳсталаб ўринлар ҳам борлиги ҳақида ёзади. Масалан, муаллифнинг Одил Ёкубов қаламига мансуб “Лириклар ва физиклар киссаси” ҳикоясидаги бир образнинг ижобий қаҳрамон бўлиши керак, деган фикрини ёқламайди. Шунингдек, Эркин Воҳидовнинг рус шоири Сергей Есенин шеърларидан қилган таржималаридаги муваффақиятсиз чиққан ўринлар мавжудлигини таъкидлайди.


Журналнинг 1972 йилги 3-сонида Бердиали Имомовнинг “Зафар сатрлари” номли тақризи ҳам берилган бўлиб, унда Ҳаким Назирнинг “Зафарнома” номли очерклар тўплами таҳлил қилиниб, мазкур тўпладан ўрин олган “Қаҳрамонни излаб” очеркининг камчиликлари келтирилади. Очеркда “Кишилар ҳаётига оид маълумотларни жўнгина баён этиш, ҳодисаларни изоҳлаш, характерларни очишга, масала моҳиятини кўрсатишга алоқасиз диалогларнинг кўпайиб кетгани оқибатида бадиий таъсирчанликка эришолмаганлиги” таъкидланади.

Шу ўринда бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳақиқатдан ҳам “Шарқ юлдузи” журнали ўз фаолияти даврида публицистиканинг очерк жанрида яратилган қатор асарларни мунтазам чоп этиб келган. Мазкур жанрнинг янада ривож топиб, жамият, ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари бадиий ифодалар орқали ёритилган қатор материаллар дунёга келишига сабаб бўлган. Жумладан, 1970 – 1975 йиллар давомида ушбу нашрда Суннатилла Анорбоевнинг “Норин сувин ичганлар” (1970 йил, 6-сон); Ҳожиакбар Шайхоннинг “Илк парвозлар” илмий очерки (1972 йил, 3-сон); О.Эгамов (“Олтин қўллар”), Т.Ашуров (“Дехқоннинг умри”, 1972 йил, 11-сон); У.Хўжаев (“Унутилмас кунлар ва тунлар”, 1970 йил, 9-сон); Н.Сулаймонов (“Зулмат ичра нур”, 1970 йил, 7-сон); А.Раҳмат (“Шифокорлар”, 1970 йил, 5-сон), “Изларини излаб” (1970 йил, 5-сон); Т.Пўлат (“Табаррук заминда”, 1970 йил, 4-сон); Н.Йўлдошева (“Дехқоннинг бахти”, 1970 йил, 3-сон) ва бошқаларнинг қатор очерклари эълон қилинган.

Журналнинг 1974 йилги сонларида Т.Пўлат, М.Авофий, Ғайратий, О.Хусанов, О.Ҳожиева, М.Қўшмоқовлар қаламига мансуб қатор асарларни ҳам кўриш мумкин.

“Шарқ юлдузи”нинг 1970–1975 йиллар оралиғида чоп этилган барча сонларини варақлар экансиз, бу нашр ўз саҳифаларида кўплаб адабиёт намуналарини эълон қилибгина қолмай, янги муаллифлар номларининг танилишида ҳам ўзига хос минбар бўла олганини кўриш мумкин. Қолаверса, журналда бадиий ижоднинг барча жабҳаларига алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилиниб, шеърятнинг энг сараларидан тортиб, ҳаваскор шоирлар ижодига, ўзбек бадиий таржимашунослиги тажрибалари бўлган жаҳон адабиёти намуналари, ҳатто фотожурналистикага ҳам алоҳида эътибор қаратилганини кузатиш мумкин. Журналнинг ҳар бир сониди ёзувчи, адибларнинг суратлари, муайян воқеликни акс эттирувчи фотоларининг бериб борилгани фикримиз далилидир.

Буларнинг барчаси “Шарқ юлдузи” журналининг кўпчилик ижодкорлар учун ўзига хос маҳорат мактаби бўла олгани, ўзбек бадиий адабиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшгани, ўзига хос мураккаб ва шу билан бирга масъулиятли



**Қодиржон
НОСИРОВ**

Эл аро ўлмаган ВИЖДОНИНГ ҚОЛСИН

Чин бадиий асар ҳар ўқилганда унинг янгидан-янги қирралари намоён бўлади. Ёқубжон Аҳмаджонов асарлари ҳам шундай хислатга эга. Шоирнинг “Садоқат”, “Оқ турналар”, “Учинчи имкон”, “Соҳилдаги оқ тошлар”, “Сардоба шотутлари”, “Сардобадаги бураматут”, “Сардоба тилсими” китобларини ҳар мутолаа қилганда, айтилган сўз, фикр ва ҳисларнинг илгари англамаган қирраларини кашф этаверасиз... Бундан мамнунлик туясиз... Аммо, бир жиҳат, шоирнинг мана олти йилдир-ки, орамизда йўқлигидан афсусланасиз.

XX аср 60-йилларининг иккинчи ярми, яъни собиқ совет адабиётида ўзига хос жонланиш бошланган давр ҳақида Тохир Малик ўзбек шеъриятидаги бу ўсиш-ўзгаришлар бошида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов турганлиги, уларга “якин бўлган Рауф Парфи, Машраб Бобоев, Чўлпон Эргаш, сўнгра Омон Матчон, кейин эса Сулаймон Раҳмон, Асқар Қосим, Муҳаммад Раҳмон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим камарбаста бўлганликларини таъкидлаган эди. “Тенгдошлар орасида Асқар, Сулаймон ва Ёқубжон Аҳмаджоновларнинг ижоди каминани мафтун этарди”, деб ёзади у. Кўриб турганимиздек, бу ерда Ёқубжон Аҳмаджонов номи “жонланиш даври” “этакчиларига камарбаста бўлганлар” сирасига киритилган. Тохир Малик шоир ижод намуналарига баҳо бераркан, Ёқубжон Аҳмаджоновнинг “Тамлетсиз трагедия ёки улуғ одамларнинг ўрни ҳақида шеър”и “қалбларни ларзага солган эди”, деб ёзган. (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2006 й, 23-сон.)

Шунингдек, Ёқубжон Аҳмаджонов ҳақида республикамызнинг бошқа атоқли адиблари билдирган фикрлар ҳам эътиборли. Чунончи, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов “Ёқуб Аҳмаджонов ижодидаги энг яхши хислат – дилбарлик, самимийлик. У ўзи қўрган, ҳис қилган нарсалар ҳақида ёзади. Унинг шеърлари дилкаш дўстнинг суҳбатига ўхшайди. Ўқиётганингда уларни

Қодиржон НОСИРОВ – Педагогика фанлари номзоди, доцент, рус адабиётишунослиги кафедраси профессори. 1947 йилда туғилган. Наманган давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Унинг 450 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалари 20 га яқин илмий, илмий-услубий китоблари, бадиий-публицистик асарлари, кўплаб таржималари республика матбуотида эълон қилинган.

бирова ёзган, бирова ўйлаб топган демайсан. Худди дўстинг ёнингда ўлтириб, сенга юрагини очаётгандай туйилади", деган. (А. Ҳалилбеков. Наманган адабий гулшани. "Наманган" нашриёти, 2007, 397-б.)

1989–1990 йиллари шоирнинг "Сардобашотутлари" ва "Сардобадаги бураматут" тўпламлари нашр этилди. Агар "Ҳозирги замон ўзбек шеърляти" сериясида атиги ўн иккита китоб чоп этилгани ва булар орасида Усмон Азим, Азим Суюн, Хуршид Даврон каби бугунги кунда кенг китобхонлар оммасининг эътирофига сазовор бўлган қалам соҳиблари, Ўзбекистон халқ шоирлари билан бир қаторда – Ёқубжон Аҳмаджоновнинг борлиги қувонарлидир.

Ёқубжон Аҳмаджонов шеърлятида "тарихий хотира" ҳамда "шоир ва шеърлят" мавзулари етакчилик қилади. Лекин уларни боғлаб турган ягона ришта – поклик суви билан суғорилган Ватан ва Эл дарди ҳамдир. Шоир лирик қахрамони тили орқали Ватан тимсоли сифатида Наманганнинг гўзал гўшаларидан Сардоба ва "туркий боболар"дан қолган ёдгорлик – Ахсикент тараннум этилади.

Жумладан, "Ахсикентдан топилган беш ривоят" туркумига кирган шеър жаҳон мумтоз адабиётида катта ўрин тутган Низомий Ганжавий ва Расул Ҳамзатовларнинг айнан шу мавзудаги асарларига ҳамоҳанглик билан бирга акс оҳангликка эга эканлиги билан ҳам аҳамиятли. Гап шундаки, икки буюк шоир ижодида ўлим олдида ҳам ҳақ сўздан қайтмаган шоир подшоҳ томонидан афв этилиши, эъозланиши тараннум этилса, Ё.Аҳмаджоновнинг ривоятида, аксинча, подшоҳ амал инъом қилиб, шоирни ҳақ йўлидан тойдиргани, яъни, амал деб ўз маслагидан воз кечган шоир халқ лаънатига учрагани тасвирланади. Бу ерда, яъни, Ёқубжон Аҳмаджонов мисолида, мумтоз адабиёт анъаналарини янги ғоялар билан бойитиш, ривожлантириш маҳоратини кўриб турибмиз.

Шоирнинг "Кредо" номли ихчамгина драматик достон ҳамда "Антишоир" деган шеъри ҳам ўзига хос. Лотинча "Кредо" ақида, нуқтаи назар, дунёқараш, маслак маъноларини бериши эътиборга олиниб, мазкур асарда мансаб ва бойликни инкор этиб, нопокликка қарши исён кўтарувчи, юксак эътикод соҳиб бўлган Шоир билан Макр ўртасидаги баҳс-диалог маҳорат билан тасвирланган.

Тириклик дунёсининг енгил-елпи хузуллари, макрларини фаш этувчи, ифвогарлар пайини қирқувчи китоб битаётган Шоирга Макр шундай ўғитлар беради:

*Гулларни куйлагин, мақта юлдузни,
Назмга ярашмас "қўл", "алам", "кадар"...
"Малак" деб ҳушин ол дуч келган қизни...*

Яна дейдики:

*Беш кунлик умрингда кайфу сафо қил,
Кимки ҳукмдордир – ҳурмат билан боқ,
Ҳар бир қадамига битгин қасида.
Халқ учун қайғурма. У – асли оёқ –
Эзилар қампайган қорин остида...
Яшамоқдан мақсад – азобми ахир?!*

Байрон ҳақида Макр:

*Мумкин эди унинг узоқ яшаши –
Ўз тинчин кўзласа – менга бўлиб қул, –*

деб эслатади шоирга, ҳам мақтанади:

*Лермонтовнинг ўзим кафанин бичдим.
Паблога ичирдим фожиа – заҳар!*

Яна эслатади:

*Замона Отелло замони эмас,
Эрлар ёрин бўғмас рўмолча учун...*

Шоир тилидан эса Гете, Петефи, Байрон, Пушкин, Машраб каби оташнафас, эл деб ёнган буюклар номи тушмайди:

*Мен ҳавас қилмадим дунёга келиб,
“Мансаб!” деб, “Бойлик!” деб
букилганларга,
Яшадим, яшайман ҳамон интилиб
Ҳақиқат куйчиси – ўз элин дили –
Ҳаёти нурларга чўмилганларга.
Дунёда шоирлар қилмоқда ижод –
Демак кечирмоқда байронлар ҳаёт.*

“Антишоир”да муаллиф эски замон тўнини ташлаб, янги либосга бурканган, лекин бари бир маслаги ўзгармаган йўрғақалам лаганбардор шоирларни қоралайди.

Ёкубжон Аҳмаджоновнинг шеърият ва шоир мавзусидаги шеърларида покликни “юксак фалак” билган, ижтимоий тенгсизликка қарши “нега шундай?” деб чиқмаган эркак топилмаганидан изтироб чекувчи (Бобораҳим Машраб, “Тафаккур изтироби”), подшоҳлар кўзини “мурувват”га очувчи (“Фазлий ҳақида ривоят”) шоир образи гавдаланади.

*Насиҳат қилишди “донолар” чиқиб:
“Машрабим, биз оққан дарёда оқинг...”
Бу олғир зотларга бирма-бир боқиб,
Бир ўзимдан бошқа тентак топмадим.
Дунёда яшадим қақнусдек куйиб,
Бошиммас, умримни кундага қўйиб,
Оқибат осмонни мен кўрдим қуйи –
Пок дилдан юксакроқ фалак топмадим...*
“Тафаккур изтироби”

Айни пайтда лирик қаҳрамон бир аччиқ ҳақиқатни ҳам яхши ҳис этади: ҳақиқатни элга сўзлагувчи виждони пок киши кўпинча оломон тошига дучор бўлади (“Виждондай пок одам бир замон”).

Ёқубжон Аҳмаджонов ҳақиқатгўйлик, “фикри озодлик” бобида ўз идеали бўлган Аҳмад Яссавий тилидан “риёпуруш”, “ўз нафсига қурбон” шоирларни кескин қоралайди (“Аҳмад Яссавий билан мулоқот”).

Шоир лирик қаҳрамони буюк алломаларнинг азиз номларига муносиб бўлишга ҳаракат қилади, ўзини уларнинг вориси ҳисоблайди. Унинг “Қақнус” номли шеърида эса замондош шоиримиз портретига чизгилар кўрамир: “мағрур феълли” ижодкор, “дунёнинг бор дарди унинг дарди”, “юраги заминга тенг”, “борлиқни болалик осмонидай пок кўришни” “ўртаниб истайди” .

Ватан, эл дарди, тарихий хотира мавзулари шоир ижодидаги етакчи мавзулардан бўлиб, уларда шоир қалби тўридан жой олган икки маскан – Ахсикент, Сардоба тез-тез тилга олинади. Китобга тароват бағишлаб турган, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган ривоятлар, дostonлар ҳам шу масканлар билан боғлиқ. Вақти келиб, “туркий боболарнинг кўҳна кўргони Ахсикент” кўзлари ёруғ дунёни кўради. Менимча, тўпламдаги бир-биридан латиф беш ривоят (уларни шартли равишда қўйидагича номлаш мумкин. “Она сўзининг сеҳри”, “Лаънатланган шоир”, “Ёр хиёлати”, “Нопок таом”, “Муҳаббат”) “Ахсикентдан топилиб беш ривоят” деб аталганида рамзий маъно бор. Онанинг фарзандига айтадиган одатий биттагина сўзи болани баланд баҳайбат тоғ қоялари орасида муз қотай деган вужудини илтиб, ҳаётга қайтариш қудратига эга эканлигини, Ватан ҳимояси йўлида мардлик, жасоратни, виждон покчилигини, эрқагу аёлга Аллоҳ инъом этган табиий муҳаббат туйғуларини тасвирловчи ҳамда нопоклик ва хиёлатни фoш этувчи ривоятларнинг баъзиларида тасвирланган воқелик гарчанд шоир туғилиб ўсган музофатнинг бир тарихий гўшаси Ахсикент билан боғланган бўлса-да, аслида бу ерда кенгрок ва чуқуррок маъно ётади.

Ёқубжон Аҳмаджонов шеърларида Ахсикент, умуман, Ватаннинг буюк тарихи, озодлик ва эзгулик тимсоли сифатида тараннум этилади:

*Сен тупроқ остида ётмайсан мангу
Туркий боболарнинг кўҳна кўргони.*

Шоир тасаввури ва таъбирида Ахсикент нафақат кўҳналик, аини пайтда эзгулик, юксак маънавият илдизидир. Ахсикент – шоир юрагида яшаётган япроқлари бешовқин суҳбат қилаётган дарахт. Мана унинг “Ахсикент дарахти” деб номланган мансурасидан сатрлар:

“Шохлари зангори осмонга тегиб турган бу азим дарахт – Ахсикент дарахти. Унинг яшил япроқлари авлодлар забонида шивирлайди. Кенг қулоч ёйган шохлари орасида қадимий сўзлар, хикоялар қушдек учиб юради. Бу дарахтни юрагимга ким экканини аниқ билмайман. Балки ҳеч вақт эски ибратли нақлларга бой китобларга оёқ узатиб ўтирмаган, уларни Ватаннинг бир парчаси билиб, ардоқлаб яшаган камсуқум отам эккандир? Болалигимда, дарё бўйидаги кўҳна кўргонни кўрсатиб, бизнинг Ватанимиз ана шу ердан бошланади”, деган биринчи муаллим эккандир балки?”

“Ахси руҳи” билан боғлиқ Ватан соғинчи шоирнинг бошқа бир шеърининг қаҳрамони бўлган буюк империя асосчисига ҳам тинчлик бермайди. Бобур учун Сайхун бўйидаги оддий бир тош ҳамма нарсадан азиз:

*Қаён юзланмайин, эргашиаверар
Сайхун бўйидаги бир тош изимдан.
Таассуфким, шундоқ улкан Ҳиндистон
Тўсмоққа қодирмас уни кўзимдан.
Ахси руҳи эди ўша оппоқ тош,
Ортиқроқ кўрардим уни ўзимдан.*

“Бобурнома. Ватан соғинчи”

Эзгу ниятлар, ҳур фикрлар сайланма марказидан ўрин олган ҳамда бутун китобга ном берган “Сардоба шотутлари” туркумида яна ҳам кўзга ташланади.

Гайриоддийлик асарнинг остсарлавҳасида ҳам кўрсатиб қўйилган – апофегматларда ҳам намоён бўлади. Бу атама юнонча “апофегма” сўзидан олинган бўлиб, букмай айтилган лўнда гап, панд-насиҳат шаклидаги ҳикматни англатади. Бундай ҳикматлар одатда муайян воқеа-ҳодиса билан боғлиқ бўлиб, шундай ҳикматлар ҳамда буюк шахс ва донишмандлар ҳаётидан олинган ибратли ҳикоятлар тўплами апофегматлар деб аталган. Ёқубжон Аҳмаджоновнинг туркуми тўла-тўқис кўхна анъана монанд талаблар асосида тузилган, деса бўлади. Тўғри, Ёқубжон Аҳмаджонов апофегматларида буюк шахс атиги битта – Машраб. Ҳали туғилмай туриб поклик ҳақида онасига “сабоқ” берган зурриёт ҳақидаги эллар оғзида дoston бўлган ривоят “Сардоба шотутлари”нинг бошидан ўрин олган. Аммо бу улуғ зот ёнида доно халқимиз тафаккурининг ўзида сингдирган, мужассам этган “комил инсон” Мубошир бахши, ўз навбатида унинг ривоятларининг қаҳрамонлари бўлмиш, диёнатли донишманд Шоҳ, ҳалол Қози образлари ҳам бор. Виждон поклиги, меҳру инсоф эл аро ҳукмрон бўлса, ҳукмдор ҳам одил бўлса, она ер бой ёнғокдай бўғдой тугади, эл дастурхони тўкин бўлади. Гарчанд кудрати етарли бўлса-да эл кўксидан “Оҳ!” чиқишини истамаган подшоҳ ғаними олдига тиллолардан дастурхон ёзади ва шу билан душманни жангсиз мағлуб этади, халқ қони тўкилишининг олдини олади.

Мубошир бахши Сардоба болаларига ҳикоятлар айтиб берар экан, ўз ривоят ҳикматларини “булар аслида шотутлар” дейди, дунёни эса “боғ” деб атайди, “бағридаги дарахтларнинг ҳар бири жонивор. Шотут, унинг таъбирича, Сахийлик рамзи.

Шоир назарида, инсон кўнгли – шу боғнинг бир парчаси. Унинг бағрида Ҳалоллик (эътиқод) дарахти ўсади. У “доимо ҳимояга муҳтож. Агар қўйиб берилса, ёвузлик, ҳаромхўрлик, лоқайдлик каби очофат қуртлар уни оч қолган бўридек ғажиб ташлайди. Натижада, одам боласи ўзлигидан тониб, мағзидан-маънавиятидан жудо бўлади, дунёдаги энг даҳшатли махлукқа – ақлли аждаҳога айланади... Ҳалоллик дарахтини парвариш қилинг (қалбингизни пок сақланг), акс ҳолда, боғ ўрнида хазон қолади, бу башар тарихининг сўнгги фасли бошланганидан даҳшатли далолатдир” (“Қизил китоб”дан тушиб қолган дарахт).

Кўриб турганимиздек, шоирнинг бу сатрлари мангулик, абадият борасида. Шу ўринда “Сардоба тилсими” туркумидан ўрин олган “Изтироб” шеърига ҳам эътибор берсак. Бунда муаллиф, менимча, “Фожиа нима?” деган саволга доно жавоб топади. Унинг фикрича, инсон ўтса, дарахтлар, қушлар, гўдақлар қолади – бу фожиа эмас. Дарахтлар кетса-ю, мен қолсам – бу фожиа... Жониворлар кетса-ю, мен қолсам – фожиа... Гўдақлар кетса-ю, мен қолсам – фожиа...”

Бу – оддий, лекин инсон кўпинча унутиб қўядиган ҳақиқат. Эътиборлиси шундаки, шоир том маънода оддий ҳақиқатга бизнинг кўзимизни очиш билан бир пайтда, ҳаёт нақадар мураккаблигини ҳам англатади. Кундузи кўз билан тинглаш керак, тунда эса кулоқ билан кўриш зарур, дейди шоир. Ана ўшандагина инсон “ранг оҳанглари” тинглаши мумкин ва “соҳилни қитиклаб ўзи кулаётган сой тўлкинларини” кўришга муваффақ бўлади. (“Мубошир бахшининг икки ҳикмати”).

Ватан ва унга садоқат, миллат ва башарият мавзулари “Шотутнинг тўққиз япроғи” деган мансура-ҳикматлар туркумида яна ҳам ёрқинроқ ифодаланган. Ватанни севмаслик – ватансизликдир, дейди шоир, лекин “қаерда яшашидан қатъи назар, отамерос гўшасидами ёки олисдами?” Ушбу туркумнинг еттинчи қисми – мажоз:

*Сардоба бозорида бир ит гоҳ семизга эргашади, гоҳ ориққа,
Ҳамма уни ҳайдайди. Эгасини йўқотиб қўйган бечора жонивор!*

Бу қисқа сатрлар ватанфурушлар ҳақида эмасми?

Табиатга, борлиққа, Ватанга лоқайд муносабатли одам шоир назарида жиддий ижтимоий хавфдир:

*Табиатга бефарқ, бешиқ-беимон,
Виждонсиз, юраги муздан қўрқгулик!*

“Мубошир бахшининг беш огоҳлантириш белгиси”

*Ким элини мағлуб қўриб қувонса,
Ким ўзи туғилган кулбадан тонса,
Уни боссин ўзга кулбанинг томи –
Тупроқнинг остидан чиқмасин номи!*

“Донишманднинг етти тилаги”

*Эл аро ўлмаган виждонинг қолсин
Вужудининг бу Даштга қўмилган куни, –*

бу сатрлар “Сардоба шотутлари” апофегматларининг сўнгги сатрлари. Шеърнинг номи ҳам эътиборли: “Қабр тошидаги ёзув”.

Дарвоқе, ушбу мисралардаги “Дашт” атамаси фақат Наманган билан боғлиқ. У Мангулик масканини англатади: Наманган шевасида бу сўз – қабристон демак.

Мана шунақа ривоятлару бетақрор апофегматлар ётади Ёқубжон Аҳмаджонов “Сардобаси”да.

Ўтмишда Сардобада шотутлар кўп бўлган эмиш. Уларнинг япроқлари тинмай поклик ҳақида ривоятлар шивирлайди. Лирик қаҳрамон ҳар биримизни ўша ўлкага, эзгулик тўла ривоятлар ўлкасига қайтишга чорлайди...

Ватан тўғрисида ўқиган баъзи шеърлар, тингланган қўшиқлар юрагингга жиз этиб тегмайди, чунки уларда “Ватан” деган куруқ хайкириқлардан бошқа нарса йўқ.

Оддийгина “Сардоба”, “Бураматут” тимсоллари – шоир учун Ахсикент каби азиз маскан. Ахсикент кўхна тарихимиз рамзи бўлса, Сардоба болалик, беғубор ҳаётий онлар билан боғлиқ гўша. Айни пайтда Сардоба, худди Ахсикент каби, кўхналикка даъвогар. Сардоба ривоятларини (шотутларини) шоир бир мўйсафиддан эшитса, мўйсафид эса ўтган аср (XIX аср)да Мубошир бахшидан эшитган, ўз навбатида бахши ҳам аввалроқ кимдандир... Ичкарилаб бораверамиз...

Сардоба – шоирнинг киндик қони тўкилган гўша. Ахсикент эса – унга туркий боболардан мерос қолган тарих Булар – шоир учун “Ватан” тушунчасининг эгиз негизи. Ёқубжон Аҳмаджоновнинг ижоди ана ўша муқаддас маконлар тараннумидир.

Афсуски, Ёқубжон Аҳмаджонов ижоди ҳамон яхши ўрганилмаган. У ҳақида мавжуд бир нечта мақолалар ҳам, асосан, шоир шеъряти ҳақида. Аммо бу ҳам қониқарли даражада тадқиқ этилган, дейишга асос йўқ. Қолаверса, адибнинг яқинлари таъкидлашича, у “Гоминоид” (“Муаккил”) номли фантастик роман ҳам ёзган, лекин мазкур асар чоп этилмай қолиб кетган. Мазкур масалани бироз ўрганишимиз натижасида маълум бўлишича, “Гоминоид” романидан бир-икки парча таниқли журналист ва шоир Ҳакимжон Содиков томонидан тайёрланиб, “Наманган садоси” газетасида эълон қилинган, холос.

“Гоминоид” романида ҳикоя қилинишича, таназзулга юз тутган халқларни ғофилликдан уйғотиш, кутқариб қолиш мақсадида гоминоидлар, яъни, фаришталар ерга ташриф буюришиб, бу борада қанча ҳаракат қилишмасин, уринишлари бесамар қолаверади, чунки ёлғончи дунё жодулари таъсирида йўқлик сари бораётган оломонни тўхтатишнинг иложи қолмаган – маънавий таназзул қайтиш сарҳадидан ўтиб кетган бўлади...

Эзгу ниятли куюнчак адибнинг ўзи ушбу асар сўзбошисида ёзади: “Умидим шулдурким, бу битик ғор ичида қолиб кетмас, авлодларга ибрат достони бўлиб хизмат қилур”.

Хуллас, Ёқубжон Аҳмаджонов шеъряти чуқур ўрганилиб, таҳлил ва тадбиқ этилиши, прозасини дунё юзига олиб чиқиш ҳамда унинг мукаммал асарлар тўпламини чоп этиш ва адиб ижодини кенгроқ тарғиб қилиш мақсадга мувофиқлигини ёдда тутишимиз керак. Зеро, шоирнинг ўзи “Эл аро ўлмаган виждонинг қолсин” дегани каби, унинг асарлари нафақат ижодкорнинг ўзи, барчамизнинг ҳам виждон уйғоқлигимиз эканлигини ёдда тутайлик.

Ул қаноат истагайдир тутқазиб саҳбо менга



Фармон ТОШЕВ

* * *

Ҳақ амрила аввало: сув, ер, осмон яралган,
Сўнг махлуқот шаклида тан бирла жон яралган.

Ақл берган, онг берган, фазилату дил берган,
Султони мавжудот ул, ҳазрат инсон яралган.

Муҳаббатсиз дунё йўк, дунё ишқсиз бўлмагай,
Бебаҳо туйғулардан ошиқ – жонон яралган.

Маъшуканинг висоли мартабадур ёрига,
Лайли латофат рамзи, Қайс нолон яралган.

Яратганнинг химмати барчага баробардур,
Яшашга ҳар жонлига бир хил имкон яралган.

Ҳаёт учун курашда тоблансин дея тақдир,
Аҳли оқил ёнида, аҳли нодон яралган.

Бандаи ожизларда ноёб бўларкан субут,
Шул сабаб улар учун ваъда, ёлғон яралган.

Мушкулотдан ғафлатда қолиб кетмасин дея,
Сабру қаноат отлиғ чексиз имкон яралган.

Фармон ТОШЕВ – 1954 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. Ижодкорнинг “Қарнабчўл қўшиғи”, “Отамнинг сабоқлари”, “Умрнинг ўртаси”, “Согинч”, “Омонат”, “Кўнгил билан суҳбат” сингари турли жанрларда битилган китоблари нашр этилган.

Жисмни ушлаб турар, аслида, шавқ-шижоат,
Ҳаққа етишмоқ учун илму ирфон яралган.

Фармон, кўзга тўтиё айла юрт туфроғини,
Сен учун тўрт фасли бор Ўзбекистон яралган.

* * *

Бир қарашда шавқу оташ берди ул зебо менга,
Касби ошиқликни дилда айлади пайдо менга.

Юрганида боғ аро, ул бор вужуд сармаст бўлур,
Мен унга, ошиқлигимга бўлди гул шайдо менга.

Тунлари ойдан сўрайман, ой висолин соғиниб,
Ул қаноат истагайдир тутқазиб саҳбо менга.

Бир такаллум айламас, лек, йўлларида кўзларим,
Бир ширин туйғу бағишлар ишқ деган савдо менга.

Бул ҳаётдан топганим не-молу мулк, дунё абас,
Ул муҳаббат неъмат – пок севгиси аъло менга.

Ҳар кима этмас насиб, ки, мартаба ошиқ бўлиш,
Севганимдан майса ҳам худдики раъно менга.

Англадимки, Фармоно,чин муҳаббат беназир,
Васфини битмакда ёрнинг қўлларим мирзо менга.

* * *

Некадар даврон шитоб, лек, бўлмасин виждон ғариб,
Сигмасин дунёга, аммо, юрмасин инсон ғариб.

Ким тавалло айлагайдир хочига, ким бутга ё,
Майли, ул ўтга сигинсин, қолмасин иймон ғариб.

Уйда гар ҳоким низо, куш кетар ҳам файз кетар,
Чанг босиб остонасин, сўнг турмасин меҳмон ғариб.

Кимда йўқ дилдошу сирдош, севмагай дилдорини,
Қалбидур беиштиёқ: ишқ ғариб, туғён ғариб.

Қайси эл бош қўшмас эркан, у, ахир, миллат эмас,
Бил, анинг ороми йўқдир, жонфидо сарбон ғариб.

Асра дўст кадрина, жонни асрагандек ҳар маҳал,
Билъакс, очун аро, чекма ғам нолон, ғариб.

Фармоно, интил топингин, ушла бахтнинг илгидан,
Юрмагил афсусда сўнг, бўлганда куч, дармон ғариб.

* * *

“Айб эрурким, аҳли дониш қилса нодон бирла баҳс,¹”
Айламас ҳеч аҳли маҳзун, аҳли шодон бирла баҳс.

Эл билан сузмак керакдур, баҳри дунё узраким,
Ўлтириб соҳилда асло, қилма даврон бирла баҳс.

Англагил мақсад дилин, сўнг эҳтиёжин тинглагил,
Айлагил ёрдам, ва, лекин, қилма гирён бирла баҳс.

Кунба кун шавк, иштиёқинг умринга бергай чирой,
Олганинг – нақд, эртачун айла имкон бирла баҳс.

Кўп демак ҳам, гап талоши бермагай обрў сенга,
Дилга бахш этгай сурур, яхши инсон бирла баҳс.

Қанча берма илму маъриф таъсири бўлмас сира,
Англадимки, бесамардур фикри поён² бирла баҳс.

Фармоно, халқинг учун сен аввало бурчинг бажар,
Қилма бемаврид низо ва аҳли фармон бирла баҳс.

* * *

Соғиниб кутдим муҳаббат боғида, ёр келмади,
Айламак севгимни эрдим анга изҳор, келмади.

Андалиб янглиғ қилибмен нолаларким кўйида,
Ё ғаним макри биланму қасди озор келмади.

Турфа гуллар ўз чиройин кўрсатур ишқ аҳлига,
Севганим беътибор лек, қилди абгор, келмади.

Лаҳзаларда ашки чашмим оқдилар дарё каби,
Лутфидан ё ўзгани айлаб хабардор келмади.

Қайс каби хуммор эдим, мен ой жамолин кўргали,
Лайли ул ишқимни, балки, қилди инкор, келмади.

1 Алишер Навоий мисраси.

2 Фикри поён – фикрлаши охирига етган, маъносида.

Кунба-кун ҳажру ситамлар бешумор бўлди, нетай,
Бир тақаллум қилмайн хуршеди рухсор келмади.

Фармоно бергай ҳамиша кўнглига таскин вафо,
Келди шеър кўнгилга, аммо, ул кўзи хуммор келмади.

* * *

Биринг икки бўлмагай ҳимматинг бўлмаса гар,
Эл ҳам нечун суяди хизматинг бўлмаса гар.

Ҳар битта яхши ишни улус дуо қилгайдир,
Мурувватинг ортида миннатинг бўлмаса гар.

Фарзандларга ибратинг ҳалоллик, меҳнатингдир,
Бефарқлик деган ёмон иллатинг бўлмаса гар.

Дарёнинг соҳилида қолиб кетишинг аён,
Замонага муносиб шиддатинг бўлмаса гар.

Молу дунёнинг хирси саробга элтгай охир,
Тиймоқликка нафсингни қудратинг бўлмаса гар.

Фармон, элга ҳамиша арзигулик сўз дегин,
Шоирликдан не фойда, фикратинг бўлмаса гар.

* * *

Севги боғи ичра дўстлар, ишқни осор айлангиз,
Айламанг зинҳор ошкор, дилда асрор айлангиз.

Изламанг иқболни ҳеч хом-хаёл, орзу аро,
Ҳой-ҳавас ва шум назар этмакни ҳам ор айлангиз.

Ошиғи булбул бўлинг, лек кўнмангиз ҳар гулгаким,
Севганингиз ул санамни бир умр ёр айлангиз.

Кўз тикиб турманг ҳаётда ўзганинг илкига ҳеч,
Меҳнату заҳмат билан, сиз йўқни ҳам бор айлангиз.

Битта душман етгуликдир гурбату ташвиш учун,
Шул сабаб эзгу ният дўстларни бисёр айлангиз.

Оқилу доно кишилар суҳбати маъною наф,
Яхшиларни доимо ҳар ишда ҳамкор айлангиз.

Дейди, Фармон дарду элни тингламоқ хислат эрур,
Шу улус, миллат учун кўнгилни дастёр айлангиз.

* * *

Буюклиги тоғларнинг кифтидаги қоридан,
Кўнгилларнинг сурури ишқдан, дилдоридан.

Бой эмас у қамраниб молу дунё тўпласа,
Бадавлат эрур кимса уддаласа боридан.

Кибру мансаб ҳеч қачон мартабага арзимас,
Инсоннинг қадру илми, мискинлигу оридан.

Бир бойнинг шуҳратига маҳлиё бўлманг сира,
Эл баҳоси – остона, мозору бозоридан.

Фидойи фақирлардан аямайди борини,
Ҳасадчи таскин топар, ўзганинг озоридан.

Зиқналарнинг доимо бири-икки бўлмайдир,
Мурувватлилар иши келгайдир бароридан.

Фармоно, ҳар каломга маъни юклагил, зеро,
Синиб қайтмасин бўзинг имконинг изҳоридан.

* * *

Ғарибга, дер, олам кўрингай қафас,
Сен Ватанли кимсаларга қил ҳавас.

Ўз элингдин ўзга меҳрибон йўқдур,
Улар боис, умринг омадга пайваст.

Ўз қадрингни билмоқ бўлсанг, ўзинга
Сал узоқдан қараб қўйгил бир нафас.

Дерлар, сўзнинг бири камдир, бири кўп,
Ҳеч ноўрин каломлардан қилма сас.

Ҳар ночорга мурувватинг элга, бил,
Юртга ҳеч наф келтирарму нон емас.

Дунёларни кезганларинг, ҳайратинг,
Юрт соғинчи олдида бўлгай абас.

Битта менман юртсевар деб, ўйлама,
Бу заминнинг Фармонлари кам эмас.



**Манзар
АБДУЛХАЙР**

“Жаҳдим андоқдур...”

*Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлингга бот,
Ким қабул этман огир деб чиқса эғнимдин қанот.*

*Сабр тоғи бирла қилмоқ пўя бўлмас, эй кўнгул,
Ташила ул юкни етишмак истасанг васлига бот.*

*Шаҳсуворимнинг буроқи пўясидин қолди барқ,
Ким анинг феъли шитоб эрмиш, мунунг расми сабот.*

*Кўп Масиҳодин дам урма, қил ҳаётингни Туфайл
Ангаким, топмиш Масиҳ онинг туфайлидин ҳаёт.*

*Меҳр юз кўрмай ўчашиди пардадин чиққач юзунг,
Олғали қўймас сариг юзин қора ердин уёт.*

*Чун юди кўзлар саводин ашк ёрут юз очиб,
Ким дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот.*

*Эй Навоий, хоки пойи васфида ширин сўзунг
Бор биайниҳ тўтиё ичинда солгандек набот.*

Бу – “Ғаройиб ус-сиғар” нинг 73-ғазали бўлиб, етти байтдан таркиб топган. Ғазал юқори тахайюл ва бетакрор ботиний ишқ туйғуларнинг ўзида мужассам этганлиги билан ажралиб туради.

Манзар АБДУЛХАЙР – филология фанлари доктори. 1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Ижодкорнинг “Соҳил оҳанглари”, “Мовий уфқ”, “Сўз руҳи”, “Тааммул”, “Сўз сари, Сўзинг сари” шеърий тўпламлари ҳамда “Навоий асарларининг изоҳли лугати” илмий-адабий монографияси, “Лисон ут-тайр” табдили, “Хамса” нинг тўлиқ табдили сингари китоблари нашр этилган.

Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

*Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлингга бот,
Ким қабул этман оғир деб чиқса эғнимдин қанот.*

Ушбу матлаънинг мухтасар мазмуни қуйидагича: эй маҳбубам, ҳозир шундай бир ҳолатдаман, яъни илоҳий ишқ ичра васлингга етишиш орзусида шу қадар ҳам ғайратли, ҳам беҳудманки, борди-ю эғнимдан қанот ўсиб чиқса, уни оғир деб қабул қила олмайман. Аниқроғи, на нафимни, на зараримни биламан. Зеро, бу кайфиятни ботинан англаш учун ўзимда қурб топа олмаяпман.

*Сабр тоғи бирла қилмоқ нўя бўлмас, эй кўнгул,
Ташла ул юкни етишмак истасанг васлига бот.*

Ушбу байтда шундай бадий тафаккур бор: сабр тоғи, яъни ботиний сабрнинг юки шундай оғирки, аслида у билан ҳеч вақт юксак орзуларга, айниқса, ёр васлига етиб бўлмайди. Чунки, ботиний сабр юки билан маънавий жиҳатдан елиб-югуриб бўлмайди. Шунинг учун, эй кўнгил, агар маҳбуба васлига етишишни чиндан истасанг, аввало, бу юкни ташла, яъни ундан халос бўл! Бу байтдаги мавҳумлик ёки тугал маъно кейинги байтда ойдинлашади:

*Шаҳсуворимнинг буроқи нўясинин қолди барқ,
Ким анинг феъли шитоб эрмиш, мунунг расми сабот.*

Бунда *шаҳсувор* сўзи чавондоз ёки гўзал маҳбуба эмас, балки сўнгги мурсал маъносида келаяпти. Зеро, бу сўзнинг қаратқичи *буроқ* – диний эътиқодга кўра, учар от бўлиб, Муҳаммад с.а.в. меърож туни унга миниб Маккадан Байт ул-муқаддасга, у ердан самога кўтарилганлар. Меърож тунида сўнгги мурсалдаги шитоб, яъни маъшук васли куйидаги суръат шу даражада тез эдики, то ҳатто ётган ўрни совимасдан яна тунги тўшагига қайтиб тушди. Бунинг акси ўлароқ, улуғ шоир ишқ йўлида гўё ўзидаги суст ҳаракатни таҳқирлади. Кейинги байтлардаги ташбихлар ана шу бадий тафаккурни тўлдиришга хизмат қилади.

*Кўп Масиҳодин дам урма, қил ҳаётингни Туфайл
Ангаким, топмиш Масиҳ онинг туфайлидин ҳаёт.*

Дастлаб мазкур байтдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу – арабча *туфайл* сўзидир. Зеро, унинг замирида улуғ шоир назарда тутган ажиб бир тимсол мужассам. *Туфайл* Алишер Навоий асарларида “чақирил-маган меҳмон”, “Ўзи чақирилмаган бўлса ҳам, чақирилган кишилар қаторида, уларга эргашиб, тўй-маъракаларга борувчи”; “сабаб”, “боис”, “баҳона”, “важ-корсон”, “восита” сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, диний адабиётларда бу тимсол араблар қабиласига мансуб Умайя авлодидан бўлган *Туфайл* исмли шахсдир. У жуда камбағал, фақир бўлганлиги туфайли, ҳатто бировларникига меҳмондорчиликка ҳам бора олмаган. Демак, шоир бунда қайсидир маънода камбағаллик айрим кишилар назарида фазилат бўлмаслиги мумкин, лекин бу айб ҳам эмас, деган бадий фикрни илгари суради. Айни маънода байтнинг қисқача мазмуни

куйидагича шарҳланади: Масиҳнинг кишига ҳаёт бағишловчи нафаси ҳақида кўп гапириш айнаи дамда унчалик жоиз эмас, балки кишига худди Туфайлдай оддий, табиий ҳаётингни бахшида эт! Зеро, бундан ҳатто Масиҳнинг ўзи ҳам жон топган бўларди.

*Меҳр юз кўрмай ўчашиди пардадин чиққач юзунг,
Олғали қўймас сариг юзин қора ердин уёт.*

Меҳр, яъни куёш ҳали юзланмай туриб, яъни намоён бўлмасдан парда ортидаги юзунгни кўриши биланок ўчакишди-қўйди. Бу худди куёш гўё касалманд юзини ердан кўтаролмаётганидан хижолат чекаётган тарзга менгзаш эди.

*Чун юди кўзлар саводин ашк ёрут юз очиб,
Ким дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот.*

Шоир байтда шундай элсеварлик кайфиятини очиқ баён этади: дирамсиз, яъни ҳеч вақоси йўқ элга бойлар фарз деб закот бериши – бу худди кўз косаси ичидаги кўзга кўринмас модданинг вақти-вақти билан кўз қорачиғини ювиб туришига ўхшайди. Албатта, буни ҳеч ким пайқамайди. Зеро, закот ҳам мискинга, аслида ошкора эмас, балки пинҳона берилгани дурустдир. Шоир фикрича, тарикдай беминнат қилинган саховат киши кўнглини тоғдай сарбаланд қилади, унга кўзга кўринмас куч-қудрат ато этади. Демак, бунда улуғ шоир элни кўз қорачиғига менгзайди. Нақадар ғаройиб ташбиҳ!

*Эй Навоий, хоки пойи васфида ширин сўзунг
Бор биайниҳ тўтиё ичинда солгандек набот.*

Мақтаънинг мухтасар мазмуни: эй Навоий, лирик маъшуқанинг хокипойи – оёқ ости тупроғи йўлидаги фидойилик ва қурбонлик борасидаги таърифнинг нақадар шириндирки, гўё тўтиё (кўз дориси), яъни оч кўк рангли, кумуш каби ялтироқ модданинг оксиди ёки купорос – қандайдир сульфат кислотаси ичида ётган новвот ёки бир обакидандонга менгзашдир. Эҳтимол бу модда ичида новвотнинг шакли ёки мазаси аллақандай ўзгаришларга учрар?! Муҳими, агар сўзда амал бўмаса, у зоҳиран ҳар қанча фасиҳ, гўзал, ширин бўлмасин, аслида зоҳиран шундай, лекин ботинан эса, юқорида шоир айтган модда ичидаги шаклсиз, маънисиз бир нарсадирки, уни таърифлашга тил ожиздир... Навоий ушбу ташбиҳ мисолида кишидаги сўз, ҳар қанча сўзамоллик, аслида, ботиний ҳодисалигини назарда тутмоқда.

Ушбу ғазал зоҳиран Шарқ шеъриятига хос лирик маъшуқа васлига етишиш йўлидаги саъй-ҳаракат, ботинан эса илоҳий ишқ сари яна бир қадам қўйиш, шу билан бирга комиллик сирлари ва орифлик тарзини англаш йўлида қиёсийликни ўзида жо этган бадий тафаккур маҳсули сифатида Навоий шеъриятида муҳим ўрин тутади. Зотан, бунда улуғ шоир нафақат бадий тафаккур ёки жўшқин туйғулар соҳиби, балки илми ҳайъат, кимё сингари зоҳирий билимларни чуқур эгаллаган зоҳирбин уламо сифатида ҳам намоён бўлади. Бу ғазал ўзбек миллий поэтик тафаккур тарзида янгича бир тавр уйғотади, киши кўнглида эса илоҳий ишқ сари интилиш туйғусини пайдо қилади.

Тафаккур жилолари



Обиддин
МАҲМУДОВ

Билиш...

“Сенинг яхши инсонлигингни биламиз”, дейишди унинг кадрдонлари. “Зўр одамсан-да!” таъкидлашди бошқа таниш-билишлари. “Ҳа, сенинг қанчалар яхши одамлигингни барчамиз биламиз”, дея чуғурлашди қолганлар.

Шунда ул донишманд: “Қизик, мен ўзимнинг ким, қандай махлуқот эканимни ўзим яхши билмайману, сизлар буни қандай биласизлар? Мен ҳали ўзим фитратимдаги сон-саноксиз сиру синоатдан мутлақо беҳабар, бу сирлар сўқмоғи аро сарсону саргардон сайёҳ кабидирман. Хўш, бундай ҳолатда сиз азизлар менинг кимлигимдан қандай хабардорсиз,” дея бошқаларга юзланди.

“Биз биламиз, биламиз...”, деган жавоб олди яна.

Ташриф

Оддий хонадон. Уй тўридаги дивандан дам-бадам беморнинг оғриқдан инграган овози эшитилиб турибди. Бемор кўп йиллардан буён тўшакка михланган кўйи умр кечирмоқда.

Бир пайт қўл телефони жиринглаб қолди. Гўшакни қулоғига тутган бемор телефондаги овозни эшитиб, хурсандлигидан нақ ўрнидан туриб кетаёзди. Кўнгилга бўлган бундай кутилмаган ташрифдан ҳатто тузалмас дарддан бир муддатга фориг бўлди, гўё. Хонадон соҳиби бу эътибор, бу яхши сўзлар учун қанчалар хурсанд бўлганини ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди.

...Кўнғироқ қилган киши – бемор қарийб ярим аср қўл остида ишлаган, хизмат машинасида сидқидилдан уни олиб юрган – каттакон ташкилотнинг биринчи раҳбари эди-да...

Ота-онам бор

Бир тадбиркор йигитнинг бозори касод бўлиб, қарзга ботди. Дўстлари ачинишиб: “Энди нима қиласан?”, дея сўрашди. У бамайлихотир, Худога шукр, ота-онам бор, ҳаммаси жойига тушиб кетади, деди.

Орадан бирмунча вақт ўтди. Тадбиркор бу орада қаттиқ тер тўкди: туну кун

Обиддин МАҲМУДОВ – Иқтисод фанлари номзоди. 1966 йилда туғилган. Ростов давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамаият қурилиши Академиясини тамомлаган. “Ота нега фарзандига танбеҳ беради”, “Умр ҳикмати... саодати”, “Уммондан дурлар”, “Фарзанднома” каби китоблари чоп этилган.

меҳнат қилди, бўлғуси ишларини қайтадан режалаштирди, ҳамкорлар билан алоқани кучайтирди. Алқисса, аввалги маромига тушиб ҳам олди.

Бора-бора ўзини ўнглабгина қолмай, янада бойиб кетди. Дўстлари ундан қандай қилиб бунга эришганини сўрашганида, у худди аввалгидек, “Менинг ахир – ота-онам бор-ку!” дея бамайлихотир жавоб берибди.

Фаррош

У барчадан эрта уйғонарди. Шунинг учундир, кўпчиликка насиб этмайдиган борлиқнинг сиру синоат, мўъжизаларидан воқиф. Аскарият инсонлар орзу қилиб ўтадиган бахт, яъни қалб осудалигига эришган зот.

Хуллас, у кишиларнинг энг яхшиси, меҳнатсеварларнинг энг меҳнаткаши, оддийларнинг энг камтаридир... Чунки бу инсон дунё юзини ифлос нарсалардан тозалаш билан бирга, ҳар тонг қалбида туядиган эзгу ниятлари туфайли турли ғаламислик, ёвузликларни ҳам ер юзидан супуриб ташлаётган деган умид билан хизмат қиларди...

Бировнинг мулки

Кунларнинг бирида ижодкорнинг ғариб кулбасига ўта бадавлат киши кириб келди. У рассомнинг навбатдаги асарини синчковлик билан томоша қиларкан, ундан бу асарни муаллифлик ҳуқуқи билан бирга сотиб олиш нияти борлигини билдирди. Бу таклифни эшитган ижодкор бошини қуйи солганча деди: афсуски, сизга бировнинг омонатини беролмайман.

Бой жавобдан ҳайрон бўлди ва сўради: “Қандай қилиб ўз ижодинг бошқаники бўлиши мумкин? Хўш, билайлик-чи, унинг эгаси ким экан?”

Ижодкор шундай жавоб қайтарди: “Бу қобилиятим Яратганнинг мен фақирга ато этган тухфаси, иноятидир. Шундай экан, мен учун аталган омонатни қандай қилиб бошқага берай?!”

Тарбия

У – ҳаё қудратидан, ибод тафтидан, тафаккур мағзидан, самимият ва хушхулқлик боғининг адл, сабр, қадр меваларидан барпо бўлади. Ўз соҳибларининг нафис ва покиза ҳаёт боғида гуркираб вояга етади, донишманд аҳлининг файзли суҳбатларида кўркамлашади, зукко ақл эгалари қўлида тобига етади.

Зукко ақл – кўнгил майли асовликларини ҳаё, диёнат, қаноат тизгинида жиловлай билган ва уни ҳамиша қаттиқ назорат ҳукмида ушлаб турувчи ноёб фазилат эгалари сара дурдонасидир.

Фазилат аҳли – гўзал тарбия анҳорининг ёқасида парваришланиб, иқбол дарахти бўлиб вояга етган, сўнг иноят қуёши тафтидан баҳра олиб, ўзида зукко ақл, теран идрок, нодир фаросат меваларини жам қилган шариф зотлардир.

Ушбу айтилганларни ўз феъл-атворида жам эта олган ва ўшанга мос ҳаёт тарзини кечираётган умр соҳибларини эса фозил кишилар дея атайдилар...

Бахт ўзи нимадир?

Тириклик – неъмат, ҳар дақиқа моҳиятини ҳис этиш – бахт, яхшилик йўлида хизмат қилиш – саодат.

Шундай экан, бахтнинг уруғи – ҳалол ва самарали меҳнат, парвариши – улуг мақсадларга мудом интилмоқ, меваси эса халқ ишончи ва меҳрига сазовор бўлиб, алоҳида обрў-эътибор топомқдир...

Бахт тушунчаси баъзан қиёсий: ўз уйингда қадринг йўғу, бироқ сенинг қадам ранжида этишингни йиллаб кутадиган хонадонлар бор...

Бахт баъзан нисбий: сен ўзингдан бойроқ ёки омадлироқ кишини кўриб, шундай бўлишга ҳавас қиласан. Лекин, бу ҳаётда сен эришган муваффақият, мансабу мартабаларга етишаолмай бу дунёни тарк этаётганлар қанчадан-қанча...

Икки ният

Ғараз – зулматли тундан ҳам қоронғироқ иллат.

У – ёвуз фикрларнинг ёмонидан ҳам ёмонроғи.

У – инсонлар ўртасида адоват, ҳасад, кибр, бахиллик иллатларини урчитадиган ашаддий микроб...

Бу микробнинг душмани эса яхши ният бўлиб:

У – инсонлардаги яратувчанлик моҳияти, барча яхшилик ва бунёдкорликлар сабабчиси;

У – қалбларни тўлкинлантирувчи маърифат нури;

У – мусаффо орзуларнинг мунаввар тонги.

Эзгу ният кишиларни ҳар қандай ҳолатда ҳам олдинга, ёруғ келажак сари интилишга ундайди. У эгасини мағлублик алаmidан, тушкунлик ғамидан, мағрурлик заволидан, фасод ишлар оқибатидан асрайди, одамзод борлиги ва борлигининг мазмун чечагидир.

Ўзгалар

Кенг ва равон йўл. Унда ҳаракатланаётган автомашиналардан бирига иккинчи бир машина бошқарувни йўқотгани ҳолда келиб урилди. Машинаси пачоқ бўлган киши иккинчи ҳайдовчининг ёнига келиб, вазминлик билан, самимий тарзда ундан соғ-омонлигини сўради ва деди: “Бу, бор-йўғи, бир темир экан. Муҳими, ўзимиз соғ-омонмиз, бунинг учун Худога шукур. Бу ёғига эҳтиёт бўлиб ҳаракатланинг”.

Машинасига ўтираётиб, яна қўшимча қилди: “Менинг бундай йўл тутишимнинг сабаби ўзимдан кейинги киши учундир”.

“Тушунмадим”, ҳайрон бўлди айбдор ҳайдовчи. Шунда у ҳамроҳига шундай жавоб қилди: “Мабодо, сиз билан ҳам шундай воқеа рўй берса, худди мендек, ўзгаларнинг билиб-билмай йўл қўйган хатосини кечира олишингиз учун шундай йўл тутмоқдман”, деди...

Меҳр ва меҳрсизлик

Инсон меҳри бамисоли қаҳратон пайти иситилган уй кабидир. Бу уйда ташқарида қиш-қиров бўлишига қарамай, қўйлақчан бемалол юрасан ва бундан бутун тананг, кўнглинг яйрайди. Умуман, маза қиласан.

Меҳрсизликни, аксинча совуқ хонага қиёслаш мумкин. Ҳар қанча иссиқ кийинма, бироз вақт ўтиб, барибир этинг жунжикиб, баданинг совқотаётганини сеза бошлайсан... Уй ичида ўтирган бўлсанг ҳам...

Шариф инсон

Набира бобосидан шариф инсон кимлиги хусусида сўради. Бобо шундай жавоб берди: “Шариф киши шундайки, барча унинг дийдорини истайди, уни интиқлик билан кутишади. Борди-ю, у зот ўша издиҳомга қадам ранжида этса, барча бирданига сергак тортади. Унинг салобати босиб, жим қолишади. Орага сукут тушади. Беихтиёр издиҳом иштирокчиларининг қалби ҳис-ҳаяжонга тўлиб, ўзини ўзи ботиний суҳбатга чорлайди. Бир муддат ўтиб, шариф зот у жойни тарк этар бўлса, издиҳомдагилар уни яна аввалгидек қўмсай бошлайдилар...”



**Шаҳобиддин
ЎРИНОВ**

Фанлар чорраҳасидаги фикрлар

Илҳом Ғаниевнинг жаҳон ва жадид адабиётига оид тадқиқотлари билан яхши танишимиз. Олимнинг Лев Толстой, Фёдор Достоевский, Эрнест Хемингуэй, Рабиндранат Тагор, Стендаль, Пабло Коэло, Чингиз Айтматов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон ҳақидаги китоблари ҳам бор. Яқинда эса муаллифнинг “Қизиқарли психология” рукнида нашр этилган қатор китобларига кўзим тушди.

Тўғриси, Илҳом Ғаниевнинг психологияга оид бир эмас, бирваракайига ўн учта катта-кичик рисоаларини кўриб, аввалига таажжубландим. Сўнг уларни биринкетин варақлай бошладим. Ҳар бир китобда айрича мавзу танланган: “Бахтли, бой, шуҳратли бўлишни истайсизми?” (220 бет, саксон фаслдан иборат). Қизиқиб, китоб мундарижасига назар солдим: “Хулқ-атворага таъсир мумкинми?”, “Асраниш ва одамларга йўл топиш санъати”, “Ўзингизга танқидий қарай оласизми?”, “Билим ҳам бизнесми?”, “Талабингиз ўзингизга мосми?”, “Баҳсдан қочинг”, “Кўзингиз кўряптими, бахтлисиз”, “Ҳадянинг хосиятлари”... ва ҳар ўн мавзудан сўнг психологик тестлар илова қилинган.

Китоб илмий-оммабоп усулда, халқона айтганда ҳазми тез, ҳатто анчайин мураккаб воқеа-ҳодисалар, тушунчалар ҳам имкон қадар соддалаштирилиб, қизиқарли ва таъсирчан берилган. Зеро, фаннинг, олимнинг вазифаси ҳам оламдаги мураккаб ҳодисаларни соддалаштиришдан иборат эмасми?

Муаллиф фикрича, “Ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари, тарих сабоқлари, билим ва тафаккур синтезлашиб шу хулосага келиндики: одамларнинг камчилиги ва нуқсонлари ҳақида камроқ; фазилат ва ютуқлари ҳақида кўпроқ гапириш керак”. Дарҳақиқат, табиий қонуниятга кўра, сиз нима ҳақида ўйласангиз, нимани кўп тасаввур, орзу қилсангиз, айнан ўша нарсалар сизга томон тортилади. Бу худди Ер тортишиш кучи қонуниятига ўхшайди. Ҳаётда бунинг тасдиғини ҳар

***Шаҳобиддин ЎРИНОВ** – 1975 йилда туғилган. 1997 йилда Бухоро давлат университети ўзбек филологияси факультетини тугатган. Унинг “Келажакдан садо”, “Юракка қайтиш”, “Фано сарҳадлари”, “Ўзимга анжумандирман” каби шеърый китоблари нашр этилган.*

қадамда учратиш мумкин. Фараз қилинг, одатда киши яхши нарсалар ҳақида ўйлаганида кайфияти кўтарилади ва бу атрофидаги одамларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Агар ёмон нарсалар ҳақида ўйласангиз, таъбингиз хира тортади ва бу нохуш кайфиятингиз ёнингиздагиларнинг норозилигига олиб келади. Муаллиф психологик хулосаларини оддийгина ҳаётий мисоллар билан тушунтириб берган: Муомала ҳам чой билан қайноқ сувга ўхшаш. Иккаласи ҳам иссиқ, оғиз куйдиради, лекин фойдали, асабни тинчлантиради. Муаллиф асални чойга қўшиб ичилса таъсири камайишини, қайнатилган сувга қўшилса кимёвий таркибини сақлаб қолишини мисол қилиш орқали муҳим илмий фикрни кундалик турмуш билан уйғунлаштирган.

Ўйланиб қолдим. Ҳа, ижодкор ҳам психолог, у ҳам ҳаётни, одамларни, табиатни кузатади, синчиклаб ўрганади, уларни бир-бирига қиёслайди ва маълум бир хулосаларга келади. Аслида, ана шу қонуният ҳамма жойда ҳукмронлик қилмайдими?! Бозорга кириб нимадир олмоқчи бўлсангиз, ўзингизга керакли нарсани бошқалари билан таққослаб, кейин харид қиласизми? Олий ўқув юрти ёки касбни бошқаларига солиштириб танлайсизми? Машина, ҳовли, кийим-бош, китоб... хуллас, одамларнинг барча ҳаракатлари таққослаш, қиёслашга асосланган. Ҳатто бўлажак турмуш ўртоғи ҳам танлаб олинади. Шундай экан, муаллифнинг танлаган йўли жуда тўғри, деган хулосага келдим.

“Яхши ёки ёмон муносабат – бировга берилган кредит, у сизга устама (фоиз!) билан қайтади. Сизнинг салом-алигингиз гўё қўлингиздаги кредит билети, банкнотга ўхшайди”. Буни элимиз “Нима эксанг, шуни ўрасан”, “Қайтар дунё” дейди. Ана шу мақолларга қулоғимиз ўрганиб қолгани учунми, кўпам эътибор беравермаймиз. Аммо “кредит” тарзидаги изоҳ кўпчиликти хушёр торттиради. Чунки кредит бу қарз. Уни тўламаслик эса жиноят, жиноятнинг эса жазоси тайин. Қойил, ана одамлар кўнглига йўл топиш, таъсир ўтказишнинг энг оддий, энг осон йўли. Ана шу соддалик мени ҳайратлантирди, қизиқишимни оширди. Сабаби, мураккабликларни бўлаклаш, қисмларга ажратиш мумкин, аммо содда нарсаларни бўлаклаб бўлмайди. Ҳаётда энг катта куч, менимча, соддалик. Негаки, ҳар нарсанинг жавҳари, маъзи шунда!

Китобнинг умумий маҳражига эътибор қилсак, мақсад комил инсон соғинчи, ўзликни англаш, ўз қадр-қиммат ва шаънини ҳимоя қилиш, миллатни тараққий қилган эллар қаторида кўриш эканлигига гувоҳ бўламиз. Ҳар бир воқеа, ходиса шарқона менталитетдан келиб чиқиб талқин қилинган.

Фанлар чорраҳасида яратилган бу китоблар адабиёт, фалсафа, сиёсатшунослик, педагогика, мантиқ ва машҳур шахслар ҳаёти билан боғлиқ. Улкан манбалар йиғилиб, тасниф ва синтез қилинган.

ЭНГ МУҲИМ САРМОЯ – ЎЗИМИЗ!

64 фаслдан иборат мазкур китоб исталган замонавий бизнес вакиллари, хоҳ тажрибали бўлсин, хоҳ тажрибасиз, диққатини ўзига жалб қилади. Сармоя турларидан, сармоянинг ўзига хос, энг муҳим кўринишларидан бири бу инсон омилидир. Инсонга, унинг бахтли ва фаровон яшашига хизмат қилмайдиган ҳар қандай иқтисодиёт, тижорий гоё, бозор талаб ва эҳтиёжлари, товар ишлаб чиқариш, тадбиркорликни оқлаб бўлмайди. Энг катта бойлик, бу аввало, инсоннинг ўзи. Инсон ақл, заковати жуда катта куч, у тўғри бошқарилса, юрт обод, мамлакат фаровон, халқ бой бўлади.

Замонавий магнатлар, уларнинг қандай қилиб шу даражага эришганликлари, инжиниринг фирмалар, улар фаолияти, эришаётган ютуқларининг сабаб ва омиллари кўпроқ қизиқтирмакда. Бу кундалик эҳтиёждан туғилган талаб. Биз ҳаммани олим, ёзувчи, ўқитувчи, тарихчи, шифокор қилиш ҳақидаги қарашлардан воз кечиб, интеллекти баланд авлодни шакллантиришга эътиборни кучайтирсак, тўғрироқ бўлади, менимча. Миллатни севадиган, халққа манфаат келтирадиган, ўз кучи, иродаси, салоҳиятига ишонадиган ёшларгина ватанимиз нуфузини юқори поғоналарга кўтаради. Китобхонлик, албатта, жуда яхши, олқишга сазовор. Аммо китобхонлик деганда фақат бадиий адабиёт ўқишни тушуниш бир ёклама фикр. Бир муаммо устида кўп бош қотираман: Қачон болаларни илмий китоб ўқишга ўргатамиз?! Мазкур китобда эса бизнеснинг индивидуал хусусиятлари, шахснинг иродаси, ислохотчилиги, ишлаб чиқарувчи кучлар ва муносабатлар, истеъмол бозори ва савати, инвестор сингари тушунчалар шарҳлаб, жонли ва қизиқарли мисоллар орқали тушунтириб берилган.

ОМАД МЎЪЖИЗАМИ ЁКИ ЁНИМИЗДА?

Омадга эришиш ва уни сақлаб қолиб, бахтли яшаш учун инсон онгу тафаккурини муайян бир нарсага йўналтириш даркор. Олим омадни ҳар кимнинг ёнидаги кўринмас ҳамроҳ, ичимиздаги яширин руҳий-ақлий қувватнинг намоён бўлиши, деб ҳисоблайди. Қолаверса, муаллиф инсон омади ва бахтига панд берадиган, ҳатто зомин бўладиган олтишга яқин манфий руҳий ҳолат ҳамда иллатни бирма-бир санаб, омадсизлик, тушкунлик, мағлубият исканжасидан чиқиш йўллари тарихий ва ҳаётини мисоллар билан кўрсатган. “Омадга элтувчи йўллар чексизми?” фаслида ўқиймиз: “Тиббиёт ходими бўлган бир зукко дўстим талабалик йилларида руҳий касалликлар шифохонасида малака оширган экан. Ўша ерда талабаларнинг билими ва малакасини, руҳияти ҳамда интеллектини синаш учун бир профессор стол устига китоб, дафтар, шам, ручка, шиппак, қайчи, пичоқ, лампа, чизғич, шприц, термометр ва ҳоказо нарсаларни тартибсиз равишда қўйган-да, руҳий мувозанати бузилган, дарди ўқтин-ўқтин кўзгаб турадиган бир беморни чақириб, унга шундай деган:

– Столдагилар орасидан бир-бирига ўхшаш ёки боғлиқ буюмларни топинг-чи?

Шунда ҳалиги бемор нарсаларга бир зумгина қараб, ручка билан шиппакни танлаган. Бу ҳолни кузатиб турганларнинг кўпчилиги уни ғирт жинни экан деб ўйлай бошлаганида профессор бемордан тагин сўраган:

– Нега айнан шуларни танладингиз?

Касал эса шундай жавоб қилган:

– Иккиси ҳам ўзидан кейин из қолдиради”.

Бу гапдан табиийки, ҳамма ҳайратда қолган.

Китобдаги ана шундай қизиқарли мисоллар уни бойитиб, қизиқарлилигини ҳам янада оширган.

ЭНГ АВВАЛ ОБРЎМИ ЁКИ ДАРОМАД?

Инсон табиятан ўта мураккаб. У қачон яшаши, қаерда бўлишидан қатъи назар ҳамиша бахтли, хотиржам, омадли, сармоядор бўлишни, шуҳрат қозонишни ҳамда тан олинишни истайди. Аммо обрў топиш ва сармоядор бўлиш ҳар кимга

ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун кишида шунга мувофиқ ақл-идрок, фаҳм-фаросат, заковат, ҳаёт зарбаларига бардош, ҳаракат ва ўзига ишонч кучли бўлиши керак. Айни шу тушунчаларнинг моҳиятини англамаган кишилар ҳаётда қийналишади. Китобни ўқир эканман, муаллифнинг шу соҳада етарлича тажрибага эга эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Сабаби, унинг замонавий психологиядаги энг сўнгги ютуқлардан яхши хабардорлиги таҳлил ва талқинлардан кўриниб турибди. “Жабр кўрмай, қайтмас одам” фаслида Эйнштейннинг улуғ мақсад билан атом технологиясини кашф этгани, кўп ўтмай Хиросима ва Нагасаки фожиаларини кўргач, энг аввал унинг ўзи қилган кашфиётидан минг пушаймон бўлганлиги ҳикоя қилинган. Биласизми нега? Масад - ҳар қандай кашфиёт ортида ундан каттароқ фожа яширин, деган ақидани исботлаб бериш. Қанчалар ҳаётий ва шунинг баробарида асосли мисол.

“Қайси йўл халоскор?”, “Омад турткиси ва омадсизликдан кўрқув турткиси” фасллариини ўқир эканман, ўзимга берадиган ва ўзим жавоб беришим шарт бўлган саволларим кўп эканлигига иқрор бўлдим.

Биз одатда бошқаларга савол беришга кўникиб қолганмиз. Йўқ, жуда кўп саволларни одам ўзига бериши керак экан. Менинг китобдан олган энг катта хулосам мана шу.

СЕВГИ СИРЛАРИ

Китобни варақлар эканман, ҳаёл мени олис-олисларга етаклаб кетди... Бу гўзал туйғуни, унинг ҳаяжон, энтиқишларини, айрилиқ азобларини қайта бошдан кечиргандек бўлдим.

Ўт-оловли ҳисларга тўла ёшлик фасли инсон умрининг энг дилбар палласи... Беназир шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу мисраларини беихтиёр пичирладим:

*Буюк истисно бор дунёда бироқ,
Бунёд этиб бўлмас уни қўл билан
Муҳаббат дейдилар уни, Муҳаббат.*

Сўзсиз, оламнинг асоси, уни тутиб турган илоҳий куч муҳаббатдир. Ер ва осмонни боғлаб турувчи кўзга кўринмас ришта ҳам фақат ишқдир. Ишқ инсон қалбини нурлантиради, олға юришга ундайди, тани ва руҳига қувват беради. Муҳаббатни кўнгил мулкига бир олий сифат, ганжи боғи маърифат, дейишлари ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ҳам ҳазрат Али (р.а): Ақл таҳорати илм билан, қалб таҳорати ишқ билан олинади, деганлар. Дарҳақиқат, қалби бўш-бўш одам жуда хавфли, чунки у ҳиссиз, худди шарпадек, исталган пасткашлик, тубанлик, ёвузликка қўл уриши мумкин.

“Муҳаббатсиз киши – ақлсиз, касб-хунар, илм-амали йўқдек хор, зор, қалби муҳрланган. Бундай одамни тасаввур қилишнинг ўзи кучли азоб, деб ёзади муаллиф. Чин муҳаббат инсонни бахтли қилади, куч-қудрат, ризқ, обрў, шижоат ва ғайрат беради. Дунёда ҳеч қандай қонунга бўйсунмайдиган ягона куч бор, у ҳам муҳаббат”. Албатта, бу қудрат олдида ҳамма ожиз, бу аксиома.

Дунёга келгандан сўнг инсоннинг энг улуғ омад-бахти севиш саодатидир. У севида адашмаса, ҳаётда кўп хато қилмайди, унга омад ёр бўлади, чунки муҳаббат унинг ҳаёт йўлини, қалбини чароғон қилиб туради, унга куч бағишлайди. Агар адашса...

Дунёда энг улуг, энг зарур ва хузурбахш ғалаба севги ғалабасидир. Чунки одамга муҳаббатсиз на мартаба, на шон-шухрат, на бойлик татийди.

Муҳаббат – фақат ҳаёл, бир орзу-ҳавас эмас, у иймондек кўринмас ва қудратли, олам ва одамни ўзгартиришга қодир илоҳий куч.

Дунёда севиш ва севилишдан гўзалроқ бахт бўлмаса керак. Севмоқ – бахт, севилмоқ – олий бахт. Севилмаслик – фожиа. Бу сўз қалбнинг бир парчасини ўпириб кетади. Муҳаббат-ўзингни тўла кашф этиш, англаш, келажак, бахт пойдевори.

ИЧКИ ХОТИРЖАМЛИК САОДАТИ

Ички хотиржамлик – бугун кўпчилигимиз йўқотиб қўйган “тансиқ” неъмат. Китоб сарлавҳасини ўқидиму, кўнглимдан шу ҳис кечди. Начора, одам боласи ўзида бор нарсаларни сезмас экан-да, йўқотгач, қадри сезилгач, афсус, надоматга ботаркан. Қачонки инсоннинг кўнгли нотинч бўлар экан, унинг ишларида ҳам, ўй-фикрларида ҳам, турмушида ҳам сокинлик, хотиржамлик, яхлитлик бўлмайди. Демак, биз энг олдин ички хотиржамликка эришишимиз лозим. Шундагина оиламизда тотувлик, ишимизда унум, тоғанимизда қут-барака бўлади. Бу китоб ўттиз бир фаслдан иборат бўлиб, айниқса, “Нима осону нима қийин?”, “Йўлингизни мураккаблаштирманг”, “Кечаги ғамдан бугунги орзу яхши”, “Шайтоннинг уйи борми?”, “Ёвузликка панд бер”, “Бахт ва балонинг шарпаси”, “Ким кимга тоқат қилолмайди”, “Иллат мутациями?” сарлавҳаси остида берилган маълумотлар мен учун ҳам қутилмаган янгилик бўлди. Сиз ҳам эътибор беринг-а: “Дунё, олам, тузум, жамият, табиат, одам, муҳит, муносабатлар эврилиб туради. Айтайлик, бир вақтлар Кўк – Тангри эди, 4-5-минг йил кейин ”мақом” маъносида қўлланди.(“тўққиз кўк”, “ётуғон”, “бўристуғра”).

Тараққиёт-да, XX–XXI асрга келиб энди “кўк” – пул – доллар! Ижодкорларгина бу илоҳий қудратли сўзни ўз маъносида қўллаётир, холос. Хўш, бунинг ғамга нима дахли бор, дейсизми, айнан бор-да!

Шоҳий сўзни қоғоз пулга айлантиргунча ўтган замон эврилишларни, топилгану йўқотилганларни сарҳисоб қилиб бўлармикан?! Балки бўлар, аммо бунинг учун Орол денгизининг сатҳича қоғоз керак. Афсуски, бу сатҳ ҳам йил, ой, кун, сония сари буғланиб, торайиб бормоқда...” Китобда мавзу баҳонасида келтирилган шунга ўхшаш турфа фикр, мулоҳазалар китобхон ақлини чархлайди.

СИЗ БАХТЛИМИСИЗ?

Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади. Ким учундир бахт саналган нарса бошқа биров учун одатий меъёр, бошқа бировга эса бахтсизлик туюлиши мумкин. Чунки бахт жуда серқирра фалсафий тушунча.

Инсон биринчи галда ички дунёсини, ботинини поклаши зарур. Инсонни бахтли ва бахтсизга айлантирадиган нарса ҳам аввало унинг ўйлари, янаям аниқроғи ниятлари. Донишмандлардан бири “Гўзал ўйла, чунки ўйларинг ниятингга, ниятинг сўзларингга, сўзларинг амалингга, амалинг феълингга, феълинг тақдирингга таъсир этади”, деган экан.

“Оила ишонч асосида мустаҳкам, бахтли бўлади, ўта инжиқлик, худбинлик, ёлғон асаблар чакнаши, бир-бирига ён бермаслик – оиланинг эгови. Буларнинг

устидан ғалаба қиладигани эса пок, самимий, икки томонлама тенг ишқ-муҳаббат, садоқат, андиша, оқибат, яна ҳамма нарсa, табиийки, ирсият, оила муҳити – тарбия, ахлоқ, имон-этикод, сабр, шукр, илм, тафаккур – интеллектга бориб таянади. Лекин уйга, ишга чин муҳаббат ишқ билан борган одам энг бахтли!” Муаллиф наздида бахт мана шу.

Ҳозир айрим ёшларда бахтни бир томонлама, фақат бойлик, кайф-сафо, “эркинлик”, шон-шуҳрат, чексиз имкониятлар, мансаб-мартаба деб тушуниш бор. Йўқ, булар асл бахт эмас, бахт учун бир воситалар, холос.

Инсон ўз қалбида, оиласида, ҳур ва эркин яшаётган миллати ичида, комил ахлоқи, дини, имон-этиқоди, яратувчанлиги билан бахтли бўлади. Инсон ҳаётини безайдиган, уни бахтли қиладиган куч аслида унинг саъй-ҳаракат, ғайрати, имон-этиқоди ва тоза ахлоқидир. Азизлар, бу менинг хулосам, сиз ҳам бу китобни ўқиб кўринг, фикрингизга муштокман. Айтинг, сиз-чи? Бахтлимисиз?!

ВАЗИЯТ ЙЎЛНИ ЎЗГАРТИРАДИМИ?

Ҳар ким ҳам ҳаётда у ёки бу тарзда мураккаб вазиятларда қолади. Ҳамма гап шу қалтис вазиятда, тўғри, оқил йўл танлай олиш заковатида.

Ҳаёт, табиийки, ўз кутилган ва кутилмаган зарблари билан сизни, атроф-муҳитни безовта қилиб туради, – дейди муаллиф, – вазиятга қараб йўл, усулни ўзгартириш, олий, энг асосий мақсаддан қайтиш эмас, унга етишишнинг ўзгачарок йўлини танлаш, тактикани ўзгартиришдир.

Ҳаёт, замон, муҳитнинг ҳамма муқаррар зарбларига жавоб бераман, деган одам янглишади. Биз шу ўта қалтис вазиятларда ўзимиз билан шафқатсизларча юзлашамиз. “Бундан-да оғирроқ ҳам бўлиши мумкин эди-ку” деб ўзимизга далда берарканмиз, ўзимизни йўқотмасликка, тушкунликка тушмасликка тиришамиз.

Биз табиятан вазиятларни тартибга солишга ҳаракат қиламиз, қанчалик қўлимиздан келади ёки йўқ, бу истеъдод, ҳаракат ва имкониятимиз, шижоат ва иродамизга боғлиқ.

Ноқулай вазиятларга тушмаслигимиз учун, энг аввало, ўзимизга дахлдор бўлмаган, бўлар-бўлмас нарсаларга аралашмаслик кони фойда. Аммо хайрли ишни кўп узоқ ўйлаш тўғри эмас, уни кечиктирмай бошлаш керак.

Ҳар қандай вазиятнинг юзага келиш сабаби, амал қилиш ёки таъсир доираси уни ўзгартириш, чамалаш, баҳолаш, бошқа ўзанга буриш, ичдан ва четдан ёки билвосита таъсир этиш йўллари, табиийки, бўлади. Бунинг учун, энг аввало, ўзингиз ва ўзгалар қандай қобилият ва имкониятга эгалигини реал билиш ва баҳолаш, ўзгалар фикри, гарчанд айрими рақиб бўлса-да, шахси ва фикрини ҳурмат қилиш ғалабага, тараққиётга йўл очади. Жамoa ичидаги мавқеингизни янада мустаҳкамламоқчи бўлсангиз, қўл остингиздагилар ва умуман одамларнинг ўтмишдаги хатоларини юзига солманг, таънадан сақланинг. Рақобат жиддий бўлиб, кутилмаганда майда гап, манфаатлар аралашиб душманликка айланган бўлса, энди сиз икки ҳисса ҳушёр бўлсангиз – вазият тақозоси.

ЁМОНЛИКДАН ҲИМОЯ МУМКИНМИ?

Ёмон(лик) нисбий тушунчами? Агар у миллат, давлат, ватан, инсоният

тараққийсига қарши куч-қудратга айланмоқчи бўлса, ҳамманинг наздида ёмон(лик), ёвузлик. Бунга иккитагина мисол: бири мўғил босқинчиларига юрт дарвозасини очиб берган сотқин Маҳмуд Ялавоч; иккинчиси – Чор Россиясига Туркистон юраги – Тошкент қамал пайтида шаҳарни қандай усул билан асир этиш йўли – Солор ариғи сувини бошқа ёққа буришни ўргатган бой – ўзимиздан чиққан ёмон(лик)лар эмасмиди? Бугунги интеллектуал одам заррадан то коинот қадар барчасини билишга ҳаракат қилаётган экан, биз ҳам, баҳоли қудрат ҳар бир яхшилик ва ёмонлик илдизи оқибатига масъулмиз.

ИЛК УЧРАШУВГА ЙЎЛ

Бир қарашда кўпроқ ёшларга тааллуқли мавзудек кўринадилар, илк учрашувга отланганларга қизиқдек. Аммо муҳаббат мавзуси абадий, эскирмас экан, у билан боғлиқ ҳар бир нарса қизиқ ва гўзалдир.

Китобда келтирилган севиш – бахт, севилиш-қўш бахт, бахт, қалбий, руҳий гўзаллик ва хотиржамлик, “эркакнинг ҳусни - унинг мардлиги”, “муҳаббатсиз уйни бало босади”, “имоннинг белгиси – ўзидан уялиш”, “шайтоннинг муҳаббати ҳирс ва нафсга”, “ҳаёсиз охири ё ҳоин, ё қотил бўлади”, “бировга ҳасад – ўзингга зулм”, “мусибат одамни тоблайди, истеъдод бўлса кўзини очади, мусибатни енгганинг жасоратига ишонса бўлади”, “XXI асрга хотиржамлик ва меҳр етишмайди” каби фикрлар муҳим ва долзарб. Сабаби: инсон ҳаёти мундарижаси айнан ана шу фикрларга кўра тузилади.

Ишқ ҳам Яратганнинг улуғ неъматидир, инояти, қарами ва нури ҳидояти. Миллатимиз буни севги, муҳаббат, дард дейди. Она-оталаримиз таъбирича айтсак, ишқ шохни гадо, гадони шох қилувчи кучга, сеҳрга, имконга эга ва ҳаммамиз ҳам шу муборақ ҳис-туйғу, шаръий никоҳ ҳосиласимиз. Аммо замон қанчалик тараққий қилмасин, муаммолар ҳам шунча кўпаймоқда. Бугун дард устига чипқон дегандек, биз шарқлилар табиат ва дидимизга анча зид “интернет севгиси” ҳам пайдо бўлди ва ҳатто анча палак ёзишга ҳам улгурди. Биз бундай муносабатларга тарафдор ҳам, қарши ҳам эмасмиз, ҳамма касалнинг табиби вақт. Лекин шу “интернет севгиси” деб қурбон бўлиб кетаётган ёш жонларни кўриб жим ҳам туролмаймиз, виждонимиз тугёнга келади.

Муаллиф бани одамзод ибтидосидир, илк буюк муҳаббат соҳиблари Одам Ато ва Момо Ҳавво ҳақида, Юсуф ва Зулайхо, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Ҳотам ва Мовия, шайх Санъон ва Тумор, Амир Темур ва Бибихоним, Наполеон ва Жозефина тўғрисида тўхталган.

Дарҳақиқат, муҳаббатнинг саройи кенг, фақат ҳеч ким йўлини йўқотмасин!

КИМГА ОСОН?

Ғалати савол. Сиз нима деб жавоб берган бўлардингиз?! Менинг жавобим аниқ: Орзу қилмайдиган одамга осон! Китобнинг номиёқ мени шундай ўйлашга мажбур қилди.

Бу дунёда ҳеч кимга осон эмас. Мену сиз ҳавас билан қарайдиган инсонлар ҳам не-не машаққат, қийинчиликлар билан орзуларига эришган.

Ҳалол инсонга яшаш осон эмас, лекин шараф. Обрў орттирмоқ учун тинимсиз заҳмат чекиш, ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб, умум манфаатини барчасидан устун қўйиш керак.

Яхшилик қилиш жуда осон иш, дейиш хатодир. Чунки яхшилик қилиш ҳам осон, жўн, шунчаки иш эмас. Шу билан бирга сукут сақлаш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.

“Уйланмаганларга осонми?” фаслида келтирилган дунёдаги етти донишманддан бир Фалес, хитой файласуфи Чжуан Цзи, инглиз файласуфи Томас Гоббс, рус мутафаккири Петр Чадаев, ҳазрат Навоийдан тортиб то Мутал Бурҳонову Мирзааҳмад Олимовгача бўлган зотларнинг оила қурмаслик сабаблари ҳам қизик ва ҳайратланарли тарзда талқин этилган.

Яна бир жуда муҳим масала, ишончга осонгина эришиб бўлмайди, кўпчиликнинг ишончига эришиш жуда қийин. Мен қанча уринмай, бирор бир кишига осон деб айта олмайман. Агар мақсад қилган нарсангизни астойдил истасангиз, ўзингизга осон бўлади. Мен шундай хулосага келдим. сизчи?!

Шу боис китобда келтирилган бир тўртликни Сизга илиндим:

*Учрашди дунёнинг икки зўр пири,
Уларни қийнарди дунёнинг сири.
Бири йиғлаб деди: – уни тушундим,
– Тушунмадим, – дея йиғларди бири.*

ЎРГАНИШНИ ЎРГАНАМИЗ

Дунёни ўрганишни ўрганаётган одам яшаш, кураш завкига тўлади, комил ва бунёдкор бўлаверади. Биласизми, дунёдаги бадбахт одам ким? Бу ўрганишни истамаган одам. Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим, деган машҳур шоҳ байт замиридаги улкан маъно ҳазинасини англаш ҳам саодат.

Хўш, ўрганишни ўрганиш учун нима қилиш керак? Китобдан айтиш шундай саволга жавоб бериш мақсадида муаллиф ўн олтита жуда муҳим маслаҳат беради, агар уларга амал қила олсак, ғалаба биз томонда бўлишига шубҳа йўқ. Замонавий тил билан айтганда, инсонга мотивация берадиган бундай кўрсатмаларнинг аҳамияти бекиёс.

Ҳаммамизнинг табиатимизда омадсизлик, мусибат, йўқотишларни, молиявий инқирознинг илдизи, асосини ўзгалардан излаш, кўриш бор. Бу масала-муаммода ҳам ўз-ўзимизга танқидий, холис қарашни ўрганишимиз лозим. Муаллиф шу муаммога ечим сифатида бир тарихий мисол келтиради: “Дунёда тасодиф йўқ, бўлмайди ҳам. Эдисон деган олим чироқ ёнмаслигининг 2000 та йўлини аниқлаган. Ёнишига эса сабаб битта!”

Ҳамиша ўзингизнинг омад ва бахтингизни, даромад оқимингизни кучли ҳимояланг. Инқироз, мағлубият, омадсизлик асаб кўзгайди, жahl, ғазаб, нафрат, алам, ғам туғдиради. Бундай пайтларда иродаси заиф одам ўзининг йўлини йўқотиши ҳам мумкинлигини унутманг. Айтмоқчиманки, биз XX аср дунёси – саноат асридан ахборот юз йиллигига ўтдик, бу аср интеллектуал ғоялар, тадбиркорлик ва шафқатсиз рақобатлар асри. Бундай асабий, эҳтиёжлари чексиз, уруш оловлари ҳам ўчмаган, этник можаролар ҳам ҳамон давом этаётган, турли касалликларнинг янги турлари пайдо бўлаётган, қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар, одам савдоси авж олган, табиий офатлар хуруж қилаётган, биологик ва бактериологик хавфлар камаймаган, экстремизм, терроризм вабосидан одамзод чексиз жабр-зулм кўраётган бир мураккаб замонда, балки ўтиш даврида

яшамокдамиз. Иккинчи томондан, эзгу амаллар, технология, кашфиётлар, саноат, ишлаб чиқариш сифати, самарадорлиги, ижтимоий ҳимоя, сармоядорлик, бизнес ҳам кам эмас.

Гўё қоронғилик ва ёруғлик алмашинуви абадий бўлганидек, эзгу ва ёвуз кучлар кураши абадийдек.

СИЗ ОМАДЛИМИСИЗ?

Чин омад нима? Уни қандай қилиб қўлга киритиш мумкин?! Қандай сақлаб қолиш мумкин?! Нима учун омадсизликка йўлиқамиз? Омад тасодиф билан боғлиқми ёки у ҳам ғайбӣй, тақдири илоҳӣйми? Китобдан ана шу саволларга жавоб ахтардим.

“Чин омад ҳар бир шахсинг ўз илми, ақли, хатти-ҳаракати, феъл-атвори, нияти, жаҳд ва шижоати шарофатидан келади. Омад, энг аввало, ният, эътиқод, ишонч, ҳаракатга, руҳӣй ва ақлий уйғунликка, яратиш завқига боғлиқ.

Энг олий омадли инсон бу, шак-шубҳасиз, пайғамбарлар. Улар энг оғир, қалтис, таназзул пайтларида, илоҳӣй ҳақиқатларни ерга тарғиб қилиб, халоскор бўлдилар.

Дунёда ўз қавми, эл, миллат, бутун одамзодга нажот бўлишдан улуғ омад, бахт, камол, шон-шараф борми?!”

Муаллифнинг фикрларига хайрихоҳ бўлмасликдан, уларни тасдиқлашдан бошқа иложимиз йўқ.

Омадни бошқармас эканмиз, минг машаққат, азоб, саъй-ҳаракат, меҳнат, истеъдод, йўқотишлар эвазига келган омадни саришта қила олмас эканмиз, уни тезда қўлдан бой берамиз. Кейин яна ўша машҳур масалдагидек, соҳил бўйида тешик тоғора билан қолишга мажбур бўламиз.

Ушбу психологик китобларда миллий психологик характер ва муносабатлар инобатга олинган. Миллий қобикдан чиқиб, умумбашарӣй олампий муаммолар инсон табиа̀ти, тийнати, ахлоқ, эътиқод, маслак билан боғлиқ ҳолда синтез қилинган. Шарку ғарбнинг машҳур давлат ва сиёсат арбоблари, санъаткорлари, турли касб эгалари ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир одамга ибрат бўлиши мумкин бўлган воқеалар тафсилоти саралаб олинган. Илоҳӣй таълимотлар, айниқса, Қуръони Карим ва ҳадислардан, ибратли ҳикматлардан олинган иқтибослар мавзуларга мос сингдирилган. Китобда кўплар учун янгилик бўлган факт ва рақамлар мавжуд. Бу фанлар чорраҳасидага психологик китобларнинг менга манзур бўлган яна бир жиҳати ниҳоятда содда, самимий тил билан ёзилганлиги, заминийлиги, ҳавойи, баландпарвозликдан узоқлиги, ҳар бир фикр Дейл Карнеги усулида ҳаётий фактлар, воқеа-ҳодисалар билан бойитилган ва ёритилгани билан ҳам боғлиқ. Китобхон ҳар доим ана шундай ўзига бегона бўлмаган асарларга эҳтиёж сезади.

Юрагимга яқинлашиб тур



Азиз НУР

* * *

Бир кун,
бошқача бўлади ҳаммаси,
бошқача айланар дунёлар, ростим.
Унгача кулмайман, бу кунларимга
Раво кўрмагайман кулгу овозин.
Бир куни чинорлар гуллайди вақтли,
Кўкка сингиб кетар адоқсиз туман.
Бугунга айланган эрталар ҳаққи,
Мен унда йиғлашни билмайман.
Худо ёрлақан йўлларим бордир,
Бир кун парвоз қилар қанотсиз жуссам.
Мени кузақда ҳам топа олмайсан,
Сендан юз бураман азизим, ғусса?!

Баъзида кечикиб келар поездлар

Баъзида кечикиб келар поездлар,
баъзида кечикар трамвайлар ҳам.
Кечикиши мумкин айтилган вақтдан
бир неча соатга, кутилган одам...
Ҳаттоки кечикиб отар баъзан тонг,
соат ҳам кечикар, миллар имиллаб.
Кимдир кечикканда, кимдир кутади,

Азиз Нур – 1996 йилда Фарғона вилоятида туғилган. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

соғинчда ичикиб ҳаттоки йиллаб.
Фақат у кечикмас айтилган жойдан,
ёзилган фурсатдан сония, ҳозир.
Фақат биз кечикиб қолмасак бўлди,
то етиб келгунча элчи – Азроил...

Фақатгина сенга бораман

Юлдузларнинг юзи қоронғу,
Нур кўринмас кўкнинг кўзида.
Яратувчим бир дунё кўрсат,
Ёруғ дунё, битта ўзимга.
Миллион йиллик жазо етмасми,
Миллион йиллик ғам ётар босиб.
Бир имо қил, то Маҳшаргача
Нафс, тақиққа бўлайин Осим.
Кунда беш бор дол бўлсин қаддим,
Кўкдан ёғдир кафтимга зиё.
Кўрсат фақат, фақат бир марта
Оппок дунёнг, оп-оппок дунёнг.
Яшаб берай кейин энг тоза,
Энг бокира ҳаётни илло.
Фақатгина сенга бораман,
“Бисмилло-о-о!”

Мен ухладим...

Мен ухладим, уйкуларимда
ҳаловатнинг куши сайради.
Тунларимда яшнаган ором,
кундузимда куздай сарғайди.
Қувғин этиб хуш тушларимни
тонгги қуёш қилдими ҳузур.
Тонгдан шомга еткизар йўллар,
эх-ҳей, узун,
мунчаям узун.
Шом чўккунча чўкди елкалар,
ҳаммол бўлиб дун оғиридан.
Ҳар нарса пул...
Бир дунё ғамни
бепул олдим, расво ўғриман.
Эээ!
Барига қўлим силтадим.
Уйку миллион ўйни йиқитди.
Асли менмас, дунё уйкуда
авраб мени четга ирғитди...

* * *

То тонггача ғусланди кўз,
Туни билан покланди мижжа.
Мен Худога йиғладим бетин
Юрагимга яқинлашгунча!
Мен тиландим, ишқ бўлди насиб,
Гуллаб кетди қақраган Каъбам.
Ишқдан сармаст шеърга айланди
Нафасимдан чиққан калимам.
Бир ҳаловат топди тану жон,
Рух бўшалди, парвоз этар хур.
О, Худойим, ҳар замон шундай
Юрагимга яқинлашиб тур...

* * *

Сен билмаган дунёлар ҳам бор,
сендан олис,
юрақдан олис.
Гуллаб ётар тўрт мавсум баҳор,
кишдан олис,
кузақдан олис.
Сени танимаган бахтлар бисёрдир,
сен хабар олмаган орзулар сероб.
Кўнглингдан тортқилаб юрганлар бари
ғамларинг саробдир,
ситамлар сароб.
Сени етаклаган дардлар лаҳзалик,
лаҳзалик, дилингни қайғу ўткинчи.
Бу тошли, тиканли йўллар адоқли,
сабр қил,
ўткинчи,
бари ўткинчи...
Сени кутган дунёлар ҳам бор,
ғамдан олис,
армондан олис.



Бадий сюжет яратиш маҳорати

Дамин ТЎРАЕВ

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида сюжет ва композиция муаммолари миллий адабиётимиз берган бой материаллар таҳлилидан келиб чиқиб, ёзувчи маҳоратини намоён этадиган, бадий ғояни етук ва таъсирдор шаклга киритадиган муҳим бадийлик компонентлар тарзида баҳоланмоқда. Бадий сюжет яратиш маҳорати нуктаи назаридан Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романини таҳлилга олиб қарайдиган бўлсак, ундаги ранг-баранг воқеалар романнинг кўп тармоқли мураккаб сюжетини юзага келтирганига гувоҳ бўламиз. Демак, “Икки эшик ораси” романи мураккаб сюжетли асарлар сирасига киради. Энг муҳими, ёзувчининг мураккаб сюжет яратишдаги маҳорати шундаки, бадий сюжет воқеаларини – романдаги образларнинг ўзаро алоқалари, улар ораларидаги қарама-қаршилиқлар, муносабатлар, у ёки бу характернинг тарихи, ташкил топиб бориши, ўсиши кўзгусига айлантириб юбора олган. Бу мураккаб сюжетда ўзбек халқи босиб ўтган қарийб қирқ йиллик давр қамраб олинган. Энг мушкул синовлардан ёруғ юз билан ўтган инсонлар ҳаёти роман саҳифаларига ёрқин нур сочиб турса, мушкул дамларда фақат ўзини ўйлаган, ўзлигини йўқотиб, шармандалик ботқоғига ботган, ташқи кўриниши гўзал бўлсаям, руҳий дунёси чиркин бўлган баъзи инсонлар ҳаёти ҳам асар ғоясининг ёрқинроқ ифодаланишига, сюжетнинг таъсирдор чиқишига хизмат қилган. Хуллас, “Икки эшик ораси” романининг мураккаб сюжети унинг ғоявий мазмунидаги мураккабликдан келиб чиққан ва ҳар бир ҳикоячига даврнинг залворли ғояси юкланган.

Маълумки, характерлар мантиқи бадий сюжет яратишнинг бош оқимини ташкил этади. Ана шу оқимда роман бош қаҳрамони, қурилиш йиғув бригадасининг бошлиғи Музаффар Шомуродовнинг давр билан бирга босиб ўтган яшаш ва кураш йўли алоҳида жозибали (магнит) майдонини ташкил этиб, роман сюжетининг ғоявий-ҳиссий, ғоявий-фикрий яхлитлигини таъминлайди. Роман “Совуқ хабар” деб

Дамин ТЎРАЕВ – 1946 йилда тугилган. Қарши давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Ҳаёт ва сюжет”, “Ўзбек адабиётида реализм масалалари”, “Бадий талқин йўлларида”, “Ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси”, “Давр ва ижод масъулияти”, “Рангин тасвирлар жилоси”, “Янги ўзбек адабиёти”, “Мумтоз ижод сабоқлари”, “Ҳаёт манзаралари” каби монография, рисола ва эсселар тўпламлари нашр этилган.

номланган воқеа тасвиридан бошланади. Музаффар ишдаги кўнгилсизликлардан эзилиб, уйга қайтиб, ўзини чақалоклигида ташлаб, бошқа эр, бошқа оила қуриб кетган онасининг ўлим хабарини эшитади ва йўлга отланади. Йўлда минг хаёллар гирдобда қолади. Айни шу хаёл гирдоби роман сюжети тўқимасидаги бош йўналишни ошкор этади.

Ёзувчи ўз мақсадини китобхонга етказишда, энг муҳими, композицион мукамалликни юзага келтиришда сюжет имкониятлари тақозо қилган, баъзида эса ўткинчи бўлган воқеалардан ҳам унумли ва ўринли фойдаланишга интилади. Жумладан, бош қаҳрамоннинг хотиралари роман сюжети тўқимасининг ранг-баранг жилолари сифатида кўзга ташланади. Кўринадики, онанинг ўлими тўғрисидаги совуқ хабар – тасодифий шамол бўлиб, Музаффарнинг эшиги беркитилган омбор – хотирасининг эшигини очиб юборади. Роман сюжети ана шу хотиралардан тўқила бошлайди. Ёзувчининг сюжет яратишдаги маҳорати шундаки, романда воқеани ҳам, сўзни ҳам образ бошқаради. Биринчи қисм “Кичкинтой Музаффар ҳикояси” деб номланиб, бу қисм учта ҳикоядан таркиб топган. Ҳар бир ҳикояга алоҳида ном қўйилган. Биринчи ҳикоя – “Мен, дадам, алвасти кўприк” – деб номланиб, бу ҳикоядаги хотиралар қаҳрамоннинг беш ёшлик давридан бошланади. Ҳикоядан ҳикояга ўтилгани сари тиниб-тинчимас бола характери, ҳамма нарсани кузатувчи, ўз ёшига мос хулосалар чиқарувчи, атроф-теварагида юз бераётган воқеалар тўғрисида ўз ҳукмини чиқарувчи бола кўз ўнгимизда намоён бўла боради. Бола нигоҳи билан теварак-атрофдаги воқеалар кузатилиб, бу воқеалар образ ва характерларга шу қадар боғланиб кетганки, ҳар бир воқеа бош қаҳрамон характерининг ўта кузатувчан, фикрловчи, барча ҳодисаларга қизиқувчи жиҳатларини бирин-кетин оча боради.

Рус ёзувчиси Антон Павлович Чеховнинг бир гапи бор. У ёзган эди: “...Қаҳрамонлар... ичидан фақат биттасини танлайсан... уни маълум бир ҳолатга солиб фақат уни тасвирлайсан, таъкидлайсан, бошқалар эса унга фон вазифасини адо этган ҳолда асарнинг барча жойларига сочилади. Бош қаҳрамон гўё ой, бошқа образлар ой теваарагидаги майда юлдузлар...”. А.П.Чехов эслатган ойга ўхшаш бош қаҳрамон “Икки эшик ораси” романида ҳам бор десак, муболаға бўлмас. Бирон бир эпизод, бирон бир образ йўқки, романда Музаффар тақдири, характери билан боғланмаган бўлса. Асар композициясидан ўрин олган барча воқеалар ва образлар унинг онги ва руҳиятидаги ўзгаришларни бошқариб туради. Хусусан, кичкина Музаффар ҳикоясидан унинг отаси, Қора аммаси, Робия образларининг бутун киёфаси, қилиқлари, хулқ-атворларини билиб бориб, унинг онасиз қийналиб ўсаётганлигидан хабар топамиз.

Ёзувчи ҳаётий воқеаларни тасвирлаб, характерлар яратишга алоҳида аҳамият беради. Қора амма ўз укаси Шомурод ва унинг онасиз ўсаётган Музаффари аҳволини кузата бориб, асранди қизи Робияни (бу қиз шу кампирнинг ўғли Кимсанинн севади, у урушга кетиб, бедарак йўқолган бўлса ҳам уни интизорлик билан кутади) Шомуродга тегиб, Музаффарга она бўлишга ундайди. Бу ўринда сюжет тараққиёт мантики характерлар мантикидан келиб чиқиб, жуда кучли асосланади. Шу асос – урушни лаънатлаш – Шомуроднинг оиласи бузилишига ҳам, Музаффарнинг онасиз ўсувида ҳам, Робиянинг ўз сеvimли йигити Кимсандан жудо бўлишида ҳам, Қора амманинг фарзанд доғида куйишида ҳам сабаб бўлгани қалбларга титроқ солувчи қудратга эга. Ёзувчи биринчи қисмдаги воқеалар мантиқини урушнинг одамлар қисматида оғир жароҳатлар қолдиргани билан асослаган. Шу йўл билан сюжетда

таъсирдорликка эришган бўлса, иккинчи қисмда воқеалар ўрнини ва пайтини янада олдинроққа – 30 йилларга кўчириб, асосий образлардан бири – Робиянинг қисматида шахсга сиғиниш йилларининг фожиаларини, тухматчилик устун келиб, оддий одамларнинг қалби жароҳатланганини чуқурроқ очишга интилади. Ёзувчи ҳаётда мавжуд бўлган воқеаларни ўз романи сюжети тўқимасига олиб кирар экан, уларнинг ўрнини ўзгартириб, таъсирдор фабула яратишга интилади. Романнинг дастлабки саҳифаларидан кичкина Музаффарнинг онасиз ўсаётганини (сени – отанг туққан – Қора амма ҳикояси) биламиз. Бироқ, кичик Музаффарнинг онаси ким, қандай сабаблар билан шундай аҳвол юз берганини ёзувчи вақтинча китобхонлардан сир тутиб туради. Ана шу хил асослашлар, сир тутишлар бадийий сюжет таъсирдорлигини таъминлайди.

Романнинг биринчи қисми кичкина Музаффарга бағишланган бўлиб, унинг сўнггида Робиянинг Музаффарга ўғай она бўлиши тўғрисидаги хабар тасвирга киритилгач, иккинчи қисм бутунисича Робияга бағишланишини тақозо этар эди.

Ёзувчи сюжет тараққиётидаги ана шу ҳаётий мантиққа содиқ қолиб, Робия ҳикояси орқали унинг бутун хотирасини титкилаб кўради, асли самарқандлик бўлган бу оиланинг қандай инқирозга учрагани, тошкентлик бўлиб қолиш тарихи, Қора аммага асранди қиз бўлиб қолиши, Қора амманинг ўғли Кимсан билан ўтган ширин болалик йиллари, улар қалбида муҳаббатнинг куртак отиши, лаънати урушнинг бошланиб кетиши туфайли уларнинг оилавий бахти фожиага айлангани сингариларни – Робия характерини очувчи воқеалар тарзида саралаб олади. Робия тўққиз яшарлигидан бошлаб ўз хотираларини эслай бошлайди. Сюжетда Қора амманинг Робияга Шомурод учун совчи бўлгани жуда ҳам даҳшатли фожиа бўлиб туюлади. “Бу қандок бедодлик? Шомурод тоғани кичкиналигидан “ада” деб ўрганиб қолганман-ку. Уям мени “қизим” дейди-ку. Биламан, Шомурод тоғамга осонмас, Музаффаргайм қийин, лекин менга бегона одам эмас, келиб-келиб ўзимнинг ойим шу гапни айтса қандай чидайман”, деб қийноқлар гирдобиди қолади. Ана шу қийноқлар тасодифий шамол бўлиб, Робиянинг хотиралари эшигини очиб юборади. Ёзувчи Робия хотираси билан боғлиқ бўлган тарихий воқеаларни сюжет тўқимасига олиб кирар экан, кўпроқ фожиали ҳолатларни танлаш орқали ҳаёт гўзаллигини очишга эътиборни кучайтиради. Робиянинг отаси қанчалик тухматлар гирдобиди қолмасин, барибир жамиятга садоқатини, инсонийлигини йўқотмайди. Ана шу гўзаллик ёзувчини қанчалик ҳайратга солган бўлса, китобхонларни ҳам ўшанчалик ҳайратга сола олади.

Бизга турмушдан шу ҳақиқат аёнки, жамият тарихидаги ҳамма воқеаларнинг яратувчиси инсондир. Шу ақидадан келиб чиқиб, Робиянинг отаси бошига тушган фожиаларнинг сабабчиси Умар закунчи ва унинг тоғаси прокурор Хўжакулов эканини очиб, шахсга сиғиниш йилларидаги ҳаётнинг янги бир хунук томонини очиб ташлайди. Шу хунук воқеага сабабчи шахслар мақсадининг муҳим йўналишини, бундан кейин Робия тақдирида рўй берган воқеа ва ҳодисалардан келиб чиқадиган хулосани таҳлил этиб, ёзувчи ҳаётдаги гўзалликни Оқсоқол бува, Хусан Дўма, Қора амма, Кимсанларнинг фаолиятларида ифодалаб, ҳаммасини бир композицион марказга йиғиб, умумий бир объектив маънони, яъни яхшиликнинг ёмонликдан устун чиқишини ғоявий хулоса сифатида ёрқинроқ очиб беради. Сюжетда характерлараро муносабат занжирсифат бир-бирига боғланиб кетаверади. Агар бош қаҳрамон Музаффарнинг аянчли тақдири сабаб бўлиб, Робиянинг сюжет тўқимасидан асосий ўринлардан бирини ишғол қилиш заруриятини келтириб

чиқарган бўлса, Робиянинг саргузаштлари прокурор Хўжакулов ва унинг жияни Умар закунчиларга бориб боғланиб, қаҳрамонлар ҳаракат қиладиган шароитни юзага келтиради ва сюжет чизикларини кўпайтиради. Шундай қилиб, роман сюжетида яна бир асосий образ – “Қизил деҳқон” колхозининг янги раиси Хўжаев пайдо бўлади. Образлар сони ҳам роман саҳифалари ошган сайин кўпая боради. Ўша давр типик шароити билан боғлиқ колхоз ҳаёти тасвирда етакчилик қиладди. Умар зукунчидай ифлослар, қаҳри қаттиқлар бошчилик қилган жойларда кўпгина оилаларнинг бошига фожиа ёғилиши – типик шароит тарзида қаламга олинган. Хўжаев икки йил раислик қилар-қилмас бир-бирдан ваҳимали гаплар тарқалади. “Шаҳарда закунчининг суянган тоғи бор экан. Хўжакулов деган тоғаси каттакон прокурор эмиш. Қасдлашган одамани халқ душмани деб қамокқа тикармиш”. “Дўмбирободдаги олтинчи бригадада Аҳмад полвон деган кетмончи хотини туғиб икки кун далага чикмаган экан. Закунчи ўн йилга кестириб юборибди. Буғалтер Соли сўпоқ Закунчининг хабаркаши бўпти. Кимнинг уйида нима бўлаётганини ёзиб юрармиш...” ва ҳоказо. Шу хил миш-мишлар халқ орасида тарқалгач, раисдан ҳамма кўрқиб қолади.

Ёзувчи тасвирга шароитни характерловчи деталлар киритади. Хусусан, ёзувчи китобхонлар қалбига илиқлик соладиган жозибатор лавҳаларни яратиб, ҳаётнинг ёрқин нур сочиб турган томонига эътиборни қаратади. Робия ҳикоясида Умар Закунчи билан боғлиқ фожиалар силсиласи берилади. Кимсан билан ишқий муносабатлари тасвири эса ҳаётни қайта қуришга, уни инсонийлаштиришга қодир бўлган янги авлод етишиб келаётганидан огоҳлик беради. Сюжетда Робия ҳикояси орқали берилган воқеалар оқими урушга келиб боғланади. Уруш воқеаси сюжетдаги бутун тугунларни юзага чиқарувчи барча образларни синовдан ўтказувчи ёвуз ва қудратли бекиёс куч сифатида тасвирга киритилади. Ана шу уруш Робияни севган йигитидан жудо қиладди. Музаффарни онасидан, Шомуродни хотини Раънодан айиради.

Шундай қилиб роман композициясидан уруш даврининг кўп қиррали тасвири ўрин олади. Учинчи қисмга келиб, уруш даври тасвирда етакчи сюжет чизигига айлангач, ҳикоячилар сони кўпайтирила борилган. Робиянинг ҳикоясида уруш туфайли севимли Кимсандан бемаврид жудо бўлган аёлнинг дарду аламлари, урушни лаънатлаш, шу билан бирга ҳаётга муҳаббати аралаш-қуралаш тарзда гоҳ унинг қўшнилари – Фотима-Зухра келинлар билан муносабати, гоҳ иккала ўғлини ҳам ҳеч кимга билдирмай, ҳарбий комиссариатга олиб бориб, урушга жўнатиб келган қўшни бобонинг ҳиммати билан чатиштирилиб берилади. Кимсан, Робия ва Очил сюжет шохобчаларида уруш даврининг зиддиятли муҳаббати тасвирга олинган бўлса, Қора амма ҳикоясида Кимсандан келган хат сабаб бўлиб, Робия ва Кимсанларнинг унаштирилган тўйи бўлиб ўтиши, сўнгра Кимсандан қора хат келиши, Робиянинг бошига оғир кунлар тушиши каби сюжет чизиклари асар композициясида ҳиссий ва фикрий бир бутунликни юзага чиқаради. Ана шу ҳиссий ва фикрий яхлитлик ёзувчининг ҳаёт материаллини яхши билишини, шу материаллар қат-қатига яширинган ҳаёт ҳақиқатини асос қилиб олиб, бадийй сюжет яратишдаги маҳоратини, ҳар бир ҳикоячининг хотиралари ва саргузаштлари воситасида китобхонларнинг дилига йўл топа олганини кўрсатиб туради.

Гарчи романда сюжетнинг бош йўли сифатида бош қаҳрамон Музаффарнинг хотиралари танланган бўлса ҳам, Робиянинг ҳаёт йўли, шунингдек Робия вояга етган Хусан душманнинг оиласининг, айниқса Қора амманинг, шунингдек Шомуроднинг

хотини, Музаффарнинг онаси – Раънонинг, табибнинг ўғли Олимжоннинг, Умар закунчининг ҳаёт йўллари ҳам ана шу катта сюжет йўлига тутшиб кетган йирик сюжет шохобчаларидир.

Ўз-ўзидан англашиладики, “Икки эшик ораси” романида бош сюжет чизиғи асосан Музаффар характери орқали шаклланади. Романнинг дастлабки бобларида у онасиз қийналиб, отасига ҳам, ўзига ҳам, Қора аммасига ҳам озор бериб ўсаётгани тасвирланади. Ёзувчи ана шу беш яшар бола нигоҳи билан теварак-атрофдаги ҳаётни кузатади, баҳолайди, тушунтира боради. Унинг нима учун онасиз ўсаётганини вақтинча китобхонлардан сир сақлайди. Шу ёш бола нигоҳи билан Қора амма ҳаёти, Робия опасининг ўзига ўғай она бўлиб қолиш тарихи, ўзбек урф-одати, тўйлари, уруш давридаги болалар турмуши, мактаб ҳаёти бир марказга йиғилади. У ўсиб-улғайган сари воқеалар кўлами ҳам кенгая боради. Композиция тасвирига ўқув юрти, фармацевтика институти студентлари турмуши, Музаффар ва Мунавварлар севгиси, Тошкент зилзиласи кириб келади. Лаънати уруш Музаффарни онадан жудо қилганидек, севган қизи Мунаввардан ҳам жудо қилади. Кўринадики, бош қаҳрамон сиймосида уруш тузатиб бўлмайдиган оғир жароҳатлар қолдирган. Ҳаётнинг жуда кўп қийин синовлари Музаффарнинг ҳалол, ростгўй, виждонли, меҳнатсевар, ҳақгўй бўлиб, ҳар қандай сохталиқ, кўзбўямачилиқ, ёлғон-яшиқнинг душмани бўлиб етишишига кўмаклашган. Шу боисдан ҳам ўз тукқан онасига нисбатан тарбиялаган онасини кўпроқ эъзозлайди. Ана шу бош қаҳрамон ҳаёт йўли билан Робия сюжет линияси ҳам ёнма-ён боради. Музаффар тақдирига Робия тақдири ҳам ўхшаш. Унинг ҳам ёшлигида онаси вафот этиб, отаси билан жуда кўп турмуш тўсиқларини босиб ўтади. Давр яратувчиси ва қаҳрамони бўлган отасини прокурор Хўжакулов ва закунчи Хўжаевлар, тухматчилар қаматиб юборгач, Хусан дума ва Қора аммалар хонадонида ўсиб-улғайиб, уларнинг Кимсан деган ёлғиз ўғлини севиб қолади. Бироқ уруш уни севган бахтидан ҳам бенасиб қилади.

Ёзувчининг сюжет яратишдаги маҳорати шундаки, уруш давридаги колхоз ҳаётини, кўни-қўшниларнинг уруш туфайли тортган жабр-жафоларини ёш Музаффар ҳаёт йўли орқали тўла кўрсатиш имконияти йўқлигини чуқур идрок этиб, Робия сюжет чизиғидан усталиқ билан фойдалана олган. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда Робия сюжет чизиғи ҳам бош йўналишга ёндош эканига иқрор бўламиз. У ҳам Музаффардек романнинг бошидан охирига қадар фаол иштирок этади. Робия ҳам худди Музаффарга ўхшаб даврнинг синовларига жуда ёшлиқдан бардош бера бошлайди. Ота ҳақгўйлиги туфайли ўз туғилган жойидан бадарға бўлиб, Хусан думалар хонадонидан бошпана топади. Уларникида эркин, ўз қизидай бўлиб ўсса-да, Очилдан келган совчилар туфайли Қора аммадан дили оғрийди. Колхоздаги оғир ҳаётни ҳам, Умар закунчининг ёвузликларини ҳам ёзувчи ана шу сюжет чизиғида моҳирлик билан берган. У Умар закунчи билан жиддий тўқнашиб, унинг шилқимликларига қақшатқич зарба бериб, покизалигини сақлаб қолади. Умар закунчи кучоғида ўз номусини топтаган Раънони шарм-ҳаёсизликда айблаб, ундан жирканганини юзига тик боқиб айтади. Барно опага эргашиб, тракторчилик қилади. Ёзувчининг сюжет чизиқларини чатиштиришдаги маҳорати шундаки, покиза Шомурод билан покиза Робияни турмуш қурдириб, биринчидан урушни лаънатласа, иккинчидан нурдай покиза бўлган бош қаҳрамон Музаффарнинг давр фарзанди бўлиб ўсиши, ҳақиқатгўй бўлиб етишуви сабабларининг ҳаққоний тасвирини беради. Агар ёзувчи Музаффар ҳикояси билан Робия ва Шомуроднинг тўйлари, ўзбекчилик урф-одатларини, фарзанд кўргандаги расм-русумларини

тасвирда жонлантириб, сюжет тўқимасига киритган бўлса, Робия ҳикоялари орқали кўпроқ уруш даврининг фожиаларини, айниқса Ориф оқсоқол хонадониди юз берган Зухра келин билан боғлиқ, бир томони иснод, иккинчи бир томони исёнга боғланиб кетадиган ишқий-интим можароларни сюжет тўқимасига киритади. Умр бўйи юртнинг етакчиси бўлиб келган Ориф оқсоқол уруш туфайли эгизак фарзандларидан айрилади, кичик келини Зухра иснодга қолдирганда ҳам уруш бошига тушган жудоликлар ҳаққи, қон ютиб юрган инсонлар ҳаққи, номус ҳаққи, жангда жон фидо қилган аскарларнинг руҳи поки ҳаққи, келини ва унинг ўйнашини тошбўрон қилдириш ўрнига уларни никоҳлаб, эл-юртнинг ҳайратига, даҳшатли ва ўқинчли эътирофига сазовор бўлганини юрак тўла Робия қуйидагича ҳикоя қилади:

“Халойиқ! – Ориф оқсоқол оломонга юзланди. – Зўрани келиниммас, қизим дегандим. Афсус, толе уни боладан сикди. Агар ақалли битта боласи бўлганида, Зокиримдан битта зурёд қолганида, – унинг овози тираб кетди. – Зўра менга битта неvara туғиб берганида мана шу қилмиши учун ўз қўлим билан чопиб ташлардим. Неvarамни тирик етим қилганимдан кўра, ўлик етим қилиб, ўзим боқардим. Нораства болани ҳаром онанинг кўлига бериб қўймасдим... Шокиримга берган туғини Зокиримдан аяди. Давлат билан фарзанднинг эрта-кечи йўқ. Болам тирик бўлганида, Зўра қўчқордай ўғил туғиб берса ажабмасди. Уруш бўлмаганида балки бугун неvara тўйи қилармидим... Нима қилай, пешонамга сиғмаган экан. Зўраям ўзимнинг фарзандим. Йўлига тўғанок бўлсам гуноҳга ботаман. – У кутилмаганда икки букилиб одамларга таъзим қилди. Қўлидаги болта тарақлаб ерга тушди. – Мени маломат қилма, халойиқ! – деди илтижоли оҳангда. – Ҳозир манави айтди, – деди тирсаги билан зақунчига имо қилиб. – Белинга белбоғинг йўқ, деди. Майли, ҳар кимнинг гуноҳ-савоби ўзига. Белимда белбоғим борми, йўқми унисини халқ билади. Аммо лекин бошқа иложим йўқ. – У соқоли титраганча домлага буюрди. – Бошла!...

– Бас! – Оқсоқол хотинининг устига бостириб борди-ю, бирдан чўккалаб қолди. – Қўй, хотин, ёмон ният қилма. Қўй, онаси, буям боланг-да! Буниям бахтини ўйлашинг керак-да, хотин. Сен билан мен эртага бормизми, йўқми... Ана домла айтди. Эри ўлган хотин олти ойдан кейин боши очик бўларкан. Зўра бир ярим йилдан бери бева-ку, онаси...

Холпаш хола баттар ув солди...

– Нимага анқаяпсан, хов! – Оқсоқол оғир қўзғалиб ўрнидан турди...

– Бўлсанг-чи! – деди домлага.

Бир зумда ҳамма расм-русум тугади... Ҳовлидаги оломон – айвонда турган бобом, Умар зақунчи, Исмоил мелиса – ҳамманинг оғзи очилиб қолган эди...”

Робия билан боғлиқ сюжет чизиғига ёзувчи кўпроқ фош этувчи ғоявий вазифа юкланган. У фақат фош этиш билангина чекланмайди. Ўз бахти учун аёвсиз курашга киришади. Очилнинг севгисини, совчиларини рад этади. Умар зақунчи ҳужумларига ҳужум билан жавоб қайтариб, шармандали ҳолатда уни ярадор қилиб ташлаб кетади. Севган йигити Кимсандан “қорахат” келганда ҳам уни узоқ йиллар ишонч билан кутади. Хуллас, ёрқин нурдай поклигича қолаверади.

Роман композициясида ҳар бир ҳикоячи битта сюжет чизиғини ташкил этади. Бироқ, бу сюжет линияларининг ҳаммаси бош қаҳрамон сюжет линиясигау ёки бу томондан келиб боғланади, бош сюжет оқимининг шиддатини оширади. Масалан, Шомурод – Раъно – Умар зақунчи сюжет линияларини олайлик. Буларнинг барчаси Музаффар тақдири билан узвий боғлиқ. Агар Музаффар бўлмаса бу

сюжет чизикларидаги бирлик йўқолади. Шомурод чақалоқни йиғлатиб, Умар закунчи билан айш қилаётган ёнғоқзорда хотинини хиёнат устида қўлга туширади. Бу сюжет чизигини яратишда ёзувчи ҳаётий ҳақиқатга шу қадар эътибор бериб, урушдан қайтиб келган чўлоқ одамнинг бугдой ўроғига чиқиши, тушлик олиб келадиган хотинининг йўлига интизор бўлиши ва ниҳоят ўроғи бир нарсага урилиб синиб қолгач, уйдан бошқа ўроқ олиб келиш учун йўлга чиқиб, Бўрижардан ўтиб, ёнғоқзор оралаб бораётганида чақалоқ йиғисини эшитиб, ўша томонга бурилгач, хотинининг хиёнати устидан чиқиб қолишини сеҳрли қуюқ бўёқларда тасвирлайди. Китобхон Умар закунчи билан Раънонинг ифлос ишларидан анча олдин, Шомурод армиядалик вақтидаёқ Робия ва Олимжонлар воситасида таниш бўлгани, кейинчалик Раънонинг ҳикояси орқали Умар закунчи чангалига тушиш тарихи билан хабардорлиги туфайли бу хиёнатни Шомурод томонида туриб юрак тўла ғазаб билан кузатади. Бу сюжет линиясидаги ҳаёт мантиқи бадиий ҳақиқат юксаклигига кўтарилади.

Агар Умар закунчининг сюжет тўқимасидаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, ёзувчи бу образнинг руҳий дунёсидаги асл муддаони, нимани гапирганини, нималарни ўйлаганини, ёлғон гапиришга ўрганган бу одамнинг ичида барибир ростини ўйлашини китобхонларга етказиш йўли билан бир қарашда замон юкини елкасида кўтармоқчи бўлган қаҳри қаттиқ раҳбарни, иккинчи бир қарашда “тагингда отинг борми узанги узилгунча суриб қол”, тарзида иш кўрадиган ахлоқсиз бир қиёфани гавдалантириб, жамиятдаги худбин шахснинг характерини яратишдаги маҳоратини намоён қилган. Муаллиф романнинг йигирма саккизинчи бобига келиб, Умар закунчи билан Раънонинг Музаффар туфайли ораларига кучли рақобат тушгани, Умар закунчининг Раънони ўйнаш қилиб, амалидан, обрўидан айрилганини ўқинч билан эслаши, Оқсоқолу дума бошлиқ колхозчиларнинг кимсан – илғор колхоз раисини олдиларига солиб ҳайдаганини тасвирга олиб кириш билан ҳам композицион марказдаги асар ғоясини эътибордан қочирмайди. Умар закунчи билан Раъно сюжети чизикларида нопок ишларнинг касофати ҳаёт мантиғидан келиб чиқиб, авра-астаригача очиб ташланса, Комил табиблар оиласи, айниқса Очил ва Олимжонлар фаолиятлари билан боғлиқ бўлган эпизодларда турмушнинг турли-туман тўсиқларини енгиб ўтиб, она халқининг таҳсинига сазовор бўлган заҳматкашлар сиймолари қад кўтарган. Энг муҳими, шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, бош қаҳрамон Музаффар сюжет чизиги билан боғлиқ бўлган барча ёрдамчи сюжет чизиклари ҳам маҳорат билан яратилиб, уларнинг ҳар бири характер яратиш мантиғига бўйсундирилган.

Ёзувчи “Совуқ хабар” деб номланган эпизод билан асарнинг кириш (экспозиция) қисмини яратиб, унда, биринчидан – романнинг бош қаҳрамони Музаффар эканини сездирган бўлса, иккинчидан романдаги воқеанинг содир бўладиган ўринлари – Тошкент ва Қўқон вилоятларида содир бўлишларини аңлатган. Экспозицияни роман сюжетининг бош тугуни билан моҳирона боғлаб юбора олган. Музаффарнинг икки онаси борлиги, Қўқондаги онаси вафот этганлиги роман сюжетининг бош тугуни ҳисобланади. Шундан сўнгги биринчи бобда Музаффарнинг онасиз қийналиб ўсаётганлиги тўғрисидаги бадиий тасвир воқеа ривожига олиб келади. Сюжетда орқага қайтиб ҳикоя қилиш, вақтинча сир тутиш усулларидан ёзувчи усталик билан фойдаланиб, сюжет оқими ривожига бир нечта юқори (кульминацион) нуқталарни вужудга келтиради.

Бадийй ижод қонуниятидан аниқки, сюжетнинг юқори (кульминацион) чўққиларида кураш кучая бориб, беллашувчи характерлар ёркинроқ кўзга ташланадилар, жасоратларини намоён этиб, руҳий қийноқлар гирдобидан ўтиб, бутун борлигини намоён қиладилар. Бу романда биринчи юқори (кульминацион) нуқта Робиянинг Шомуродга унаштирилиш ўринларидир. Айни шу ўринларда бир томондан Робиянинг севган йигити Кимсаннинг вафоти туфайли тортган руҳий изтиробларини, Шомуродга ноиложликдан турмушга чиқиш дарду аламларини моҳирлик билан бера билган ёзувчи иккинчи томондан беш яшарлик бош қаҳрамоннинг отани ўғай онадан қизғаниш ҳисларини шу қадар таъсирдор қилиб берадики, китобхонлар бу ёш гўдакнинг енгиб бўлмас дардга йўлиққанини ҳис этиб турадилар. Хуллас, роман композициясидаги юқори нуқталар сюжетнинг ривожда воқеалар ечимини тайёрлайди. Музаффар ўғай онага кўникади. Ёзувчининг сюжет яратишдаги моҳирлиги бош сюжетда кетма-кет кульминацион нуқталарни бера билишида кўринади. Музаффарнинг ўзи туккан онаси – Раънохон билан ўқувчилик пайтидаги учрашуви иккинчи бир кульминацион нуқтадир. Айни шу ўринларда ҳам икки жароҳатланган қалбнинг қийноқлар гирдобиди азобланишлари берилган. Учинчи бир кульминацион нуқта Музаффарнинг Мунаввардан айрилиш онларидир. Кўринадики, ҳар бир кульминацион нуқта ечимнинг муқаддимаси бўлиб, ечимни тайёрлайди ва китобхонлар қалби ва онгида чуқур из қолдиради.

Моҳир ёзувчи фақатгина бош сюжет оқимидагина эмас, балки ҳар бир ёрдамчи сюжет чизиқларида ҳам экспозиция, воқеа тугуни, ривож, кульминация, ечим сингари бадийй сюжет қисмларидан усталик билан фойдаланади. Ана шу нуқтаи назардан олганимизда, Олимжон ва Умар закунчи ёрдамчи сюжет чизиғида раиснинг янтоқ билан Олимжонни уриши воқеа тугуни бўлса, ечими Кўқон шаҳар советида раис Олимжоннинг телефон ўрнатиш дағдағаси билан кирган Умар закунчини фош этиб ташловчи ўринлардир. Маълумки, ечимда асар тугунида майдонга келиб, сюжетда ўз ривож йўлини босиб ўтган конфликтнинг ҳал этилиши, характерлар курашининг ғоявий якунга боришидир. “Икки эшик ораси” романида ижобий қаҳрамонлар оғир синовлардан ҳам ўз инсонийлигини барбод бермай ўтадилар, ёмон одамлар эса жазосини топиб шармандалари чиқади. Кўринадики, ечимда ёзувчи ҳаёт мантикига қатъий амал қилиб, бадийй бақувват, ғоявий етук роман яратган.



Авазхон ҲАЙДАРОВ

Шарқ мумтоз шеърини таржимасида шакл ва маъно муштараклиги

Шарқ шеърини таржима қилишдаги энг қийин масалалардан бири *радифни таржимада қайта яратиш* масаласидир. Бизнинг назаримизда, радифли шеърнинг ўз радифини сақлаб таржима қилиш шу радифда янги шеър ёзишдан кўра мушкулроқдир. Радифда ўзи шеър ёзган шоир жумлани, яъни шеърдаги мисра ёки байтни ўз тилида радиф бўлиб келаётган сўзнинг туриши, грамматика тақозоси билан тузиш, бунинг учун эса фикрни ёки образни ўзига маъқул ҳолда ўзгартириш имкониятига эга. Таржимон эса бу ҳуқуқдан тамомила маҳрум. У ҳам аслиятдаги радифни, ҳам муаллифнинг фикрларини, образлар системасини тўла сақлаши лозим. Бундай ҳолларда таржимон жуда тор рамкада қисилиб қолгандай бўлади. Умуман радиф масаласи анча мулоҳазаталаб, чунки кўп таржимонлар бу оғир ишни осонгина ҳал этиб, радифли шеърларни радифсиз таржима қилиб қўя қоладилар. Бу эса ғазал ёки рубойнинг мусиқийлигини, таъсир кучини йўқотади. Бу ҳақда фикримизни мухтасар қилиб, Умар Хайём рубойлари таржималарини кузатамиз:

Шоислом Шомуҳамедов таржимаси:

*Майдан бошқасига қисқа он яхиш,
Майни ҳам узатса иўх жонон яхиш.
Еру кўкдан ортиқ бир пиёла май,
Бўлмоқ маст, қаландар ҳам сарсон яхиш.*

Авазхон ҲАЙДАРОВ – 1979 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таржимонлик факультетини тамомлаган. Мақолалари республика ва хориж матбуотида чоп этилган.

Николай Стрижков таржимаси:

*Все возьмите – вина не лишайте меня,
И любовного не отнимайте огня.
Был всю жизнь я беспутным и пьяным гулякой,
Пусть таким и останусь до Судного дня.*

Эдвард Фицджеральд таржимаси:

*Whose secret presense through Creation's Veins
Running Quicksilver – like eludes your pains,
Taking all shapes from Mah to make, and
They change and perish all-but he remains*

Таржималардан ойдай равшан кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги *он яхши, жонон яхши, сарсон яхши* радифлари рус ва инглиз тилларидаги вариантларида қофияли сўзларга айлантирилган холос. Бунинг натижасида рубоийдаги мусикийлик ва ўйнокиликка сезиларли путур етган. Мазмунни қайта акс эттиришда ҳам талай ғализликлар мавжуд. Шаклни сақлашда ҳам номувофиқликлар бор, ритм бузилган. Бўгинлар микдори аслиятдаги ўн бир бўгинга мутаносиб эмас. Бу биз юқорида таъкидлаган фикримизнинг исботидир, яъни радиф таржимаси ўта мураккаб масала эканлигини яна бир қарра кўриб турибмиз. “Таржимада асар, яъни аслият қандай бўлса, мутлақ “ўшандайлигича” сақланмайди, деб таржимонларни оқлагандай бўлади, – дейди Ғайбулла Саломов. – Ҳар қандай суврат манбанинг “айнан” ўзидай бўлмагани сингари, таржима ҳам маълум даражада ўзгаришларга учрайди. Бундай ўзгаришларнинг мундарижаси хилма-хил. Ҳамонки шундай экан, таржимада “лисоний бошбошдоқлик” ҳукм сураккан, деган хулоса чиқазиб бўлмайди. Мутлақо. Таржима қонунияти асл нусхани барча бадий хусусиятлар бўйича мумкин қадар тўла ва мукамал қамраб олишни талаб этади”¹.

Буюк мутафаккир Умар Хайём одамни ахлоқий мусаффо кўришни, виждони тиник, одил кўришни орзу қилган:

Шоислом Шомухамедов таржимаси:

*Гул деди: дунёга зар сочиб келдим,
Хандону юз хандон лаб очиб келдим.
Чўнтакдан қўлимни тортиб, озода,
Бойлик, нақддин мен қочиб келдим.*

Николай Стрижков таржимаси:

*Роза молвит: “Я мир осветила добрым,
Рассыпалась я золотом и серебром.
Но никто не хотел оценить мою щедрость, –
Справедливости нет в этом мире земном”.*

1 Ғайбуллох ас-Салом. Асарлар. Эзгуликка чоғлан, одамзод. Иккинчи китоб. Т.: Шарқ, 1997. – 151-152-б.

Эдвард Фицджеральд таржимаси:

*Look to the blowing Rose about us – "Lo,
Laughing, she says, "into the world and I blow,
At once the silken tassel of my Purse
Tear, and its Treasure on the Garden throw"*

Инглиз тилидаги таржимада маъно рус тилидагига қараганда кўпроқ сақланган. Умар Хайёмнинг қуйидаги рубойисини ўқиб, унинг нақадар теран фикрловчи эканлиги, фалсафий мушоҳадага бой шахс бўлганлигини сезмаслик мумкин эмас. Эътибор қилинг:

Шоислом Шомуҳамедов таржимаси:

*Бу кўза мен каби ошиқ, зор эди,
Севгани қаро соч бир нигор эди.
Кўза бўйнидаги даста бир маҳал –
Қўл эди, ёр қучиб бахтиёр эди.*

Бу рубойини Николай Стрижков қуйидагича ўгирган:

*Был несчастным влюбленным вот этот кувшин,
Сердце пылкое в сладком плену сокрушил.
А на горлышке ручка поныне свидетель,
Как бывало объятья любви хороши.*

Эдвард Фицджеральд рубойини қуйидагича ўгирган:

*I think the Vessel, that with fugitive
Articulation answer'd once did live,
And drink, and Ah! The passive Lip I kiss'd
How many Kisses might it take – and give!*

Рус таржимони рубой мазмунини аслиятга мос тарзда акс эттира олган. Агар шеърни сўзма-сўз ўтириб қўрганингизда ҳам улар ўртасидаги муқобилликни осон пайқаш мумкин: *бу кўза – этот кувшин; ошиқ эди – был влюбленным; зор ошиқ эди – был несчастным влюбленным; бўйнидаги даста – ручка на горлышке; ёр қучиб – объять ва ҳоказо.* Булар эксплицит, ошкор, аниқ, кўриниб турган муқобилликлар бўлса, қолган шаклан ёки расман “носоз” унсурлар аслият мазмунини имплицит ҳолатда, яъни пинҳона ифодалаб турибди. Инглиз таржимони эса қучмоқ – *обнимать* феълларидан ясалган сўзларни ўнмоқ феъли билан алмаштирган.

Таржималарни кузатишда давом этамиз:

Шоислом Шомуҳамедов таржимаси:

*На исси́к, на сову́к, чиройи́ баҳо́р,
Булут гу́л юзидáн ювади́ губо́р.
Сари́к гу́лга булбу́л юра́к тилида́н
Фарёд қилиб дейди: “Ма́й ичмак даркóр!”*

○○○/○○○/○○○/○○
○○○/○○○/○○○/○○
○○○/○○○/○○/○○○
○○○/○○○/○○○/○○

Владимир Державин:

Ни холóден, ни жáрок день чудéсный, у у у / у у у / у у / у у у
 Цветы лугóв обрýзгал дождь небéсный. у у у / у у у / у у / у у /
 И соловéй поёт – мы бýдем жить! – у у у / у у / у у / у у / у у
 Склоняясь к рóзе смýглой и прелéстной. у у / у у / у у / у у / у у /

Николай Стрижков:

Чудóный дéнь нам опя́ть подарíла весна́, у у у / у у у / у у у / у у у
 Пы́ль с цветóв и дере́вьевсмывáет она́. у у у / у у у / у у у / у у у /
 Соловéй соблазняет неvíнную рóзу, у у у / у у у / у у у / у у у /
 Предлага́я ей áлоговыпити́ вина́. у у у / у у у / у у у / у у у /

Эдвард Фицджеральд:

*And David's lips are lockt, but in divine
 High-piping Pehlevi, with "Wine! Wine! Wine!
 Red Wine!" – the Nightingale cries to the Rose
 That fallow cheek of hers to incarnadine.*

Бу ерда ўзбек тилидаги шеър, талаффузига кўра, рус шеърлятидаги анапест оҳангига ўхшаб кетса, Владимир Державин уни анапест, ямб, хорей қоришмаси, Стрижков мутлақ анапест ритми билан ўгирган. Аслият ўрнида қабул қилинаётган ўзбекча матнда булут гул юзидаги ғубор, чангни ювса, Державин вазиятга аниқлик киритиб, булут эмас, ёмғир ўтлоқлардаги гуллар юзидаги ғуборни ювяпти. Тўғри-ю, лекин макон тасвирида хатолик мавжуд: аслиятда одатга кўра уйдаги, боғдаги гул, асосан атиргул, назарда тутилади, Державинда эса далалардаги ҳар хил ёввойи гуллар (Стрижковда хатто дарахтларни ҳам ёмғир эмас, баҳор – весна ювяпти) эътироф этиляпти. Ва унда хайёмона “майпарастлик”ка ишора тушиб қолган. Николай Стрижковда яна бошқача кайфият: аслиятдаги сариқ гул (Державинда қорамтир, ажиб) безубор, оппоқ деб таърифланади. Хуллас, иккала таржимонда ҳам эркинликка йўл қўйилган. Энди инглиз тилидаги вариантни кўздан кечирамиз:

Инглиз таржимони Эдвард Фицджеральд рубойининг вазни, оҳанги ва шаклини сақлашга эришган. Фақат *David's, pehlevi* сўзларининг ўринсиз қўшилиб қолганлиги мазмунга бироз хилофдай туюляпти.

Қуйидаги рубойининг мазмуни, шакли, ритми унинг таржималарида ўринли акс этган. Қиёслаймиз:

Шоислом Шомуҳамедов таржимаси:

Қўлимизда бўлса оқ бугдой нони,
 Бир коса шаробу, қўйнинг бир сони.
 Дилбар билан майли вайронадамиз,
 Бу айшни тополмас жаҳон султони.

Мазкур рубоийнинг Николай Стрижков таржимаси:

*Если рядом красота, а в сердце весна,
Если хлеба господь мне пошлет и вина,
Мяса добрый кусок и простое жилище –
Мне царская роскошь тогда не нужна.*

Эдвард Фицджеральд амалга оширган инглизча таржимага эътибор қилсак, унда нималарнинг сақланганлиги ва нималарнинг бой берилганлигини пайкай оламиз.

(Edward Fitzgerald)

*A book of Verses underneath the Bough,
A Jug of Wine, a Loaf of Bread – and Thou
Beside me singing in the Wilderness –
Oh, Wilderness were Paradise enow!*

Инглиз тилидаги таржиманинг мазмуни: атиргул остида шеърлар китоби бўлса, бир кўза шароб, бир бўлак нон ҳам бўлса ва сен дашту биёбонда менинг ёнимда куйлаб турсанг, ўша дашту биёбон мен учун жаннатдай бўлар эди! Халқда ибора бор-ку: севишганлар учун қамишдан қурилган қапа ҳам бамисоли жаннат. Кўриб турганимиздек, аслият мазмунига зарар етмаган. Ўзбекчадаги мўл-кўлчилик, тўкин-сочинликни ифодалаб келаётган *қўйнинг бир сони – мяса добрый кусок* сўз бирикмалари (балки бу эстетика ёки назокатли сўз танлаш нуктаи назаридандир) инглизча таржимада тушириб қолдирилган. Навбатдаги *бу айшни тополмас жаҳон султони* мисрасидаги маънони эса ҳайрат билан ифодалаб *Oh, Wilderness were Paradise enow* – “Дашту биёбон ҳам жаннатдай бўлар эди” деган мазмун аслий матндагидай акс этяпти.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ шеърляти таржимаси масалалари ўта мураккаб ижодий жараён. Бу айниқса, хорижий таржимонлар учун икки ҳисса қийинчилик туғдиради.

Аннотация: Ушбу мақолада Шарқ мумтоз шеърлятининг қадимий жанрларидан бири – рубоий ҳақида сўз боради, шунингдек, буюк риёзиётчи олим, файласуф, етук рубоийнавис Умар Хайём рубоийларининг ўзбекча, русча ва инглизча таржималари қиёсий таҳлил қилинади.

Аннотация: В статье рассматривается один из древних жанров восточной классической поэзии – Рубаи, а также проводится сравнительный анализ узбекских, русских и английских переводов великого математика, философа, поэта – Умара Хайяма.

Annotation: The article studies one of the ancient genres of Oriental classical poetry – Rubai, and also provides a comparative analysis of Uzbek, Russian and English translations of the great mathematician, philosopher, and poet - Umar Khayyam.

ОШ БЎЛСИН



Азиз НЕСИН

Битта жиянимиз бор. Умуман олганда жиянларимиз кўп, аммо бунақаси битта. Агар айёрликни инсон тана ҳароратидек термометр билан ўлчанса, бизнинг бу жиян шубҳасиз айёрлик бўйича жаҳон чемпиони бўларди. У қишлоқ мактабида учинчи синфни битирган ва бошқа ҳеч ерда ўқимаган, аммо ҳар қандай қирқта университетни тугатганни бир чўқишда қочиради. Оллоҳ, жоним йўлида қурбон бўлсин, жиянни шундай ақл ва шундай табиий ишбилармонлик хислати билан мукофотлабди.

Жиян турк ишсизлари кўшини уни кашф этишидан анча аввал Германияга жўнаб кетди. Ўн йил ўтгач, қайтиб келди, шундай ўзгарибди, шундай ўзгарибди, танимай қолдик – худди немис бўлиб қолибди. У немис тилини етарлича ўрганибди, туркчани бўлса, бироз эсидан чиқарибди. Туркча гапиради-гапиради-да бирдан тутилиб қолади ва “Бу қанақа бўлади?” деб сўрайди. Унинг немисчаси эса, шундай назокатлики, ҳатто оддий халқдан чиққан немисга ҳамма вақт ҳам тушунарли бўлмайди. Яна шу немисча сабабли у туркча ибораларда ҳам гоҳ охирида, гоҳ ўртасида, “Эҳ, зўй...” деб қўяди. Ана шу “Эҳ, зўй...” сиз ҳеч гапиролмайди.

Бир гал чидамадим ва сўрадим:

– Кулоқ сол, жиян, нега сен ҳар икки сўз орасида “эҳ, зўй...” дейсан. Бу нима дегани ўзи?

– Менимча, буни немисларнинг ўзи ҳам билмаса керак, аммо, улар гаплашганда “эҳ, зўй...” сиз ўтмайди. Агар у ҳақиқий немис бўлса, у вақти-вақти билан “эҳ, зўй...” деб туради.

“Эҳ, зўй...” дан ташқари жиян яна тез-тез “Йа, йа”, деб қўяди.

Биринчи келганида жиян Туркияда узоқ турмади, яна Германияга жўнаб кетди. Жияни ҳаммаси бўлиб у ерда йигирма беш йил яшади. Ҳар икки-уч йилда у Ватанидан хабар олгани келар ва одатда бизникида тўхтарди. Жияни ҳамма вақт кўп совға-саломлар билан келарди: сабаби топиш-тутиши яхшилигидан. Қаерда ва ким бўлиб ишлашини эса ҳеч тушунолмасдим. Мен муҳожирликнинг дастлабки йилларида турклар Германияда ишлашлари шартлигини билардим. Аммо аста-секин Германияда ишчи кучлари кўпайиши билан албатта ишлаш хусусидаги қатъий талаблар бекор бўлди.

Азиз НЕСИН – (1915 – 1995) Турк адабиётининг йирик намояндаси. Нафис санъат академиясини тамомлаган. Унинг “Яшасин камбағаллик”, “Майдон соатлари”, “Хотин киши бўлганимда-ю...”, “Кейин хурсанд бўласиз”, “Мушт кетди”, “Хуштак афандим”, “Футбол қироли” сингари асарлари нашр қилинган.

– Бу қанақаси, жиян, сенинг доимий иш жойинг йўқ бўлса?

– Эҳ, зўй... йўқ, шекилли... йа!

– Биз бу ерда ўзимизни ўтга-чўкка урамиз, ишлаймиз, яна зўрға амаллаймиз. Ҳа, сен у ерда ишламасанг, нима ҳисобига яшайсан?

– Эҳ, зўй... Германияда шунчалар кўп турклар яшайди-ки, менинг ишлашимга ҳеч зарурат йўқ. Йа!

Мен яхши тушунмадим, аммо қайта сўраб ўтирмадим.

– Эҳ, зўй... – тушунтирди у, – агар мен ҳамма қатори ишласам, ахир, менда шунча пул бўлармиди?

Мен барибир тушунмадим, аммо, бу чин ҳақиқат эди...

Бир куни Германиядан хат олдим: жиян Туркияда немислар билан қўшма корхона қурмоқчи. Улкан, миллиардлик, манфаатли иш. У менга яхшилик қилмоқчи: мен турк томонидан унинг шериги бўламан. Хатда у, “Мана шундай манфаатли ишга киришни хоҳлайсанми?” деб сўрабди.

Жавоб хатида бу ўзи қанақа иш, яна унинг фикри бўйича мендек бир фақир киши бундай ишга қандай маблағ билан киришим мумкинлиги ҳақида сўрадим.

Жиян келди. Унинг айтишича, немислар билан – жуда йирик ишбилармон кишилар билан келишибди. Ўша одамлар яқинда Истанбулда бўлишаркан. У мени улар билан таништиради. Айнан қандай иш очишимизнинг эса бу одамлар учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ эмиш. Уларга муҳими пул топиш. Қандай, нимадан, қандай усул билан – аҳамияти йўқ. Асосийси, фойда бўлиши керак. Бунинг ҳаммасини жиян гап орасида тез-тез “эҳ, зўй...” ва “йа” деб қўйиб менга тушунтирди. Бу ишбилармон одамлар ҳамма нарса билан шуғулланади: ҳайвонларнинг табиий ўғитидан одамнинг нажасигача, аёллар савдосидан кекса одамга ёшлик қувватини берувчи сурма дори ишлаб чиқаришгача, баликларни сунъий кўпайтиришдан туризмгача ва қарға гўштидан бедана консерваси ишлаб чиқаришгача... Ва дунёнинг ҳамма бурчакларида уларнинг гумашталари бор.

Буларнинг ҳаммаси менга даҳшатли туюлди.

– Сен-ку жуда келиштириб гапиряпсан-а, аммо ҳукуматимиз одамларга оддий ишлар билан шуғулланишга йўл қўймайди-ю?

Жияннинг тушунтиришича, ишбилармон одамлар энг ёмон ишни ҳам гўзал қилиб кўрсата олар, энг яроқсиз маҳсулотларни ҳам чиройли қадоклаб ўраб бозорини чаккон қилиб юборар эмиш. Биз олтинни чиқитга айлантираётганимизда, улар тошни марваридга, ахлатни тиллога айлантирармиш. Ҳа, улар турк ҳукумати билан келишишни уддалашади. Ҳамма гап тақдиротда, қадоклашда, рекламада ва савдолашишни эплашда.

Жиян гапини шундай яқунлади:

– Нега уларда гўё ҳеч нарса йўқдай, аммо ҳамма нарса бор; бизда эса аксинча, ҳаммаси бор, аммо ҳеч нарса йўқ? Эҳ, зўй... Айнан шунинг учун ҳам. Йа!..

Мен бу ишни чамалаб кўрдим. Қолаверса, мен ҳеч нарса сарфламасам, нима ҳам йўқотардим? Иш фақат ўша ишбилармон кишиларни яхшилаб меҳмон қилиш, дабдабали қабул маросимини уюштириш-да. Чунки, бунақа ишбилармонлар энг муҳим масалаларни дастурхон устида гаплашишади. Буни иш юзасидан гурунгами, ишбилармонлар даврасими дейилади. Уларни уйга чақириб, шундай меҳмон қилиш керакки, оғзи очилиб қолсин.

Онам ва хотиним жияннинг бу таклифини жон деб қабул қилишди, чунки уларнинг

ҳар бири ўзини тенгги йўқ пазанда деб ҳисоблашади. Чиндан ҳам шундай. Хотиним хамирни шундай юпка ёядики, нариги тарафдаги ёруғликни бемалол кўриш мумкин. Пиширган ширинликлари эса, ҳаводай енгил ва оғизда эриб кетади. Онам товук шўрвани-ю, паловни жуда боплайди!

Немис ишбилармонлари учиб келадиган кун ҳам етиб келди. Банд кишилар бўлганлари учун ҳам Истанбулда бир тун ва икки кун бўлишади. Улар меҳмонхонада жой ҳам қайд қилиб қўйишибди. Бизга фақат уларни оқшомда қабул қилиш ва овқатлантириш қоляпти. Овқатланиш ҳам кўпи билан икки соат бўлиши керак. Овқат устида эса, биз немисларга уларнинг эътиборини тортадиган нимадир таклиф қилишимиз керак.

– Нима бўлиши мумкин, а, жиян?

– Эҳ, зў... Бу ёғини менга қўйиб беринг. Мен шундай таклиф айтаманки, улар ҳайратдан оҳлаб юборишади.

Мен жияндан ҳар қалай нима таклиф қилмоқчилигини билмоқчи бўлдим. Эҳ, бу жиян... Нимани ўйлаб топибди, денг. Шаҳримизда қаровсиз итлар жуда кўп. Маҳаллий ҳокимият идоралари уларни тутишни уддалолмаяпти. У немислар билан бирга фабрика куриб, итларни тутишни, терисидан аёлларга қўлқоп ва бошқа тақинчоқлар, жунидан эса ёқа, қалпоқ, жевак ишлаб чиқаришни хоҳлаяпти. Гўшти ва суякларини ҳам бекор кетмайди, уларни қуришти ва махсус машиналарда қайта ишлаб, хонаки қушлар учун озуқа тайёрланади. У худди шу ишларни мушуклар бўйича ҳам таклиф қилади.

Қанақа ғоялар йўғ-а, бу жияннинг калласида! Бизда қаердадир иссиқ булоқ бўлиб, ўша ернинг тупроғи жароҳат ва тери касалликларида яхши ёрдам берармиш. Жиян шу тупроққа хушбўй модда қўшиб, муносиб тарзда қадоқлаб, терини озиқлантирувчи крем сифатида сотишни таклиф қиляпти. Бир грамм лой – минг лирадан!

Унинг ғоялари орасида маҳаллий ҳокимият билан кўчаларни бепул тозалаш бўйича келишув ҳам бор. Тўпланган ахлатлардан денгиз ўртасида орол барпо қилиб, у ерда туристлар учун уйлар ва бошқа манфаатли муассасалар қурилади.

Ҳаммаси зўр... Ҳозирча – меҳмондорчилик. Онам ва хотиним енг шимаришди. Ҳаракат доираларини белгилаб олишди. Шўрвани онам қилади, котлетни хотин тайёрлайди, манти ва дўлмани – хотин, ошни – онам. Паҳлава тайёрлаш ҳам хотинга тушиди.

– Ҳаражатларга танглик қилма. Сахийлик қилавер. Айтишади-ку, ғоз келиши аниқ бўлса, товукни аяма, деб. Йа!..

Демак, ҳаммаси овқатланиш пайтида ҳал бўлади. Ҳатто менга фойданинг бир фоизи тегса ҳам, барибир бу миллион бўлади...

Ҳамённи катта очдик, барибир етмади. Қарзга олишга тўғри келди: кассобдан, сутфурушдан, сабзавот сотувчидан, баққолдан. Аммо, бу муҳим эмас – яқинда миллионлар келади.

Оқшом яқинлашди. Уйда кутяпман. Қўшниларни ёрдамга чақирганман, гўё тўй қилаётгандай. Уйимиз умуман ёмон эмас, фақат ошхона идиш-товоқларини қўшнилардан олиб туришга тўғри келди.

Меҳмонлар соат еттида келиши керак эди.

Еттидан беш дақиқа ўтганда эшигимиз олдида автомобиль тўхтади. Мен чопиб чиқиб, меҳмонларни кутиб олдим: “Марҳамат, марҳамат, марҳамат...” Жиян меҳмонларга менинг гапларимни таржима қилиб турди.

Ошхонага ўтдик. Немисларни ўтказдик.

Онам шўрвани олиб кириб тарқатишни бошлагандаёқ, жиян иш ҳақида гап бошлади: “Бизда табдиркорлик имкониятлари жуда катта, ҳали ҳеч ким қўл теккизмаган заҳиралар бор...”

Жиянимнинг кейин айтишича, у бирор гап айтолмабди, чунки онам меҳмонларни сийлашга киришиб кетибди. У ҳамма вақт шундай. Чўмичи билан юриб куяверади, куяверади. Немислар имо-ишора билан кўрсатишади: етади, бас. Онам кулоқ солармиди. Жияннинг гапини бўлди-да, туркча йўсинда сийлай бошлади.

– Олинглар, олинглар, еб ўтиринглар. Ош бўлсин. Буни тўй шўрваси дейишади, жуда мазали... Енглар, Худо ҳақи.

Гапириб-гапириб туриб жиянга дейди:

– Сен ҳар бир гапимни таржима қилиб тур, тушунишлари учун.

Бечора жиян таржима қилади, кейин ялинади:

– Хола, бизга иш ҳақида гаплашишга имкон бер.

Аммо онам уни эшитишни ҳам истамайди. Ўзича немислар билан туркча гаплашади.

– Қалай, ёқдимиз?.. Мен айтдим-ку!.. Тўхта, бир қошиқ кўшиб қўй.

Немислар лаганларини қўл билан тўсишади, аммо онам амаллаб яна ва яна қуяди. Жиян иш ҳақида гап бошлаши билан онам илиб кетади:

– Қани, марҳамат... Бегонага ўхшаб ўтирманглар... Тортинманглар, енглар, енглар... (Жиянга) Айт, ейишсин, ўзларини ўз уйидагидай ҳис қилишсин.

Немисларга чинданам ёқиб қолдимиз, ё онамнинг қисташларига ён беришдимиз, ҳар қалай шўрва тугаб кетди.

Онам яна тинмайди:

– Сўрагин-чи, яна олиб келаймикин?

Шунда мен аралашдим:

– Она, бу оилавий овқатланиш эмас, ишга доир учрашув. Бизни ҳоли қолдир, иш ҳақида гаплашишга имкон бер.

Шунда навбатни хотиним эгаллади. Лаганларни алмаштирди, ўзининг қайлали котлетини олиб келди ва тили билан ишга киришди:

– Марҳамат, олинглар, енглар... Агар тузи кам бўлса, соларсиз, мана туз... Мана қора мурч... Мана қалампир... Истасангиз зира солинг... Албатта, сизларнинг таомларингизга ўхшамайди, аммо мазали, тўғрими? Тўйимли ҳам...

Ҳеч чакаги тинмайди. Иш ҳақида гапиришга қўярмиди? Э, Худо, жазосини берсин. Агар хотиннинг жағи тинса онам бошлаб қолади:

– Аччиқ-чучукдан тотиб кўринг... Сизга солайми?.. Мана помидор... Мана бу қарам... Мана бу ерда бўлса ҳар хил сабзавотлар... Енглар, қадрли меҳмонлар. Сув берайми?.. Ё айронми? Ёки қайсидир шарбатдан ичарсиз?

Котлет немисларга чамаси маъқул бўлди, шекилли, лаганларни бўшатиб қўйишди. Онам билан хотиним яна солишга ҳаракат қилишади. Меҳмонлар қайтаришади.

– Беринглар, лаганларни алмаштираман... Сиз ҳеч нарса емабсиз-ку?.. Афсус... Оч қолибсиз... Марҳамат, нон... Манавилардан кўшинг, иштаҳангизни очади... Ошқозон учун ҳам яхши.

Меҳмонларга ҳам эътибор бермай бақриб юбордим:

– Оғзингни, юмсанг-чи, эй, хотин! Гаплашиб олайлик! Эртага улар кетишади.

Хотиним хафа бўлди:

– Нималар деяпсан?.. Ҳа, қандай меҳмон қилиш керак?.. Бўпти, майли, жим бўламан.

Аммо шунда онам кирди ва лаганларга қиймали бақлажонларни сола бошлади. Албатта жимгина эмас:

– Жиндай-жиндай... Яна озгина... Йўқ-йўқ, тотиб кўрмасангиз ҳафа бўламан. Озиб-ёзиб бир келиб қолибсизлар бизникига. Худо ҳақи, енглар. (Жияга) Таржима қил, еб ўтиришсин...

Немислар қаршилиқ кўрсатиш бефойдалигини тушунишди, лаганлар бақлажонлар билан тўлди.

– Яна жиндай аччиқ-чучук... Қайсинисидан хоҳлайсиз?.. Бу кирғичдан чиққан турп, жуда фойдали... Буниси редис... Ҳа, ўз уйингиздай. Бемалол ўтиринг. Тортинманглар...

Барибир гапиргани қўймайди.

– Она, жим бўл, гаплашиб олайлик. Бу нусхалар овқат егани эмас, иш бўйича гаплашгани келишган.

На онамга, на хотинимга ҳеч қандай панд-насиҳат қор қилмасди. Бечора немислар ҳам ақлдан озай дейишди. Лунжлари шишган, тинмасдан узатилаётган шарбатларни ичишади.

– Ич, ич, овқатни ҳазм қилишга ёрдам беради. Бақлажондан яна хоҳлайсанми?.. Тортинма...

Хотиним пирожкасини дастурхонга тортиш вақти бўлди деган хулосага келди.

– Бу сотиб олинмаган, ўзим пиширганман. Енгил. Мана, қаранг... Оғизда эриб кетади. Қани, енглар, мен атайлаб сизлар учун пиширганман...

Яна гўё немислар туркчани тушунадигандай, уларга пирожкани қандай ейишни ўргатади:

– Пирожкани икки марта тишлайсиз-да, айрондан уч хўплайсиз. Бу пирожкани кун давомида тинмай ейиш мумкин, шунда ҳам едингми, емадингми тушунмайсан... Қани, марҳамат... Яна бирозгина... Сизга мана бу томондан соламан, бу ёғи қизариб пишган.

Жияннинг сабри етмади:

– Нима сизлар бизни гаплашгани қўймайсизларми? – ўшқирди у.

Хотиним эса гўё эшитмагандай деди:

– Бизда яна менда манти бор...

Мен соатга қарадим: дастурхон атрофида бир ярим соат ўтириб қўйибмиз. Аммо аёллар сабабли иш ҳақида гаплашишни ҳали бошлаёлганимиз ҳам йўқ.

– Қани, марҳамат, ловиядан жиндай олинг... Бир қошиқ бўлса ҳам... Агар татиб кўрмасангиз, сизларни қўйиб юбормайман...

– Ҳа-ҳ, нима ҳам ебсизлар, чўқилаб қўйдинглар, холос, кушларга ўхшаб...

– Ҳа, дўлмадан татиб кўришни хоҳламайсизларми?.. Мана, лимон ҳам бор. Енг, марҳамат.

– Сизлар оч қолдиларинг-ку... Ҳа, заъфаронли ош жиндайгина... Кичкина қошиқчада бўлсаям...

На жиян, на мен, на немислар оғиз очолмадик. Бир томондан онам, иккинчи томондан хотиним шўринг қургур немисларнинг қорнини тўлдирди. Ҳозир унга дўлмани зўрлаб тиқишадиганга ўхшашарди.

– Беринг, лаганни алмаштираман... Марҳамат...

– Ўз уйингиздагидай ўтиринг...

Эҳ, эшакман, эшак! Ахир, бу меҳмон кутиш анъаналарини билмасмидим? Иш ҳақида гаплашиш учун уларни уйга таклиф қилиш қайдан миямга келди. Қачон

бу меҳмонлар столимиз атрофида бекаларимизнинг сўзини бўлиб бирор сўз айта олишади? Бу ерда немислар қаердан ҳам гапирсин...

– Мана буни олинг, бундан татиб кўринг, эҳ, оч қолдингизлар, Худо ҳақи, енглар, ўз уйингиздагидай бўлинг, ошдан пича енг, қалампирдан тотинг... – шундай жўрликда ширинлик бериш вақти келди.

Хотиним немисларга тушунтирди:

– Бу ёнғокли ширинлик... Ширинликлар қироли ҳисобланади... Ҳар ким ҳам тайёрлаёлмайди... Марҳамат, енглар...

Учта немиснинг энг семизи ширинликни татиб кўрди ва юзидан тер оқиб тушди. Мендан агар немислар ейишмаса, аёлларимиз мажбурлайдиган, уриб ҳам едирадигандай ҳис ўтди... Улар бежиз меҳнат қилишдими, овқатни ташлаб юборишмайди-ку... Яхши овқат қолгунча, ёмон қорин ёрилсин, дейишадимий... Ейишнинг иложи қолмагач немислар айёрлик қилишди: оғзига кичик бир ушқоқни солиб узоқ чайнаётгандай ва кейин ютаётгандай кўрсатишди ўзларини.

Мен яна соатга қарадим: икки ярим соат ўтирибмиз. Энди агар биз хоҳлаганимизда ҳам немислар гаплашишга қуч топишолмасди, улар энди нафас олишга ҳам қийналишарди... Қарасам, немислардан бири шимининг тасмасини бўшатаётибди... Бошқаси эса овқатнинг оғир юкидан пишиллаб, ухлаб қолай деяпти...

Онам эса яна давом этарди:

– Ўз қўлим билан пиширганман... Паҳлавасиз қандай кетиш мумкин? Қўйиб юбормайман...

– Эҳ, жиянжон, таомлар беҳуда кетди,– дедим мен. – Немислар эртага кетишади. Нима қиламиз?

Жиян жавоб қилди:

– Эҳ, зўй... эртага уларнинг самолёти кеч оқшомда учади. Тушликни реторанда бирга қилишга келишамиз, ўша ерда иш ҳақида гаплашиб оламиз... Йа!..

Қарасам, терлаб ўтирган семиз бирдан чўкиб қолди, боши эгилиб, юзи кизариб кетди.

– Эҳ, вай, ўлиб қолмасайди...

Онам бўлса унга пиёлада гилос шарбати узатяпти:

– Ич, ёрдам беради... – У пиёлани шундоққина лабларига тутди.

Немис ича бошлади: у дори беришяпти деб ўйлади ёки қаршилик кўрсатиш бекфойдалигини тушунди. Аммо унинг вужуди ҳеч нарсани, бир томчи ҳам қабул қилолмай қолгани учун шарбат унинг оғзидан фавворадай отилиб чиқди, кейин эса момақалдиروқдай овоз чиқариб кекирди.

– Ош бўлсин,– меҳрибонлик қилди онам.– Мана кўрдингми, ёрдам берди.

Хотиним меҳмонлардан кофе ичишлари ҳақида сўрагада, немислардан бири ўрнидан турди ва жиянга нимадир деди. Кекирган қизил башаралиги эса оғир нафас олиб терини артди. Учинчиси мутлақо ҳаракатсиз ўтирар, жонсиздай қотиб қолганди. Биз жиян билан унинг оёққа туришига ёрдамлашдик, аммо у ўзи бир қадам ҳам босолмайдиган аҳволда эди. Биз уни икки томонидан ушладик ва судраб олиб чиқдик. Бир неча поғонали зинадан тушиш осон бўлмади. Судраб олиб тушгунимизча, жиян немисларни иш ҳақида гаплашиб олиш учун эртага меҳмонхонада бирга тушлик қилишга кўндирди. Онам билан хотиним меҳмонларни эшиккача кузата туриб ҳам барибир тинчишмасди:

– Ҳа, мана, дурустроқ емадинглар ҳам... Марҳамат, яна келинглар...

Жиян немисларни машинага ўтказди ва улар билан бирга меҳмонхонага кетди. Мен

эса уйда қолиб онам ва хотинимга ҳаммасини айтдим, э-э, нималарни вайсамадим... Аммо улар нимада айблаётганимни мутлақо тушунишмади.

Онам жавоб берди:

– Ҳа, нима бўпти? Ахир сизлар айтмадингизми, меҳмон келади, деб? Рисоладигидай кутиб олиш керак, бўлмаса биз ҳақимизда қандай хаёлларга боришади, деган ким эди?

Хотиним унга қўшилди:

– Биз анъана бўйича нима лозим бўлса шуни қилдик. Қанча нарса тайёрладик, сизлар бўлса раҳмат ҳам айтмадинглар. Энди бўлса ким билади нималарни тўқиялсан. Немислар туркларникига юз йилда бир меҳмонга келади – нима, уларни оч қўйишимиз керакмиди?

Онам билан ҳам, хотин билан ҳам аразлашдим.

Эртасига келишганимиз бўйича тушликка меҳмонхонага келганимизда немисларни у ерда тополмадик. Улардан бирини ярим тунда “Тез ёрдам” олиб кетибди – яхшиям, тезда етиб келишибди. Иккинчисининг қўзғалгани ҳоли йўқ экан, унинг ошқозонини меҳмонхонанинг ўзида ювишибди. Учинчиси эса йўқ бўлиб қолибди. Қаёққа, қачон – номаълум.

– Эҳ, зўй... иш барбод бўлди,– ранжиди жиян.– Йа!..

Мен ҳам ундан кейиноқ қайтардим:

– Йа!..

Шу воқеадан кейин менинг ақлли жияним Германияга кетворди, шекилли, чунки уни бошқа кўрмадим.

Миллионлар кетди, аммо эвазига биз учта немисга ўзимизнинг туркча меҳмондўстлик анъаналаримизни намоёйиш этдик.

Бу меҳмондорчиликнинг қарзларини ярим йил тўладим.

Рус тилидан Ҳабиб СИДДИҚ таржимаси



Ҳабиб СИДДИҚ – “Шуҳрат” медали соҳиби. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент. 1953 йилда туғилган. Андижон пахтачилик (ҳозирги қишлоқ хўжалик) институтини битирган. Унинг “Қарқулоққа танбур”, “Ким ошди савдоси”, “Тўқайга ўт тушса”, “Бедаво дарднинг давоси”, “Инглизча туш”, “Чироғи ёниқ хонадон”, “Ўрага сичқон тушди”, “Нимкоса”, “Ҳаёт йўлга ўхшайди” номли китоблари чоп этилган.



Сен томонга интилади руҳ-равоним

Светлана БЫКОВА

Шафак

Сирлару мўъжизалар –
Хув, баландда, самода
Самандар куш қанотин қоқаётибди.
Ўрмон ёнар шам каби,
Ёғдуланар осмонда,
Кўкнинг ярми қизариб, тутаб ётибди.

Ер юзин теграсига –
Азал жаннат юзига –
Пинҳона эшикларин очаётибди.
Кўк бағрида оловранг,
Қанот қоққан куш, қаранг,
Қирмизи патларини йиғаётибди.

Бадгумон қай бир жаноб,
Юз марта қайта ўйлаб,
Мўъжиза йўқ, бекор, деб айтаётибди.
Аммо уни рад этган,
Қайсидир сахий қафтдан,
Самандар куш осмонга учаётибди.

Светлана БЫКОВА – 1962 йилда туғилган. Беларусь давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Унинг “Откровение позднего лета”, “Дорога к себе”, “Из руки выпускаю синицу...”, “Осенняя палитра”, “Капельки”, “На перекрёстке миров”, “Мельница жизни” каби еттита шеърлар ҳамда “Весёлый гномик”, “История одной снежинки”, “Два вида из одного окна” каби бешта болалар учун ёзилган шеър ва эртаклар китоблари нашр қилинган.

* * *

Сукунат, бир хаёл, хузур-ҳаловат,
Ғарқ пишган алвондек четанзор бўйи.
Оловранг ёришган заранг дарахтлар,
Пастлаб учаётган кушларнинг йўли.

Май оий мангу қўнган диёр ахтариб,
Қадрдон кенгликлардан кечиб боради,
Қарғалар галасин хатарли доди,
Ғалаён зулматин сочиб боради.

Кўклиги қочмаган майсалар мисдек,
Товланар ёз кунларин иссиқ тафтида.
Бир муддат, шодланиб, адо бўлади,
Кузакнинг омонат ҳароратида.

Куйиб кул бўлади, қуриб битади,
Ўзидан қолдирар уруғ, донни, лек.
Кўкариб, куз бўйи мева солади –
Барчаси олдиндан ёзилганидек.

Хазонрезги

Хазонрезги – қишдан даракчи,
Олтин сочиб, кўзёш тўкар у.
Ерга салқин, руҳингга малҳам,
Таскин берар, тозартирар у.

Хориган япроқлар тўкилар,
Йўлакларга бағрин босганча.
Атроф сариқ ва қизғиш тусда,
Тоза, бегард титроқларгача.

Замин юзи тўрдек ҳилвираб,
Эски, кўҳна кемага менгзар.
Изларингда инкларнинг кони¹,
Телба, дайди бир шамол ўйнар.

У торгина йўлак устида
Увлаганча қовоқ солади:
“Шошмай кутиб, турсанг-чи бироз,
Яна қайта қиш ҳам келади.”

* * *

Мен сенинг бир заррангдирман, аё осмон,
Тун кечалар, кўздан уйку қочган замон.
Сенга чанқоқ тикиламан ва тинглайман,
Ажаб саслар, ихтиёрим ололмайман.
Бу овозни ҳар ким англаб, етолмайди –

¹ *Инклар кони* – инкларнинг афсонавий тиллолари назарда тутилган (муаллиф изоҳи)

У заминнинг сукут аро шивирлари,
Фақат ишққа, иштиёққа тўлган руҳлар,
Самоларнинг оҳангига чўмиб тинглар.
Термиламан, қуюқ туннинг кучоғига,
Кўз ўнгимда бўлар пайдо, тун чоғида.
Коинотнинг нур таралган гулзорида,
Сон-саноксиз юлдузларинг чароғида.
Фазонинг ҳур зарраларин ғалаёни,
Ва, ғимириаб бир ҳолатга тушган они,
Ажаб сирли, қайта олис дунёларга:
Учар сўзлар ва мисралар самоларга.
“Аё осмон! Бир нарсани биламан, ман,
Сен пинҳона, ипсиз маҳкам боғлагансан.
Ҳаётий лаҳзалар ила боқийлик ҳам,
Шу дунёда, кўксим узра уриб турган,
Юрагим уришдан секин тўхтаган дам,
Сен томонга интилади руҳ-равоним,
Ахир, сенинг заррангман, ман, эй, осмоним!”

Кузги сайр

Рухимни ҳорғинлиқ эза бошласа,
Ноаниқ андуҳлар чулғар қалбимни.
Сайр этаман, рўмолим эгнимга ташлаб,
Дардкашим, табиат олар дардимни.

Тентираб кезаман ёлғиз йўлакда,
Завқ олиб кузакнинг сукунатидан,
Сахий куз аямай ўз қўли билан,
Тилло, зар сочади пойим остида.

Унинг ҳимматидан қалбимда қувоч,
Юракдан тўкилар шукрона шеърлар,
Қаранг, бугун мендан ўзган бой борми,
Оёқларим остида шунча олтинлар.

* * *

Мана, сийраккина тўрдек қайинзор,
Ва, зич ўсган баланд карағайзорлар.
Осмондан кўзёшин томизиб турган,
Зафарон чехрани эслатар улар.

Қовжираб, қуриган майсаю хаслар,
Ёзга интиқ кўксини, ерга тўшайди.
Табиатнинг яна бир эскирган боби,
Янги саҳифасин очмоқ истайди.

Ҳамиша

Одамлар ва юлдузлар – ёнма-ён яшар –
Дунё, асли, азалдан шундай яралган.
Инсон умри – юлдузлар ёғиб ёришар,
Не зулматлар чарақлаб, нурлар таралган.

Хаётинг сўнар бир кун шамдек мисоли,
Хотирангни тоабад муҳрламоқ чун.
Мангулик сарчашмаси лиммо-лим они,
Авлодлар униб-ўсиб, қониб ичмоқ-чун.

Лета² суви қурийди – мангу дарёлар,
Юлдузларнинг барчаси ўчиб сўнади.
Фақат шоир овози ўчмас, дунёлар
Тириклик бор экан, мангу қолади.

У қайтадан янада дилгир-дилобар
Руҳингнинг торларини чертар ёқимли.
Чунки, у билар сўзнинг кучи нақадар,
Буюк ва у дунёни яратганини.

Нозик фантазия

Қор учқунлаб ёғмоқда ер устига самодан,
Парвоз этар оҳиста, завққа тўлиб айланиб.
Наҳотки Геба билмай, адашиб тасодифан
Ширин асал ўрнига сут келтирган шайланиб.

Ва, фалакнинг бағридан, тушаётган томчилар,
Музлаб қолган булутда, қор парчага айланиб.
Илоҳий тафаккурни ажаб ўгирмоқдалар,
Иероглиф ва сўзлар нафис тўрга жойланиб.

Дилором АБДУРАҲМОН таржимаси

2 Лета – қадим грек мифологиясида беш мангулик чашмасидан бирининг номи.



Дилором АБДУРАҲМОН – 1963 йилда тугилган. Тошкент давлат политехника институтини (ҳозирги ТДТУ) битирган. Ижодкорнинг “Кўнгил шафақлари”, “Таҳайул тонги”, “Ишқ ёмғири” шеърӣ китоблари, “Настарин бутаси” номли таржима тўплами нашр этилган.



**Хафиза
АБДУМАЛИКОВА**

Ҳабибим, қалбимга чин ганж бер

Тасаввур

Мен баҳорга айланиб бир кун,
Боғларингга кириб бораман.
Шунда дерсан кўзларинг дуркун,
Мен танийман, сени биламан.

Сўнг, шамолга айланаману
Бор осмонинг кезиб чиқаман.
Сен кўз тикиб яшаган мангу,
Юлдузларни териб чиқаман.

Ундан кейин ойга айланиб,
Осмонингни нурга безайман.
Айтадирсан, нурларинг ўтли
Пастга тушгил кўзинг кўрай ман.

Сўнг юлдузлар қочар уфққа,
Ой осмонни минг бор айланар.
Кўқдан мени тополмай, маъюс
Ер гирдига келиб жойланар.

Мен бу замон, замин бағрида
Эртас излаб, кезиб юрарман.
Ой, шамоллар бир ёқда қолиб
Мен ўзимни излаб юрарман.

Хафиза АБДУМАЛИКОВА – 1997 йилда туғилган. Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетининг талабаси. Шоиранинг “Ватан қуёши” шеърий тўплами нашр қилинган.

Балки, мени топарсан бир кун,
Балки, ўзим топарман ўзни.
Сен ўшанда кўрсатма менга,
Киприк қўмсаб қорайган кўзни.

Йўк, юлдузга дўнмайман ортиқ,
Осмоннинг ҳам эгалари бор.
Шамол бўлмам ўзимдан ортиб,
Кел, одамдек яшаймиз, баҳор!

Мен келдим

Мен келдим
Энг улкан юракни,
Энг катта шаҳардан кўтариб.
Сигдирмай,
Синдирмай,
Севдирмай,
Кўзлари самимий,
Нигоҳи майин,
Девона-даллимни ахтариб.

Ҳаммаси оддий ҳол,
Бари одатий,
Ой ҳамон деразам ортида.
Ҳар тонгда
Қуёшнинг порлаши,
Яна
Шамоллар, хув, ўша шахтида.

Мен келдим,
Эҳтимол, сезмассан,
Юрагим гупуриб,
Дилим ёнганин.
Биламан,
Унутган эмассан.
Ой,
Осмон,
Ишқ билан қонганин.

Барчаси
Сен сўзда чизгандек,
Ҳали ҳам
Шамоллар терак ишқида.
Мен куйиб,
Қоп-қора қиз бўлдим,
Бир ойнинг
Бир сенинг рашкинда.

Мен келдим,
Кутиб ол,
Тупроғим уйғон,
Улкан юрак билан
Улкан шаҳардан.
Севдим мен,
Севилдим,
Бир сенга
Уйғун,
Изн бер,
Сен бўлай,
Сенман азалдан.

Муножот

Онамнинг юзида ғам қотган,
Дадам манглайида андуҳ тер.
Сўқир кўзи билан бахт излаётган
Ҳабибим, қалбимга ишонч бер.

Ялпизлар исига тўймаган,
Капалак қувган, қум ўйнаган,
Дунёда дунёси бўлмаган
Ҳабибим, қалбимга қувонч бер.

Билмаган ким рафиқ, ким ағёр,
Сезмаган ишқми бу, хижронзор,
Англами биргина ашқ, озор
Ҳабибим, қалбимга юпанч бер.

Мовийранг очундан юз буриб,
Бир хилват ахтарган ўзига.
Сохта мажнунларга тупуриб
Ҳабибим, қалбимга чин ганж бер.

Маҳшарда юзингга тик боқиб,
Тазарру айлайин, ишқ пирим.
Руҳимдан бу қаро жисмни қоқиб,
Озодлик бер менга, ҳабибим!

Ёмғирдан сўнг

Ёмғирдан сўнг
Оламлар сокин.
Гул баргида
Шабнамлар қолган.
Менинг ярим
Дунёга ҳоким,
Юрагимдан
Сукут йўқолган.

Ёмғирдан сўнг
Мусаффо осмон,
Оғушида
Булутнинг ғами.
Ёмғирдан сўнг
Баридан ёмон,
Кўзларингни
Кўргим келгани.

Қайдасан?

Ўзимдан-ўзимга кетиб боряпман,
Сўзимдан-сўзимга кетиб боряпман,
Изингдан изингга кетиб боряпман,
Қайдасан?

Саҳродан-саҳрога ўтиб боряпман,
Кадардан-кадарга ўтиб боряпман,
Кўзингдан-кўзингга ўтиб боряпман,
Қайдасан?

Ишқдан маърифатга кўчмоқдаман мен,
Кўзёшдан йиғига кўчмоқдаман мен,
Исмингдан жисмингга кўчмоқдаман, мен,
Қайдасан?

Алвондан хазонга одимлаяпман,
Сарсонман, азонга одимлаяпман,
Жисмингдан жонингга одимлаяпман,
Қайдасан?!

Кўзимдан кипригим совруляпти,
Ўзимдан кимлигим совруляпти,
Ишқингда жимлигим совруляпти,
Қайдасан?
Қайдасан?
Қайдасан?



Bahrom AKBAROV

Boydan qolgan omonat

Hikoyalar



Qarorim qat'iy

Bu gal sizlarga hikoya qilib bermoqchi bo'lgan voqea miyamni shu darajada qurshab oldiki, gohida boshim pishgan tarvuzday tars yorilay derdi. Bir savol meni ko'p qiynardi. So'zni nimadan boshlay? Afsuski, bu savolga javob topa olmasdim. Xoh ishonang, hoh ishonmang, ruchkalarimni qalamga, qalamni ruchkaga bir necha bora almashtirdim. Yozmadi. Yozolmadi. Chunki men ularga “yoz” deb buyruq berolmadim. Oq qog'ozlarim, yangi umumiy daftarimning rangi gunohkor boladay bo'zrayib turar va ularning menga qarata, “Hoy bola, senga nima bo'ldi, o'zi?” deb aytgan savoli boshimda Pirmat akaning charxpalagiday tinimsiz charx urardi. Pachoq ahvolimni ko'rib Ra'no buvim, “Nabiramga ko'z tegdi-yov”, desalar, do'stim Matrayim, “O'ziga bino qo'yish”, “Kekkayish”, “Mensimaslik” degan achigan so'zlarini sira ayamasdi. Uning fikricha, avvalgi hikoyalarim yangi adabiyot o'qituvchimiz Tursunoy opaning gapi bo'yicha, “Osiyo, Yevropa va Rossiya o'quvchilarining ko'nglini zabt etib, oromini o'g'irlagan”idan so'ng, menda allaqanday “oliftagarchilik” yoki “yulduzlik” kasali paydo bo'lganmish. Uncha-muncha bolalar bilan salom-alik qilmaydigan bo'libman yoki “bolalar (sinfimizdagi) iltimos qilsin”, deb yozmayotgan emishman. Ra'no buvimning so'zlariga to'liq qo'shilsam-da, Matrayimning e'tirozlariga e'tirozim ko'p edi. Oddiyroq, ya'ni badiiyoq tilda aytсам, raddiyalarim naval. Hozirgi Internat davrida kim yozuvchining hikoyasini o'qiymen deb o'lib turibdi (Ra'no buvim aytgan gap). Shunaqa mard o'quvchi bormi o'zi? Matrayim bunga ham o'zicha gap topadi: “Hikoya zakonniiy yozilgan bo'lsa, albatta, o'quvchisini topadi. Kitob o'qiydigan bola bisyor. Faqat zakonniiy yozilgan hikoya (va boshqa janrlar) barmoq bilan sanarli. Bolalarga ... (o'zingizga yoqqan mualliflar nomini yoki taxallusini yozing) yozsin. Ana shunda...”

Bahrom AKBAROV – “Shuhrat” medali sohibi. 1961 yilda tug'ilgan. Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zMU) kimyo fakultetini bitirgan. Uning “Mitti botir”, “Qo'rqmas botir haqida ertak”, “Kichkintoylar kitobi”, “Hayolimdagi hikoyalar”, “G'alati sinov” nomli kitoblari nashr etilgan.

Bu gap menga ijobiy ma'noda yomon ta'sir ko'rsatdi (Odatda menga o'xshagan ko'ngli nozik yozuvchiga bitta gap kifoya). Va, albatta, shunday hikoya yozmoqchi bo'ldim. Biroq quvlashmachoq o'ynab kunlar o'tsa hamki, ruchkam (qalamim) qimir etmasdi. Boshimdagi og'riq soat kapgiriday o'ngdan chapga lipillab o'tib, ikki chakkamdagi tomirlar maktabimiz oshpazi Mastura xola pishiradigan lag'mon xamiriday bo'rtib chiqa boshladi. Oynaga qarasam, qulog'im ham shalpayib qolganga o'xshardi. To'g'rida, sha'nimga aytilgan yolg'on-yashiq, turli-tuman mish-mishlardan keyin, quloq shunday bo'lishi aniq. Nihoyat, o'ylay-o'ylay, bir qarorga keldim. Qarorim qat'iy! Uni o'zgartirishga esa toqatim va kuchim qolmadi. Qaror: Yozaman! Yozaman dedimmi, yozaman! Uni avvalgi hikoyalarimga o'xshamaydigan qilib yozaman! Yozganda ham tinimsiz kecha-yu kunduz yozaman. Hikoyamni shunday yozamanki, uni o'qib Matrayim bilgich deganlarning og'zi tandirday lang ochilib qolsin. Shu niyatda ruchka va qalamlarimni boshqatdan tayyorladim. Qog'ozlarimni ijod stolim ustiga yaxshilab taxladim. Ertaga ertalabdan turamanu, ijodga sho'ng'iyman. Shu niyatda yotishdan oldin narsalarimni yana bir bor ko'zdan kechirdim... Uxlaganim esimda, qolgani esimda yo'q...

Kutilmagan mehmon

Ertalab quyosh hovlimizga yetib kelmasidan qarg'aning yoqimli (yoki shirali) qag'illashidan uyg'onib ketdim. Jonivor qarg'a bir "sayradi", indamadim. Ikkinchi marta avjiga chiqib bu holatini takrorladi, sal jahlim chiqdi, uchinchi bor o'zidan ketib qo'shig'ini baralla boshlaganda, sakrab o'sha sizga tanish mashhur supaning ustidan uchib (yoki sakrab) tushdimu, qo'limga tushgan lomni (beton buzishda ishlatiladigan uchi uchli qadimiy qurol, Matrayimga o'xshab metallalomni tushunmaysiz, degan umidda izohladim) nayza qilib otmoqchi bo'lib turuvdim, Ra'no buvimning yoqimli ovozlari keldi:

– Hoy bola, otma! Otasan, o'ldirasan, uvoliga qolasan. Qo'y, yashasin. Bilsang, u kutilmagan nozik mehmon kelishidan darak bermoqda. Undan ko'ra yuz-qo'lingni yuv, mehmonni izzati bilan kutib olaylik.

Hayron bo'lib Ra'no buvimga qaradim. Hazillashyaptilar deb o'yladim. – Hech qanday hazil emas, – dedilar buvim o'ylarimni uqib. Gaplari va qarashlari juda jiddiy edi.

– Buvijon, – dedim yuz-qo'limni yuvib kelgach, salom berib. – Irim-sirimlarga ishonmasdingiz-ku!

– Ha, – dedilar buvim. Bu – irim emas. Tabiat alifbosi. Necha marta aytaman-ku, tabiatga quloq sol, undan o'rgan deb.

Buvimning gaplari tugamasdan yog'och darvozamiz tabaqasi ochilib, iljaygancha Matrayim kirib keldi. Kunda shunda Matrayimni aslo "kutilmagan nozik mehmon" deb bo'lmasdi. U boshidagi soyabonli shapkasini odaticha chap tomonga biroz qiyshaytirib olgandi. Matrayim to'ppa-to'g'ri buvimning yoniga kelib, salom berdi va buvimga qarab:

– Ko'chada bir mehmon (Hojibobo) Hasanboy amakining uyini so'rab yurgan ekan. Boshlab kelaverdim.

– Qanaqa mehmon? Nega cholimni so'rab kelibdi. Tinchlikmi?

– Tinchlik, tinchlik, – dedi Matrayim shoshilib. – Chaqiraymi?

– Chaqir...

Matrayim menga qaradi. Ikkalamiz darvoza tomon yugurdik. Ko'cha eshigimiz oldida mosh-guruch soqoli o'ziga yarashgan, baland bo'yli (yoki qaddi baland), savlatli, oq ko'ylagi ustidan chiroyli uzun chakmon va boshiga ko'k do'ppi kiyib olgan notanish bir odam turardi (aslida uni bunday holatda ko'rib chol ham deb bo'lmasdi).

– Hasanboy kimyogarning uyi sho'tmi? – dedi u salomimizga alik olgandan so'ng.

– Ha, Hojibobo, shu uyligini boya ham aytgandim-ku, – dedi Matrayim.

– E... bolam-e. Qarilik qursin. Ayrim gaplar yodimdan chiqib qoladigan bo'lib qolgan...

– Hech unaqaga o'xshamaydi, – dedi Matrayim mehmonga jiddiy qarab. – Agar shunday bo'lganda boshqa uyga kirib ketgan bo'lardingiz.

Mehmon sharaqlab kulib yubordi. Yon cho'ntagidan chiroyli dastro'molini chiqardi-da, ko'zyoshlarini arta turib:

– Uyga taklif qilmaysizlarmi, unda? – dedi.

Uchovimiz Ra'no buvim choy ichib o'tirgan hovlining bir chetidagi so'ri yoniga keldik. Buvim boshlaridagi gulli ro'mollarini to'g'rilagan bo'ldilar-da, o'rinlaridan ohista turib, mehmonga salom berib, zimdan qaradilar va:

– Keling, aylanay, keling, – dedilar.

Mehmon ham buvimga salom berib, qo'lidagi yopgan nonlarni stol ustiga qo'ydi.

– Qani, o'tiring. Ancha uzoqdan kelyapsiz, shekilli. Dilorom, (bu mening onam) darrov choy opke, – dedilar buvim stol ustiga qo'yilgan nonlarni to'g'rilay turib.

Chol o'tirib uzundan-uzoq duo qildi. Hovlimiz o'rtasiga yoy shaklida ekilgan atirgul, qora, yashil sadarayhonlarni ko'rib, uning ko'zlari quvna ketdi. Turli-tuman rangdagi kapalaksimon gullar (nomini yaxshi bilsam-da, aytolmayman) orasiga ekilgan yashil archalar, bambuk va palma daraxtini ko'rib hayratga tushgani sezilib turardi.

– O'g'lim tabiat manzarasini yaratishni yaxshi ko'radi, – dedilar buvim kulib.

– Zap o'g'lingiz bor ekan. Qoyilman. Bu hammaning qo'lidan kelmaydi.

Bu gap buvimga yoqib tushgan bo'lsa-da, kallai saharda kelgan mehmonning qanday ishi bor ekan, deya hayron bo'lardilar. Bu orada onam gulli patnisda non, choy va qaymoq olib keldilar-da, salomlashib, avval mehmonga, so'ngra buvimga zar yugurtirilgan paxta gulli piyolada ozginadan choy quyib uzatdilar. Buvim qo'llarini g'alati qimirlatib, onamga ovqat ma'nosida ishora qildilar. Onam bosh irg'ab oshxona tomon ketdilar. Buvimning odatlari shunaqa, o'zlaricha ovqat ma'nosida turli ishoralar o'ylab topganlar. Buni faqat onam tushunardi.

– Siz Ra'nobonusiz-a? – dedi nihoyat mehmon choyini ohista icharkan.

– Ha, shunday, aylanay, – dedilar buvim kulimsirab.

– Qadimda qishlog'ingizda yashagan Abdurazzoqboy qizining eng yaqin dugonasi deb eshitib, bir yumush bilan keluvdim.

Buvim biroz taraddudlanib, mehmonga qaradilar.

– Siz hayron bo'lmang, – dedi u biroz o'ng'aysizlanib. – Men ularni ancha vaqtdan beri qidirib topolmadim. Nihoyat, qishloqdagilar siz orqali oson topishim mumkinligini aytishdi. Menda ularning otamdan qolgan omonati bor edi, shuni topshirmoqchiydim.

Bu gapni eshitib buvimning hayronligi oshdi va shu sababli ham:

– Qanaqa omonat ekan? – deb qiziqib so'radilar.

– Otalaridan qolgan omonat. Shuni o'zlariga topshirsam, juda savobli ish bo'lardi. Buvim boshqa hech narsa demadilar-da, qo'l telefonini olib dugonasiga telefon qila boshladilar.

– Mohim, yaxshimisan? Qayerdasan? To'raqishloqdamisan? Juda yaxshi. Tezda biznikiga kelgin. Bir zarur ish chiqib qoldi. Sababini keyin bilasan. Xo'pmi?..

Buvim telefonda juda qisqa gaplashishni yaxshi ko'radi.

– Telefon, – deydi buvim, – har doim qisqa va aniq xabarni yetkazish uchun yaratilgan. Telefonda gaplashishni Dilorom (onamni aytayapti)ga chiqargan. Sigir-buzog'idan tortib, beshikdagi bolasigacha ezmalanib hol-ahvol so'raydi.

Onamga esa, bu tanbehning farqi yo'q. Odatlarini tashlamaydi.

Buvim mehmonga qarab turdilar-da:

– Qayerdan keldingiz, uka? – dedilar.

– Toshkentdan...

– Toshkentdan?! – dedi Matrayim ko'zlari yonib. – Yangi metro qurildi deb eshituvdim, qanaqaykan?

– Juda ajoyib. Ko'rsang, havasing keladi.

– Siz hammasini ko'rdingizmi?

Matrayimning savoli javobsiz qoldi. Chunki darvozamiz sharaqlab ochildi-da, shoshganicha buvimning dugonasi Mohipari kampir kirib keldi. U yon-atrofga alang-jalang qaradi va buvimga ko'zi tushishi bilan:

– He, gapiy qursin, odamning o'takasini yorib yuboray deding-ku, – dedi buvim bilan quchoqlashib ko'risharkan. – Tinchlikmi o'zi? Biron kor-hol bo'ldimi deb o'ylab, qizimni toza shoshiribman-a.

Biz Mohiparining gaplariga andarmon bo'lib eshik oldida turgan qizni ko'rmabmiz.

– Kelaver, Kamola. Buving bilan ko'rish.

Mohiparining gapidan so'ng, u buvim bilan quchoqlashib ko'rishdi.

– Chiroyliligini qara, – dedi Matrayim biqinimga turtib.

Kamola haqiqatan ham go'zal edi. Go'zal qizni ko'z oldingizga keltiring. Keltirdingizmi? Masalan, Veyjintimala, ya'ni Ratxa (“Sangan” kinosidagi). U o'shandan ham ikki, uch, e bor-e, besh karra go'zal edi. Shu sababli bu baland bo'lyi, sochi uchun qizga ta'rif berib o'tirmayman. Bunday vaqtda, “Masaladan chetlashmaslik kerak”, deydi fizika o'qituvchimiz Fatxulla aka.

– Mehmon kelgandi, – dedi buvim Mohipariga qarab, cholni ko'rsatib.

– Kim ekan?

– O'zidan so'ra. Seni ancha vaqtdan beri qidirib yurgan ekan. Senga beradigan omonati bormish.

– Qanaqa omonat?..

Mohipari hayron bo'lib mehmonga obdan qarab chiqdi. Biroq tanimadi. Chol darrov o'rnidan turdi va Mohiparining oldiga kelib salom berdi-da:

– Meni tanimadingiz-a, opa? – dedi u xafaroq ohangda.

– Ha... Nimagadir tanimayroq turibman...

– Siz Abdurazzoq boyning qizi – Mohiparisiz-a?

Mohipari birdan boshini ko'tardi. Uning tim qora, chiroyli ko'zlaridagi quvonch so'ndi. Yuzi tundlashdi. Chunki bu savol juda ko'p yillar davomida unga bir necha yuz martalab berilgani va u hamisha mag'rur ohangda “Ha” deb javob qaytargani turishidan shundoqqina bilinardi. Bu safar ham shu holat takrorlandi va u mehmonga g'alati qaradi-da:

– Nima uchun so'rayapsiz? – dedi qat'iy ohangda.

– Sezib turibman, – dedi chol vazminlik bilan, – meni tanimayapsiz. Shu sababli savolimga hayron bo'lishingiz o'rinli. Chunki u paytlar yosh bola edim. Men otangizning eng yaqin yordamchisi Hakim merganning o'g'li Turg'unboyman.

Mohipari cholga boshqatdan yaxshilab tikilib qaradi. Bir necha lahzadan so'ng, kutilmaganda qichqirib yubordi:

– Turg'unboy! O'zingmisan, ukajonim?! Seni ko'rar kun ham bor ekan-ku! Nahotki bu sen bo'lsang?..

Nazarimda bu hayqiriq uyimizning devorlarini ham zirillatib yubordi.

– Ha, opa! Men o'sha siz “shumtaka” deb atagan Turg'unboyman! Men sizni darhol tanidim, opajon!

Bu gapdan keyin Mohipari hayajonlanib, o'zini mehmonning bag'riga otdi. Manzara ham yoqimli, ham quvonchli, ham achinarli, ham g'amgin edi.

– Kechir, ukam, kechir, seni tanimaganim uchun kechir...

Mohipari silkinib-silkinib yig'lardi. Turg'unboy amaki va biz ham ko'z yoshlarimizni tiyib tura olmadik. Bu holat uzoq davom etdi.

– Buvi, buvijon, bilasiz-ku, sizga yig'lash mumkin emas, – dedi nihoyat Kamola. – Davleniyangiz oshib ketadi. Yig'lamang, iltimos...

U bu gapni shunchalik erkanlab aytdiki, bu nozlanishini eshitib, hatto oqayotgan suv ham to'xtab qolardi. Yig'i taqa-taq to'xtadi, jimlik cho'kdi.

– Zo'r gapirarkan-a, – dedi Matrayim pichirlab.

Matrayimning ahvolini ko'rib kulgim keldi. Chunki u Kamolaga bir ko'rishda mahliyo bo'lib qolganidan og'zini yopolmas, undan qaychi bilan qiyib ochilgan ko'zini uzmasdi. Uning odati shunaqa, qayerda chiroyli qizni ko'rsa (o'zidan katta bo'lsa ham) yaxshi ko'rib qolaveradi. Samimiy ma'noda. Qizig'i, bu hol boshqa qizni ko'rguncha davom etadi.

Hoji bobo hikoyasi

O'rtadagi holat ijobiy tomonga o'zgardi va hamma bir oila kabi davra qurib o'tirgach, onam choyni yangitdan olib keldi. Kamola onamga qarashish uchun oshxona tomon yurdi. Birpasda dasturxon turli xil ho'l mevalaru, pishiriqlarga to'lib ketdi. Ayniqsa, qaymoq juda mazali edi. Matrayim ikkalamiz bir piyola qaymoqni issiq choy bilan maza qilib tushirayotganimizda Turg'unboy amaki hikoyasini boshlab qoldi. Hikoya uzundan-uzoq bo'lgani uchun eng kerakli o'rinlarini, ya'ni mag'zini keltiraman. Ismlar (salbiy qahramonlar) nomi turli sabablarga ko'ra shartli nomlarga almashtirildi. Adabiyotda bu holat bo'lishi mumkin (adabiyot o'qituvchimiz Mashhura opaning so'zlari).

– Dadamning aytishicha, o'sha mash'um qatag'on yillari xalq orasida ko'zga ko'ringan eng ziyoli, ishbilarmon odamlar ayovsiz ravishda ta'qib qilina boshlanadi. Qishloqda ham arzimagan bahonalar bilan tartibsiz ravishda qamashlar kuchayib ketadi.

Otangiz Abdurazzoq boy ham xalq dushmani sifatida surgun qilingandan so'ng, eslasangiz, oilamizning ham tinchi buzildi. Ayniqsa, o'sha davrdagi qishloq raisi Bozorboy dadamga “boyning gumashtasi” degan tamg'a bosib, gap tarqatgandan keyin, dadamni hech qayerda ishga olmagan. Mahalladagilar bu holni ko'rib achinsalar-da,

oilasidan, bola-chaqasi bir nima bo'lib ketishidan qo'rqib, hech narsa deymagan. Shunda mahallamizdagi dadamga yaqinroq odamlardan biri boshqa yerga ko'chib ketishni maslahat bergan. Avvaliga bu taklifga ko'nmagan dadam noilojlikdan uzoqroqdagi qarindoshlarinikiga ko'chib ketgan. Shunday qilib, To'raqishloq dadam uchun umrining oxirigacha armon bo'lib qoldi. Ammo dadam bir umr To'raqishloqqa qaytish fikridan qaytmagan bo'lsa-da, onam har safar uni bu fikridan qaytargan: “Qo'ying, dadasi, endi tinch o'tirganimizda kerakmas. Yomon kunimizda yaragan bu yerdagi qarindoshlarga, qo'ni-qo'shniga nima deymiz?” Ming afsuski, urushdan keyin bu holat yana takrorlangan. Oradan yillar o'tsa-da, odamlardagi qo'rquv o'z kuchini ko'rsatib turavergan. Nihoyat, zamon ancha tinchigan. Akam o'qishni bitirib, yaxshi ishga joylashdi. Unga Toshkentdan uy berishdi. Toshkentga ko'chdik. Oqtepada akam bilan yashay boshladik. Men ham o'qishni bitirib, uylanganimdan keyin shu mahalladan yana joy oldik. Onam, xotinim, bolalarim bilan o'sha yerda yashab kelmoqdamiz. Zamonaning zaylini qarangki, asli to'raqishloqlik Olimboyning Zuhurinisa degan qiziga uylandim. Hozir to'rt farzandim bor.

Turg'unboy amakining hikoyasi shu yerga kelganda Mohiparining yuzlari yorishib ketdi.

– Qaysi Olimboy? – deb so'rab qoldi u to'satdan.

– Hokimboyning katta o'g'li bor-ku.

– E... Anu otga minganda otning beli mayishib ketadigan Hokimboyning o'g'limi? Turg'unboy amaki kulib yubordi.

– Shunaqa bo'lsa kerak. Yana bilmadim.

– Qatag'on paytida otishga hukm qililib, keyin qamalgan Olimboyim? – dedi Ra'no buvim gapga qo'shilib.

– Ha, xuddi o'zi, – Turg'unboy amaki sevinib ketdi. – Topdingiz.

– Esimga tushdi. Olinisa, Mohinisa, Komiljon, O'g'iloy degan bolalari ham bor edi. Men ularni taniyman, – dedi Ra'no buvim. – Olinisa bilan ancha yillar oldin birga o'qigandik.

– Qaysi Olinisa? – buvimdan so'radi Mohipari.

– Xayrinisa bor-ku, taniysan, o'shaning bolalari-da.

– Ha, anu sochlari jamalak Xayrinisami?..

Mavzudan chetlashayotganimni sezdim-da, bu suhbat davomiga uchta nuqta qo'ydim. Yana Turg'unboy amakining gapini davom ettiraman.

– Bundan bir yilcha avval dadam kasal bo'lib yotib qoldi va huzuriga meni chaqirib shunday dedi: Bolam, uyimiz to'rida osig'liq turgan ipak gilamni bilasan-a? Senga bu gapni aytayotganimning sababi, akang bu ishni uddalay olmaydi. Zo'rg'a yuribti (Akam “paxta ishi” tufayli nohaq qamalib chiqqandi). Ana shu gilam Abdurazzoq boyning omonati. Uni egasiga topshirish kerak. Shu paytgacha qo'rqib, hech kimga aytolmagandim. Zamon goh unday, goh bunday qalqib turibdi, deya sizlarni o'yladim... Balkim, xato qildim... Endi afsusdan foyda yo'q...

Shunda gilam bilan bog'liq voqealar ko'z oldimdan kinotasmaday o'ta boshladi. Akam juda og'ir kasal bo'lib qolgan, uyda deyarli pul yo'q. Onam gilamni sotaylik deya zorlanganda, so'ngra singlimning to'yida sepiga qo'shaylik deganda qo'shtirmagan gilam uyimiz to'ridan joy olgancha osig'liq turardi. “Bu omonat, – deb turib olardi dadam jahli chiqib: – O'zi shundoq ham so'zingga kirib, omonatning bittasini ishlatganimiz yetar”. – “Bolalarimiz ochlikdan o'lardi, bo'lmasa”. Bu gapni aytib

onam yig'lardi, yig'lardi, oxiri jimib qolardi. Dadam sho'rlik ich-ichidan onamga achinishini bilardim. Chunki u ancha kungacha xomush yurar, deyarli gapirmasdi. Yillar o'tdi. Onam otamni tushundi va gilamni ko'z qorachig'iday asrab-avaylay boshladi.

Hikoya shu yerga kelganda Turg'unboy amakining ko'zlari jiqqa yoshga to'ldi. U piyoladagi choyni ichdi-da, dadasidan eshitgan hikoyani davom ettirdi: (Bu Turg'unboy amakining otasining hikoyasi).

– Bir kuni kechasi Abdurazzoqboy uyimizga katta o'g'li Mannop bilan keldi va menga shunday dedi: “Hakimjon, senga bir omonatim bor. Ertaga nima bo'lishini Xudodan boshqa hech kim bilmaydi. Omonatimni bittasi senga, koringga yaratarsan, bittasini uzatsam qizimga sovg'a qilarman, deb o'ylovdim. Taqdir peshonamga nima bitgan, bilmayman. O'sha kunlarni ko'rish nasib qiladimi, yo'qmi, Yaratganga tan. “Shu gaplarni aytarkan Abdurazzoq boyning ko'zlarida yosh miltilladi. Boyning yaxshiligini ko'p ko'rganman. Hayron bo'lib, nima deyishimni bilmay qoldim. Abdurazzoq boy juda o'qimishli, saxiy va aqlli odam edi. Ahvolimni tushundi.

– Sho'ro hukumati bizdaqalarga shafqat qilmayapti. Ko'rib, eshitib turibsan. Qaytarsang qaytararsan, qaytarolmasang, pisabillo, men roziman. Ko'p ishlarimga foydang tekkan, olaver. Mayli, ularga ham boqqani bordir. Begonalar-ku, mayliya, tuzimni ichib, tuzlig'imga tupirgan imonsiz Bozorboyga nima yomonlik qilgan ekanman, bilmadim. Uyimga ketma-ket obischilarni yuboryapti...

Boy bilgan ekan. Oradan ozroq vaqt o'tib qamaldi. Omonat esa menda qoldi...

Otamning bu gaplaridan so'ng ularning vasiyatini bajarish uchun sizni ko'p qidirdim. Qishloq butunlay o'zgarib ketibdi. Izlay-izlay, nihoyat sizni topdim... Endi omonatingizni topshirsam, dadamning vasiyatini bajargan bo'laman.

– O'sha otam aytgan omonatni olib keldingmi?

Mohiparining hayajoni shundoq sezilib turardi.

– Olib keldim, opa, olib keldim. Kech bo'lsa-da, olib keldim.

Turg'unboy amaki ko'zyoshlarini artib, bizga qaradi-da:

– Ko'chada, o'g'lim Nuriddin mashinada poylab o'tiribdi, chaqiringlar, – dedi.

Matrayim bilan oldinma-keyin ko'chaga yugurdik. Ko'chada oppoq “Malibu” turardi.

– Omonatni opkirarkansiz, – dedi Matrayim mashinadagi yigitga qarab.

Yigit suyunib ketdi va mashinadan tushdi-da, mashinaning orqa kapotini ochdi va omonatni oldi. Yigitning yelkasidagi oppoq bo'zga o'ralgan omonatni ko'rgan Mohipari o'zini tutib turolmay yig'lashga tushdi.

– Bu xola nimaga hadeb yig'layveradi? – dedi Matrayim iljayib.

– Otasidan qolgan yodgorlikni ko'rib yig'layapti-da, ovsar.

– O'zing ovsar. Omonatini olib kelib berishyapti-ku! Xursand bo'lmaydimi? Bermaganda nima qilardi?

Indamadim. Eng to'g'ri yo'l shu. Chunki Matrayimga bunday paytda gap uqtirib bo'lmasligini yaxshi bilaman.

– Gilam ustidagi bo'zni olib, uni mana bu gullar yoniga yoyaqolinglar, – dedi Turg'unboy amaki o'rnidan turib.

Men Matrayim bilan Nuriddin akaga gilamni yoyishga qarashib yubordik. Gilam shu qadar chiroyli ediki, ta'rifi so'z yo'q. Shunday bo'lsa-da, harakat qilaman. U haddan tashqari mayin, chetlarida ajoyib popiltiriqlari bor. Chetki tomonlari rango-

rang naqshlar bilan bezatilgan. Uning ichki tomoniga ingichka chiziq tortilgan va bu chiziq gilam chetidagi naqshlarga ulangan. Gilamning o'rtasida ikkita tovuş bir-biriga nimadir demoqchi bo'lganday gullar yonida turishar, men nomini bilmaydigan daraxtda ularga tikilgan bulbullar galasi qanotlarini yoyib, uchishga tayyorlanardi. Nazarimda ular tovuşlarga g'oyatda muhim xabarni yetkazib, endi uchishga hozirlanayotganga o'xshardi. Rangdor naqsh-nigorlar ipak gilamga g'oyat mohirlik bilan to'kilgan ediki, ularni ustozimiz Murod naqqosh ko'rsa bormi. “E bor ekansan-ku, yigitning guli, otangga rahmat”, deb yuborardi. Mohipari buvi gilamni ushlab ko'rar va har safar gilamni ushlaganda o'zini yig'idan to'xtatolmasdi. Buvim bu holatga chidab turolmadi va dugonasining yelkasiga o'ng qo'lini qo'yib:

– Bo'ldi, Mohim, o'zingni bos... – deya tasalli berdi.

Mohipari gilamning ustiga o'tirdi-da, yig'lamsirab ko'zlarini yumdi.

Xotira

1937 yilning kuz oylarining oxirida Abdurazzoq boyning darvozasi asabiy tarzda taraqsladi. Tun yarmidan oqqanligi sababli eshik hadeganda ochilavermadi.

– Och eshikni, och!

Buyruq tarzidagi bu o'kirishdan xonadon itlari vovillay boshladi. Ichkaridan, “Hozir, hozir”, degan tovush eshitilganiga qaramay, kelganlardan biri darvozani gursillatib tepardi. Eshik ochilishi bilanoq “tungi mehmon”lar o'zini ichkariga urdi.

– Sen aytgan boy shumi? – dedi qora plash kiyganlardan biri istehzo bilan. Chunki eshik ochgan odam yosh yigit edi.

– Yo'q, yo'q, – dedi shoshib Bozorvoy. – Bu uning katta o'g'li.

– Otang qani? – do'q urdi plashli odam.

Shu payt yelkasiga choponini tashlagancha Abdurazzoq boy uy ichidan chiqib keldi-da:

– E kelinglar, kelinglar, mehmonlar! Ha, Bozorvoy, bormisan, do'stim. Yarim tunda ovora bo'psanda-a. Aytasang, o'zim ham borardim o'sha idorangga. Bularni bekorga sarson qilibsan-da.

Boyning kinoyali bu gaplaridan kelganlar hayron bo'lib qolishdi. Chunki hali hech kim boychalik jasorat ko'rsatmagan, aksincha, doimo yalinib-yolvorgan yoki indamay turgandi. Bu mag'rurlik ularga yoqmadi. Ularga eng alam qilgani tagdor qilib aytilgan “o'sha idorangga” degan gap bo'ldi. Boy nimani nazarda tutgani aniq edi.

– Mana, Abdurazzoq boyni ham gerdayma gapidan tanib oldingiz, – dedi Bozorvoy boshliqqa sal egilib qarab.

– Ha, ha... Dimog'idan ham uning qanday odamligi bilinib turibdi, Kitelli odam Abdurazzoq boyga qaradi. Baland bo'yli, polvonkelbat, mag'rur va mard bu odamga ich-ichidan nima uchundir biroz achindi. Ammo nailoj...

– Ko'n (teri oshlaydigan) zavod ochib, bizdaqalarni ishlatib, topgan jaraq-jaraq puli qutirtirganda buni, – bidirladi Bozorvoy. – Bo'lmasa, shunaqa noma`qul gaplarni aytarmidi? Yana qishloqda bolalar o'qisin deb maktab qurib berganiga o'laymi? Sho'roning kambag'alparvar siyosatini bunday maqtanchoq boylarga yaxshilab tushuntirib qo'yish kerak. To'g'rimi? – U boshliqqa yaltoqlanib qaradi.

– Sendaqalar bor ekan, sovet hukumati o'lmaydi. Boqsa odam bo'lasan.

Boshliqning maqtovidan Bozorvoy iyib ketdi.

– O'g'li ham qolib ketmasin, – deya o'tindi u.
Boshliq Bozorvoyga savol nazari bilan qaradi-da:
– Bola ota uchun javobgar emas, – dedi ma'noli jilmayib.
– Ha endi, bir gap-da, – dedi Bozorvoy yana, – chayonning bolasi ham chayon-da... Shuni unutmassiz...

Bu gapdan keyin Abdurazzoq boy nafrat bilan Bozorvoyga qaradi.
– Huv, yaxshilikni bilmagan ko'mamak, – dedi o'zini bosolmay.
Bu gapdan Bozorvoyning rangi oqarib ketdi va najot ko'zlari bilan boshliqqa qaradi.

Nima uchundir boshliq gapni ko'payishini xohlamadi, shekilli:

– Olib chiqing, bularni, – dedi.

Buyruq ijrosini Mohipari onasi bilan yum-yum yig'lagancha, uy ostonasida kuzatib turishardi. Abdurazzoq boy shu vaqtgacha birovga qilgan yaxshiligini hech qachon minnat qilmagandi. Bo'lmasa shu oilaga har yili hayitda yo qo'y, yoki sog'in sigir berar, Bozorvoyning onasi yig'lab duolar qilar, Bozorvoy esa uni “qiyomatli do'stim” deb atagandi. Aslida chayon o'zi ekanligi xalq boshiga ish tushganda bilindi...

...Mohiparining ko'z oldidan shu voqealar o'tar ekan, lablari unsiz pichirladi:

– Aybsiz otamning arvohi ursin ularni! Sho'rlik onam... “Xalq dushmani”ning xotini degan azoblarga chidab, bizni katta qilgan onam, onaginam... U dunyo-yu bu dunyo otamni nohaq ayblab qamaganlarni kechirmayman! Xudoga solganman! Xudo o'shalarning jazosini bersin! Millatini bilmaganlar xor bo'lmasa, aslo rozi emasman!

Nazarimda Mohipari xola necha yillardan beri aytolmagan, ichida zardobga aylanib ketgan alamlarini ichki dard bilan kuyinib aytmoqda edi.

U shunday ixcham jussasida Xarsangdara toshidan-da og'irroq yukni metin iroda, sabr va bardosh bilan mag'rur ko'tarib yurganiga uyimizdagilarning hammasi qoyil qolayotganiga aslo shubhalanmasdim. Chunki ko'p narsaga befarq bo'lgan Matrayim ham piqillab yig'lar, bu ham yetmagandek burnini ayovsiz tortar edi.

– Do'stim, – dedi u yelkamga qo'lini tashlab, – seni bilmadimu, men nima uchundir yig'lagim kelyapti.

Uncha-munchaga yig'lamaydigan Matrayimning bu gapi uning bu voqeaga munosabatini bildirardi. Bu esa yuqoridagi gapimning ayni isboti edi.

Eng qadrli omonat

– Mana, – dedi Turg'unboy amaki nihoyat, – otamning vasiyatini ham bajardim. Yuzim yorug' bo'ldi. Birinchi omonatni topshirdim. Ammo...

Hammamiz yalt etib Turg'unboy amakiga qaradik.

– Yana bitta eng qadrli omonatim bor. Opa, agar bizni yana yig'latmasangiz shuni ham topshirsam.

Mohipari xola indamadi. Birozdan so'ng o'ziga kelib sal kulimsiradi-da:

– Ha, endi... Gohida davr ko'rgiliklari, azoblari o'z so'zini aytar ekan-da, inim... – dedi-yu, yig'lab yubormaslik uchun labini tishladi.

Turg'unboy amaki boya ko'tarib kirgan charm papkasini ochdi. Chiroyli g'ilofga o'ralgan o'zi aytgan qadrli omonatni oldi.

– Mana bular ham sizga. Otangizning dadamga bergan kitoblari. Dadam ularni o'lgunicha asrab-avaylab o'qidi. Otangiz otamga bergan omonatning eng asosiysi va qadrlisi.

– Bu qanaqa kitoblari? – dedi Mohipari lablari titrab.

Turg'unboy amaki g'ilofni ochib, ikkita kitobni oldi.

– Biri Qur'on, ikkinchisi o'sha paytda chop etilgan Abdulla Qodiriyning mashhur "O'tkan kunlar". Otam bularni hech kimga ishonmasdi.

Mohipari titroq qo'llari bilan Qur'onni olib peshonasiga surdi va ohista o'pib qo'ydi. Qodiriyning "O'tkan kunlar"ini olganda ko'zlaridan duvillab yosh quyuldi. Xalqimizning va mening ham sevimli yozuvchim, mard, jasur inson Abdulla Qodiriy ham mana shu kitobi uchun qatag'on qurbonlaridan biriga aylangan edi...

– Otam, bechora otaginam, – dedi u xo'rsinib. – Qodiriyning shu kitobini bizga har kuni o'qib berardi... – Mohipari boshqa gapirolmadi.

Nima deyishni bilmay jim turardik.

– Sen aytganingdek, – dedi buvim sukunatni buzib Mohipariga qarab, – haqiqat baribir qaror topadi. Alloh o'sha razil kimsalarning jazosini beradi. O'sha sen aytgan imonsiz, sotqin Bozorvoy esini yo'qotib, yaqinda jinni bo'lib o'libdi.

– O'libtimi? – deyishdi baravariga Mohipari bilan Turg'unboy amaki.

– Ha, o'libti...

– Bu xabarni dadamga aytaman, – dedi Turg'unboy amaki negadir quvonib.

Mohipari va buvim hayron bo'lib unga qarashdi.

– Ha, aytaman. Dadamning qabrlarini ziyorat qilgani borganda aytaman. Ruhлари shod bo'ladi.

Razvedkachi Matrayim

Oshxonadan Kamola bilan onam kosalarga suzilgan ovqatlarni olib kirishdi.

– Suyuqqina xo'rda qiluvdim. Ichib olinglar, – dedi onam.

Nuriddin aka onamga qarashib yurgan Kamolani birdan ko'rdi-yu, Matrayimdan battarroq ahvolga tushdi-qoldi.

– Siz, siz, – dedi to'satdan Kamolaga qarab. Kamolaning yuzlari g'alati tuslandi.

– Akaning duquqlanishidan ular orasida qandaydir maxfiy bir sir borga o'xshaydi. Tovushi ham qiziq chiqyapti, – dedi Matrayim meni turtib. U "razvedkachi"larga o'xshab fikrlardi. Nazarimda fikri to'g'ri edi. Chunki Kamola juda o'zgarib qolgandi...

Ovqatga fотиha o'qilgach, mehmonlar turamanga tushib qolishdi. Ra'no buvim har qancha "osh hozir pishadi", desalar ham, ular unashmadi.

– Nuriddin, – dedi Turg'unboy amaki, – mashinangni yurg'iz. Opamlarni uylariga kuzatib qo'yamiz.

Mohipari biroz jilmaydi-da:

– O'zimizda ham mashina bor, Turg'unboy. Nabiram Kamola uncha-muncha haydovchidan qolishmaydi. Qani, Ra'nobonu, yur biz bilan. Biznikida mehmondorchilikni davom ettiramiz.

Nuriddin aka Kamolaga zimdan qarab-qarab qo'yar, Kamola esa biron narsa deyishga so'z topa olmay, undan uzoqroq yurishga harakat qilardi.

– Ohuga o'xshab sakrayapsan, nima, sen bu yigitni taniysanmi? – dedi Mohipari nabirasiga kulib qarab.

– Nimalar deyapsiz, buvijon... – Kamolaning yuzlari batard qizarib ketdi.

– Kuyovlikka munosib nomzod menga ma'qul, – deya suhbatga qo'shildi buvim.

– Keling, nima deysan, Turg'unboy inim?

Turg'unboy amaki miriqib kuldi-da: “Yoshlar biladi”, deb qo'ydi. Bu gap o'g'li Nuriddinga ham yoqqani sezilib turardi. U chaqqon harakatlar bilan narsalarni ko'tardi-da, ko'cha eshik tomon yurdi...

Epilog

Kutilmagan mehmon olib kelgan omonatlar bir zumda qishloqqa yoyildi va qishloq ahlining qalbini quvonchga to'ldirdi. Ertasi kuni ertalab choy ichib o'tirganimizda bo'lib o'tkan voqeaga Ra'no buvim shunday izoh berdilar.

– Aslida bu dunyoning o'zi omonat, bolam. Omonat dunyoda odamdan qoladigani ezgu amallar, yaxshi kitob va odamlarga qilingan yaxshilikdir. Mana, Qodiriyning kitobi. Necha yillardan beri yashab kelmoqda. Nega?! Chunki unda millat qayg'usi va dardi, buyuk orzu-umidlari juda go'zal ifodalangan. Abdurazzoq boy qurdirgan ko'n zavodi esa yana ishlayapti, xalqqa foydasi tegyapti. Shuning uchun bunday odamlar o'lmaydi. Xalq qalbida mangu yashayveradi. Haqiqatni esa ko'mib bo'lmaydi. U oltindek tovlanib, jilolanib yuzaga chiqaveradi.

Men buvimning gaplarini qulog'imga o'zlari aytganlariday quyib, isirg'aday taqib oldim. O'ylaymanki, siz ham shunday qilasiz. Axir buvim aytganlariday, bo'ladigan bolalarsiz-ku! To'g'rimi?!

Ha aytganday, sal bo'lmasa, “Nuriddin aka bilan Kamola bir-birini tanirmidi”, degan savolga javob aytman. Buni Matrayimning olib borgan izquvarlik ishlari nihoyasiga yetgandan so'ng bilib olasiz. G'oyat kulgili voqealarga boy bu hikoyam sizlarga yoqadi degan umidda shu yerda vergul (chunki davomi bor) qo'yaman. Yana uchrashguncha!

Дил қафасда бастадур, бедаво дунёда ишқ

Ҳажвий ғазаллар



Нуруллоҳ ОСТОН

Табиатнинг

Бўлди каждumi ақраб авзони табиатнинг,
Ялдоға шикор ўлди аркони табиатнинг.

Шамъи Баҳром гардиши юз қаро бўлмиш не тонг,
Чиллаи чироқ янглиғ хирмони табиатнинг.

Бозиллаб танча-танур, гирдига маҳтал мардум,
Самум ҳукмига тушмиш қўрғони табиатнинг.

Хут ила ҳойи-хутти тақвоси бўлди бардор,
Қачон киргувси эмди дармони табиатнинг.

Ишкни соғунтик эй ёр, дил ғубордин кемтик, ёр,
Қўкламдин дарак олий фармони табиатнинг.

Ўртаниб дашту дала, исёнда ўтов-оғоч,
Саҳрони тутғай эмди ризвони табиатнинг.

Нозли ҳимоси ҳай-ҳай, жондин ўтуб билинди,
Ҳар дилда оташ лавҳи жонони табиатнинг.

Ҳижрат ғимиллаб қолди, чашми чаросни кўруб,
Ишқиға бўлди доя, юрмони табиатнинг.

Нуруллоҳ ОСТОН – 1955 йилда тугилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Юлдузлар чақнаган тун”, “Баҳор рақси”, “Йўлдаги булоқ”, “Юрагимнинг безовта гули”, “Қадим йўллarda”, “Осмон тўла фаришта”, “Фасли кўклам”, “Тонгга пешвоз чиқайлик”, “Қўрқмас улоқча” номли шеърый тўплам ҳамда “Расмий лақма”, “Йиғлайдиган ўлик”, “Кесакнинг таъсири” номли ҳажвий тўпламлар муаллифи.

Берақолмиш

Наққоши азал ҳуснинга оро берақолмиш,
Қайсари жунун аҳлига ғавго берақолмиш.

Кўклам малаги иффори-ла кўйлаги ял-ял,
Гулхандон отиб, лолага савдо берақолмиш.

Наргисга қаранг, кипригидан равлади пайкон,
Лабларда тутиб рашкига ҳулво берақолмиш.

Булбул оҳ уриб, абри баҳор йиғлади юм-юм,
Ноласи сабаб, ишқига раъно берақолмиш.

Зангори гилам алвон ила ерга тўшалмиш,
Сайқалга солиб дунёни, зебо берақолмиш.

Ҳулкар уялиб меҳробидан маҳлиё боқди,
Ул сарвноз ила қомати Лайло берақолмиш.

Ҳижратни кўриб, аҳволига кулди-ю гулюз,
Оҳу, қарашу муздига бўсо берақолмиш.

Оқибат

Бу фалак мулки азал бухрона келмиш оқибат,
Ибтидою интиҳо Яздона келмиш оқибат.

Жаннатий эрди одам, тушди талотўм домиға,
Нафсида дўзах ўти, шайтона келмиш оқибат.

Неча бор тоғлар чўкиб, бўлди само ер чоҳида,
Исрофил сурун чалиб, қурбона келмиш оқибат.

Зери по бўлди жаҳон, келмас қарор тавбасиға,
Нуҳ набий қавми ажаб тўфона келмиш оқибат.

Садрида ҳирсу ҳижоб, жоҳил жаҳолат равтани,
Фитнасидин аҳли эл ларзона келмиш оқибат.

Неки қилди бандаси, олди мукофот ё жазо,
Ажриға қасди бало, меҳмона келмиш оқибат.

Бу кусур маҳшарғача Ҳижрат, қиёматдин нишон,
Шул сабабдин фаноға мастона келмиш оқибат.

Ажаб дунё

Амри маъруф салотинда бобо соқий авут айди,
Бу гардунни ҳарки банда қаричи бирла ўлчайди.

Бировни ўлчови мисқол, бировни ўлчови тусмол,
Бирови ақчага банди, бириси мартаба сайди.

Бири хотунга дўст бўлғай, бири иймонга сушт бўлғай,
Бири оқил, бири овсар, бири шох, бошқаси дайди.

Одам бор, амлоки эҳсон, одам бор лаънаи шайтон,
Биров рушди савоб бирла, бирини тош босур айби.

Бани одам турқи шакли, бири бадбахт, бири бахтли,
Суриштирсанг, жудо ақли, Яратганнинг шудир ғайби.

Бирини суҳбати жонон, бирини тийнати зиндон,
Жамийки ҳикмату иллат, азал дафтарида қайди.

Сани ўлчовга қўйғонинг замон қаричиға сиғмас,
Ажаб дунёсини хижрат таҳорат бирла қўл чайди.

Зиёрат қил

Туғилдингму айшни сур, қилма жонни жаврини,
Молпараст мўрчани кўр, ўтказур хуш даврини.

Ўйла ишлатиб калла, ўтмағил айтиб ялла,
Гуллар ичинда танла ул қомати саврини.

Қара, гўзалдир олам, баҳор – гул кучган санам,
Ўтса қошлари қалам, йўлла кўзнинг хайрини.

Ёмғир ўтар сепалаб, югурсанг қир-тепалаб,
Довуччани капалаб, қочса, қувсанг Лайлини.

Дунё йиғиб чекма ғам, нокасга ҳеч бўлма хам,
Барисини қилсанг жам, босмағай гул сайрини.

Умринг уч кунлик оҳу, ҳай ҳайлаб ўтар ёху,
Кўринғай ажал гоҳи, берсин ўзи сабрини.

Борингни қилғил бозор, кимсага берма озор,
Қара, атрофинг мозор, бил, тириклик қадрини.

Хижрат ғазаллар тўқиб, ўтди нокасни чўқиб,
Йўл тушса дуо ўқиб, зиёрат қил қабрини.

Балодур

Олар эрсанг барор сўзни, ҳадни билмас нафс балодур,
Қай томонға бурма юзни, шайтон берғон дарс балодур.

Сўзингни елга совурма, ўзингни ўтда коворма,
Чиранма, асло, дов урма, нодон ила баҳс балодур.

Ёмонға ёндошиб юрма, май ичиб аржуманд курма,
Окибатинг бўлур турма, шерик бўлғон наҳс балодур.

Учрағонни ошна тутма, дардинг айтиб шафеъ кутма,
Яхши дўст чиқмайди гушна, сиринг билғон кас балодур.

Ботмағон ўпкадек қўпма, авомни шилталаб ўпма,
Мисқоли обрўни тўкма, эл кўзида маст балодур.

Майда гап, занчалиш бўлма, ҳиринглаб ҳар сўзга кулма,
Бетингдан чимматинг юлма, ғайри чиққан сас балодур.

Ўзингни хору хас билғил, тирикликни қафас билғил,
Ҳаётинг бир нафас билғил, ҳаром бўлса, хас балодур.

Ҳалол эрса бурда нонинг, шул мартаба эрур шонинг,
Ҳижрат омон бўлур жонинг, тилни қулф қил, бас, балодур.

Султонимиз

Пешласак зоту насаб, кўҳинур вулкониимиз,
Аслимиз давлат талаб кашмири султонимиз.

Нақлимиз шамшири тиғ, заҳридин кимса хароб,
Ҳар нафасда минг калом домани ултонимиз.

Бизга мойил жумла зот қўшкимиз арконида,
Бизга дўст бўлғон ҳабиб меҳриға жазмониимиз.

Пул сирот-ул мустақим манзили биздан ўтур,
Кимға дўзах оташи, кимға хур – ғилмониимиз.

Қўл етурсак қай томон, кўкка қадар илкимиз,
Шайтонға ўқир такбир ердаги фармониимиз.

Аҳли ҳимор удуми бадастури сонийдур,
Не-не ақли пешларни аврағай чилтонимиз.

Лавҳул маҳфузни ўқуб, таворихни тафтиш қил,
Ҳом ибн Нуҳ наслидин тарқаган мўлтонимиз.

Отмағунча

Чавандоз хавфни сезмас улоқда чопмағунча,
Қутурғон қўшпак тинмас кимсани қопмағунча.

Дил қафасда бастадур, бедаво дунёда ишқ

Шайтони рожийм нурдин бино бўлгон аслида,
Одамни бузди жаннат эшигин ёлмағунча.

Шундан бузилди қони маҳшаргача тоабад,
Шайтоний усул қилур айвонда ётмағунча.

Билдирмагай кўнглини, бу тобутда не зоҳир,
Қучиб қадайдур ханжар, суякка ботмағунча.

Кўрки, кул Аҳмад айтмиш, баттол кирдикор банда,
Кўнглига ором келмас, қавмини сотмағунча.

Кутмағил андин шафеъ, толеъи аламбардор,
Кирдикори шул эрур то ҳаром қотмағунча.

Харгиз куйинма Ҳижрат, майхўрлик андин авло,
Ҳижрон ўтида жонинг, магар тонг отмағунча.

Фасли ишқ

Дил қафасда бастадур, бедаво дунёда ишқ,
Бил, садафда қатра дур, хушнаво шаббода ишқ.

Ул тахир майдир қадим, ҳолини айтмас надим,
Сўрғил ичган кимсадин, ғам ила ғамбода ишқ.

Ҳажр ўти ғаддор ғаним, тутди кўкни гулҳаним,
Алмисокдин шу танзим, бир умр савдода ишқ.

Фасли кўклам туғ бўлиб, кир-адирда чўғ униб,
Лолаву туғён тўлиб, унди ул саҳрода ишқ.

Қадди сарви навнихол, чехраси чақноқ ҳилол,
Ишваси оҳу мисол, ҳур малак сиймода ишқ.

Бир боқиб жонни ёқар, қўйнига ойни тақар,
Булбули куйлар саҳар, гул юзи раънода ишқ.

Ким Худога бандадур, ишқ либоси тандадур,
Хоҳи кимхоб, жандадур, даҳр аро сажжода ишқ.

Севги шундай меваки, карвон ўтди, демаки,
Гул ҳаёт бир кемаки, қўр олур ялдода ишқ.

Кўр, алаф кавшаб ҳўкиз, тан юқиб бўлмас тўкис,
Терт қориб, шулха егиз, пеш бўлур бардода ишқ.

Мирламас тиллою зар, англамас ўткинчи хар,
Юлдузингда бўлса гар, сарвари мирзода ишқ.

Адабий ҳаёт

* * *

2 ноябрь. “Адабиёт” нашриётида Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнбергнинг икки жилдлик танланган асарлари рус тилида нашр этилди.

* * *

4 ноябрь. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли адиб Машраб Бобоев таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг катта тадбирлар залида адиб ижодига бағишланган “Тушларимга кирар бир баҳор” деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

* * *

5 ноябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уюшма аъзолари Асад Асил ва Сойим Исҳоқ таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан адиблар билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида икки ёзувчининг икки номдаги китоби тақдироти ҳам ўтказилди.

* * *

Республика маънавият ва маърифат марказида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги бўйича “Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик” мавзусида ўтказилган мақолалар танловининг тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

* * *

9 ноябрь. “Адабиёт” нашриётида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмоннинг “Бозбарак” номли янги шеърӣй китоби нашрдан чиқди. Унда шоирнинг турли йилларда ёзилган сара шеърлари жой олган.

* * *

11 ноябрь. Таниқли ижодкор, ёзувчи Баҳодир Қобулнинг “Отачирок” номли янги китоби нашрдан чиқди.

* * *

15 ноябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Бахтиёр Абдуғафурнинг “Мадаминбек. Қонли гуллар водийси” романи қайта нашр этилди.

* * *

“Адабиёт” нашриётида Усмон Носирнинг “Эртани севиниб кут” номли шеърӣй китоби нашр этилди.

* * *

17 ноябрь. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Навоий ва Бойқаро” китоби тақдими бўлиб ўтди.

* * *

18 ноябрь. Миробод тумани 218-сонли ихтисослашган умумтаълим мактабида Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган кун муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Сирожиддин Рауф иштирокида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда байроғимиз ҳақида шеър, қўшиқлар янгради, сахна кўринишлари ижро этилди.

* * *

19 ноябрь. Ёзувчилар уюшмаси томонидан русийзабон адабиёт шўъбаси раиси, ёзувчи ва шоир Владимир Васильев хотирасига бағишлаб ўтказилган “Сўз – бу ижодий парвоз” ҳикоялар танлови ғолиблари аниқланди.

* * *

22 ноябрь. “Адабиёт” нашриётида Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқованинг “Сизни дедим”, шоир Шоди Отамуроднинг “Умр ўтиб борадир, гулим...” номли янги шеърий китоблари нашрдан чиқди.

* * *

24 ноябрь. Серқирра ижодкор, журналист, Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимовнинг хотира кечаси Фарғона шаҳрида катта тантана сифатида нишонланди.

* * *

27 ноябрь. Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан адабий-бадний кеча уюштирилди ва республикамизнинг барча вилоятларида кенг нишонланди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида замонавий ёш украин шоирларининг ўзбек тилига таржима қилинган “Муҳаббатнинг номи нечадир” шеърий тўплами тақдими бўлиб ўтди.

МУНДАРИЖА	
БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР	
ШУКРУЛЛО. Меҳрингни ҳамиша ҳис қилганим он.	4
НАЗМ	
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ. Бугун, танимайди бизни, хиёбон.	30
Ўктам МИРЗАЁР. Шамсинг бўлай, кел, биз томон.	36
Ҳол Муҳаммад ҲАСАН. Сўрасанг гар сахар-сахар... ..	67
Муҳаббат САФОЕВА. Дунёнинг туслари ранго-ранг.	72
НАСР	
Неъмат АРСЛОН. Новеллалар.	
Ёзувчи учун атир.	9
Аннабель ва Азозил.	13
Ботмоннинг қўшиғи	26
ФОЛЬКИН. Йиртқич. Қисса.	41
Маъруфжон ЙЎЛДОШЕВ. Икки ҳикоя.	
Шамоллардан кўркмагин, она.	84
Бувим ва қалдирғочлари.	88
АДАБИЁТ ВА ШАХС	
Қодиржон НОСИРОВ. Эл аро ўлмаган виждонинг қолсин.	100
МУТОЛАА	
Шаҳобиддин ЎРИНОВ. Фанлар чорраҳасидаги фикрлар... ..	118
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
АВАЗХОН ҲАЙДАРОВ. Шарқ мумтоз шеърятини таржи- масида шакл ва маъно муштараклиги.	138
“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”	
ЖУРНАЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА	
Умид БЕКМУҲАММАД.	
Мажидийнинг машаққатли умр йўли.	91
Қумушбиби ЭРМАТОВА.	
“Шарқ юлдузи” журнали: 1970–1975 йиллар.	95
ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА	
Дамин ТЎРАЕВ. Бадийий сюжет яратиш маҳорати.	130
ЁШЛАР ДАФТАРИ	
Азиз НУР. Юрагимга яқинлашиб тур.	127
ТАҲЛИЛ	
Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ.	
Мангуликка муҳрланган фикрлар.	76
Лутфулла СУВОНОВ. “Товушсизлар қотмасун”.	79
ЖАҲОН АДАБИЁТИ	
Азиз НЕСИН. Ош бўлсин.	143
Светлана БЫКОВА. Сен томонга интилади руҳ-равоним.	150
БУ БЎСТОН САҲНИДА	
Фармон ТОШЕВ. Ул қаноат истагайдир тутқазиб саҳбо менга.	107
БИР ҲАЗАЛ ШАРҲИ	
Манзар АБДУЛҲАЙР. “Ҳаҳдим андоқдур...”.	112
БИР ҲОВУЧ ДУР	
Обиддин МАҲМУДОВ. Тафаккур жилолари.	115
БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ	
Ҳафиза АБДУМАЛИКОВА.	
Ҳабибам, қалбимга чин ганж бер.	154
ГУЛҚАЙЧИ	
Нуруллоҳ ОСТОН.	
Дил қафасда бастадур, бедаво дунёда ишқ. ...	171
BOLALAR DUNYOSI	
Bahrom AKBAROV. Boydan qolgan omonat. Hikoyalar.	158
Адабий ҳаёт.	174

Шарқ юлдузи

2021

11-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиллар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

71231-23-65, 71231-23-66, 71231-23-68

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
24.12.2021

Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади нусха. 11740
Буюртма №41

Эслатма: Журнал пандемия шароитида танаффуслар билан чоп этилганини эътиборга олиб, маълумотлар аниқлигини текшириш учун журналнинг босмаҳонага топширилган санасига қаралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT REBEL” МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусахҳихлар:

Дилфуза Маҳмудова
Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:
Муҳаммадсодиқ Сайфуллаев
Copyright © “Шарқ юлдузи”